

827.222.8-1

И Ш 48

Мултой адабийт
дурдоналари

Саъдий Шерозий

*Маърифат
ёгдуси*

2015/66 - А 4348
Н 821.222.8-1
Ш 48 Сагуней
Шерозуи
Мафуром
1.1.2015-
148000

2015/66 - А

4348

*Мумтоз адабиёт
дурдоналари*

Саъдий Шерозий

***Маърифат
ёздуси***

МАЖБУРИЙ НУСXA

«HILOI-NASHK»
Тошкент
2015

Шарқ мумтоз сўз санъатида панд-насиҳат йўналишини юксак даражага кўтаргани жиҳатидан ахлоқ муаллими сифатида машҳур бўлган забардаст сўз санъаткори, мутафаккир адиб Саъдий Шерозийнинг бой адабий мероси асосида тайёрланган ушбу тўплам унинг газал, таржеъбанд, рубоий ва фардларидан намуналарни, шунингдек, асрлар давомида мактаб-мадрасаларда дарслик сифатида ўқитилган «Бўстон» ва «Гулистон» асарлари ва умумижодидан саралаб олинган кенг дунёқараш, чуқур bilim ва катта ҳаётий фалсафа билан тўйинган, ҳар бири халқ мақоллари каби жарангловчи бадий баркамол ҳикматларини ўз ичига олади.

Тузувчи ва сўзбоши муаллифи:

Эргаш ОЧИЛОВ,

филология фанлари номзоди

Жамоатчилик кенгаши:

Шайх Муҳаммад Содиқ Муҳаммад Юсуф

Муроджон Мансуров

Тоҳир Малик

Эркин Малик

Баҳодир Каримов

Аҳмад Муҳаммад

Ҳасанхон Яҳё Абдулмажид

Ҳусайнхон Яҳё Абдулмажид

Эргаш Очилов

Тақризчи:

Баҳодир Каримов,

филология фанлари доктори

Масъул муҳаррир:

Аҳмад Муҳаммад

Ш48

Саъдий Шерозий

Маърифат ёғдуси – Т: «Hilol-Nashr» 2015. – 472 б.



УЎК 821.512.133-1

КБК 84(0)9

ISBN 978-9943-4449-2-8

© Саъдий Шерозий

© «HILOL-NASHR» нашриёти, 2015.



ҲАЁТ МУАЛЛИМИ

Машхур форс-тожик шоири, адиби ва мутафаккири Муслихиддин Саъдий Шерозий номини эшитмаган, унинг жаҳон сўз санъати дурдоналари қаторидан ўрин олган «Бўстон» ва «Гулистон» асарларидан баҳраманд бўлмаган адабиёт мухлиси топилмаса керак. Шарқ халқлари орасида Шайх Саъдий номи билан шуҳрат қозонган бу донишманд инсон 1203 йили Шероз шаҳрида туғилган. Отаси Шероз отабеги Саъд ибн Занжийнинг мулозимларидан бўлган. Лекин бўлажак шоир ўн-ўн бир ёшларида отадан етим қолади.

Сарой томонидан нафақа тайинланган бўлса-да, оиланинг моддий аҳволи оғир эди. Майда савдогарлик билан шуғулланган акасининг ҳам бозори тезда касод бўлади. Шунга қарамай, билимга чанқоқ Муслихиддин бошланғич маълумотни туғилган шаҳри Шерозда олгач, таҳсилни давом эттириш учун халифалик пойтахти, ўша даврнинг энг йирик илм ва маданият маркази бўлган Бағдодга боради. Донгдор Низомия ва Мустансирия мадрасаларида калом, фикҳ, тафсир илмлари, араб тилининг сарфу наҳви, араб ва форс адабиёти, Шарқ фалсафаси, тарих, мантиқ, тиб ҳамда бошқа фанларни ўрганади. Таниқли тасаввуф олими ва файласуф адиб Шаҳобиддин Сухравардий ҳамда йирик илоҳиёт алломаси Абул Фароҳ Абдурахмон ибн Жавзий кўлида таҳсил олади.

Ўн биринчи асрда салжукий султонлардан бир нечасига вазирлик қилган машхур давлат ва жамоат арбоби Низомулмулк асос солган Низомия мадрасаси олти минг талабани ўз бағрига олса, Мустансирия мадрасаси кутубхонасида етмиш минг жилддан ортиқ китоб бўлган. Бу икки улкан мадрасанинг мусулмон Шаркидаги нуфузини шундан ҳам билса бўлади. Талабалар орасида айниқса забардаст араб шоири Муганаббий шеърларига кизиқиш кучли эди. Бу мутолаалар кейинчалик Саъдий ижодига кучли таъсир кўрсатди. У бу ердаги илмий-адабий давраларда фаол иштирок этиб, билимининг кенг ва чуқурлиги, далилларининг ўткир ва асослилиги, воизлик иқтидори туфайли ҳаммининг эътиборини ўзига жалб қилар ва баҳсу мунозараларда ҳамиша ғолиб чиқар эди.

Мадрасани тугатган Саъдий олган билимларини амалиётга қўллаш ўрнига Шарк мамлакатлари бўйлаб узок йиллик саёҳатга отланади. Буни икки сабаб билан асослаш мумкин: биринчиси – шоирнинг саёҳатга ўчлиги, иккинчиси – мўғуллар тасарруфидаги улкан ҳудудда илму ижод учун осойишта шарт-шароитнинг йўқлиги. У гоҳ олим ва воиз, гоҳ сўфий ва дарвеш суратида Эрон, Арабистон, Кичик Осиё, Миср, Хуросон, Шаркий Туркистон каби мамлакатларни баъзида от-эшак, баъзан эса пойи пиёда кезиб чиқади. Бу саёҳатлар йигирма йилдан ортиқ давом этган. Саёҳат даврида Саъдийга карвонни карокчилардан ҳимоя қилиб, муҳорабага киришига ҳам, турли жойлардаги мадраса ва қозихоналарда ваъз ўқишига ҳам, шайху сўфийлар билан мувоҳаса қилишига ҳам тўғри келган.

У Ҳиндистонда ҳам бўлиб, бир муддат бутхонада истикомат қилган, салибчиларга асир тушиб, уларнинг қалъаларни тузатиш ишларида қатнашишга мажбур бўлган. Бу саёҳатлар давомида Саъдий ҳаёт илмини чуқур ўрганиб, инсон феъл-ни бутун мураккаблиги билан англаб, ўз даврининг кўпни кўрган донишманд кишиси бўлиб етишади. XIII асрнинг ўр-

таларида Шерозга қайтиб келган шоир дунё ташвишларидан ўзини четга олиб, шаҳар чеккасидаги шайх Абу Абдуллох Ҳафиф хонақохида фақирона ҳаёт кечиради ва 1292 йили вафот этади. У дафн этилган боғ ва макбара шеърият ихлосмандларининг муқаддас зиёратгоҳларидан бири бўлиб, ундан кеча-кундуз шоир мухлисларининг қадами аримайди.

Барча машҳур кишилар каби Саъдийнинг ҳаёти ҳам афсона ва ривоятларга кўмилиб кетган. Чунончи, турли манбаларда шоирнинг Шарқ мамлакатлари бўйлаб саёҳати йигирма йилдан эллик йилгача давом этгани нақл қилинади. Ёки у жуда узок – 102, 108, ҳатто 120 йил умр кўргани айтилади. Гўё у ўз умрини уч қисмга тақсим қилиб, ўттиз йилини илм таҳсили, ўттиз йилини саёҳат, ўттиз йилини ижодга бағишлаган эмиш (Баъзи манбаларда ўттиз ўрнига, қирқ рақами тилга олинади). Бу тахминларнинг барчаси Саъдийнинг таржимаи ҳоли ҳақида старли маълумот сақланиб қолмаганидан. Шунинг учун ҳам шоир ижодининг тадқиқотчилари унинг таржимаи ҳолини асарлари асосида тиклашга ҳаракат қилганлар. Жумладан, «Бўстон» ва «Гулистон» асарларидаги баъзи ҳикоятлардан келиб чиқиб, унинг ёмон хотинга учрагани, ундан бир ўғил кўриб, Яманда бўлган вақтида ёлғиз жигарбанди ҳам вафот этгани хусусида маълумот беришади.

Бу ҳақда «Гулистон»да шундай ҳикоят келтирилади: «Дамашқдаги дўстларимнинг суҳбати жонимга тегиб, шаҳардан бош олиб, Қуддуси шариф биёбонига жўнадим-да, ҳайвонлар билан улфатлашиб, то фаранглар кўлига асир тушгунимча ўша ерда яшадим. Мени яҳудийлар билан бирга кўшиб, Тароблис хандакини қазिशга олиб бориб ишлатдилар. Ҳалаблик сардорлардан бири мен билан ошна эди, ёнимиздан ўта туриб, мени таниб қолди-да, хитоб қилди: «Ие, бу қандай ҳол?» Мен унга: «Нима ҳам дейман?» деб жавоб бердим.

Ахволимга ачиниб, ўн динор тўлаб, асирликдан халос этди ва ўзи билан Ҳалабга олиб кетди. У ерда юз динорлик

калин пули билан кизини менга никоҳлаб берди. Орадан сал вақт ўтгач билсам, кизи бадфёъл, шаллақи ва ўжар экан, тилини заҳар қилиб, жонимдан безор эта бошлади. Охири бир кун башарамга тик боқиб, таъна-маломатлар билан деди: «Сен отам ўн динор баробарига фаранглардан халос этган одам эмасмисан?» Мен жавоб бердим: «Ҳа, отанг ўн динор баробарига фаранглардан озод этиб, юз динор баробарига чангалингга топширган одам мен бўламан!»¹

«Бўстон»нинг шоир ҳаёти тафсилотларига бағишланган қисмида эса қуйидаги ишорага дуч келамиз:

Ба Санъо дурам, тифле андар гузашт,
Чи гўям к-аз онам, чи бар сар гузашт².

Мазмуни: «Санъода мусофирлигимда болам дунёдан ўтди. Бошимдан кечган ҳодисаларнинг қай бирини айтай?»

Мўғуллар истилосидан ташқари, Европа мамлакатларининг Шарққа уюштирган салиб юришлари ҳам Саъдий даврига тўғри келади. Бу ҳодисалар шоир яшаган замоннинг қанчалик мураккаб ва оғир бўлганини кўрсатади. Унинг саёхатлари чўзилиши, хусусан, Арабистонда кўпроқ қолиб кетиши ўз юртидаги худди шу нотинчлик, илму ижод учун шарт-шароитнинг йўқлигидан бўлса керак.

Форс-тожик адабиётида Саъдийнинг мақоми жуда юксак. Хусусан, бой ҳаётий тажриба асосида яратган «Бўстон» (1257) ва «Гулистон» (1258) асарлари унга оламшумул шуҳрат келтирди.

«Бўстон» ўн қисмдан иборат бўлиб, унинг таркибий тузилиши қуйидагича: ҳамд; наът; китобнинг ёзилиш сабаби;

¹ Саъдий. Гулистон (форсчадан шеърларини Гафур Ғулом билан Шоислом Шомухамедов, наср қисмини Рустам Комилов таржима қилган). – Тошкент, 1968. 80–81-бетлар.

² Куллиёти Саъдий (Мутобик бо нусхаи тасҳехи шуда Мухаммадали Фурӯғий). Чопи севвўм. – Техрон, 1380 (ҳижрий-шамсий). С. 386.

Абу Бакр ибн Саъд ибн Занжий мадҳи; Саъд бин Абу Бакр бин Саъд мадҳи; биринчи боб – одиллигу тадбиру андиша зикрида; иккинчи боб – эҳсон зикрида; учинчи боб – ишқу ошиқлигу мастлик зикрида; тўртинчи боб – тавозе зикрида; бешинчи боб – ризо зикрида; олтинчи боб – қаноат зикрида; еттинчи боб – тарбият олами зикрида; саккизинчи боб – шукру омонлик зикрида; тўққизинчи боб – тавба ва савоб йўли зикрида; ўнинчи боб – муножот ва китоб хотимаси зикрида.

«Бўстон» китобийликдан узоқ бўлиб, у бевосита қайноқ ижтимоий-сиёсий ҳаётдан, жонли халқ тилидан сув ичган, озиқланган ва шунинг учун ҳам жамиятнинг ҳамма табақаларига тушунарли бўлган»¹.

«Гулистон» саккиз бобдан иборат бўлиб, унинг таркибий тузилиши қуйидагича: дебоча; биринчи боб – подшоҳлар сийрати зикрида; иккинчи боб – дарвешлар ахлоқи зикрида; учинчи боб – қаноат фазилати зикрида; тўртинчи боб – сукут саклашнинг фойдалари зикрида; бешинчи боб – ишқ ва ёшлик зикрида; олтинчи боб – қарилик ва заифлик зикрида; еттинчи боб – тарбият таъсири зикрида; саккизинчи боб – суҳбат одоби зикрида.

«Гулистон» – форс-тожик дидактик адабиётининг чўққиси ҳисобланади. У «панду насиҳат ва одоб-ахлоқ китоби сифатида шуҳрат қозонган... Умрининг кўп қисмини саёҳатларда ўтказган, кўп халқлар, миллату элатлар ҳаётини кузатган, турли табақа кишилари билан мулоқотда бўлган Саъдий кўрган-кечирганларини, ҳаётий тажрибасини умумлаштириб, уларни юксак бадий шаклда, қисқа-қисқа, аммо ғоят ширали, таъсирчан мусажжаъ насрий жумлалар ва шеърый байтлар билан зийнатлаб, ўзига хос ҳикоятлар тўпламини яратган. Уларда донишманд бир ҳаким инсоннинг заковати, насиҳатлари ҳам, енгил ҳазил-мутойибаси, лутфу

¹ Ҳайитметов А. «Бўстон» ва ўзбек адабиёти // Шайх Саъдий ва ўзбек адабиёти. – Тоҳрон -Тошкент, 2004. 42-бет.

нуктадонлиги ҳам, ҳис-туйғуларга лиммо-лим шоирона маҳорати ҳам мужассам. Шу сабабли ҳар хил тоифадаги, турли таъбли одамлар «Гулистон»дан баҳра ола биладилар»¹.

Саъдийни ғазал жанрининг кашшофи ва устоди сифатида ҳам улуғлашади, чунки унгача форсий шеърининг ғазал жанрлари қасида, достон, маснавий, қитъа ва рубоий эди. Рудакӣ, Саноеӣ, Ҳоконий, Жамолӣддин ва Камолӣддин Исфаҳонийлар кўплаб ғазаллар ёзган бўлсалар-да, улар қасида ва қитъа характериға эға бўлиб, ўзаро мустақил алоҳида байтлардан ғазал яратиш анъанасини Саъдий бошлаб берди. У ғазалчиликдаги ўзигача олиб борилган изланиш ва тажрибаларни ривожлантириб, ғазални такомилға етказди. Кейин Хусрав Дехлавий, Ҳасан Дехлавий, Хожу Кирмоний каби забардаст шоирлар уни янада тараккий эттириб, Ҳофиз Шерозийға етказдилар, Ҳофиз эса уни юксак чўқкиға олиб чиқди. Саъдий ғазаллари тўрт девондан иборат бўлиб, улар «Таййибот» («Латиф ғазаллар»), «Бадоеъ» («Янги ғазаллар»), «Хавотим» («Хотима ғазаллар») ва «Ғазалиёти қадим» («Эски ғазаллар»)дан иборат.

Саъдий икки тилда ёзиладиган шеър тури – муламмаъ (ширу шакар)нинг ҳам асосчиси ҳисобланади. Араб тилини яхши билганидан у арабча мисра ва байтларни форсий билан уйғунлаштириб, ушбу шаклни ихтиро қилган. Кейинчалик форсий-туркий ибора ва мисралар воситасида шуру шакар ёзиш анъанаси пайдо бўлди.

Саъдий таржеъбанд жанрини ҳам ривожлантириб, баланд пояға кўтарди. Ундан кейин ўтган шоирлар, ҳатто Ҳофиз ва Жомий каби шеър устодлари ҳам бу борада унга эргашдилар.

Саъдий форс-тожик бадиий насрининг ҳам асосчиси ҳисобланади. Унга-ча факат мактублар, ҳужжатлар, илмий ва тасаввуфий асарлар, адабий характердаги тарихий лавҳа-

¹ Комилов Н. Ҳикматлар хазинаси. Сўзбоши // Саъдий Шерозий. Гулистон. Форсийдан Муҳаммадризо Отаҳий таржимаси (нашрга тайёрловчи Субутой Долимов). – Тошкент, 1993. 3–4-бетлар.

ларгина насрда ёзилган. Бундан ташқари, шоирнинг ҳаёт ва инсон ҳақидаги фикрларининг қаймоғини ўзида жамлаган «Соҳибия» асари, арабча ва форсча қасидалари, китъа, рубоий ва фардлари ҳам машҳур.

Саъдий Шерозийнинг Эронда Муҳаммадали Фурўғий томонидан тартиб берилган куллиёти ўн саккиз қисмдан иборат: 1. «Гулистон». 2. «Бўстон». 3. Ғазалиёт (ғазаллар). 4. Таржеъот (таржеъбандлар). 5. Қитъаот (қитъалар). 6. Рубоийёт (рубойлар). 7. Мулҳақот (пайваста шеърлар). 8. Муфрадот (фардлар). 9. Мавоиз (панд-насихатлар). 10. Маросий (марсиялар). 11. Қасоиди арабий (арабча қасидалар). 12. Ғазалиёти муштамил бар панду насихат (панд-насихат мавзудаги ғазаллар). 13. Мусалласот (мусалласлар – ҳар банди уч мисрадан иборат шеър тури: дастлабки икки мисраси ўзаро қофиядош бўлиб, учинчи мисра кейинги бандларнинг охириги мисраси билан ҳамқофия бўлади). 14. Қитъаот. 15. Рубоийёт дар ахлоку мавъиза (ахлоқ ва панд-насихат мавзудаги рубойлар). 16. Маснавиёт (маснавийлар). 17. Муфрадот. 18. Расойили наср (насрий рисоалар)¹.

Саъдийга қадар алифбо асосида девон тартиб бериш анъанаси бўлмаган. Саъдий ҳам девонини алифбо асосида тартибга солмаган. Бу ишни шоир вафотидан кейин – 1326 йили Бесутун таҳаллусли Али ибн Аҳмад ибн Абу Бакр деган киши амалга оширган. Шундан сўнг барча шоирлар шеърларини уларнинг охириги ҳарфи бўйича тартибга сола бошладилар.

Бир умр халқ ичида яшагани, ҳаётнинг бутун аччиқ-чучугини тотгани учун ҳам Саъдий асарлари бошқа Шарқ шоирлариникидан ҳайратланарли даражада ҳаётийлиги билан алоҳида ажралиб туради. Уни Шарқ адабиётшунослари вуқуъғўй, яъни ҳаётни бор бўйича тасвирлайдиган адиб дейишади. Ҳозирги термин билан ифодалаганда, бу реалист ёзувчи дегани бўлади. «Бўстон» ва «Гулистон» ҳаётий хи-

¹ Қаранг: Куллиёти Саъдий. – Техрон, 1380 (хижрий-шамсий).

коятлардан ташкил топгани, донишманд шоирнинг бу хикоятлар сўнгида қиссадан ҳисса тарзида келтирган шеърлари реал турмушдан чиқарилган хулосалар экани билан ҳам жаҳон илму адаб аҳлини бирдай ўзига тортиб келмоқда.

«Гулистон»га эргашиб кўплаб асарлар ёзилган, лекин улардан фақат учтаси: Абдурахмон Жомийнинг «Баҳористон»и, Мажидиддин Хавофийнинг «Хористон»и, Ҳабиб Қоонийнинг «Паришон»и шуҳрат қозонган.

Саъдий ҳам китоблар, ҳам одамлардан бир умр таълим олди – Шарқ мамлакатлари бўйлаб узоқ йиллик саёҳатлари уни дунёда кўпни кўрган, катта ҳаётий тажриба тўплаган, ўз даврининг барча илмларини эгаллаган донишманд кишига айлантирди. Бу ҳақда унинг ўзи «Бўстон» муқаддимасида ёзади:

Дар аксои олам бигаштам басе,
Басар бурдам айём бо ҳар касе.
Таматгўъ ба ҳар гўшае ёфтам,
Зи ҳар хирмане хўшае ёфтам¹.

Мазмуни: «Дунёнинг энг чекка жойларигача сафар қилдим, турли тоифадаги одамлар билан ҳамсуҳбат бўлдим. Ҳар гўшадан бир манфаат топдим, ҳар хирмондан бир бошоқ олдим».

Ўн тўққизинчи асрда яшаган таникли турк танкидчиси Зиёпошо «Харобот» асарида Фирдавсий ва Саъдийни ўзаро киёслаб, жумладан шундай деган эди: «... Фирдавсий «Шоҳнома»ни вужудга келтириш учун ўттиз йил машаққат тортди. Ҳақиқатан ҳам ўлмас бир асар яратди. Қуёш чиқишини бир юз йигирма ерда бир-бирига ўхшамайдиган бир юз йигирма хил ранг билан тасвир қилган. Аммо шунга карамай, «Шоҳнома» оммага Саъдийнинг «Бўстон»и берган фойда-

¹ Ўша ерда. 193-бет.

ни бера олмайди. Саъдий «Бўстон»да дунёни, яшаб турган дунёни тасвирлаган. Агар бадий ижоддан мақсад оммага фойда етказиш бўлса, «Бўстон»нинг ҳар бир сўзи топилмас бир дур, бир гавҳардир ва ҳар бир байти бир хазина»¹.

Шу тарика, у бадий асар тўғрисида оммага манфаати тегиши ва ифода тарзининг очиклиги нуктаи назаридан муҳокама юритиб, Саъдийни форс-тожик мумтоз шоирларининг барчасидан афзал қўяди.

Садриддин Айний ҳам Саъдийнинг «асарларидан ақлга сиғмайдиган, ўхшаши тириклик оламида бўлмаган ёки бўлиб ўтмаган бирор нарсани тополмайсиз»², деб лутф этган эди. У шоир ижодини текшириш давомида: «Саъдий, шубҳасиз, форс-тожик классик адабиётининг жуда улуғ сиймоларидан бўлиб, бунақаси бўлмаган»³, деган хулосага келади. Дарҳақиқат, мумтоз форс-тожик адабиётида бирор-бир адиб ижоди Саъдий асарларичалик ҳаётийлиги билан ажралиб турмайди. У илҳомни, мавзуни, мазмунни, сўз ва образли ибораларни халқдан олиб, халққа қайтарди – шоир асарларининг халқчил асоси шунда.

Абдурахмон Жомий «Баҳористон» асарида эътироф этишича, Саъдийнинг «сўзлари ҳамма тоифаларга маъқул тушди. Унинг ҳақида бир шоир қуйидаги мисраларни ёзмиш ва ҳақиқатан инсоф гавҳарини тизмиш:

Шеър оламида пайғомчи учта,
Гарчандки, «ло набия баъдий»⁴.
Достону қасидаю ғазалда
Фирдавсию Анварию Саъдий»⁵.

¹ Кўчирма қуйидаги китобдан олинди: С а д р и д д и н А й н и й. Асарлар. 8-жилд. – Тошкент, 1967. 145-бет.

² Ўша ерда. 173-бет.

³ Ўша ерда. 143-бет.

⁴ Л о н а б и я б а ь д и й – Бундан (яъни Муҳаммаддан) сўнг пайгамбар чикмайди.

⁵ А б д у р а х м о н Ж о м и й. Баҳористон. – Тошкент, 1997. 86-бет.

Эрон адабиётшуноси Али Даштий шундай лутф этади: «Саъдий китоби тоабод форс тилининг ўлчови бўлиб қолади: ҳар сўзки, унга тўғри келса – тўғри, ҳар сўзки, унга тўғри келмаса – ногўғридир»¹.

Саъдийшунос Муҳаммадали Фурўғийнинг ёзишича: «...форс адабиёти тўрт устунга суянади, булар – Фирдавсий «Шоҳнома»си, Шайх Саъдийнинг

«Куллиёт»и, Мавлавийнинг² «Маснавий»си ва Хожа Ҳофизнинг «Девон»и»³.

Саъдий ўзидан кейинги форс-тожик адабиётига энг кучли таъсир кўрсатган забардаст сўз санъаткоридир. «Умуман, бутун Шарқда Саъдий номи жуда кўп тилга олинди туради. Шоирлар, файласуфлар ва олимларгина эмас, оддий халқ намояндалари ҳам ўз фикрларининг тўғрилигини исботлаш учун бу сўз устодининг ажойиб асарларидан далил келтирадилар. Доно шоирнинг пурҳикмат жумлалари саккиз асрдан бери мажлисларга, кишилар нутқига оро бериб, онгига таъсир кўрсатиб келмоқда»⁴.

Халқ ҳаётини яхши билган Саъдий кўплаб халқ мақоламаталлари, образли ибораларини асарларига олиб қиради. Ўз навбатида, бу донишманд инсоннинг ўзи ҳам кўплаб ҳикматлар ижод этганки, улар халқ оғзаки ижоди таркибига сингиб кетган: улардан қайси бири халққа тегишли-ю, қайси бири Саъдийдан ўзлаштирилганини ажратиб бўлмайди:

Кимки бефойда умрин ўтказди,
Ҳеч нарса олмасдан олтин кетказди.

¹ Кўчирма қуйидаги китобдан олинди: Ш о м у х а м е д о в Ш. Форс-тожик адабиёти классиклари ижодида гуманизм. – Тошкент, 1968. 330-331-бетлар.

² М а в л а в и й – Мавлоно Жалолиддин Румий.

³ Кўчирма қуйидаги китобдан олинди: Ш о м у х а м е д о в Ш. Саъдий Шерозий. – Тошкент, 1964. 83-бет.

⁴ Ш о м у х а м е д о в Ш. Форс-тожик адабиёти классиклари ижодида гуманизм. 359-бет.

* * *

Севинма душманим олмиш деб ажал,
Бир куни сенга ҳам гал келади, гал.

* * *

Бирлашса чумоли иттифоқ бўлиб,
Арслон терисини олажак шилиб¹.
(Ш. Шомухамедов таржимаси)

Саъдийни ҳаёт муаллими дейдилар. Чунки шоирнинг панду насиҳатлари, мақол ва ҳикматга айланиб кетган чуқур мазмунли фикрлари, фалсафий хулосалари ҳаётий: у дунё кезиб, ҳаётни ҳар томонлама ўрганиб, инсон умрининг моҳияти, феъл-атворининг турфа кирраларини узок йиллар мобайнида теран нигоҳ билан кузатиб, оҳорли ва чуқур мазмунли бадий умумлашмалар қилади – уларнинг халқ мақолларидай, ҳикматли сўзлардай жаранглашининг сабаби шунда:

То мард сухан нагуфта бошад,
Айбу хунараш нухуфта бошад.
Ҳар беша гумон мабар, ки холист,
Шояд, ки паланг хуфта бошад!²

Мазмуни: «То киши сўзга оғиз очмай туриб, унинг нуқсон-ю фазилатини билиб бўлмайди. Шунга ўхшаб, тўқайни сокин кўриб, уни тинч деб ўйлама, ажаб эмаски, бир овлоқда йўлбарс ухлаб ётган бўлса!»

Ёки:

Гурбаи мискин агар пар дошти,
Тухми гунжишк аз жаҳон бардошти.
Ин ду шохи гов агар хар дошти,
Ҳеч касро пеши худ нагзошти.

¹ Саъдий Шерозий шеърятидан. – Тошкент, 1976. 117; 153; 158-бетлар.

² Саъдий Шерозий. Гулистон. – Душанбе, 1988. С. 32.

Мазмуни: «Бечора мушукнинг агар қаноти бўлса, дунёда чумчуқнинг уруғини қуритар, ҳўкиздаги икки шох эшакда бўлганида ҳеч кимни яқинига йўлатмас эди».

Панд-насихат, ҳикмат Саъдий асарларининг қат-қатига сингиб кетган. У ҳаётини воқеа-ҳодисаларни турли шаклларда ифодалаб, кўрган-кечирганлари юзасидан хулоса чиқаради ва кишиларни инсоний камолотга даъват этади, умр йўлларида қоқилмаслик, адашмасликка, ўткинчи ҳаётнинг қадрига етишга, бир-бирини авайлашга чақиради, ҳалол меҳнат қилиб, осойишта яшашнинг аҳамиятини тушунтиради, илму ҳунарнинг афзалликларини уқтиради.

Ҳеч нарса ҳаётнинг ўрнини босолмагани сингари, ҳаёт ҳаққониятига асосланган асарларнинг умри ҳам боқий бўлади. Айни жиҳатдан шоир шеърларининг ҳар бир ҳужайрасидан ҳаёт нафаси уфуриб туради. Бу шеърларнинг қон томири турмушнинг қайноқ вужудига уланган.

Ҳаётнинг ўзи устозлик қилган киши чинакам донишманд бўлади. Чунки ҳаёт сабоқлари ҳамиша жонли ва аниқ бўлади. Бунинг устига, ҳаёт деган устознинг дунёнинг жилд-жилд китобларига кирмай қолган усул ва тажрибалари ҳам кўп. Йиллар давомида жилд-жилд китоблардан ололмаган сабоғингни ҳаёт бир лаҳзада миянгга жойлаб қўйиши мумкин. Китобий илмлар хотирадан ўчиб кетиши мумкин, лекин ҳаёт сабоқлари сира эсдан чиқмайди. Саъдий ҳикматлари ҳаётдан олингани учун ҳам асрлар давомида ўз кимматини йўқотмай келяпти ва то ер юзида инсон авлоди яшар экан, уларнинг аҳамияти заррача камаймайди, билъакс, ортиб бораверади. Зеро, инсоннинг табиий ва маънавий интилишлари ҳамма даврлар ва жамиятларда ҳам деярли бир хилдир.

Бу шеърлар ўз замонининг барча илмларини эгаллаган аллома, дунё кезган донишманд, олам ва одам моҳияти устида бир умр тафаккур юритган мутафаккирнинг ўй-фикр-

лари, фалсафий умумлашмалари, ҳаётий хулосаларидир. Дунёни мукамал, ҳаётни тўқис, инсонни баркамол кўришни истаган бани башар тақдири учун масъул зотнинг орзу-армонлари, умид-изтиробларидир.

Дунёни улкан бир бозор сифатида тасаввур килсак, Саъдий унинг ўртасида туриб инсониятга ҳикмат улашаётган буюк донишмандга ўхшайди. Лекин панд-насихат иқлимининг Ҳогами Тойи бўлган бу саховатли инсон ўз ҳикматларини текинга улашади. Текин нарсанинг кадри йўқ, деганларидек, бу ҳар бири гавҳарга тенг ҳикматларни олган ютади, олмаган ютқазади. Зеро, шоир ҳикматлари тириклик аталган на охири, на боши маълум бу йўлда бани башар йўлидаги манзилларни кўрсатувчи йўлкўрсаткичлардир. Ўткинчи дунё зулматидан абадий ҳаёт саҳнасига олиб чиқадиган йўлчи юлдузлардир.

Саъдий асарларини бир нонга ўхшатсак, унинг дони дунё экинзорларидан битта-битталаб терилган, ранжу машаққат тегирмонида янчилиб, меҳру муҳаббат сувига қорилган, қайноқ қалб тандирида пишиб, хайру саховат дастурхонига тортилган, дейиш мумкин. Бу нондан бир бурда еган кишининг ақли тўлишади, кўзи очилади, дунё сирини, ҳаёт моҳиятини, умрнинг мазмунини англай бошлайди.

Инсон аслида бу тубан дунё, тескари айланувчи фалак, мураккаб ҳаёт, букаламун қисмат олдида кўзи юмук гўдакка ўхшайди. Олам ва одам моҳиятини англаб етган мутафаккир шоир шунинг учун ҳам инсоннинг кўзини очишни хоҳлайди – унинг теграсидаги одамлар, ҳаёт ва дунёнинг асл киёфасини кўрсатишга ҳаракат қилади. Ўзи дунё кезиб топган тўғри йўлни бошқаларга ҳам кўрсатгиси келади. У одамларнинг ортиқ адашиши, хато қилиши, умрини беҳуда ўтказиши, ғафлатда яшашини истамайди. Унинг бу қадар кўп панд-насихат айтишининг сабаби шунда. Зеро, кўзининг очилиши учун ҳамманинг ҳам боши деворга урили-

ши шарт эмас, бошқаларнинг хатоларидан сабоқ чиқариш ҳам мумкин. Афсуски, хом сут ичган банда бошқаларнинг тақдиридан ибрат олмайди, аждодлар ўғитига амал қилмайди, ҳамма нарсани ўзи кўргиси, ўз бошидан кечиргиси келади. Шунинг учун ҳам ҳар бир авлод ҳаммасини бошидан бошлайди. Шунинг учун ҳам тарих хатолар силсиласидан иборат. То инсон ўтган-кетганга ибрат назари билан боқмас экан, бу адашишлар қиёматга қадар давом этади.

Саъдий асарларининг тили содда, услуби лўнда, халқона сўзлар ва образли ифодаларга бой, ташбеҳу тимсоллари ҳаётий, шеърый санъатларни маҳорат билан қўллайди. Шаклан гўзал, мазмунан теран, бадий юксак бу асарларга ўхшатиб ёзишга уринганлар кўп, лекин ҳеч ким Саъдий даражасига кўтарила олмаган. Шунинг учун ҳам форс-тожик адабиётшунослари унинг услубини «сахли мумтанеъ», яъни «осон-у, имкони йўқ» деб таърифлашган.

«Гулистон» XVII асрнинг биринчи ярмидаёқ Европа тилларига таржима қилиниб, тарқала бошлаган. У илк бор француз дипломати Андре Риё томонидан француз тилига ўгирилиб, 1634 йили Парижда нашр этилган. Бу таржима жуда эркин бажарилган ва мукамал бўлмаса-да, кўпчиликнинг эътиборини тортади. 1635 йили асар французчадан немис тилига таржима қилинган. Шундан кейин бошқа ғарб тиллари, шунингдек, рус тилига ҳам ўгирилган. Рус тилида «Гулистон» (1957, 1959) ва «Бўстон» (1963) асарларининг мукамал таржималари босилиб чиққан.

«Саъдий ёлғиз Эрон эмас, балки Осиёнинг, Африконинг ҳамма ерида ҳурматли бир файласуфдир. Унинг тарзи баённинг тароватини ва ифодасининг қимматини Оврupo илму адаб аҳли ҳам кўпдан бери тан олганлар»¹, деб ёзади машҳур мажор олими Ҳерман Вамбери. Буюк немис шоири ва мутафаккири И.В.Ҳёте Саъдийни «жуда маҳсулдор

¹ Кўчирма куйидаги манбадан олинди: К о м и л о в Н. Ҳикматлар хазинаси. 3-бет.

ва файзли», «хаёт тажрибаси билан бойиган жуда яхши шоир» деб ҳисоблаган.

Машҳур француз файласуфи ва адиби Вольтер «Гулистон»дан хабардор бўлган ва баъзи шеърларида ундан фойдаланган. Таниқли француз масалчиси Лафонтен ҳам «Гулистон»даги хикоят ва нақллардан ўз масалларида истифода этган¹. Улуғ рус шоири А. С. Пушкин: «Саъдий ва Ҳофиз асарларининг пинҳоний асрорига етгунимча шеърларимда қувончбахш жиҳатлар ва ҳаётдўстлик кам учрарди»², деган эди.

Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Тинчлик Кенгаши биноси пештокига «Гулистон»дан олинган қуйидаги мисраларнинг дарж этилгани ҳам Саъдийнинг инсоният шоирига айланиб кетганидан далолат беради:

Бани одам аъзои як пайкаранд,
Ки дар офариниш зи як гавҳаранд.
Чу узве ба дард оварад рўзгор,
Дигар узвхоро намонад қарор³.

Мазмуни: «Одам болалари ибтидода бир гавҳардан бино бўлганлари туфайли яхлит бир вужуд аъзолари кабидирлар. Бинобарин, замон унинг бир аъзосига жароҳат етказса, бошқа аъзолари ҳам ўз тинчини йўқотади».


1958 йили Бутун Жаҳон Тинчлик Қўмитасининг қарори билан «Гулистон»нинг 700 йиллиги жаҳон микёсида кенг тантана қилинган.

Саъдий асарлари қадимдан ўзбек халқи орасида ҳам машҳур. «Бўстон» ва «Гулистон» асарлари мадрасаларда

¹ Бу ҳақда қаранг: Ш о м у х а м е д о в Ш. Саъдий Шерозий. 83-84-бетлар.

² Кўчирма қуйидаги манбадан олинди: Ш о м у х а м е д о в Ш. Ишк куйчиси. Сўзбоши // Ҳофиз Шерозий шеърятидан. – Тошкент, 1985. 6-бет.

³ Саъдий Шерозий. Гулистон. С. 41.



асосий дарслик сифатида ўқитилиб келган. Мумтоз шоирларимиз бу улуғ сўз санъаткоридан ўрганганлар, таъсирланганлар. Алишер Навоийнинг «Махбубул-кулуб», Хожанинг «Гулзор», Абдулла Авлонийнинг «Туркий «Гулистон» ёхуд ахлоқ» асарлари бевосита Саъдий «Гулистон»и таъсирида яратилган. «Девони Фоний»да Саъдий ғазалига 22 та татаббу, унинг таврида тўртта ғазал мавжуд. Чунончи, Навоийнинг Саъдий ғазалига ёзган бир татаббусида ўқиймиз:

Фоний, ба раҳи Саъдий агар зад кадаме чанд,
Бо ў суханаш бин, ки чу ширу шакар афтод¹.

Мазмуни: «Фоний Саъдий йўлида бир неча кадам ургани учун ҳам сўзлари суг ва шакар қўшилганидек ширин бўлди».

Албатта, тасаввуф адабиёти намояндаси сифатида Саъдий сўфиёна шеърлар ҳам ёзган («Гулистон»нинг иккинчи бобида шоир болалигида отаси билан сўфийлар мажлисида бўлгани тўғрисида ҳикоя қилади). Лекин уларда ҳам, Навоий таъбири билан айтганда, ҳақиқий ва мажозий муҳаббатни маҳорат билан омукта қилиб юборган². «Насойимул-муҳаббат» тазкирасида келтирилишича, Саъдий Шерозийга Хизр назар қилган. Машҳур тариқат пири Низомиддин Авлиёга қўл бериб, унинг раҳбарлигида риёзат боскичларини босиб ўтаётган Амир Хусрав Дехлавий бир кеча тушида Хизр алайҳиссаломни кўриб, ундан ўз оғзига муборак тупугини солиб қўйишини ўгинади. Лекин Хизр айтадики: «Бу давлат сендан аввал Саъдийга муяссар бўлди!»³

¹ Алишер Навоий. Мукамал асарлар тўплами. 18-жилд (Девони Фоний). – Тошкент, 2002. 430-бет.

² Бу ҳақда қаранг: Алишер Навоий. Мукамал асарлар тўплами. 14-жилд. – Тошкент, 1998. 25-бет.

³ Алишер Навоий. Мукамал асарлар тўплами. Йигирма жилдли. 17-жилд. – Тошкент, 2001. 471-бет.

Мўътабар зотлардан бирининг тушига Муҳаммад алай-хиссалом кириб, Саъдий билан баҳслашгани учун унга тан-бех берган. Уни тан олмайдиган бир улуғ киши кечаси туш кўрса, осмон эшиклари очилиб, қўлида нур табақлари билан фаришталар чикиб келишади. Унинг: «Бу не нурдир?» деган сўроғига: «Бир байти Аллоҳ таолога мақбул тушган Шайх Саъдий учундир!» деб жавоб беришади. Мана ўша байт:

Барги дарахтони сабз дар назари ҳушъёр,
Ҳар варақи дафтарест маърифати Кирдигор.

Мазмуни: «Ҳушъёр киши наздида яшил дарахтларнинг ҳар бир япроғи Яратувчи маърифати дафтарининг бир варағидир»¹.

Маълумки, наср ва назм аралаш халқона услубда ёзилгани, ривоят, нақл, ҳикматга бойлиги билан катта шуҳрат қозонган «Гулистон» асари ўзбек тилига бир неча марта таржима қилинган. Бу асарни биринчи марта 1390–1391 йилларда XIV аср ўзбек адабиётининг йирик намояндalarидан бири Сайфи Саройи «Гулистон бит-туркий» номи билан Мисрда таржима қилган.

Сайфи Саройи дўстлари ва маслақдошларининг даъватига кўра, «Гулис-тон»ни ўзбек тилининг қипчоқ шева-сида ўгиради. У асарнинг аслини айтарли сақлаб қолган, айни пайтда, аслиятдан бир қадар чекинган. Бу давр омили билан ҳам боғлиқ: ўрта асрларда таржимага бирмунча эркин ёндашилган – таржимоннинг асарни қисқартириш, ўзгартириш, ҳатто унга қўшимча қилиши мумкин бўлган. Сайфи Саройи ҳам таржима жараёнида «Гулистон»даги айрим парчаларни тушириб қолдиради, баъзи шеърларни ижодий қайта ишлайди, ўзининг ва замондош шоирларнинг баъзи шеърларини киритади, айримларини таржима қилмай, ўзича қолдиради. Шунга қарамай, таржима

¹ Ўша ерда. 462-бет.

муваффақиятли чикқан ҳамда асрлар мобайнида туркий халқларни Саъдий ижоди билан таништириш ва донишманд шоирнинг маънавий-ахлоқий қарашларини тарғиб қилишда муҳим ўрин тутган.

Ўзи ҳам лаврининг барқамол шоири бўлган Сайфи Саройи «Гулистон» таркибида келган шеърлар таржимасида алоҳида маҳорат кўрсатган. Чунончи, қуйидаги тўртлик аслиятга ҳам шакл, ҳам мазмун жиҳатидан тўла мувофик:

Абр агар оби зиндаги борад,
Ҳаргиз аз шохи бед бар нахўри.
Бо фурумойя рўзгор мабар,
К-аз наи бўрьё шакар нахўри¹.
Агар ёғса булутдан оби ҳайвон,
Якин бил тол ағочинда емиш йўк.
Ёмон бирла умрни зоеъ этма,
Қури найдан киши шаққар емиш йўк².

Албатта, Сайфи Саройи «Гулистон»нинг насрий қисми-ни ҳам катта маҳорат, шоирона ҳассослик билан таржима қилган. Жумладан: «Ду қас мурланду таҳассур бурданд: яке он, ки дошту нахўрд ва дигар он, ки донисту нақард»³. Мутаржим бу жумлани сажъ санъати воситасида ўзбекчалаштиради: «Икки киши дунёдин кетти, дағи ҳасрат-надомат элтти: бири улқим, йиғди – дағи емади, бири улқим, билди – дағи қилмади»⁴. Баъзида жумлани ихчамлаштириб таржима қилади: «Якero гуфтанд: «Олими беамал ба

¹ Саъдий Шерозий. Гулистон. С. 34.

² Сайфи Саройи. Гулистон бит-туркий // Уч булбул гулшани. – Тошкент, 1988. 176-бет.

³ Саъдий Шерозий. Гулистон. С. 201.

⁴ Сайфи Саройи. Гулистон бит-туркий. 325-бет.

чи монад?» Гуфт: «Ба занбўри беасал!»¹ – «Амалсиз олим болсиз занбурга ўхшар»². Баъзида Саъдийнинг насрий ҳикматларини шеър билан таржима қилади: «Дурўғе маслиҳатомез беҳ, ки аз росте фитнаангез»³:

Фитна юзли рост сўздан бўл йироқ,
Маслаҳатли ёлғон андан яхшироқ⁴.

Ўн тўққизинчи асрда «Гулистон» Хива хони Муҳаммад Раҳимхон II – Феруз топшириғи билан забардаст шоир ва моҳир мутаржим Муҳаммадризо Огаҳий томонидан иккинчи марта ўзбек тилига таржима қилинади. Асарни бирмунча қискартириб таржима қилгани, чунончи, 187 ҳикоятдан 25 тасини қолдириб кетгани, мингга яқин шеърини парчалардан 522 байтини шеър билан ўгириб, қолганини насрлаштиргани, бир қанча арабий матнларни ўзбекчалаштирмаганига қарамай, «Огаҳий Саъдий Шерозий ҳикоятларининг бадий таровати, руҳини ўқувчига етказди. Саъдийнинг сажълари, ихчам, лекин лўнда афористик жумлаларда тузилган насри, қитъа ва рубойлари, сероҳанг жарангдор ифодалари Огаҳий таржимасида ўзбекча нафосат билан акс этган»⁵.

«Гулистон»нинг учинчи таржимаси тошкентлик мударрис ва шоир Мулла Муродхўжа Солиххўжа ўғли қаламига мансуб бўлиб, у «Шавқи Гулистон» деб аталган. «Муродхўжа мадраса талабалари эҳтиёжини ҳисобга олиб, асарнинг қийин сўз ва иборатларини шарҳлаган ва форсий аслини ҳам кўшиб, «Ғуломия» матбаасида нашр эттирди»⁶ (1909).

¹ Саъдий Шерозий. Гулистон. С. 192.

² Сайфи Саройи. Гулистон бит-туркий. 320-бет.

³ Саъдий Шерозий. Гулистон. С. 20.

⁴ Сайфи Саройи. Гулистон бит-туркий. 173-бет.

⁵ Комилов Н. Ҳикматлар хазинаси. 8-бет.

⁶ Ўша ерда. 7-бет.

1968 йили «Гулистон»нинг тўртинчи таржимаси босилиб чикди. Асардаги шеърларни Ғафур Ғулом ва Шоислом Шомухамедов, наср қисмини Рустам Комиловлар ўзбекчалаштиришган. Бу «Гулистон»ни ҳозирги давр ўқувчисига таништириш йўлида муҳим кадам бўлди. Чунки мавжуд таржималарнинг барчаси тил жиҳатидан эскирган бўлиб, улар замонавий китобхоннинг талаб-эҳтиёжларини қондиrolмас эди. Бинобарин, асарнинг янги таржимасини даврнинг ўзи кун тартибига қўйган эди. Донишманд Саъдийнинг Олам ва Одам хусусидаги фикрларининг қаймоғини ўзида жамлаган бу асардаги ҳар бир шеър ҳикматдай жаранглайди. Ғ. Ғулом унинг кириш қисми ҳамда биринчи ва иккинчи бобларидаги жами саккиз юз мисра шеърни таржима қилган. Таржималарни аслият билан қиёслар экан, Саъдий фикрлари Ғ. Ғулом қалбида акс садо бергани, бу икки донишманд инсоннинг қарашлари муштарақлигини ҳис қиламиз. Руҳий яқинлик ва нуқтаи назарлар бирлиги – бадий таржиманинг муваффақиятини таъминлайдиган муҳим омилдир. Ғ. Ғулом таржималарининг ютуғи айнан шунда.

Жаҳон, эй бародар, намонад ба кас,
Дил андар жаҳонофарин банду бас.
Макун такья бар мулки дунъёву пушт,
Ки бисъёр кас чун ту парварду кушт.
Чу оҳанги рафтан кунад жони пок,
Чи бар тахт мурдан, чи бар рӯи хок¹.
Бу жаҳон ҳеч кимга қолмас, биродар,
Дилингни Тангрига топширсанг етар.
Таянч, деб билмагин бу дунё молин,
Кўпларни ўстириб, берди заволин.
Жон берар экансан, фарқи йўқ сира,
Тахтда ўласанми ё тупрок узра².

¹ Саъдий Шерозий. Гулистон. С. 31.

² Саъдий. Гулистон. 22-бет.

Таржима аслиятга ҳам шаклан, ҳам мазмунан қойилмақом: саъдиёна овознинг ғафуруна акс садоси! Албатта, бу сўзма-сўз эмас, балки маъно таржимаси, яъни Саъдий фикрларининг Ғафур Ғулом қалбида қайта ишланган ўзбекча ифодаси.

Бундай гўзал таржималарни кўплаб келтиришимиз мумкин. Бу – туташ қалблар, муштарак қарашларнинг ўзаро бирлигига ўхшайди. Теран билим ва катта турмуш тажрибасига эга Саъдий ўз фикрларини ҳаётий ташбеҳлар воситасида лўнда ва ихчам ифодалайди. Ҳаётий тажрибалар маҳсули бўлган бу фикрлар ҳаётий ҳодисалар орқали тасвирлангани учун ҳам асрлар мобайнида кишиларни ҳайратга солиб келмоқда. Ғафур Ғулом эса ўзбекнинг катта ҳаётий тажрибага эга комусий илм соҳиби. Шунинг учун, айтиш мумкинки, унинг сиймосида буюк форс-тожик шоири ўзининг муносиб таржимонини топган. Бу ҳикматларни ўқир экан, Саъдий агар ўзбекча ёзганида ҳам шундай ёзар эди, деган тўхтамга келасиз.

Албатта, Ш.Шомуҳамедов ижодида ҳам саъдиёна таржималар анча-мунча. «Бўстон» асари аввал Чустий¹, кейин Ш. Шомуҳамедов² томонидан таржима қилинган бўлсада, бу таржималарнинг ҳар иккаласи ҳам тўлиқ эмас. Асар қисқартирилиб, замонга мослаб, диний-тасаввуфий руҳдаги қисмлардан холи қилинган ҳолда ўзбекчага ўгирилган. Лекин бир-биридан гўзал ва мазмунли ҳикоятлар, халқ мақол-маталлари даражасидаги теран ҳикматлар асар ҳақида тўлиқ тасаввур беради ва ҳар қандай ўқувчини ўзига жалб қилади.

Ушбу тўпламда Саъдий Шерозий асарларининг асрлар давомида ўзбек тилига ўгирилган барча намуналари ва ушбу сатрлар муаллифининг янги таржималаридан фой-

¹ Қаранг: Саъдий Шерозий. Бўстон. – Тошкент, 1960.

² Қаранг: Саъдий Шерозий шеърятидан. – Тошкент, 1976. 3–89-бетлар

даланилди. Донишманд шоирнинг кўплаб хикматларини барча таржимонлар қиёмига етказиб, бир-биридан гўзал ва бетакрор даражада таржима қилганлар. Аслиятни бошқача талқин қилгани ёки бир-биридан гўзал бўлгани учун биз тўпламда ана шундай такрор таржималарга ҳам бир қадар ўрин бердик. Чунки айтилган бир матннинг бир неча таржимон томонидан амалга оширилган бир-биридан фарқли таржималарини ўқиш жуда мароқли бўлиб, улар аслиятни ҳар томонлама ранг-баранг талқин қилиши билан уни кенг ва чуқур идрок этишга йўл очади.

Эргаш ОЧИЛОВ,
филология фанлари номзоди



ҒАЗАЛЛАР

*Эргаш Очилов
таржимаси*

Эй сорбон, оҳиста юр, оромижон кетмоқдадир,
Кўнглим бўлиб ҳамроҳи ёри жонажон кетмоқдадир.

Қолдим ғаму хижрон аро, бир дарди бедармон аро,
Санчиб тиғини жон аро у беомон, кетмоқдадир.

Дедим: қилиб хийла ҳар он, дил розини тутсам ниҳон,
Кўздан бироқ ҳар лаҳза қон оқиб равон кетмоқдадир.

Тарк этди саркаш нозанин, айшим захар айлаб бутун,
Бағрим куйиб, чиққан тутун то қаҳкашон¹ кетмоқдадир.

Гар зулму бедод айлагай, аҳдини барбод айлагай,
Кўнглим мудом ёд айлагай, деб меҳрибон кетмоқдадир.

Кетгунча карвон йиғладим, кўздан тўкиб қон йиғладим,
Тўйиб, беармон йиғладим, ёрим қаён кетмоқдадир?

Эй сорбон, кетма шитоб, карвонга кўп этма итоб,
Ишқида чекиб изтироб, гўёки жон кетмоқдадир.

Қайт ортингга – битсин фироқ, ёшли кўзимга қўй оёқ,
Фарёду афғоним² бу чоғ то осмон кетмоқдадир.

Йўқ уйқу шомдан то саҳар, панду ўгит қилмас асар,
Бу йўлда ўзим беҳабар, қўлдан инон кетмоқдадир.

Лойикми менга аслида, айна муҳаббат фаслида,
Қолса сабил ёр васли-да, айлаб хазон кетмоқдадир.

Жон танни тарк айлар экан, шарх этишар турли-туман,
Кўрдим ўзим кўзим билан: қандай бу жон кетмоқдадир!

¹ Қаҳкашон – юлдузли осмонда кўринадиган оқ йўл, сомон йўли.

² Афғон – нолалар, фиғонлар, фареллар.

Саъдийга доду дийдиё лойиқмиди, эй бевафо,
Сабримни қўймай бу жафо, дилдан фиғон кетмоқдадир.

* * *

Сабода бўлса зулфининг ҳиди нозли нигоримни,
Кувончу роҳати у хаста кўнглим – беқароримни.

Умидим борки, умрим бахти ётмас уйкуда мангу,
Ўнгимда бўлмаса, тушимда кучгайман-ку ёримни.

Агар билсам, ситамгар маҳбуба жонимга қасд этгай,
Фидо йўлига қилгайман шу жони бемадоримни.

Биларман: арзимас тухфа унга менинг азиз жоним,
Начора, бахш этарман мен қўлимда ҳар на боримни!

Бу хил муомала ҳеч ҳам эмасдир ихтиёримда,
Азалдан ёр ризоси айламиш банд ихтиёримни.

Жафосидан агар кўнглимда бўлса юз жароҳат ҳам
Ва лекин бандасиман то хануз шул ғамгусоримни¹.

Ўрин йўқ кўнглим ичра ўзганинг ишки учун зарра,
Ўзингдан ўзга асло жалб этолмас эътиборимни!

Кўнгилда на гулистон завқи-ю на лолазор шавқи,
Кўрарман ёр юзида ҳар нафас турфа баҳоримни!

Сенинг ишқингда куйди, эй ситамгар, кўнгли Саъдийнинг,
Мурувват этмадинг бир бор кўрай деб интизоримни.

Муродимнинг ушалмаслиги бўлса гар мурод сенга,
Муроди сен билан бир хил экан кўзи хуморимни.

¹ Ғамгусор – ғамхўр, меҳрибон.

* * *

Бу гўзал юзларга боқмаслик жуда мушқил эмиш,
Ким насиҳат қилса менга, панди беҳосил эмиш.

Хусн шохидан агарчи дилда минг кўркув яшар,
Тонгда¹ ёрни кўрган ошиқ бахтга восил эмиш.

Кулгичи чоҳидаги² бечораларнинг ҳолати
Ул малаклардекки, Бобил чоҳида манзил эмиш³.

Бундан аввал зуҳду⁴ таквони даъво қилган эдим,
Энди билдим: неки даъво айладим, ботил⁵ эмиш.

Барчанинг наздида гарчи ўлим элчиси заҳар,
Ёр заҳар берса ҳам, аммо, дафъи дарди дил эмиш.

Ёр кўйдан оёқ тортиб кетолмайман сира,
Дўстлар, маъзур тутинг, кўнглим шунга мойил эмиш.

Сабр қил, девона деб ҳукм этса оқиллар сени,
Бермаса ким жонни жононга, нечук оқил эмиш?

Куфр деб билса гўзаллар юзига боқмоқни ким,
Ул фақат сувратга масту маънидан ғофил эмиш.

Сорбон, оҳиста юр, карвон ила жоним борар,
Ёр маҳофа⁶ устида, остида гўё дил эмиш.

¹ Т о н г – ваҳдат ёки ваҳдат нурига ишора.

² К у л г и ч ч о ҳ и – занаҳдон, ияқ. З а н а ҳ д о н – тасаввуфда солиқни абадий чоҳдан зулмат чоҳига соладиган маҳбубанинг қаҳромез итоби.

³ Аёлга ошиқ бўлгани учун Ҳорут ва Морут номли фаришталар Худо ғазабига учраб, Бобилдаги чоҳга ташланган. Улар сеҳргарлик ҳавасида чоҳ қошига борганларга сеҳру жоду илмини ўргатар эмишлар.

⁴ З у ҳ д – дунёдан воз кечиб, тоат-ибодат билан шугулланиш.

⁵ Б о т и л – беҳуда.

⁶ М а ҳ о ф а – кажава.

Тушса ҳижрон ўртамизга гарчи юз манзилда ҳам,
У ширин жон ичра тушган бир ажиб манзил эмиш.

Дўст бўлиш, Саъдий, қийинмас ҳар нечук инсон билан,
Боғланиб қолсанг ва лекин, дил узиш мушқил эмиш.

* * *

Биз ушбу шаҳарда хору бу элда фақир¹,
Бандингга гирифтормиз-у, домингга асир.

Олам эшиги элга очик, бизга ёпик,
Зулфинг² сени бўйнимиздаги занжир, ахир!

Мен сендан узолмагайман-ей асти кўзим,
Сен ҳам назарингни узма, эй қомати³ хур!

Наздингда ошиқлар ичида яхшиси йўқ,
Аммо мен учун жаҳонда йўқ сенга назир!

Орзум эди: бир кун сенга жоним бераман!
Билдим: кўрасан ҳаттоки жонни-да ҳақир.

Мен барча бу сўзларни дедим дард зўридан,
Чикмас ҳиди ўтга солмаса чунки абир⁴.

Ҳар қанча яширмасин паришонлигини,
Ошиқ юзи фош этар сирини барибир.

¹ Ф а қ и р – фақр мақомига (тариқатнинг тўртинчи мақоми) мансуб киши. У Аллоҳдан бошқага муҳтож бўлмай, таваккул эътиқоди билан яшайди.

² З у л ф – соч; аёлларнинг икки чаккасидаги қоқили. Тасаввуфда у бир неча маънода келади: идрокга ҳеч ким қодир бўлмаган илоҳий моҳият; қуфр зулмати; йўқлик олами; ваҳдат мартабаси ва ҳоказо.

³ Қ о м а т (к а д) – дилнинг ваҳдат оламига таважжух қилиши.

⁴ А б и р – хушбўй ҳидли модда, анбар.

Бу кексанинг ишқи сени ҳайратга солар,
Бу кекса дил ўтидан бўл, эй ёш, ҳазир!

Кўз Каъбаси қошингни камонхонасидир,
Узмайди нигоҳ тиг уриб, этсанг-да басир.

Нодон кишилар менга насиҳат қилишар,
Ошиққа насиҳат сира бўлмайди зарур.

Хусн аҳли яралмишдир азал кўрмоқ учун,
Гар кўрмаса, Саъдий, не керак кўзга нур?!

* * *

Гўзал ёр зулфи домига гирифторманми мен танҳо?
Ким ошиқ бир дилоромга – унинг бошида шу савдо!

Гўзал ёр васлига етган чаманга қилмагай парво,
Гўзал ёр қаддига шайдо чаманнинг сарви ҳам ҳатто!

Мени ошиғу шайдо деб билармиш ул парипайкар,
Қаердан билсин ошиқ ҳолини ўз хуснига шайдо?

Биларман: оху фарёдим етар, лекин қачон қилгай –
Бу ишқ иқлими қулига у хусн эли шоҳи парво?

Шириннинг васли Фарҳодга муяссар бўлмади гарчанд,
Ширин ишқида ширин жонини топширди-ку аммо?

Ақл¹ истарки, ишқ устидан ўз ҳукмини ўтказсин
Ва лекин тенг келолмас кучлига ожиз киши асло.

¹ Тасаввуфда ақл ва ишқ, ақл ва кўнғил бир-бирига зид қўйилади. Чунки илоҳий маҳбубани ақл билан идрок этиб бўлмайди, уни фақат кўнғил билан ҳис қилиш мумкин. Шунинг учун тасаввуфда илоҳий ишқ йўлида ақлу ҳушини йўқотган мажнунларнинг мақоми баланд.

Менга аввал одамлар таънаси ботарди кўп оғир,
Чўчитмас энди ёмғир, чунки бўлди манзилим дарё.

Агар хоҳла вафо айла, жафо¹ қилсанг-да зорим йўқ,
Мен учун сендан ўзга нарсада қолган эмас маъно.

Ишонмайман, синаб Саъдийни шунча,
ташласанг-кетсанг,
Етишгач сояи лутфинг, керакмас менга бу дунё!

Вафо суви билан хокимни қорган эрдилар асли,
Сабо қайга олиб борса, вафо ҳиди бўлар пайдо.

* * *

Дилим то бўлди ошиқ – бир нафас беғам тополмасман,
Бу оламда дили ғамсиз бирор одам тополмасман.

Ёнимда ҳамдамим йўқ – бир нафас хуррам нафас олмам,
Нафас жоним билан чиқсин, агар ҳамдам тополмасман.

Дилимда бир сирим бордир кўзим қони аро ўсган,
Бу сирни кимга айтай мен – бирор маҳрам тополмасман?

Қаноат айладим дардига – бир дармон кўринмайдир,
Чидарман захмига², чунки бирор малҳам тополмасман.

Агар ким бўлмаса ошиқ, хушу хурсанд у оламда,
Мен ошиқ бўлдим-у, кўнглимни ҳеч хуррам тополмасман.

Тўкилган кўз ёшим бирлан тўкилди обрўйим ҳам,
Кўзим ёшидан ўзга йиғлабон шабнам тополмасман.

¹ Жафо – солиқ дилнинг маориф ва мушоҳададан тўсилиши. Маҳбубанинг бевафолигини ҳам жафо дейдилар.

² Захм – яра, жароҳат; озор, захмат.

Етар, Саъдий, дамингни ичга ют, кўлдан кетибдир иш,
Бўлишга ёр билан бирга бирор дам ҳам тополмасман.

* * *

Замон ғамигами чидай ё ёр фироғини чекай?
Дилимда сабр колмади-ку: қайси доғини чекай?

На кувватим етар кетай десам кўнгил узиб узок,
На қудратим бир ўшибон бўса титроғини чекай.

На қўли бор токатнинг-у, ақл енгига тикай десам,
На ақлнинг оёғи – бир қарор яроғини чекай.

Жахонда дўст жафосидан қонига ташна кимса йўқ,
Бир умр дўстнинг мен-ей жафоси тоғини чекай.

Ғаним жафосига чидар чидамли бўлса ким агар,
Чидамли бўла-ю, мудом шу ёр фироғини чекай.

* * *

Тонг ели, ўтарсан санам остонасидан,
Ўтган каби жаннат боғи – қошонасидан!

Ишк дарди енгибди сени – йўқ ўзга сабаб,
Безор тоғу дашт сен каби девонасидан!¹

Бир бор назаринг ёр юзига² тушса агар,
Дунё тўлар эрди бу ишк афсонасидан!

¹ Девона – ишкка ошиғу хайрону сарғашта бўлган ва сулукка мансуб киши. Ошиқнинг мағлубияти ҳам девоналик дейилади.

² Юз = илоҳиёт жамоли тимсоли ва комил инсон чехраси.

Қўлдан-ку чиқармагайман ёр этагини,
Меҳрини дариг тутса-да парвонасидан¹.

Дилдан сени ёдинг сира кетмайди, санам,
Билсанг-да мени даҳр² эли бегонасидан³.

Ёзилмаса кўнглингни ғубори, на қилай?
Бўлсам беҳабар муроди пинҳонасидан.

Ўтсанг-да ёнимдан киё боқмадинг-ей,
Қилдингми ибодилимни вайронасидан?

Сен шўху ширинсўзу ҳуру сарву⁴ суман⁵,
Ҳайратда ўзи сен каби жононасидан!

Тўр ташлама кимга – ўша тушди тўрингга,
Урсанг қилич, ичди ажал паймонасидан⁶.

Фурсат тўфони ўчиролмайди сира,
Саъдий сўзи шеър мулкини дурдонасидан.

¹ Парвона – маҳбуб йўлида ишқу вафою фидойилик юзасидан ўзини ишқнинг снйқ шуъласида куйдириб, ҳалок бўладиган машҳур ҳашарот. У ошиқ ва фано тимсоли ҳисобланади. Ш а м в а п а р в о н а – тасаввуф шеърлятида машҳур тимсоллардан. Бунда шам – илоҳий ишқ, парвона – ошиқ тимсоли бўлиб келади.

² Даҳр – дунё, олам.

³ Бегона – тариқат йўлига қадам қўймаган, сайру сулукни ўтмаган киши.

⁴ Сарв – кишин-ёзин кўм-кўк бўлиб яшнаб турадиган игнабаргли гўзал ва хушқомат дарахт. Мумтоз адабиётда маъшуканинг келишган зебо қади-коматини сарвга нисбат берадилар.

⁵ Суман – оқ, сарик, кўк рангли хушбўй гулли гиёҳ.

⁶ Паймона – қадах, май пиёласи.

* * *

Ишқбозликни, ахир, дунёга мен келтирмадим,
Бу гуноҳга ёки мен илк мартаба қўл урмадим.
Бехабардирсан мудом ошлуфта¹ кўнглим ҳолидан,
Мен-да кўнглимнинг ғамини сенга ҳеч билдирмадим.

Ман этиб менга муҳаббатни, маломат қилма кўп,
Мен муҳаббат жомини² ичганда сени кўрмадим.

Кўй мени-ю, ўз ғаминг ташвишини қил, чунки мен –
Ёрга дил берган кунимдан жон ғамида юрмадим.

Аҳд қилдимки, этай жонимни йўлингга фидо,
Аҳдим устидан чиқарман – беҳуда сўз бермадим.

Мен жаҳондан юз ўгирдим – боғладим васлингга дил,
Кўз тутиб лутфингга, уммид гулини сўлдирмадим.

Сен мени борган сари ҳуснингга³ айлайсан асир,
Изларинг излаб жаҳонда қанча мен чарх урмадим!

Тўтиё бўлсин оёгингнинг ғубори кўзима,
Бу жаҳонда то вужудим гардини қолдирмадим.

Қўлларим маҳшарда⁴ ҳам кўйиб юбормас этагинг,
То дегайсан кўнглини Саъдийни нега сўрмадим?

¹ Ошлуфта – ошиқ, шайдо, девона, гирифтор.

² Жом – қадах, пиёла. Жом ва унинг маънодошлари тасаввуфда маърифат зиё-сига лиммо-лим кўнгли маъносида келади.

³ Хусн – илоҳий жамол, маҳбуб дийдори.

⁴ Маҳшар – киёмат кунинда барча ўлганлар тирилиб, сўроқ учун тўпланадиган жой.

* * *

Бу алиф¹ қадни кўрингким, нима рафтор² қилади?
Бу шакар лабни³ кўрингким, нима гуфтор⁴ қилади?

Ихтиёрини олиб, телба қилар ҳуш аҳлини⁵,
Ҳар қачонким илтифот ул парирухсор қилади.

Масту хуммор кўзлари шўхлигу дилбарлик этиб,
Барча ҳушёр кишилар қасдига озор қилади.

Биз жаҳондан юз ўгирдик шу гўзал орзусида,
Бевафо ёр бўлса, қаҳрига гирифтор қилади.

Беҳабар ишқ аҳлининг ҳолидан зуҳд аҳли⁶ азал,
Қайда ғофил бўлса, оқилдан ўша ор қилади.

Олишар сабру қароримни мудом ой юзликлар,
Бу жихатдан Саъдий ўз айбини иқрор қилади.

Энди бокмайман гўзаллар юзига асло дея
Қилса-да юз бора тавба, яна бекор қилади.

¹ А л и ф – араб алифбосининг биринчи ҳарфи, тик ва тўғрилиги жихатидан маҳбуба коматига нисбат берилади. А л и ф қ а д – тик ва келишган комат.

² Р а ф т о р – бу ерда: юриш маъносиди.

³ Л а б – сўфийлар истилоҳотида маънавият оламиндан анбиёга малаклар восити-сида, авлиёга эса илҳом орқали нозил бўладиган калом. Шунингдек, пирнинг илоҳий маърифатга қон сўзи ва бу жонбахш каломнинг мазмуни ҳам кўзда тутилади.

⁴ Г у ф т о р – сўз, сўзлаш.

⁵ А х л и ҳ у ш – ҳушёр кишилар, оқиллар.

⁶ З у ҳ д а х л и – зоҳидлар.

* * *

Мен тушдим-у бандингга качон, озодман!
Гар шоҳман-у, сенга қуллигимдан шодман!

Бор дарди жаҳоннинг менга қилмас таъсир,
Чехрангни кўриш билан дили ободман!

Хуррам ўша кун – жонни сенга топширсам,
Фарҳод ила Мажнунга, ахир, авлодман!

Қошингда макон тутдим-у, бердим кўнгил,
Дўстлик уйини қилолмадим бунёд ман.

Билсанг, нима хоҳишим менинг васлингдан:
Ўзликни¹ қилолсам сени деб барбод ман!

Қай кунки, дилим олдинг-у, маҳбуб бўлдинг,
Ушшоққа² вафо бобида мен устодман!

Қаддингни хаёли токи кўзим ичра,
Сарв бўлса халойиқ, мен сарви озодман!³

Бу ташбеҳ агар мосмас: ширинсўзсанким,
Бу борада Ширинсан-у, мен Фарҳодман!

Давлат қани – тўксам қадамингга кумдек?
Мен дўмбирадек ичи ҳавою бодман⁴.

Бу чарху фалак бўлди мудом қасдимда,
Тортмас қўлини то бўлмасам барбод ман.

¹ Ў з л и к – инсоннинг нафс ва дунё билан боғлиқлиги. Улар ҳар лаҳза кишига ўзлигини эслатиб, уни Аллоҳ зикридан чалғитади.

² У ш ш о қ – ошиқлар.

³ С а р в и о з о д – тик ва баланд сарв.

⁴ Б о д – ел, шамол.

Шероз сиқилтирди кўнглимни жуда,
Қилсам бўлар энди сафари Бағдод ман.

Кўкка етар, аммо Соҳиби девонга¹ –
Етмас сира урсам-да неча фарёд ман!

Саъдий, ватанни севиш иймондандир,
Лек ўлма очингдан дея: «Мен зурёдман!»

* * *

Бу банда мудом фидойи жонинг,
Осон менга ушбу имтиҳонинг.

Жонингга қасамким, ета олмас
Бир тола сочингга нигаронинг².

Бир кимсага йўқ агарчи меҳринг,
Барча бу жаҳонда меҳрибонинг.

Бошим қадамингга, эй ситамгар,
Бўлсин фидо истаган замонинг!

Минг жаҳд ила сенга ета олмам,
Қўл етмас – узоқдадир маконинг.

Ҳар лаҳза хаёлинг менга ҳамроҳ,
Ёт ўзга ғаму унут гумонинг.

Нодон кишилар қадингни сарвга
Ташбех этиб оширар фиғонинг.

¹ Соҳиби девон – Шамсиддин Жувайний.

² Нигарон – интизор, термилиб турган, умидвор, мушток.

Бу кипригу¹ қошки², сенда мавжуд,
Дил овида не керак камонинг?

Саъдий вужуди заифлигидан
Қилдек³ белича⁴ эмиш, ишонинг!

Сўз дегали очмасанг оғизни⁵,
Пинҳон эди барчадан даҳонинг⁶.

Бундан-да ширин сўз бўлмагайдир,
Сўзлар уни шу ширин забонинг⁷.

* * *

Кўлимдан келмас асло то сенинг ёдингсиз ўлтирсам,
Хушим йўқдир юзингдан ўзганинг ҳам юзини кўрсам.

Азалдан, англадим, рости, талашдим Ширин устида,
Ажаб йўқ, мисли Фарҳод ёрга ширин жонни топширсам.

Сени ҳар нарсадан ортиқ севарман ушбу оламда,
Агар ақлимда нуксон-у, динимда бир зиён кўрсам!

¹ К и п р и к (м и ж а, м у ж г о н) - маъшуканинг нозу карашмаси туфайли ошиқнинг кўксига санчилиб, уни яралайдиган ўқ, найза, ханжар кўзда тутилади. Соликнинг валояти, холи ва мартабаси йўлидаги хижобга ҳам ишора қилинади.

² Қ о ш - илохий ва моддий олам чегараси. Пайвасталиги - Аллоҳ ва оламнинг ягоналигини, қайрилмалиги - сўфий дилидаги нафс ва кибрни, узун ва қалинлиги - Ҳақ йўлининг узун ва мураккаблигини билдиради.

³ Ишқ чақмоғи чаққанда лов этиб ёниб, маъшуки азалга сингиб кетиши учун ошиқ вужуди ишқ ўтида ўртана-ўртана қил, хас, сомон, соч, барг, чўп даражасига келиши керак. Тасаввуф шеърлятида ушбу тимсолларнинг кўп учраши шундан.

⁴ Б е л - комил инсоннинг фикру тахайюли. Иигичка (қилдай) бел - бу фикру тахайюлнинг нозик ва терадлиги. Соликнинг вужуди ҳижобига ҳам ишора қилинади.

⁵ Оғ и з - сўфийлар истилоҳида илохий каломга, унинг чиқиш ўрнига ишора. Шунга мувофиқ, оғизнинг ангишвонадай кичкиналиги, гоҳо хатто кўриб бўлмас даражада эканлиги - илохий асрорни ақл билан англаб етишнинг имконсизлигидан нишона.

⁶ Д а ҳ о н - оғиз.

⁷ З а б о н - тил.

Кумушдек ок, латиф қўлинг мени шамширсиз ўлдирди,
Ажаб йўқ, қўлга шамшир олсанг-у, таслимга юз бурсам.

От, эй тонг, сенга муштоқман, ҳадемай кун ялов¹ тиккай,
Ҳилол² олди Сурайёдан³ бу ялдо⁴ тунини сўрсам.

Азал келдим-у борлиқдан бу йўқлик саҳросига,
Умидим бор – кечиргайсан, бечораман – дилим ёрсам.

Бу кўнгил мисли шам⁵ бўлсин, тараҳхум⁶ айласин менга,
Ёнимда шам каби ёнган киши йўқ – сизга билдирсам.

Лабинг бир-бирига қовушмагай кулганда мисли гул,
Равоми унда мен – булбул бутимор⁷ янглиг⁸ ўлтирсам?

Ракиб бармоғини тишлайди, Саъдий, кўзларингни юм,
Гулинг ҳидлайман-у, боғбон, лек узмам, боғингга кирсам.

* * *

Ўтар эрди ҳаётим хурраму хуш,
Суюкли маҳбубамни айлаб оғуш.

Бўлиб маст ишкидан-у, васлидан шод,
Дину дунёни қилгандим фаромуш⁹.

¹ Я л о в – байрок.

² Ҳ и л о л – янги ой; гўзалларнинг янги ой шаклидаги чиройли қоши.

³ С у р а й ё – юлдузлар туркумидан бирининг номи. Олти кичик юлдузнинг бир ерда жам бўлишидан иборат.

⁴ Я л д о – кишининг энг узун кечаси – 22 декабрга тўғри келади. Мажозан: ўта қоронғи ва зулмат.

⁵ Ш а м – солиқ дилини куйдиралиган илохий нур. Дарвешнинг дилини ёндириб, уни мунаввар қиладиган ирфон нурига ҳам ишора қилинади.

⁶ Т а р а х х у м – раҳм-шафқат, мурувват.

⁷ Б у т и м о р – балиқчи куш.

⁸ Я н г л и г – каби, сингари, ўхшаш.

⁹ Ф а р о м у ш – унутмоқ.

Эмас ширин лаби таърифга мухтож,
Заҳар тутса, қилардим бол каби нўш¹.

Адаштирди мени лутфию хусни:
Садафми² ёки у ёр кўкси эмиш?

Гўзал рухсору жонпарвар сўзи деб,
Қулоғу кўз бўлишдир менга хошиш.

Бу тун қандай қилиб айланди тонгга?
Эдим ҳушдан жудо кўрган каби туш.

Хато қилди азонида муаззин³,
У ҳам мендек эдими масту беҳуш?

Бу ишқни сир тутишга етмади сабр,
Кучайди дўсту душман ичра миш-миш.

Агар кўрган эсанг, Саъдий, тушингда,
Кеча ўтди, бугун чиқарма товуш!

Агар қашшоқ кўриб қолса ҳазина,
Қилар ҳирс васваса, турмайди хомуш.

* * *

Ҳеч нима мушкуллик ичра мисли ҳажри ёр эмас,
Бўлса аммо васл умиди унчалик душвор⁴ эмас.

Оҳу фарёдим бузар десам, бу эл уйкусини,
Йиғласам ҳам қанча додлаб, бир киши бедор эмас.

¹ Н ў ш – ичиш, ичимлик.

² С а д а ф – ичида гавҳар етиладиган ҳуққа.

³ М у а з з и н – азон айтувчи.

⁴ Д у ш в о р – кийин, мушкул, оғир.

Заъфарон¹ юз дафтарига кипригим дил қони-ла
Битгай ишқим қиссасини, ҳожати гуфтор эмас.

Айб этардим ошиқ аҳлин, бўлдим ошиқ оқибат,
Ул гуноҳга бу уқубат унчалик бисёр² эмас.

Эй сабо, тушса санамнинг кўйига йўлинг яна,
Сен дуойим етказ, ўзимда бу имкон бор эмас.

Гоҳи деворга бурарман юз паришонлик сабаб,
Чунки ҳамдардим менинг, оҳ, ғайри шу девор эмас.

Четга олдик ўзни элнинг яхши-ёмон сўзидан,
Бизга ҳамсуҳбат фақат ёрдир, сира ағёр³ эмас.

Менга озор истасанг, сен бунга қодирсан мудом,
Севганинг бошингга шамшир урса ҳам, озор эмас.

Заҳридан эмин⁴ эмас, дунёда ким истар асал,
Бесутун⁵ ёди билан аммо Ширин бемор эмас.

Сарвга ўхшайсан, аммо, сарвнинг рафтори йўқ,
Ойга ўхшайсан, бироқ, сендай у хушгуфтор эмас.

Бўлса ишқингда дилим девона, ҳеч айб айлама,
Ой бенуқсонун зар беайбу гул бехор⁶ эмас.

¹ Заъфарон – сарғиш тус берувчи хушбўй ўсимлик; мажозан: сарик ранг.

² Бисёр – кўп, ортик, зиёда.

³ Ағёр – бегоналар, ракиблар, душманлар.

⁴ Эмин – тинч, осуда, хотиржам.

⁵ Бесутун – Ҳамадон шаҳри ғарбидаги тоғ. Фарход шу тоғни қазиб, йўл очган деган ривоят бор.

⁶ Бехор – тикансиз, нишсиз.

Бунчалар зебою мавзун бўлмаса сарвқомати,
Бу жаҳонда ҳеч гўзал тенги унинг зинҳор эмас.

«Тут макон гулзорни, Саъдий», – деб берарлар менга панд,
Манзили кўнглимни олган гулнинг гулзор эмас.

* * *

Келди кўклам, қил фиғон, эй булбули шириннафас,
Мен каби тутқун эсанг, нолангга тор келсин қафас.

Воқиф эт карвоннинг бошидагин, эй сорбон:
«Ухласанг сен кўнғироқлар янграгайдир басма-бас!»

Ҳеч нажот топмай чивиндан ғамда қандолатфуруш,
Елпиғичдан чўчимасдан ёприлиб келгай мағас¹.

Панд-ўғитдан фойда йўк – боғланди икболим йўли,
Бир қутулсам бу қафасдан, қайта қилмасдим ҳавас.

Ким билан бир дам ўтирсам, ёди айлар мени тарк,
Тонг каби, офтоби йўк, чиқмайди кўнглимдан нафас.

Дўстми келгай қошима, ё тиғи душман бошима,
Бу муҳаббатдан дилим бир лаҳза ҳам айро эмас.

Хоҳлаган қасд айлагай – карвонда энг бечораман,
Сўрамас ҳол мутрибу миршаб-да кайғумни емас.

Хохласанг пандингни беру, хоҳласанг бандингни ур,
Телба бошни тарк этар, тарк этмайин бошни ҳавас.

Тўлди Саъдийнинг фиғону оҳига жумла жаҳон,
Ет унинг фарёдига, кўп кийнама, бўл ҳамнафас.

¹ Мағас – чивин, пашша.

* * *

Ғаминг сабримни олди, интизорлик солди савдони,
Висолингдир бу девона дилимнинг дори-дармони.

Табиблар интизорлик дардига топмас даво ҳеч ҳам,
Даволар Лайли ёлғиз дардини Мажнуни шайдони.

Агар мискину ғамгинларга парво қилмаса ул шўх,
Азалдан бизга кўрсатмас эди рухсори зебони.

Дилимдан сабру бошимдан ҳушимни олди ҳуснинг, бас,
Ўзинг чора қиларсан дардига бесабру расвони.

Дилимда бундан аввал йўқ эди ҳусн аҳли савдоси,
Сени бир кўрдиму олдим ўзим сотиб бу савдони.

Сенинг васлинг муроду мақсудимиз икки дунёдан,
Сенингсиз зарра ҳам йўқ қадри бизга дину дунёни.

Кўришга шунчалик муштокман, эй дилбар, агар бир кун
Дилимдан чиқса оҳ, куйдиргусидир етти дарёни.

Биров билмас нима бўлгай ўзининг эрта аҳволи,
Кел, эй, хилватда бир дам шод бўлайлик бор то имкони.

Ширин сўзларни айт душманларингнинг қасдига, Саъдий,
Ким истиско¹ билан оғрир, не билгай таъми ҳалвони.

¹ Истиско – тана тўқималари, тери ости каватларида сув йиғилиши билан боғлиқ кўп чанкаш касаллиги

* * *

Бўлсайди агарда мингта жоним,
Бахшида йўлингга, меҳрибоним!

Бошимга бирор куни ет, эй дўст,
Ётар эшик остида тўзоним.

Бош устига, айласанг нима ҳукм,
Тенг менга бу йўлда наф-зиёним.

Васлинг раво кўрмасанг-да бизга,
Бахтим одатига йўқ гумоним.

Дўст эмасмидик, ахир, сену мен?
Сен буздингу аҳд, мен ўша, жоним!

Манзил тутар эрдими сира, айт,
Бир сен каби шахбоз¹ ошёним?!

Гар хона харобдиру қоронғу,
Равшан кўзинг ичрадир нишоним.

Меҳринг вужудимни этмагай тарк,
Тўкилса-да ҳатто устухоним.

Лайли кўйида мисоли Мажнун
Машҳур Арабу Ажамда² шоним.

Мен тарки висолинг айламасман,
Куйса-да фироқда жисму жоним.

¹ Шахбоз – шох қуши, яъни лочин.

² Ажам – араб бўлмаган мамлакатлар. Кўпроқ Эрон кўзда тутилади.

Номингни тутишса бошим узра,
Оҳ торгади жисми нотавоним.

Тун йўқки, юзинг фироғи ичра
Кўп токига етмаса фиғоним.

Мен бўлсам агарда Хисрави давр,
Шириним ўзинг, оромижоним!

Ҳар ким яшар ўз замонида, бас,
Мен Саъдийи охирзамонам!

* * *

Бу қомат эмас аслида, бу фитна, киёмат,
Бу ханда эмас, аслида мўъжиза, каромат.

Ким қилди сенинг ой каби юзингни тамошо,
Кўксини нишон қилди унинг тиғи маломат.

Сенсиз ўтади ҳар кеча-кундузки, бу умрим
Ҳар бир нафаси ичра унинг мингта надомат.

Умримки, ўтар сенсиз, уни умр демасман,
Товони унинг бўлгуси оғир бениҳоят.

Қаддингга баробарми сира сарви хиромон,
Қаддингга ҳамиша беради эл уни нисбат.

Бир бор бу жамолингга мусофир кўзи тушса,
Қайтиб йўлидан, айлағай олдингда иқомат¹.

¹ Иқомат – 1) яшаш, истикомат қилиш; 2) бир жойда туриш, муқим бўлиш.

Ҳар икки жаҳон аҳлини ҳайратга солурсан,
Майдони қиёматда кўринса бу малоҳат.

Ҳар қанчаки бечораю бебахт бу Саъдий,
Кўрсанг уни ўзингга муносиб, шу саодат.

* * *

Азиз инсон вужуди асли жони одамият,
Гўзал либос бўлолмади нишони одамият.

Тафовут борми девор нақшию инсон аро ҳеч,
Кўзу оғзу кулоқ бўлса мезони одамият.

Ейиш-ичиш, ғазаб, шаҳват – фасод иш-ку, жаҳолат,
Эмас ҳайвонга маълум бу жаҳони одамият.

Ҳақиқий одамийлик иста, бор-йўғи бу қушлар
Сўз айтар ўрганиб асли лисони¹ одамият.

Асири дев бўларсан, бўлмасанг одам агарда,
Фаришта манзилимасдир макони одамият.

Бу ҳайвоний табиатни этолсанг сен агар тарк,
Ҳаёт бергай сенга бир умр жони одамият.

Агар сен ҳам узолсанг нафсу шаҳват бандини, бил,
Учарсан қуш каби бўлганча шони одамият.

Ўзинг одам бўлолмассан, насиҳат тингла, Саъдий,
Одамлардан эшитгайсан баёни одамият.

¹ Лисон – тил, нутқ.

* * *

Агар ёд айламайсан ёру ошнони,
Ҳаловат тарк этар ошиғу шайдони.

Жамолинг кимки кўрса кўзгуда бир бор,
Билар аҳволини бесабру расвони.

Баҳорда бошқалардек биз-да, кел, эй ёр,
Кезайлик шоду хуррам боғу саҳрони.

Ариқ бўйида сарв ўрнида турганча
Кузатсанг на гўзалдир қадди раънони!

Қиёси йўқ жамолинг васфи айлар лол,
Мадори қолмагай ҳар қанча гўёни.

Хато деса гўзал юзга қарашни ким,
Илоё, кўрмасин рухсори зебони!

Муҳаббат ҳаққи, ерман гар захар тутсанг,
Чунон ихлос билан гўёки ҳалвони.

Маломат айлагай Вомиқни нодонлар,
Юзини кўрмаганлар чунки Узрони¹.

Агар кўнглимдаги гулхан экан пинҳон,
Юзимда кўрмадингми мавжли дарёни?

Дилингни айлагайлар яғмо, эй Саъдий,
Севиб қолсанг агар бир шўхи Яғмони!²

Яшар дармон умиди доимо дилда,
Бўлар охири зулмат тунни – ялдони.

¹ Вомиқ ва Узро – Шарқда машҳур шу номли дostonнинг қаҳрамонлари.

² Яғмо – 1) талон-тороғ; 2) Туркистоннинг қадимий шаҳарларидан бири – гўзал кизлари билан машҳур бўлган.

* * *

Ёр тилидан чиқса, ҳар сўз мисли бир гавҳар эмиш,
Бир нафаским, муждаси ёрнинг – жонпарвар эмиш.

Ҳеч ошқору ниҳон вужудни эшитганмисан?
Мен эл ичра, ўзга ерда бу дили қайсар эмиш.

Даврада бўлса муҳайё ул санам, шамни ўчир,
Хона юзи нуридан шамсиз-да мунаввар эмиш.

Боғу сахрога чиқар эл сайру суҳбат эттали,
Боғу сахро ошиқ аҳлига кўйи дилбар эмиш.

Ёр аразлаб кетди, кошки менга мойил айласанг,
Ҳажрида дарё каби кўз ёшларим қайнар эмиш.

Уд¹ каби кўнглимни ёқдинг оташ ичра, эй санам,
Оҳларим манқал² тутунига жуда ўхшар эмиш.

Қабраро ётган кабиман бўлмасанг сен кечалар,
Ўқисам бомдодни сенсиз, гўйё маҳшар эмиш.

Мушк³ эмиш зулфинг бу уддек гарданимни чирмаган,
Эйки, ҳусни аҳли қачон муҳтожи зеб-зевар эмиш?!

Васлини беҳуда айларсан тасаввур, Саъдиё,
Ҳажри ўлдирди, саробга васли ҳам менгзар⁴ эмиш.

Умри узун бу умидингга Ўзи бўлсин паноҳ,
Бу маҳол орзу ҳаётинг йўлида раҳбар эмиш.

¹ У д – Ҳиндистон ва Бирмада ўсадиган новдалари қаҳваранг ва хушбўй дарахт. Уни хушбўй ҳид таратгани учун манқалга солиб тутатадилар.

² М а н қ а л – хушбўй нарсалар солиб тутатиладиган идиш.

³ М у ш к – оҳулардан бир турининг киндигида ҳосил бўладиган қора рангли хушбўй модда. Мушк берадиган оҳулар фақат Хўтан, Хитой ва Ҳиндистонда яшайди.

⁴ М е н г з а м о к – ўхшамок; ўхшатмок.

* * *

Ёр, ишонма, десалар бир ўзга менга ёр эмиш,
 Менга ёдингдан бўлак бир ўй қачон ҳамкор эмиш?

Кокилинг ҳар торига бўлди гирифтор қанчалар,
 Ўйлама биргина кўнглим унга гирифтор эмиш.

Сен билан йўқдир ишим десам агар, ёлғон бу гап,
 Бу сўзимнинг шоҳиди остонаю девор эмиш.

Ким мени айбу маломат этса ишкингда агар,
 Кўрмаган асло сени, бас, сўзлари инкор эмиш.

Мен рақиб жабрига тоқат айламасдан не қилай?
 Қайда гул бор, ёнида унинг тикан ҳам бор эмиш.

Бу муҳаббат кўйида оввора ёлғиз мен эмас,
 Мен каби куйган сенинг кўйинг аро бисёр эмиш.

Кўйсам оёгингга бошимни қиларсанми қабул?
 Жону бошимнинг баҳосидан сенга гар ор эмиш.

Бир куни бўлсам халос мен кўҳна хирқамдан¹ агар,
 Эл яна қилгай чуғулким: белида зуннор² эмиш.

Бу муҳаббат доғи бордир барчанинг кўнглида, бас,
 Ўйлама мен масту ёлғиз, ўзгалар ҳушёр эмиш.

Саъдий ишқи қолмагай пинҳон сира эл оғзидан,
 Бир ажиб дostonки, оввозаи ҳар бозор эмиш.

¹ Хирқа – шайху муридлар киядиган махсус кийим.

² Зуннор – насроний диндагилар белига боғлайдиган чилвир. Ислол мамлакатларида гайримусулмонлар ҳам зуннор боғлаб юришган. Тасаввуфда зуннор – хақиқий махбуба хизмати ва тоатиға бел боғлаш.

* * *

Интилмадим сира мен мансабга, пулу молга,
Восита бўлмас улар, чунки сира висолга.

Таърифга сиғмас асло, билдингми, қайси давлат?
Ҳар лахза бўлса очик қай кўз гўзал жамолга.

Хуррам киши у, кирса маҳбубаси эшикдан,
Омадли киши ризки қўймай келар заволга.

Кўш мағзидек бодомнинг жо бир хазина ичра,
Бўлсак яқин иковлон қолмай бирор малолга.

Билсангки, қайси жоҳил кулса бу ҳолимизга,
Умрида ўзи, демак, етишмаган бу ҳолга.

Менга севикли ёрнинг ҳамроҳ ҳамиша ёди,
Бечора бу вужудим ошно фақат хаёлга.

Мен илму дониш¹ ичра бўлдим замонда пешво²,
Йўқ сенда эҳтиёж ҳеч қашшоқ соҳибкамолга.

Бир кунга тенг висолнинг бир йили, энди, демак,
Бир кун яшаш сенингсиз бир йилга тенг хаёлга.

Чикса агар ҳар ойда ой бу жаҳонда бир бор,
Ёрнинг қоши ҳилоли ҳар кун етар камолга.

Сўфий³ солар назарни ҳусн аҳлига ҳамиша,
Саъдий битар ғазални шўҳ, арка ул ғизолга⁴.

¹ Дониш – билим, маърифат.

² Пешво – сарвар, раҳбар, етакчи.

³ Сўфий – тариқатга кириб, дунёдан кўнгил узгая, риёзат боскичларини босиб ўтиб, Ҳаққа интилаётган киши.

⁴ Ғизол (газол) – кийик, оху.

* * *

Мен яна бир марта кўрсайдим севимли ёрни,
То қиёмат айлайн шукрини Бируборни!¹

Бевафолар юки кўпни қолдириб карвондан,
Юкладилар ўзларида бўлса ҳар на борни.

Бор умидим – бир куни дафъига ҳижрон доғининг
Хаста кўнглига қўясан малҳам уммидворни.

Ихтиёр ўзингда хоҳи қаҳр айла, хоҳи меҳр,
Топшириб қўйдик сенга биз барча ихтиёрни.

Ботса тупроғига ғурбатнинг оёғи кимнинг,
Она юрти тушига киргай фақат у зорни.

Истасанг осудалик боқма гўзалларга сира,
Тарк этар сабру қарор, билсанг агар, хушторни.

Бор мажусий, мўмину насронийнинг ўз қибласи,
Қибладир менга чиройли чеҳраси дилдорни!

Хокипойи бўлайин дедиму рад этдим яна,
Тегмасин пок этагига то ғуборим ёрни.

Бир малакни кеча кўрдим, у рақиблардан ниҳон
Ёрига қилгай яқинлар ичра бу иқрорни:

«Истасанг ўз мақсадингни, уз висолимдан умид,
Истасанг васлим агар, тарк айла ихтиёрни».

¹ Б н р у Б о р – Яратувчи, Худо.

Бил, жигар конга гўлар дил дардини тутсанг ниҳон,
Очганинг душманга бундан яхши ҳоли зорни.

Бўлса ҳам минг битта дардинг очма ҳеч кимга уни,
Топпагунча то ўзингга меҳрибон бир ёрни.

Бир назар сол бизга ҳам, эй қадди мавзун нозанин,
Хизматингга баҳш этай бечора жисми хорни.

Дўстларим дер: «Нега Саъдий ишққа бой бердинг дилинг?
Халқ аро йўқотдинг энди фахру ифтихорни».

Бенаволик ичра кўрдик хайриятни биз мудом,
Кўрсин ўз ишини ҳар ким, қилмасин инкорни.

* * *

Қилсам бу замонадан шикоят,
Қиссам чўзиларди бениҳоят.

Мингдан бирини агарда айтсам,
Минг йиллик умр эмас кифоят.

Йўк менда инону ихтиёр ҳеч,
Кўз хол гилида килар хикоят.

Куйгай дили анжуман аҳлин,
Қилсам ғами ҳажридан ривоят.

Соғинчини сўйласам баҳорнинг,
Боғ қушлари оҳ чекар бағоят.

Дил дардини дўсту ҳамқадаҳлар
Олсайди қани қилиб иноят.

Саъдий, беқарор дилинг ғамини,
Ошиққа гапир, тушунса шояд.

Очмайди биров дилини менга,
Қилсам бу замонадан шикоят.

* * *

Бўстонда қадингдек ниҳолми бордир?
Юзингдагидек қора холми бордир?

Юзинг каби ойни фалакми кўрди?
Қошинг каби мавзун ҳилолми бордир?

Бир кўрди-ю юзингни, қолди доғда,
Офтобда бунингдек жамолми бордир?

Маккор бу фалакда кўриб юзингни,
Минг парда ичинда хаёлми бордир?

Анқои¹ сабрга лочини ишқдан
Бўлмоққа халос ҳеч мажолми бордир?

Ишқингда бу жоним чекар фиғонлар,
Бизга бу жаҳонда висолми бордир?

Афсона бўлибди эл ичра ишқим,
Сўзлашгали ўзимда холми бордир?

Не топса камол, етгуси завол ҳам,
Умримда завол кўп, камолми бордир?

¹ Анқо — Қоф тоғида яшайдиган афсонавий қушнинг номи; мажозан: топилмас, нодир, ягона.

Айшим гули не орзуда очар юз,
Ё боғи висолдан шамолми бордир.

Ҳар куни қилар чок Саъдий юз тўн,
Меҳрингдан йилда бир мисолми бордир?

* * *

Ман этса, нега хуснини кўз-кўз қилади,
Дил ўтини ўз ишқи билан тез қилади.

Дил қонини ичса, хушу хуррам ичади,
Қасд айласа жонга шод ҳар кез қилади.

Аччиқлигига кулади айшимни мудом,
Шу кулгиси балки уни лазиз қилади.

Кўлигаю шамширига ҳайратдаман-ей,
Қонимни тўқишга аҳд мунгсиз қилади.

Саъдий, гулинг очилди – сахар чоғида дил
Булбул каби фарёди сахархез¹ қилади.

* * *

Жаннат дегани суҳбати ҳамдам асли,
Ёр бўлмаса мос, юзи жаҳаннам асли.

Етсанг ҳузурига улуғ инсонларнинг,
Қадр айла, ҳаёт маъниси шул дам асли.

Девлар-да юрар – суврати одам гўё,
Кўз, оғиз эмас нишони одам асли.

¹ Саҳархез – эрта турувчи.

Одам дегани хулқи билан одамдир,
Ё ҳусни билан – бошқаси алдам асли.

Ҳар кимки ҳасад этмаса, чекмас ҳасрат,
Ёр ёр ила топишса, шу байрам асли.

Сахро йўлини тутмаса ким кўкламда,
Кўклам нафаси унга муҳаррам¹ асли.

Ким боғласа кўзини і ўзал юзлардан,
Панд этма, жаҳолат унда маҳкам асли.

Бўлмайди ҳаловат сира бу оламда,
Бўлмай якинингда ёри ҳамдам асли.

Қон оқса агарда ярадор кўнгилдан,
Дўстларни кўриш бўлади малҳам асли.

Дунё гўзалу мол азизу жон ноёб,
Ёр барчасидан аммо мукаррам асли.

Мол дардида ҳасратда ҳамиша мумсик,
Саъдий эса дўст васли-ла хуррам асли.

* * *

Тонг каби муборакдир кўрса гар жамоли дўст,
Жонга бахш этар ҳузур умиди висоли дўст.

Очиқ эди бахтимнинг тонг маҳалида кўзи,
Уйқуни кўйиб турдим юрагимда фоли дўст.

Эй жаҳону охират дарди, дилни айла тарк,
Бу дев уйими, унда йўкми бир мисоли дўст?!

¹ М у х а р р а м – ҳижрий-қамарий тақвим бўйича биринчи ойнинг номи.

Илдизини қуритсам бўлса қанча ҳам душман,
Ўсса бу кўнгил боғида фақат ниҳоли дўст.

Бир кўринди-ю кетди ҳушни учириб бошдан,
Дўст эдимиз у ёки шунчаки хаёли дўст.

Ақлу ҳушим учди-ю, сўз йўли-да боғланди,
Айлагай шу хилда махв¹ бахтлини камоли дўст.

Кўзгусини кўнгилнинг тоза тут мудом, Саъдий,
Босса занг кўринмасдир унда ҳеч жамоли дўст.

* * *

Сенмисан, ё келдимиз айлаб хиром сарви равон?²
Келди инсон суратида ё малак гулзор томон?

Уд тутатгайларми ё боғдан келар гулнинг иси?
Мушқу анбар юклабон ё келдимиз карвон буён?

Келдимиз карвон билан зебо санамнинг ошиғи,
Бўлишин билмай жудо жондан юзин кўрган замон?

Гул келибди деб бозорга бу замон бердинг хабар,
Уйда қандай ўтирай энди чекиб дарду фиғон?

Рад этарсиз балки, аммо мен ишонгайман, Худо,
Кўзни кўрсин шу гўзални деб яратган бегумон!

Қайта келгандай бўлар гўё ўлик дунёга, мен
Севгилимнинг юзини кўрсам яна бир бор қачон!

¹ Махв – йўқолиш; йўқотиш.

² Сарви равон – юрвчи, хиром этувчи сарв, яъни чиройли юришди махбуба.

Ким билан сўзлашмайин, банду гирифторинг эмиш,
Барчани қилдинг тузоғингга асир, оромижон!

Най агар нола қилар дил аҳли мажлиси аро,
Кўксини кўп тирнагандан айлар у нола-фиғон.

Ўйлама ҳеч уйқучи хуммор кўзингнинг дастидан,
Сен кетиб, бедор кўзимни айлагай уйқу нишон.

Нолима ёр жабридан гар бўлса, Саъдий, ҳимматинг,
Ёрга ёр жабри етар, токи яралмиш бу жаҳон.

* * *

Менга нолиши ёқар асли дили маҳзунни,
Ўтказарман минг машаққат ичра узун кунни.

Бу жаҳонни нурга кўмган тонг-да юзингча эмас,
Тонг юзинг орзусида тонгга уларман тунни.

То қиёмат шукр этарман кулганига толеим,
Мен яна бир марта кўрсайдим юзи гулгунни¹.

Жонини қурбон қилар мард аҳли таъна тошига,
Мен олиб қочдим юзимни – кўр ишин мискинни.

Кимки Наврўз орзусида, сабр этар киш захрига,
Таъқиб айлар қанча ғам ўз бахтидан мамнунни.

Ғофил ақл аҳли ҳамиша Лайлининг асроридан,
Бу каромат касбидир девонаи Мажнунни.

¹ Гулгун – гулранг, пуштиранг, қизил.

Молпараст зоҳид¹ эмас, ошиқ насиби бу сифат,
Бой берар ишқ ичра у ҳам дунё, ҳам динни.

Бошқаларни қил гирифтор, биз асирмиз шундоғам,
Қилма зое риштани боғлаш учун тутқунни.

Ўтди, эй Саъдий, кеча, эрта ҳали мавжуд эмас,
Бил ғанимат икки фурсат ичра сен бугунни.

* * *

Мендан ўғирма юзингни, дилрабо,
Мени ўлдирмок савобми бехато?!

Кеча кирдинг оғушимга уйкуда,
Сени тушимда кўрарман доимо.

Ярми оташ, ярми сув ичра ҳаёт,
Ёшли кўз, ўтли кўнгил деб мутлақо.

Киприги ўқиға дарвешлар² нишон,
Кўлиға бечоралар қони ҳино.

У лаб очса сўзга – кўнгиллар асир,
Тиғ уриб, туз сепади – бу не жафо?!

Сен деб ўйларман эшиқдан кирса ким,
Сув туюлгандек сароб ким ташна то.

¹ Зоҳид – узлят ва таквони касб қилиб олиб, дунё лаззатидан юз ўғирган киши. Бу тонфа ишқ ва ирфондан беҳабар бўлиб, мақсади такво билан охирият магфиратини қозониш. Қуръонда ваъда қилинган жаннатнинг ҳузур-ҳаловатига стишиш. Сўфийларнинг ҳар икки дунёдан мақсади Худонинг ўзи, унинг дийдори бўлгани учун зоҳидларнинг бу ишини таъмағирлик деб ҳисоблайдилар ва уларни танқид қиладилар.

² Д а р в е ш – тасаввуф истилохотида изловчи, истовчи маъносини ифодалаб, сўфий, факир, ошиқ, ориф, соҳибдил, соҳибасрор, соҳибназар каби ўзини Ҳаққа бағишлаган кишиларнинг тимсоли бўлиб келади.

Бу кумуш танга либос гўё ситам,
Бу гўзал юзга никоб ҳам нораво.

Тонгдан то шомгача очсанг юзинг,
Қолмагай офтобда ҳеч нуру сафо.

Зарбига, Саъдий, рубобдек айла сабр,
Бўлса тутмоқ этагини муддао.

* * *

Чинданам бу кеча бизга кунданам равшан эмиш,
Дўст васли шодлиги ғам-ҳасрати душман эмиш.

Боғ шамолими бу ё жаннатдан эсгай хуш насим,
Оғзи хушбўйими ёки мушку анбардан эмиш?

Ҳеч қачон бўлмас азиз жону танингдан, эй санам,
Менда ҳар қанча кўзу жону дилу ҳам тан эмиш.

Хизматингга боғладим бел, ҳар сўзингга жон фидо,
Жисму жонини бу ошиқ йўлингга тиккан эмиш.

Чекма ҳиммат қўлини дарвешдан асло, эй шоҳ,
Дон терар бечора доим қайдаким хирман эмиш.

Менга хижрон оламида йўқ қимирлашга мажол,
Бу жаҳон тангдилга игна кўзидек чиндан эмиш.

Завқу шавқ ошиққа ҳамроҳдир ҳаётида мудом,
Ҳар қаён борса, дили шавқ ўтидан гулшан эмиш.

Ширин уйдан берақиб чикмас, билар чунки шакар,
Елпиғичдан пашшанинг дафъи мудом бўлган эмиш.

Олам аҳли гап-сўзи, душман жафоси бор мудом,
Қилмасанг парво уларга, хотиринг равшан эмиш.

Шоҳлар шоҳбозининг кўзи ҳасаддан ёнғуси,
Ул шоҳбозгаки, Саъдийнинг дили маскан эмиш.

Севги сўзини яширгай қандайн ҳассос кўнгил,
Шиша ичра бўлса май, у доимо равшан эмас.

* * *

Орзу айларман жуда васфини айлай деб баён,
Англадим: минг битта дoston битса ҳам кам бегумон.

Сен менинг жоним эдинг, тарк айладинг жисмимни, бас,
Кел, яна мисли ўлик танга ўзинг бахш айла жон.

Бошга ёғилган маломатлар билан чеккан ғамим,
Бирма-бир қилсам баён, у бўлғуси дoston, аён.

Қилмагай гап-сўзга парво боғлаган хизматга бел,
Чикмайн бўстонга гул, булбул наво айлар қачон?

Чикса жони ташнанинг, дарё сувидан борми наф?
Лайли зоҳир¹ бўлғуси Мажнун ниҳон бўлган замон.

Мен севарман гулни доим, чунки хушбўй ислари
Айлагай сархуш мени гўёки ёри меҳрибон.

Мен дедим тонг елига: сен ёр кўйидан ўтасан,
Ёр тарафдан мушку анбар ҳидлари келгай буён.

Қайда ўт ёнса, унинг ҳамроҳи бўлгайдир тутун,
Сен сабабсан тоқат этмай чекса ошиқ оҳ-фиғон.

¹ Зоҳир – 1) кўриниб турган, очик, ошқор, аён; 2) ташки кўриниш, сирт, юза.

Аслида бу сўз хато, Узро нега жабр этмасин,
Нолигай бечора Вомиғи на ошкор, на ниҳон.

Хосият бордир қаламда: кўксини минг этма чок,
Айласанг фармон яна у хизматинг қилгай равон.

Боғу бўстон саҳнини Наврўз шамоли ишкида,
Безатиш лозим яна, кўп жабр унга этмиш хазон.

Бўлса қон дўсту яқинлар дастидан. Саъдий, дилинг,
Одамийликдан эмас, қилсанг маломатга нишон.

* * *

Ов шавқини ким қилар тасаввур,
Дўсти ётибон оёқда занжир?

Жодугари Бобил¹ унга сингил,
Ҳамсоясидир фитнаи Кашмир².

Бир кўрса агар қари яшаргай,
Жаннат дегани шу деса арзир.

Ошиқ хабари бўларми ўқдан,
Урганда юракка ишқи шамшир?

Сувратлари тушгуси қўлидан,
Сувратини бир кўрса мусаввир.

Эй золиму бевафо дилором,
Сен кетдингу кетди чаппа тақдир.

¹ Б о б и л (В а в и л о н) – Ироқдаги қадимий шаҳар.

² К а ш м и р – Ҳиндистондаги вилоят – қизлари қадимдан гўзалликлари ва сеҳр-жодулари билан машҳур бўлган.

Беҳуда маломат айлаб ишкни,
Нодон совутишга дилни қодир.

Жонга қўшилиб агар жасаддан –
Қон чикса, билинг, сут унга жодир.

Ошиқ киши истаса агар жон,
Сабр инжуси унга нораводир.

Кимнинг тилаги экан агар дўст,
Ўз мақсадидан кечса раводир.

Ишқига асир эканми Саъдий,
Дардига унинг йўқ энди тадбир.

* * *

Бу нима одатки, олдинг дилдан оромим, санам,
Ҳушни бошдан олдингу, тандан яна ақлимни ҳам.

Лолазору боғни қўй бир ёкқа, боғбонни чақир,
Этагини ёзсину у айласин гулларни жам.

Сен намоён айласанг офтоб каби чехрангни-ю,
Тезда беркитсанг яна, кун айланар тунга шу дам.

Сочинг ортингни тутар хирмон тўла бугдой каби,
Айла пинҳон, бўлмасин ундан сира бир тола кам.

Макру хийла ишлатиб, олдинг динимни ногаҳон,
Куппа-кундузи қиларсан ўғрилиқ, бу не ситам?!

Ўгириб кетдинг юзингни бегуноҳу бесабаб,
Мен-да ўгирсам юзим, шубҳа-гумонинг кўп бирам.

Чикмасин қандай тутун хирмондан – унга урсанг ўт?
Оқмасинми қон тиг урган жойларингдан-да ҳечам?

Бу ишинг дўстлик эмас ҳеч, айна душманлик, ахир,
Душман олдида бу дўстни ерга урмоқ чинакам.

Йиқилиб-туриб кўйингга келмаса бир кун агар,
Этасан занжир билан ошиқни ўзингга қарам.

Алмашиш тиллога мисни, дурни дарёга отиш –
Бол лабинг олдида Саъдий сўзи нархи шу, санам?

* * *

Дўст бўлмаса ҳаётда йўқ завқу шавқ нишони,
Бошдан тутун чиқаргай бу оташи ниҳоний.

Дарвоза очмагайлар айлаб менга мурувват,
Карвонга йўқса очиқ Шероз кўрғони.

Бечора бу туянинг эрки эмас ўзида,
Юкни кўтаргусидир оғриб ҳамиша жони.

Кўнгил олиш бобида минг Узро қолди ортда,
Тўкилди жозибангдан минг бир ошиқни қони.

Бир кўрса суратингни наққоши Чин-да¹ ҳатто,
Ақлу ҳушидан ажрар ҳайратда қолиб жони.

Карвон талашганидек мудом ширин сув узра,
Ҳар куни эшигингда ишқ аҳлининг фиғони.

Ишқинг ўйинлар ўйнар, ўзинг эса бепарво,
Ишқ аҳлини тушунмас йўқ кимда ишқ нишони.

¹ Ч и н – Хитой.

Жоним менинг ўзингсан, бошқа нима керакмас,
Жондан азиз биларман сен каби дилрабони.

Юрганда сарв ўзингсан, ой тушганигда сўзга,
Тонгсан кучоқда гўё, шам давра қурган они.

Бундай эмасдинг аввал, бўлди ҳақиқат ошкор,
Нафс истаганди кеча, жон эди саргардони.

Афв айла беамални, зулм айла бегуноҳга,
Қўлингда амру фармон, сен бу шаҳар султони.

Саъдий умид юзини қўймишдир эшигингга,
Ижобат этмагайсан ҳеч гарчи муддаони.

* * *

Кўрмадим мен ўзга бир юз мунчалар ҳам зебо,
Кўрмадим мен ўзга бир соч дил олишда раъно.

Тутса пинҳон кўнгли қаттиқ бу кумуштан чеҳрасин,
Мушк яширмай бўйини оламга солгай савдо.

Кўрмади, эй сурату маънода бетакрор санам,
Сен каби хушхулқу зебо юзни кўҳна дунё!

Сен агар тўп ўйнасанг, бечора тўпда нима айб,
Мен-да саргардон эканман, айлама айб асло.

Ким бу дард ичра агар бир лаҳза куйган бўлса, у
Оху воху нолани яхши кўрар ҳар асно.

Соғлигу осудалик хилватда зоҳиднинг иши,
Биз маломат изладик айлаб фидо жон ҳатто.

Ҳеч нима бўстонда ҳуснингга баробар бўлмагай,
Балки бўйлашгай ариқ бўйидаги сарв танҳо.

Орадан юз йил ўтиб, келса баҳор, эй турфа гул,
Мен каби булбул жаҳонда қайта бўлмас пайдо.

Бўса олмокқа қўлидан топмасанг, Саъдий, илож,
Сурганинг ҳатто оёғига юзингни аъло.

* * *

Ёрни мен сарви хиромон деб айтсам чиндир,
Ё санавбар – бўйнига зеб ҳалқаи зарриндир.

Акли маҳдудлар унинг юксаклигин англарми ҳеч?
Бандаларнинг ақлу идрокидан у устундир.

Эй, сенинг даврингда уйқу келмагай кўзга сира,
Уйқусизликдан мудом ошиқ юзи сўлғиндир.

Оғди тун, кўз юммадик аммо Сурайё бирла мен,
Олам аҳли бўлса, ширин уйқуга тутқундир.

Куфр эмиш мўминга кўз ташлаш гўзал юзга мудом,
Мен учун боқиб гўзал юзларга яйраш диндир.

Келди вақти – сепини оламга ёйди навбаҳор,
Олам аҳли гашт этиб саҳрою боғ мамнундир.

Боғ бугун жаннат каби, кошки қадам қўйсанг эди,
Эл десин: дунёда ҳам ҳурни кўриш мумкиндир!

Қанча таъриф айласа ҳусну камолингни сенинг,
Эҳтимол, мингдан бири айтилмагай, бу – чиндир.

Қўлларинг Саъдийга берган ранж-уқубатни сира
Кўрмагай лочин кабутарга раво – таъйиндир.

Мен ғазал битмасман ортик, пашшалар безор қилар
Қўймайин ҳолимга ҳеч, чунки сўзим шириндир.

* * *

Мақсад менга жаҳондан ўзинг бегумон, эй дўст,
Бўлсин фидо йўлингга минг бир азиз жон, эй дўст.

Кўнглим куши тутибди бандингни дўст ўзига,
Ёдига келмас энди бир ўзга ошён, эй дўст.

Сен очмасанг эшикни, мен бораман қаёққа?
Остонангга қўйиб бош ўларман, ишон, эй дўст!

Кафтимга қўйиб аста жонимни, дили хаста,
«Келтир!» – десанг тутарман «Ол!» – дея шу он, эй дўст.

Жисмим чириб, шамоллар совурса ҳам ғуборим,
Ишқинг суяқларимнинг ичинда ниҳон, эй дўст.

Қилма жафо, улуғлар кичикни айлаб иззат,
Кўрмайдилар раво ҳеч озору зиён, эй дўст.

Ичсанг агар конимни лутф айлаб, ихтиёринг,
Қувма кошингда айлаб қаҳрингга нишон, эй дўст.

Ширин бу лабларингга лойиқ фақат ширин сўз,
Аччиқ сўз айтиш учун берма ҳеч имкон, эй дўст.

Мақсад менга ҳаётдан ёлғиз сенинг ризойинг,
Жон истасанг агарда, ўлдир беомон, эй дўст.

«Саъдийни ишқ азоби кўрқитди», – деса ҳар ким,
Билки, унинг бу сўзи ёлғону гумон, эй дўст.

Тўйдирса-да ғанимлар жондан мени агарда,
Ишқингдан этмагайман тавба ҳеч қачон, эй дўст.

* * *

Бир кун яна фироғинг ичинда шом бўлди,
Васлингни кутиб мушток умрим тамом бўлди.

Қорайди кошу, аммо, ёрдан хануз дарак йўқ,
Эй кўз, нигоҳинг узма, уйку харом бўлди.

Хавфим жафо тошидан қолган эмасдир ортиқ,
Нозиклик ичра жисмим мисоли жом бўлди.

Ортимдан эл ҳамиша таъна-маломат айлар:
«Шўрлик, қаранг, асири савдои хом бўлди».

Бир мен эмас гирифтор холинг тузоғи ичра,
Кўрса бу донани ким, у банди дом бўлди.

«Қилай, – дедим, – санамнинг юзига бир назар мен»,
Бир кўрдиму фақирга ҳайрат мақом бўлди.

Эркингни берма қўлдан, деб қилдим огоҳ, эй дил,
Эрк-ихтиёринг энди дилдорга ром бўлди.

Эл тавба мандан истар, ошиқлик ичра мен хуш,
Йўқ тавбадан наф, ошиқлик менга ном бўлди.

Юзинг муҳаббатидан йиғилди бу ғазаллар,
Тўти шакар туфайли ширинкалом бўлди.

Зарга харид қиларлар қулларни аҳли даврон,
Чин дилдан ўзи Саъдий сенга ғулом бўлди.

Тузоқдан ўзни асраб юрган ўшал даъвогар,
Бир кўрди-ю, асиринг койилмақом бўлди.

Бўлмас тамом ғамингнинг шарҳи сира ҳам, эй жон,
Жаҳдим етиб қиёмга, дафтар тамом бўлди.

* * *

Давлати жонпарвар ул суҳбати чин дўсту ёр,
Хилватида йўқ ракиб, суфра эмас интизор.

Тун бўшатар ўрнини тонгга мудом, эй надим¹,
Кутма қиёмат кунин, айла юзинг ошкор.

Йўқдир ажаб эл агар тонг дея айлар хаёл,
Тунда куёшдек юзинг қилсанг агар жилвакор.

Машғалани қил баланд, ғулғула сол чўчимай,
Қўймасин у бошда то уйқую ранжи хумор.

Англа ғанимат баҳор боду ҳавосин мудом,
Сайраса кушлар майин, сочса хуш ис лолазор.

Маърифат² дафгарининг бир варағи аслида
Кўхна жаҳон сахнида ҳар гулу япрокки бор!

Кел, кани, фасли баҳор сайру тамошо учун,
Йўқ бу ҳаётга ишонч, қайтмагай асло баҳор.

Сен ила бир кеча тонг орттирайин деб эдинг,
Ўтди-ку қанча кеча, отди-ку тонглар қатор?!

Кўнди бу бошка киров ёшлик ўтиб, гўйе
Учди суворий питоб колдириб ортда ғубор.

Дафтари фикратни от, Саъдий сўзин айла ёд,
Дурга этак тўлдириб, даврага айла нисор.

¹ Надим – 1) хизматкор, маҳрам; 2) яқин дўст, ҳамсуҳбат.

² Маърифат (ирфон) – Аллоҳнинг моҳияти ҳақидаги илм.



ТАРЖЕЪБАНД

*Шоислом Шомухамедов
таржимаси*

Эй комати хуш сарви серноз,
Ваҳ-ваҳки, шамойилинг нечук соз.

Жон берди латофатинг пойида,
Кўргач сени боғда сарви танноз.

Нозик баданинг қабо ичинда,
Мисоли ғунча гул ичра эъзоз.

Махпора агарда чикса томга,
Ким фарк этадур, ул ойга ҳамроз.

Ул хирмани гул, на гулки боғдир,
На боғи Эрам, биҳиштга пардоз.

Гўёки атр сочар яқоסי,
Ё бўйи даҳанда мушки мумтоз.

Андухи фироғи тоғ каби зил,
Елдекки насихат этса устоз.

Зулфинг учинингми ҳалқасинда,
Бечора дилим юрар тўп алпоз.

Жон куйса-да хоҳиши сену сен,
Ўлдирса-да тил дуо учун боз.

Ошик дилининг хуну хирожи
Бўйнинггадир, эй шўху сеҳрбоз.

Ошуфтамен ул кумуш баданга,
Одам дили мис эмас-ку, дилбоз.

Бисёр маломатим қилишди,
«Юрма кетидан, тошдил бу шаҳноз».

Бу шарти вафо эмас-ку, эй ёр,
Зулминг жуда сахт¹, бу дўстга носоз.

Лол ўлтирамен, сабр қилиб лол,
Иш оқибати хаёлда алҳол.

Аҳдинг надур, эй нигори дилбанд,
Аҳду қасаминг бузилди ҳарчанд.

Мақсудига ҳеч етолмас энди,
Ким сенга этар кўнгилни пайванд.

Кетмакка мажол қани ёнингдан,
Нак пашша аёғи остида қанд.

Ишк келди-ю ақл йўқолди шул он,
Шавқ келгани дам сабр еди панд.

Ҳеч давру замон онаси, айт-чи,
Тукканмиди сен мисоли фарзанд.

Кўнглим нечун ўзгалардан ўзга,
Ёр ёди-да ҳеч бўлурми хурсанд.

Токай бу жабрни тортадир ул,
Токай бу сабрки, дилда тирбанд.

Қуш дон тама этдию тузоқда,
Гўшт таъма этиб бўри қўли банд.

¹ Сахт – қаттиқ.

Қокилдиму хикматини билдим:
«Панд еб олур одамий ахир панд».

Шундайга сазовор ўлгон одам
Охир бўлади пишиқ – хирадманд.

Лол ўлтирамен, сабр қилиб лол,
Иш оқибати хаёлда алҳол.

Эй юзлари офтоби олам
Сендан кўрар ўз жамолин одам.

Жон бахш этасан ўликка осон,
Ҳар бир нафасинг Масиҳи Марям.

Ёғилгай азиз бу жонга раҳмат
Ҳам жисми шарифга исми аъзам.

Эй севгили, мунча тўғрисўзсан,
Эй сарви равону қошлари хам.

Танҳо мен эмас хулкингга ошиқ,
Халк ошиғу бул арода мен ҳам.

Ширин сен ўзинг, ҳақиқатим шул,
Аждод сўзи ул ривоят, алдам.

Сабринг дилим ичра бекарору,
Ҳуснинг сени менга кўп мусаллам.

Сен аҳду вафони барбод этдинг,
Мен эрса ҳамон бу йўлда маҳкам.

Жим ўтма, ўлиб колур адолар,
Сендан кутибон давою малҳам.

Менсиз ўтасан ҳама умр сен,
Сенсиз менга заҳр ҳар нафас, дам.

Лол ўлтирамен, сабр қилиб лол,
Иш оқибати хаёлда алҳол.

Дардингда лабимга етди жоним,
Афсуски, қўлимдамас иноним.

Ким кўрди менинг каби заифни,
Жоним борича ҳамон гумоним.

Парвонаману қуйиб-ёниб тан,
Сен қайдасан, эй халоси жоним.

Лутф этсанг агар, ризо бу жоним,
Жабр этсанг агар, сазо равоним.

Жамоли накшинг дилимда доим,
Исминг ила банд ҳамон забоним.

Айшимни фироғинг айласа талх,
Ёдинг била бол бўлур дахоним.

Бегонага айтмадим сирингни,
Васфинг эса бу кўнгил ниҳоним.

Дардингда тополмадим мадад ҳеч,
Жабрингда халос бирор-бир оним.

Васлиннга етарга йўқ мажолим,
Курбим борича ютиб фиғоним.

Лол ўлтирамен, сабр қилиб лол,
Иш оқибати хаёлда алҳол.

Гул мавсуми, кўкламу тамошо,
Тур, юр, кутадири чаман ва сахро.

Ул фитнаки, хусни элга дoston,
Кай ерга борар ўшанда ғавғо.

Соҳибдил агар юзин кўрар бот,
Бўлғайдур асиру ишққа шайдо.

Кор килмас, ахир, сенам билурсан,
Девонага гап гапирса доно.

Кўз менда факат уни кўрай дер,
Мен хас кабиман, хаёли дарё.

Гар жабри ракиб ўтар чидармен,
Аввал тиканак берар-ку хурмо.

Саъдий аламинг ичингда тутгил,
Ёв билса этар-ку хору расво.

Гар деса ҳасадчи бор у ёкка,
Бундан кейин бормагил сен асло.

Бесабуру қарор дилимда ундов,
Ҳар кун кутибон насиҳат аъло.

Лол ўлтирамен, сабр килиб лол,
Иш оқибати хаёлда алҳол.



РУБОЙЛАР

*Эргаш Очилов
таржимаси*

1

Кўнглим ўтидан ичимдаги қон қайнар,
Шундан мени эл телба дебон гап ўйнар.
Ким кўрса эди Лайли юзини бир бор,
Билгай эди: Мажнунни нима дард қийнар?

2

Вах-вах, на қиёмат бу келишган қомат!
Йўқ сарвда ҳатто қоматингга нисбат!
Бошланди қиёмат, демасин, марҳумлар,
Ҳеч ўтма мазор қошидан, эй моҳталъат!¹

3

Бузганча вафо шартини ул жонона,
Тарк айлади – кўнглимни килиб вайрона.
Деди: «Мени уйқунгда кўрарсан энди!»
Дедим: «Менга сенсиз уйқудир бегона!»

4

Шоҳдир ўша бевафо кўнгил тахтимда,
Шам элга, бироқ алангадир рахтимда².
Ул барча билан ўнг-у, фақат мен ила терс,
Йўқ айби унинг, гуноҳ бу шўр бахтимда!

5

Тунлар ўтади – уйқу қочиб кўзимдан,
Кўнглимни узолмагум дилафрўзимдан.
Ўз кўли билан тўкса эди конимни,
Ўлсам эди рози бўлиб ўз-ўзимдан.

¹ Моҳталъат – ой юзли, гўзал.

² Рахт – бу ерда: манзил, жой маъносида.

6

Сабрим тугади – килди кўнгил ёрни ҳавас,
Жонимни оёғи остига ташла-ю, бас,
Минг онт ичай эл олдида бошимни уриб:
Тўккан киши қонимни гуноҳкор эмас!

7

Ёр ишки кўнгилни бир нафас тарк этмас,
Дардини кўтармоққа-да сабри етмас.
Ё гулни тиконига сабр айламас-у,
Ё гулдан умидини узиб-да кетмас.

8

Келганда баҳор ҳавоси олам на гўзал!
Қуш нағмаси, гул ғунчаси, шабнам на гўзал!
Най ноласига чанг эса ҳамдам на гўзал!
Ёр бўлса ёнингда яна маҳрам на гўзал!

9

Ёр бўлса кучоғимда кечамдир кундуз,
Ёр бирла ўтар куним мисоли Наврўз!
Ўтди кеча, индинни кутиб ўлтирма,
Ҳар қанча бугунни завқини сурсанг оз!

10

Меҳмон бу кеча менга ўшал дилафрўз,
Бахтимга рақиблар арзигаё қилса кўз.
Шам ўчсин-у, ой ботсин – ўшал нозли санам
Қўйнимда экан, кечам мисоли кундуз!

11

Сарв олган унинг коматидан андоза,
Оғзидан ўғирлаган баҳр¹ дурри тоза.
Ҳар қайда бинафшани кўриб айтурман:
Сочи каби кўп буралма, килма ноз-а!

12

Тун йўкки, кўзим юзингга орзуманд эмас,
Жоним-да келиб лабимга сенга банд эмас.
Сен ўзгага дил берсанг ҳам, мен сендан –
Узмасман умид – ҳеч ким сенга монанд эмас!

13

Умримнинг умид куши мени тарк этди,
Сархуш кечалар охири бошга етди.
Ҳар лахзаси жонга тенг бўлган умрим,
Афсуски, беҳуда кўлимдан кетди...

14

«Бир кеча қилай, – деган эдинг, – кўнглинг шод,
Бу барча ғаму азобларингдан озод».
Ўтди ўша кундан бери қанча тунлар,
Лекин ўша ваъдангни ҳеч этмайсан ёд!

15

Сен ҳар нима кийсанг, ўша зебо бўлади!
Бўз бўлса-да у, атласу кимхо² бўлади!
Бир марта юзингни кўрса ҳар кимсага агар,
У энди қиёматгача шайдо бўлади!

¹ Баҳр – қатта дарё, денгиз.

² Кимхо – кимхоб.

16

Кўнглига замона ҳар неча урса тикан,
Ҳамма ҳам уриб ох, сочини юлмас экан.
Кўпларни дили худди момақалдирок
Йиғлайди-ю, аммо енгади кулги билан.

17

Ҳар қанчаки сарв бўлса агар оламда,
Ёр қомати қошида ўшал мулзам-да.
Маҳлиё бўлма кўп баланд қадларга,
Бўй қанча узун, ақл ўшанча кам-да!

18

Кўздан яширин, дилда аён – ҳолинг не?
Лаб узра табассум, дили қон – ҳолинг не?
Бир марта видо айламай ошиқларига,
Эй тутгучи юксакда макон – ҳолинг не?

19

Ҳар қандай орзу бўлса, бир кун етасан!
Бас, беҳуда ғам чекмаки, қариб кетасан.
Душман-ку жафо қилса, бўлишгай дўстинг,
Дўстим деганинг душман чикса, нетасан?!

20

Ҳар бир тош агар лаъли¹ Бадахшон бўлади,
Бас, лаъл ила тош баҳоси яксон² бўлади.
Гар барча кудукда оби хайвон³ бўлади,
Топмоклик уни ҳаммага осон бўлади.

21

Мутриб⁴, ўшал ёрдан пайғом⁵ бергил!
Ошикка бир ишва⁶ билан ором бергил!
Сокий⁷, вафо майи тўла бир жом бергил!
Рашк этса ҳасадгўй, дегил: «Жон бергил!»

22

Гул рангли шароб тила агар одам эсанг!
Турсин таралиб нолаи най, нағман чанг!
Кўкнори ичиб, бир ерда тош котгандан,
Тошни кўшиб ич кўкнорига, эй ҳоли танг!

¹ Л а ъ л – кизил рангли ялтироқ кимматбаҳо тош. Маъшуканинг кизил лабини унга нисбат берадилар. Л а ъ л и Б а д а х ш о н – лаълнинг энг аъло нави бўлиб, Бадахшон тоғларида ҳосил бўлади.

² Я к с о н – тенг, баробар, бир хил.

³ О б и х а й в о н – оби ҳаёт, мангулик суви, оби Хизр, оби бақо. Хизр суви, Хизр чашмаси, хайвон булоғи, тириклик суви. Оби ҳаёт тасаввуфда саъй-ҳаракат билан эришиб бўлмайдиган, Аллоҳ томонидан ўзи хоҳлаган бандаларига бериладиган ладуний (илоҳий) илм маъносида келади.

⁴ М у т р и б – чолғувчи ва кўшиқчи, муғанний. Тасаввуфда орифлар дилини рамзлар кашфию ҳақиқатлар баёнига тўлдирадиган, файз етказувчи ва тарғиб қилувчиларни мутриб дейдилар. Раббоний оламдан огоҳ қилувчилар ва комил пирларга ҳам ишора қилинади. Унинг куйи – маърифат, кўшиғи эса – ҳақиқат.

⁵ П а й ғ о м – хабар, дарак, башорат.

⁶ И ш в а (н о з , и с т и ғ н о , г а м з а) – маъшуканинг ошикка илтифот қилиши, ишқ йўлида куч бағишлаши.

⁷ С о к и й – деганда сўфийлар Аллоҳни, Муҳаммад алайҳиссаломни, маъшукани, пир ёки комил инсонни назарда тутадилар. Сокий даврага май улашгани каби улар ҳам одамлар қалбига илоҳий файз бағишлайдилар, ҳақиқий ишқ ўтини соладилар, ғайб маърифатидан баҳраманд этадилар.

23

Сен, яхшиси, дил захмига бир малҳам қўй!
Ғамхўрлиги элни беҳуда, эркам, қўй!
Ўлдир мени ўз қўлинг билан – ўлдирсанг,
Душман қўлига топширма ҳеч ҳам, қўй!

24

Бу дунё муҳаббатини дилдан юламан!
Минг неъматини бир арпага тенг биламан!
Ҳар қанчаки бунда янгиман, завқ билан
Бу кўҳна жаҳонда янги гулдек куламан!

25

Мен бандаси ул кимсаниким, дил олгай,
Ё бошқа бировни ўзи севиб қолгай.
Ким ўзганинг ошиғи ё маъшуғи эмас,
Кўзига унинг, яхшиси, тупрок тўлгай...

26

Йўқ ўзга илож – тикка борай хонасига!
Хоҳ шамширу хоҳ тиғ урсин девонасига!
Тутса қўлини – мангу вафодори бўлай,
Қувса – ўлайн бош қўйиб остонасига!

27

Бу кеча чўзилди кўп – оқармай кетди,
Қушлар-да овозини чиқармай кетди,
Мен тун бўйи қокмай мижа тоққа бокаман:
Тоғ тонгни кучоғидан чиқармай кетди...

28

Юзинг қошида дунё гулистонлари мот!
Бахш этгуси васлинг кишига мангу ҳаёт!
Бир қагра томиз икки лабингдан ерга,
Ўлик табиатга жон кирсин шу заҳот!

29

Душман эли жабрини оширса ғоят,
Дилтанг бўлма, бор бу синовда ҳикмат:
Ҳар кимки чекар таъна-маломат беҳад,
Ёр шафқатига бўлса сазовор шояд...

30

Минг таъна-маломат қилишар ортимдан,
Ёлғон ила тухмат қилишар ортимдан.
Душман сўзи деб кечиб бўларми дўстдан?
Майли, неча ғийбат қилишар ортимдан.

31

Ҳайҳот! Очилиб улгурмай гул сўлса!
Кошки очилиб, тамом сурурга тўлса!
Кўнглида умиди кўп эди шўрликнинг,
Не фойда: умид кўп-у, умр оз бўлса!

32

Эй тонг ели, сен узоқ сафар айлагасен,
Ул ёр эшигидан-да гузар¹ айлагасен.
Биздан унга сен дуою хизмат етказ,
Сўр: «Дўстлардан қачон хабар айлагасен?»

¹ Гузар – ўтиш, ўтиш жойи.

33

Мард айлар-у май кишини, шодликка тўлик,
 Кўкнори мижози-чи, совуқ ҳамда қуруқ.
 Ой юзли санамни топ-у, ич алвон май,
 Ким кўп кўк еса, ранги бўлар сап-сарик.

34

Бечора кишилар сенга мафтун бўлади,
 Васлингга етолмай зору дилхун¹ бўлади.
 Бир лаҳза сенингсиз тоқати тоқ кишининг
 Ҳар лаҳза сенингсиз аҳволи чун² бўлади?

35

Гар тўккали қонимни санам айласа аҳд,
 Қилмам сира жонимни халос этгали жаҳд.
 «Мендан не гуноҳ ўтдики, ёр бўлди хафа?»
 Қийнар мени шу туйғу, шу кайғу ҳама вақт...

36

Ҳар кимсага кимки эътибор этгусидур,
 Ориф³ назарида ўша паст кетгусидур.
 Қози икки шоҳид олдида фатво берар,
 Ишк йўлида бир шоҳид ўзи етгусидур⁴.

¹ Д и л х у н – дили қон бўлган, гамгин, дили вайрон, дилхаста.

² Ч у н – бу ерда: қандай, қанақа, нечук.

³ О р и ф – маърифат соҳиби, Аллоҳни таниган киши, қомил инсон. Аллоҳнинг зоти, сифатлари ва исмларини мушоҳада этадиган завқий ва ваҷлий илмлар эгаси бўлган зот.

⁴ Бу ерда шоҳид – гувоҳ ва шоҳид – маъшуқа сўзлари воситасида сўз ўйини қилинган.

37

Кўнглим ёришар фақат шу ёр туфайли,
Чиройли эмас, дер уни душман хайли¹.
Ётлар кўзига хунук кўринсин, майли,
Тенги йўқ унинг менга мисоли Лайли.

38

Ишк аҳли табиби, бир нафас ўлтирсанг,
Ишкингда бу хасталарни ҳолин сўрсанг.
Фарҳодсифат сенга агар ошиқман,
Сен чунки Ширинсан – сабабини сўрсанг.

39

Ёр давлату бахту кулса тақдир бир зум,
Бошимни оёғингга фидо қилсайдим.
Осон менга бўлмоқ қадаминг тупроғи,
Лекин сен оёғингни қўясанми, гулим?..

40

Қилдик неча лиммо-лим қадахни² холи,
Бўлсайди насиб, кошки, лабингнинг боли.
Босмиш мени зўр қайғу: лабингга етмай,
Ўлсам нетаман? Асли шу ошиқ холи...

41

Киприк-ла супургум ёр остонасини,
Гап-сўз қилар эл мен каби девонасини.
Минг хайда – оёғини ололмас тортиб,
Кўр холини пашшани – бол парвонасини!

¹ Х а й л – тўда, тоифа, гуруҳ; эл, жамоа.

² Тасаввуф истилоҳотида қадах, жом, қоса, паймона ва уларнинг маънодошлари – кўнтил, май эса илоҳий ишк рамзи бўлиб келади.

42

Кўзга бокиб, сурма эмас, кўрса тикан,
 Чакмок-да чақиб, ўт ичра қолса хирман,
 Ёв этса асир, урса яна қўлга кишан,
 Дўст ўрнига яхши кўрганингдан душман!

43

Бу лутфу карам соҳиби гўзалга қара!
 Писта каби хандон бу лаби лаълга қара!
 Сенга бу илоҳий ҳусн сари йўл йўқдир,
 Кўзимдаги сув, суврати ял-ялга қара!

44

Кўр жоҳу¹ жалолу² ҳусну рангни³ бирга!
 Одам дилини менгзама тош, темирга.
 Ким ошик эмас бировга ё унга биров,
 Ҳеч қилма ҳавас бемаъни бу тақдирга!

45

Бир куни килиб азми саҳро сену мен,
 Чиқсак бу шаҳардан аста танҳо сену мен.
 Атрофда киши бўлмаса учрашганда,
 Шод бўламиз ўшанда, илло⁴, сену мен.

46

Эй ёр, қаердасан – қучоғим бўм-бўш?
 Ўтган кечаги лутфу караминг қани, хўш?
 Ҳар қанча кўзимдан яширин бўлсанг ҳам,
 Ишқинг юрагимда туну кун ургуси жўш!

¹ Жоҳ – бу ерда: улуглик, шаъну шавкат.

² Жалол – улуглик, виқор, шуқух.

³ Ранг – кўрку тароват.

⁴ Илло – аммо, лекин.

47

Одам дегани шунча бўларми зебо?
Ё сарв деган шунча баланду барно?
Кўнгли чўқади – кимни у тарк этса агар,
Кўнгли ўсади – кимга агар боқса қиё!

48

Эй, кошки, одамлар бу санамни кўрса
Ҳам ёнида ўлтирса-ю, суҳбат курса,
Шайдоси бўлиб, атрофида чарх урса,
Ошиқ холига зора кулмай юрса.

49

Ошиқлик ишидан, истадим, тавба қилай,
Шояд, бу ишқ азобидан четда бўлай.
Ҳар лаҳза бироқ сабру қароримни олиб,
Борган сари яхшироқ кўринсанг, не қилай?!

50

Дўст айбини дўст юзига ким солмаса, бас,
Бу чин дўстлик одати-ю расми эмас.
Дўстлик шуки, дўсти тўғри йўлдан тойса,
Дўстлик юзидан дўстини дўстим демас.

51

Эй булбули хушлақжа¹, овозинг мумтоз²,
Сархушсан-у севгидан, ҳавасга ҳамроз.
Хавфим шуки, етмайсан азиз ёрингга,
Солмиш сени тўрга чунки ёқимли овоз.

¹ Хушлақжа – хушовоз, ёқимли.

² Мумтоз – афзал, тенгсиз.

52

Элдан узилиб, четда нихон йиғлайман,
 То кўкка етар нола-фиғон йиғлайман.
 Куш орқасидан йиғлаб қолган боладек
 Ўтган умрим учун чунон йиғлайман...

53

Ул дўстки, хуснидан бўлар пайдо кўз,
 Гар қилмаса жилва ҳусни, нопайдо кўз.
 Бир бор юзини кўриш учун шайдо кўз,
 Кўришга ярамаса, нега пайдо кўз?!

54

Мен қаддига бандаман шу шамшодтаннинг!¹
 Фарходиман-ей, шу Ширин шўху шангнинг!
 Оғзига қулоқ тутса-да, сўз маънисига
 Етмас фаҳми лаълидан ҳоли тангнинг!

55

Мен изламасам дилимга ором, на қилай?
 Ёр йўлида менга бош тикиш ком, на қилай?
 Дерлар менга: «Кўй у ёрни – қонингни тўкар!»
 Дил донасига бўлган эса ром, на қилай?

56

Дедим: карамайман юзига дилбарни!
 Сўфий каби қилмайман куфр ишларни!
 Кўрдимки, бу иш лойиқ эмас таъбимга,
 Минг тавба қилиб, йиғиб олдим хушларни...

¹ Ш а м ш о д – хушбўй гулли ҳамиша кўм-кўк яшнаб турадиган хушқомат ва чиройли дарахт. Маъшуканинг келишган коматини унга нисбат берадилар.

57

Бир лаҳза қарори йўқ сенингсиз дилни,
Гар бўлмаса гул юзинг, нетарман гулни?
Дерларки: «Унутсанг, бўласан хотиржам»,
«Алҳамд»ни¹ унутсам-да, унутмам улни!»

58

Ул ёрки, кўзим чашмасидан ўтгай эди,
Шафкат қилишини сўрашим кутгай эди,
Дил-чи, яшириб дардини, қон ютгай эди,
Билса гўё сочи ила банд этгай эди.

59

Эй ёр, сенингсиз менга бу дунё тор,
Мен сен ила фахр этарман-у, сен эса ор.
Дўстингман-у мен, сен-чи мисоли ағёр,
Бу дилми ва ё тошми, ахир, бўл иқрор?!

60

Гар бўлса муяссар менга васл айёми,
Бош кетса-да, бас, ушалса дилнинг коми.
Мен битта ўпардим у яримга холидан,
Рост бўлсин, деб битгани ҳижрон шоми.

61

Гар ёв мингта, сенда-чи, юз навкар бор,
Ўзингни ҳалок қилма сира, бўл хушёр:
Гар келса қўлингдан уни айла тор-мор,
Гар ожиз эсанг, сулҳдан уялма зинҳор.

¹ Бу ерда Куръонни (Фотихани) тиловат қилиш кўзда тутилмоқда.

62

Сен қон каби жисмимни тутибсан буткул,
Бош устига, сендан нима келса, эй гул!
Биз ёр ғамида тунни уладик тонгга,
Мактанма саҳарда турганингга, булбул!

63

Юв, дейди, менга ҳамма, ёмон ёрдан қўл,
Яхшилигидан ёмонлиги мўлдир, мўл.
Ҳар яхши-ёмону ранжу роҳат – неки бор,
Маъкул бари келса нозли ёрдан бир йўл...

64

Тақдир сира тадбир билан ўзгармас,
Минг интил-у интилма – бирор наф бермас.
Дедимки: бориб сабр қилай бирмунча,
Сабр этгали, афсуски, мен қодирмас.

65

Парвонадек ишқини этиб кўксига жо,
Кўрсатмади ҳеч ким ёрига сидку вафо.
Душманлигидан қайчи кесар шам бошини,
Парвона қилар дўстлигидан жонни фидо.

66

Дўст бўлсанг агар, дўстга муносиб дўст бўл!
Дон бўлсин-у дўст, сен эса унга пўст бўл!
Душманни агарчи юзини кўргинг йўқ,
Дўст кўнгли учун ҳам уни афв эт, дўст бўл!

67

У душману дўст кўнглини оғритди,
Гўёки гуноҳ-ла вужудин масх этди¹.
Аввалда унинг ғами эди дилларда,
Энди бу жаҳоннинг ғами унга етди...

68

Бошдан нималар ўтмади – дил бермай тоб,
Кўзим ёшидан бўлди этагим ғарқоб.
Кўксимни тешиб ўтган ўкни кўрасан,
Кўнглимга агар кўлингни тиксанг, моҳтоб!²

69

Тоғу дарани сел олди Наврўз пайти,
Тошлар кўчиши зўр ваҳима кўзғайди.
Даҳшатли бу сел кўпти³ кўзим чашмасидан,
Тош қалби санамнинг баттар тош қайтди!

70

Золим кишининг зулми ўзига уради!
Одилга адолат эзгу ном келтиради!
Шоҳ одил бўлса, тахту мулки пойдор,
Шоҳ золим бўлса, борини бой беради!

71

Қандай чидаин – бу не ғаройиб ҳолат:
На васлига, на ҳажрига бордир токат!
Очилса қаерда гул – азалий одат:
Булбулни шу ерда ноласи билмас ҳад.

¹ Бу ерда «гуноҳга ботди» маъносига.

² Моҳтоб – ой; ой шуъласи; мажозан: маъшука.

³ Кўпмок – кўзгалмок, турмок.

72

Йўқ менда кўйингда сабру тоқат сира ҳам:
 Сендан на узоқлик, на яқинликка, санам.
 Шунга қарамай, ҳамиша сабр этмак ишим,
 Ошиқ кишига қисмат экан сабру чидам.

73

Эй ёр, биласанми, не учун айтдим роз?
 Кўнглим куши кўксимаро қилди парвоз!
 Ҳолимдан ажабланма-ю, ҳовончага боқ:
 Кўргач ёридан жафо, чиқарди овоз.

74

Гул фасли-ю, даври шодмонлик келди,
 Афсуски, бошимга нотавонлик келди.
 Умримни(нг) баҳори ўтди кўрмай меҳринг,
 Умрим қиши вақти меҳрибонлик келди...

75

Бир кўрсатиб ўзини ўшал қомати дол¹,
 Кўнглимни қўлимдан олди-ю, қилди увол.
 Овлайди кўнгилларни кўзи овчи мисол,
 Бой бермайман дилни, десанг, кўр бўла қол!

76

Тавба тўнини кияй десам-да ҳарчанд,
 Воизга² қулоқ тутиб мудом, тинглаб панд,
 Қаршимда намоён бўлди-ю сарв монанд,
 Учди елга ҳар сўзки, деди донишманд!

¹ Д о л – бу ерда: тик, тикка, адл.

² В о и з – ваъз айтувчи; насихатгўй.

77

Дерлар менга: «Борма ул санамнинг изидан,
Андиша қил элни(нг) яхши-ёмон сўзидан».
Тушдим домига – энди насиҳат бекор,
Судрар мени у – бормайман ўз-ўзидан.

78

Жанг қилгани сен билан биров ботинмас,
Чунки у тузоғинга тушиб қолгай, бас.
Сен бирла курашмоққа менга на дил бор,
На сабр – узай десам кўнгилни, хуллас.

79

Хусн аҳлики, кўрган кишилар суқланишар,
Минг ҳайфки, пардада кўриб чекланишар.
Ҳар холда, никоб тутишлари бежиз эмас:
Бозорга солишдан ўзини сақланишар.

80

Ҳайф дилгаки, у самоъни¹ қилмайди ҳавас,
Тошдир ўша, тошга ишқ иши лойик эмас!
Ким севгига бегона – самоъ унга ҳаром,
Ким куймаса ўт ичра, тутун чикмади, бас!

81

Бошдан ишқинг солган савдо кетмас,
Кўздан юзинг акси асло кетмас.
Афсуски, фидо бўлиб қадаминга, санам,
Бошлар кетару бироқ бу ғавфо кетмас.

¹ Самоъ – эшитиш, тинглаш. Сўфийларнинг вазду холга эришиш мақсадида уюштирадиган зикр мажлислари, кўшиқ ва ракс базмлари.

82

Ўтган кеча менга иқбол ёр эди,
Кўлимда яноғи олмаси бор эди.
Чоғланган эдим ўпгали, вой, уйғондим,
Бир бўса хуморида дилим зор эди.

83

Ул кун назари мен дарвешга етди,
Қаҳру ғазаб айлабон ситамлар этди.
Офтоб нури тушмасин учун устимга,
Булут каби соясини солди-кетди.

84

Савдосини солди юрагимга ул шўх,
Сиймосини нақш этди кўзимга – нақ чўғ.
Бошимни фидо қилай оёғига унинг,
Бошсиз яшаса бўлар, ёрсиз эса йўк!

85

Хуснини томоша қилди ойинада, бас,
Томоқ, лаб, оғиз, тиш – бари кўзгайди хавас.
Бир сўзи қулоғимга чалинди шу нафас:
«Жон келса-да лабга, лабга ҳеч етган эмас!»

86

Кўйингда бошимни қилмагунча қурбон,
Кўлим ҳеч узилмас этагингдан, жонон.
Сенинг сари йўл узоқ ва оғир чандон,
Ўлсам-да бу йўлда, тўхтамасман бир он.

87

Эй тунни юзи ёритгучи мохталъат,
Тун-кун сен ила бўлса киши, не давлат!
Йўқ дунёда сен каби чиройли хилқат,
Ҳеч ҳожат эмас сенга бўёқ, зеб-зийнат.

88

Висол туни етди-ю, таътил куни,
Келди шитоб айлаб кўнглим мафтунни.
Дедимки: «Юзинг юзимга қўймайсан ҳеч»,
Деди: «Жўна, ўйладингми, фил деб мени?!»

89

Ишқимни ҳасад аҳли ҳавасга йўйишар,
Ўткинчи ҳавас бандаси деб айб қўйишар.
Асли менинг ишқимни кўролмай қуйишар,
Ҳусн аҳлини, чунки ўзлари ҳам суйишар!

90

Ишратда яшар ким молу давлатга эга,
Билмас у гадо оҳи сабабини – нега?
Жайхуну¹ Фурот² тўлиб зилол сув оқади,
Сахродагилар зор уни бир қатрасига!

91

Ҳусн ичра у тенгсиз бир гавҳар бўлгай,
Ҳар қайга назар солса, мунаввар бўлгай.
Ҳар ким қўлида ҳам кўзгу сочмас нур,
Нопок юздан унга ғубор гар бўлгай.

¹ Ж а й х у н – Амударё.

² Ф у р о т – Ғарбий Осиёдаги дарё.

92

Бедор ўтади узун бу тунлар, бедор,
Тонг чоғи болишга бош қўярман ночор.
Кўз уйкуга кетди бир кўрай деб ёрни,
Шундай деб ўзимни овутаман бекор.

93

Ҳар лаҳза юзинг гулига тушса назарим,
Наргис¹ каби юмилмаса, дейман, басарим².
Сенсиз суману арғувон³ ичра гузарим –
Гар бўлса-да, йўқ бинафшадек бош урарим.

94

Мен шунчаки келмадимки, чўлни кўраман,
Ё сув бўйида хавас қилиб ўлтираман.
Сен дашту даладан гулу лола терсанг,
Мен бўлса, сенинг юзинг гулини тераман!

95

Топилмади дардимни олар бир ҳамдам,
Бу ишқ ишига чора этгувчи ҳам.
Дедим ўша шўхгаким, қўлимдан тутсин,
Зероки, бу дардимга фақат у малҳам.

96

Бир кун келар у менга қилиб лутфу карам,
Жонимга ёқар босгани ҳар битга қадам,
Кўздан яширин бўлса-да ҳарчанд у санам,
Қайга карамай, кўриб турарман уни ҳам.

¹ Наргис – бўтакўз; мажозан: шахло кўз.

² Басар – кўз.

³ Арғувон – гуллари ниҳоятда қизил бўладиган дарахт; мажозан: қизил ранг.

97

Ёр юзини ҳамма кўрмасайди ҳеч ҳам,
Бўлса туну кун фақат у менга ҳамдам.
У бўлса-чи, мендан бошқа барчага дўст,
Ё Раб, ет додимга – адо қилди ғам...

98

Мен ўзга билан қилмасман аҳд-паймон,
Ошиқ унутарми севганини осон?
Мен сенга берай дилимни, жон роҳатисан,
Дил сендан узиб, кимга берарман, жонон?!

99

Ҳар кун нозу лутфинг мени баттар ўртар,
Ҳар кун тўлишар ҳусну жамолинг, дилбар.
Қозига олиб борай, десам, кўрқарман,
Қозини(нг) дилини-да оларсан яқсар¹.

100

Ё бир хилват гўшага бур юзингни,
Ё куйдир ишқ оташига ўзингни.
Ошиқлигу номус сира бўлмас бирга,
Асрай десанг орингни, тик кўзингни.

101

Бўлмас юритиб қисмат узра фармон,
Етганда ажал топилмагайдир дармон.
Бўлмайдди экин-тикин қилиб киш фасли,
Қил яхшилик бор экан кўлингда имкон.

¹ Я қ с а р – бир йўла, дарҳол, тамоман, бошдан-оёк.

102

Ким сўзу ишида тўғри ҳар он бўлгай,
Хавф унга нега посбону султон бўлгай?
Касби-ку заҳар солиш илоннинг доим,
Бу феъли унинг қачон пинҳон бўлгай?

103

Нодон кўшилар барчага жуда осон,
Кўрса нимани, чанг солади у ҳар он.
Қозонга яқин юрса, юқар қораси, бас,
Дўсту ҳамроҳ бўлма ким бўлса ёмон.

104

Гулга мисоли хор бўлмоқ лозим,
Душманга гўёки ёр бўлмоқ лозим.
Десанг сира чиқмасин сирым ташқарига,
Элдан пинҳон зинҳор бўлмоқ лозим.

105

Ҳар ердаки айш асоси пойдор бўлгай,
Дур қошдаю гавҳар ери омбор бўлгай.
Қайда ҳамма ёру вафодор бўлгай,
Чин ёр ўша ким балога чин ёр бўлгай.

106

Ҳар дам ғанимат – жаҳон ўтиб кетгусидир,
Бу холинг ўзга ранг касб этгусидир.
Олам халқи бугун қўл остингда магар,
Эртага сенга ажал қўли етгусидир.

107

Ул ойни, дединг, фариштаи Раҳмондир,
Боқсанг яна бир бор мисли шайтондир.
Олов каби базмларни қизитган ул юз,
Бугун қарасанг, хас-хазони бўстондир.

108

Итдай эшигингда зор бўлсам, не қилар?
Ёки боғинг ичра хор бўлсам, не қилар?
Тулки-ку эшигингда жаҳон шерлари ҳам,
Бас, ит каби мен ҳам ёр бўлсам, не қилар?

109

Ўзимни мисоли шер хаёл айлар эдим,
Душманни-ку тулки дея фол айлар эдим.
Ҳажрида нима қилишни билмай қолдим,
Ҳолбуки, сабрни эҳтимол айлар эдим.

110

Мен чўриларингни қилдим огоҳ юз бор,
Берманг дея ёр қўлига кўзгу зинҳор.
Хавфим шуки, кўрсанг ой юзингни унда,
Бокмайсан ўзга юзларга такрор.

111

Остонангда ишқ аҳли жам, кела қол,
Қаҳрингдан эмаслар хафа ҳеч ҳам, кела қол.
Ҳар қанча жафо қилган эсанг маъзурсан,
Бас, иззатинг бўлмасидан кам кела қол.

112

Ёр кўзлари маст уйкуда – сармасти шароб,
Васлига дил аҳли зору орзуси сароб.
Билмас у каби гўзални ободу хароб,
Кўргайсан уни кўзгуда ё сувда ҳисоб.

113

Дўст ишқини тарк этиш эмасдир осон,
Сабрга айлашу тақдирга бериш тан – дармон.
Ё кўнгил узиш керакдир алвон гулдан,
Ёки чидагайсан тиканига ҳар он.

114

Дил кетса-да, кўз телба қилар одамни,
Алдаб бўладими зухдсиз оламни?
Куйдирган эмас бечора парвонани шам,
Шундай куйиб улуғлагай у шамни.

115

Савдойинг маст айлар эса ким ҳушёр,
Ким берса дилини сенга, иқболга ёр.
Сенсиз бу жаҳон сахнида йўқдир ҳеч ким,
Сен бўлсанг агарда, демак, барча бор.

116

Дўст наздида яхшидир ёмон ҳолим ҳам,
Теримни шилиб олди душман – хуррам.
Бераҳм бу душманни юборгандир ўзи,
Дўст тутмасам уни, мен эмасман одам!

117

Шам йиғлаб агарчи ўзни айлар қурбон,
Йиғлаб туриб, у кулар эди шўх-шодон.
Саркаш бошини кесдилару у-чи, ҳануз
Турган ерида чўзар тилини ҳар он.

118

Рўмолчаки, севимли санам қўлда тутар,
Хуш бўйини ўғирлару тонг ели агар,
Юз йиллик ўликни ёнидан аста ўтар,
Қабридан ўлик шу лаҳза бошин кўтарар.

119

Гул атрини тонг шамоли олар-да кетар,
Ғафлатдаги булбул не деб ошиқлик этар?
Етилса гул, олдига аттор етар,
Сувини олиб кетар у – ўзга нетар?

120

Кўринди кўзимга сарвдай қадди у кун,
Кўнглимни олиб, айлади ҳолимни забун.
«Юм кўзни агар бировга дил бермас эсанг», –
Деб кўзи мени солди тузукқа яширин.

121

Сочинг каби жабру ситаминг қўли узун,
Кетдинг мендан тортиб оёғинг атайин.
Ҳар лаҳза жафога шимарилган енгинг,
Тортдинг оёғингни нега этакка бугун?

122

Келтирдилар ойни фалақдан томга,
Келтирдилар бутхонани Румдан Шомга,
Ох, айна сахарда шом намозини ўқиб,
Келтирдилар сени оқибат домга.

123

Биз сотамиз умр ҳосилини бир дамга,
Юз шодлик хирмонини зарра ғамга.
Сотиб кетамиз қадами тупроғига биз
Юз жон фидо қилишса-да ҳар дамга.

124

Душманни менга дўст айлашинг ҳам мумкин,
Йўқ ҳадди, кўнар барчасига бу мискин.
Ҳар қанча жафо қилсанг, менга маъқул,
Ҳар қанча аччиқ сўзинг менга ширин.

125

Бир лаҳза келиб, эй дилимизга дармон,
Топ дард эли ҳолини сўрашга имкон.
Фарҳод каби мен сенга агар ошиқман,
Айб айлама, сен менга Ширинсан, эй жон!

126

Ваҳм айламанг асло: «На гўзалдир у санам!»
Юзу лабидан сиз каби бебахра манам.
Шоҳлар саройига йўл йўқ менга,
У бўлса фақирлар сари келмас сира ҳам.

127

На сарв деса бўлар, на офтобу на мох,
Сигмайсан ҳеч битта таърифига, ох.
Ҳар ким сени излаб кетади бир йўлдан,
Бир йўл йўғидан минг бир йўл бўлди-да воҳ!

128

Эй, килмасам эди кошки нигоҳ кўздан,
Йўл топмаса эди дилга ишқ, воҳ, кўздан,
Дилдан ўтди хатою гуноҳ кўздан,
Оҳ дилдану, эй дўст, минг бир оҳ кўздан!

129

Эй, Чин гўзали кошингда мисли ҳабаш,
Ҳеч сарв хиром этмас сенга ўхшаш.
Гар юз ўгирсангу гар тортсанг бош,
Биз сен ила хуш, сен биз ила гарчи ғаш.

130

Ким у дилини қўйиб, яшар хотиржам,
Умрига ишонмасин, вафосиз у хам.
Мих урма, де, бир кун йиғилар у чодир,
Мол йиғма, де, ташлаб кетасан ўтмай дам.

131

Дунё молидан бўлса хам бир кил,
Ўзингни жаҳонда бутпараст деб билгил.
Синдирдиму ташладим, дейсан, бутни,
Ҳолбуки, яшар у сен билан, эй ғофил!

132

Ҳар бир киши ўз хатосини кўрса раво,
 Қошида савобдан сўз очма, бу – хато.
 Тийнатда¹ нима бўлса, у бўлгай ошкор,
 Кўрсатмас тўғри қийшиқ ойна асло.

133

Оқил сира ўз нафсини пешво қилмас,
 Кўнглини хира, ўзини расво қилмас.
 Сув тўла кўзани олмасанг елкангга,
 Суви тўкилиш хавфини пайдо қилмас.

134

Ҳар ким ҳам ипак тўнни кийиб, хуш бўлмас,
 Ўз кибру ғуруридан сархуш бўлмас.
 Нокас эмас у агар бадавлатлигида
 Дарвеш ҳоли ёдидан фаромуш бўлмас.

135

Дил дардига мард аҳли кўярлар малҳам,
 Минг ранжу азобда топади ризқин ҳам.
 Шоядки қиёмат куни куйдирмасалар,
 Куйганмас улар, чунки бу оламда кам.

136

Тахт узра сени агар замон ўтқазди,
 Ҳар орзу-ҳавас бор – барини етказди.
 Огоҳ бўл, сендек нечаларнинг бу фалак
 Қўлидаги бор давлатини кетказди.

¹ Т и й н а т – хулқ, табиат, яратилиш.

137

Ҳар кимсага ўз насибаси етгусидир,
 Пок номни қачон фосик касб этгусидир.
 Ким зулму ситам билан мурод топмоқ эса,
 У бир куни ўз бошини еб кетгусидир.

138

Душман жабри сенга агар етгусидир,
 Ғам чекма, сени дўст синов этгусидир.
 Бечора бу ёрига балолар юбориб,
 Шояд уни эрка ёр азиз тутгусидир...

139

Шодлик додини бер то умр ўтгусидир,
 То ой чиқиб, сурайё кетгусидир.
 Олдинда оғир уйқу – қиёматга қадар,
 У қанча намозларни қазо этгусидир.

140

Бахш айла ғарибларга, эй соҳиби мол,
 Ҳақ фазлини ўзингда танисанг, алҳол¹.
 Ўз давлатидан яхши кишилар бари –
 Инъом этади, сен ҳам инъом эта қол!

141

Алдайди сени қачонгача бу дунё?
 Вақт етди – қил охиратга ҳам бир парво.
 Умр ўтди-ку, бўшатиб берарсан энди
 Ўрнинг янги авлодга – бу эски савдо.

¹ Алҳол – ҳозирда, айни пайтда; энди.

142

Кўлингда бугун давлату ҳам имкон бор,
Бахтинг ниҳолин ўтказишинг даркор.
Дунёда яшарди сендан аввал бошқа,
Сендан-да кейин яшайди бошқа зинҳор.

143

Гар кони фазилатсан, агарда дарё,
Халқ роҳатисиз барчаси бир пул аммо.
Кўп бўлса-да айбинг, сахий бўлсанг агар,
Айбинг фазлу хунуклигингдир зебо.

144

Бедор дилу сидқ ахлидан олис кетма,
Ҳақни ўзингга, йўлдан озиб, ёв этма.
Баҳра тиласанг мулки Сулаймондан агар,
Ҳаттоки чумоли дилини оғритма.

145

Ҳар иккаламиз бирга эканмиз ҳамдам,
Яхши сиримизни тутганимиз маҳкам.
Биз бир-биримиздан батгармиз, эй дўст,
Очсанг айбим, очарман айбинг мен ҳам.

146

Ихлос ила тингла сен улуғларни ҳар он,
То билгайсан нимадир аҳволи жаҳон.
Ўзингга боқу қилма ёмон ишни сира,
Бўлмай десанг агарда гап-сўзга нишон.

147

Нафсинг сени қилмасин асири шайтон,
Нокасга яқинлашма, қилар хор ҳар он.
Сен яхшиси охират тадоригини кўр,
Коса сира тўлмайти тешик бўлса қозон.

148

Ёмон қарасанг, эрни хотин сан кўрасан,
Ҳақни ботил, яхшини душман кўрасан.
Нақшингдир ўшал – ҳар нима кўрсанг менда,
Кирсанг шам ила хонани равшан кўрасан.

149

Дерлар: «Неча миршаб интилиб, марду чечан,
Бир ўғрини тутдилар минг хийла билан.
«Кўйвор, – дер эди, – қўлим, ёкам йиртилади»,
У дор сари осмоқлик учун элтар экан.

150

Маҳшарда гуноҳларим ҳисоб этган он,
Ҳасрат кўлини тишлагайсан ҳайрон.
Дунёга динимни айрибош қилдим мен
Гўё чақага Юсуфни¹ сотган нодон.

151

Меҳрингни дариг тутдинг мендан ҳар он,
Ҳолимни билишга топмадинг ҳеч имкон.
Хавфим шу: мени иноятингдан маҳрум –
Қилдинг нега – душман-да бу ишга ҳайрон?!

¹ Бу ерда Юсуф алайҳиссаломни ўғай акалари мисрлик савдогарларга арзимас тангага қул қилиб сотиб юборганлари кўзда тутилмоқда.

152

Дарвеш бир эшик ҳалқасин урди бекор,
Қўй, чекма ғам, оламда эшиклар бисёр.
Дилтанг бўлма, ким сенга нолиса зор,
Тинчитмас ўзгаларни ҳам у зинҳор.

153

Ҳар давлату қудратки, қазо¹ бахш этади,
Демас нега ҳеч ким буни то бахш этади.
Бахш айламас асло бизнинг чўнтақдан,
Ҳар нарса Худодану Худо бахш этади.

154

Мард аҳли на жаннат, на жаҳонни истар,
На сочи узун, қоши камонни истар.
Бир ёр бор уларда – ҳеч назири йўқдир,
Ҳар икки жаҳонда шу жонни истар.

155

Бир дардим бор аҳли табибдан пинҳон,
Бу – ишқ дарди, билар яқинлар осон.
Ўлдирди мени бир гул юз ишқи ғами,
Бегона бу ҳолни англаёлмас ҳеч он.

156

Мажнун гар сабри ишқи Лайли қилмас,
Шоядки, сидқи ишқ майли қилмас.
Ишқ мазҳабида кимники бўлса жони,
Ҳеч шод дилини дунё туфайли қилмас.

¹ Қ а з о – тақдир, қисмат. Аллоҳ таолонинг ҳамма нарсани келажакда қандай бўлишини азалдан билиши.

157

Бир тукинг агар куйса, тайин чиккусидир,
Аввалги кабимасу лекин чиккусидир.
Юзинг ўтида кабоб бўлган диллар
Куйди шу қадарки, боқ, тутун чиккусидир.

158

Ҳар қанча жаҳон ҳусн аҳлига маъмур,
Шерозлигу козарунлик, даштлигу лур.
Кўнглимга эга чиқди бир арабзода хур,
«Ўл!» – дейди ширин тили билан у қурғур.

159

Номардман агар сендан ўгирсам юз,
Ўлдир хоҳ ҳажрингда, хоҳ айлаб ноз.
Мен қочсам агар қўлингдан айлаб парвоз,
Қайга кетмай, келарман олдингга боз¹.

160

Нундек чизилмиш юзи мавзуни,
Нун ичра нуқта холи нозанини.
Нуқта демайин нега тор оғзини мен,
Чекмиш хати теграсида доира уни(нг).

161

Ширинсўзу меҳрибон, сулув бир чечак у!
Оймас у заминда, офтоби фалак у.
Инсон бўлса, наҳот, у ҳам ҳамма каби?!
Йўқ, йўқ, хати бор унинг майин, бас малак у!

¹ Боз – яна, қайта, тагин.

162

Йўловчи сира топмади кўйингдан асар,
Топгайми хабар сендан ишқдан беҳабар.
Ҳар ташнаки, қўлингдан сув ичса агар,
Қўлингни кўрар, юзингга етмайди назар.

163

Сенсиз кон йиғлаб, лолазордир кўзим-ей,
Гўёки булути навбахордир кўзим-ей.
Бир кун юзинг орзусида бўлгай, кўрасан:
Ёшдек этагимга шашқатордир кўзим-ей.

164

Эй ҳусн аҳли шоҳи, айла фармон,
Сарв олдида қаддингнинг бўлсин қурбон.
Жабр ичра қачонгача нишонман ўчга,
Оқлар на шариат буни, на қонуни жон.

165

Хирмонимга қўлинг ўт урди, эй гул,
Сен этагимдан сира узмайсан қўл.
Бўйнимга уриш учун нозик қўлингга —
Олдинг нима, яхшимас бу ишинг, бил.

166

Эй дўст, бошимизни ол гўё душман,
Ё дўст танла дўстлик учун, ё душман.
Дўстни кўрмаслик агар мушкул дард,
Осон кўринар кўзингга аммо душман.

167

Туриб у санамни(нг) қадди хурин кўраин,
Офтобдай равшан юзи нурин кўраин.
Йўл қўймаса боришимга ёнига агар,
Олисдан ўшал кўнгил сурурин кўраин.

168

Кўзим дарёсидан хаёли ўтди,
Ўйлар: «Мендан шафқат тилаш они етди».
Мен қандайин айтай унга дардимни
Бошимни сочи чавғонига¹ тўп этди.

169

Золим у куёшу ой мени ўлдиради,
Ким дер мени хорликда ўзин сўлдиради?!
Бир-икки ўпич оларман аввал лабидан,
Шундагина айбимга кўра ўлдиради.

170

Йўқ бандалар ичра бандароқ мендан ҳам,
Ҳақ наздида мендан-да бечораси кам.
Шунга қарамай, дилимга ўтмайди сўзим,
Дўст чорласа, жисмимга кирар жон шул дам.

¹ Ч а в г о н – 1) «от тўпи» ўйинида тўп урадиган учи эгри таёқ; 2) «от тўпи» ўйини, чавгон ўйини.

171

Сен ўйлама мени бевафо деб, жонон,
Ишқингсиз йўқ ҳатто жисмимда жон.
Ҳар қанча хатинг юзингга бўлсин парда,
Нозик бу хатингни мен ўқийман осон.

172

Ёр кетди, бироқ ишқига кўнглим машғул,
Ўлдирди жафо тиғи билан мени ул.
Келди яна-ю, йўқ аввалги меҳри,
Келтирди ёрлиғ ажралишга буткул.

173

Жон томирига тегди камонинг ўқи, ёр,
Кўлингга ўлишдан афзал, айт, нима бор?!
Дил сен билан айлайди адоватни мудом,
Кел, бирга бўлайлик ярашиб, нозли нигор!

174

Ўрнимдан кўзгалмоққа йўқ имкон,
Душман ё отар ўқ, ё урар тиғ ҳар он.
Қўлини узатса, енгидан ушлар эдим,
Йўкса берар эдим енги орзусида жон.

175

Ҳар сарвиқоматга тушса назарим,
Тортар хира ҳусни нуридан басарим.
Ҳасрат ила ёшларга қарарман, чунки
Қайтиб келмайди ёшлигим – жилвагарим.

176

Бандингга асир бўлдим, эй хийлагарим,
Дардинг чекаман борича жондан асарим.
Ўзимни сотиб, қиларман амрингни адо,
Хоҳ жону дилимни иста, хоҳ сийму¹ зарим.

177

Бахш айла парингдан бирини мисли Хумо²,
Жоним билан айлай жами амрингни адо,
Билсанг мени хизматинг учун нолойиқ,
Бошимни олиб кетсам юртимга раво.

178

Ҳуснинг нуридан мунаввар асли олам,
Шод қўнгли туну кун ким сенга ҳамдам.
Хулқинг билан ўзингга берибсан пардоз,
Бас, истама бошқа зебу зийнат ҳеч ҳам.

¹ С и й м – 1) кумуш; 2) кумуш танга, пул; 3) оклик, оқбадан.

² Х у м о – кимнинг бошига сояси тушса, ўша киши бахтли бўлади, деб эътиқод қилинадиган афсонавий давлат қуши.



«СОҲИБИЯ» ДАН

*Эргаш Очилов
таржимаси*

Нокасга йўл кўрсатиш, билсанг,
Кўр қошида ёккандай чирок.
Ёмонларга яхшилиқ қилсанг,
Бу – шўр ерга уруғ қадамок.

* * *

Турса ҳамки минбар пойида,
Эшак сира бўлмайти одам.
Эшакдайдир кирса-да юзга,
Ўрганмаса адаб одам ҳам.

* * *

Кимда хулқу адаб йўқ, ундан
Умид қилма яхшилиқ зинҳор.
Жайхун суви ошса бошингдан,
Бир қаричми, минг – не фарқи бор?

* * *

Ҳовончага дедим: «Нимага нолиб,
Нимадан чекасан мунча оху зор?»
«Қандай тинч ўтирай, – деди, – ёт қолиб,
Ёрдан етишса бор зарбаю озор».

* * *

Эшитдим, касалманд бир бева кампир,
Заминга бош уриб, ўқирда лаънат:
«Илоё, хотини тул бўлиб қолсин,
Кимки беваларга қилмаса шафқат!»

* * *

Қайтариб бўлмас сира оғиздан чиққан сўзни,
Шунинг учун андиша қилсин кимнинг ақли бор.
«Нега айтдим, – деб, – шуни таъна қилмоқдан ўзни,
Андиша қилиб аввал, айтмаслик яхши зинҳор.

* * *

«Заҳар кўшиб берса-чи?!» – деб ҳамиша кўрқар,
Шундан эмас халқ кўлидан асал бу амир.
Мазлумларнинг лекин ҳатто заҳардан баттар
Оҳ-фарёди ўқи унга қилмайди таъсир.

* * *

Фазли билан ҳайвондан одам –
Фарқ қилади – бу мардлик, адаб.
Агар десанг одамман мен ҳам,
Оқилга бу туюлар ажаб.
Сен бир девор нақши, йўқ шубҳам,
Унда ҳам бор қулоқ, кўзу лаб.

* * *

Киши ўз айбидан қолар беҳабар,
Дўстларнинг мактову таърифи сабаб.
Дўст кўзига айбинг фазл кўринар,
Сен душманни эшит – қилар қандай гап.

* * *

Золимни даф этмасанг агар,
Мазлум дили қонга тўлади.
Бўри қўлга тушгунга қадар
Қанча қўйлар ҳалок бўлади.

* * *

Айтган эди менга бир доно,
Сен ҳам уни дилингда қил жо:
Раво кўрма бошкага ҳам ҳеч
Кўрмагани ўзингда раво.

* * *

Золим мисли заҳарли ари,
Додга келган дастидан олам.
Бир кун бўлса амалдан нари,
Элга бўлар оёкости ҳам.

* * *

Тинчлик мулки – мевали дарахт,
Мевасидир унинг каноат.
Бу неъматдан колар бебахра,
Ким куритса дарахтни минбаъд.

* * *

Хулки билан гўзалдир инсон,
Фазли билан афзал ҳайвондан.
Акли билан улуғдир ҳар он,
Кучда ҳайвон устун инсондан.

* * *

Қўлдан чикиб кетар олам тизгини,
Агарда килмаса шоҳлар сиёсат.
Бир неча бўрини ўлдириш зарур,
Қўрқиб бошқалари олсин то ибрат.

* * *

Агар жафо кўрса ёмондан доно,
Хафа бўлмасину қаҳр этмасин ҳам.
Оддий тош синдирса олтин косани,
Тошнинг кадри ошмас, олтин бўлмас кам.

* * *

Дардманднинг дардини ололмасанг ҳам,
Ҳолини сўрашни тарк этма зинҳор.
Минг ширин шарбату сархуш мевадан
Афзалдир яхши дўст суҳбати минг бор!

* * *

Ҳар кимки хайр этиб, вакф¹ этса бунёд,
 Бу эзгу ишини унутма зинҳор.
 Утганларни сира этма ёмон от,
 Токи яхши номинг қолгай барқарор.

* * *

Дарвеш қоқиб ўтар эшикни бир бор,
 Унга эшик кўпдир, сен ема кўп ғам.
 Сенга сир айтганга ишонма зинҳор,
 Сенга айтган айтар бошқаларга ҳам.

* * *

Ўргимчакни пашша қилди маломат:
 «Мунча ингичкадир қўлу оёғинг?»
 «Кўзингга кенг жаҳон бўлар қоронғи, –
 Дейди у, – тўримга тушганинг чоғинг».

* * *

Нима фойда бўлса аъзолар улкан?
 Одам бўлсанг ақлу фазилат қидир.
 Бизникидан катта ҳўкизнинг кўзи,
 Узунроқдир эшак қулоғи, ахир.

* * *

Менга дерлар: «Ёв билан жанг қил,
 Агар бўлсанг жасур, мардона!»
 Ўз конини тўкарми киши?
 Қилар буни маст ё девона...

* * *

Молу мартабага қизиқмас доно,
 Мухтож бўлмагандек пардозга гўзал.
 Тўн ичра мардликдан маҳрум бўлгандан,
 Тўни йўқ мард бўлиш минг қарра афзал.

¹ В а қ ф – мусулмон мамлакатларида давлат ёки айрим шахслар томонидан диний эҳтиёж ёки хайрия ишлари учун ажратилган мол-мулк.

* * *

Ноғоранинг ичи ҳавога тўла,
Фалакка етади фарёди аммо.
Дардингни яширма ичга, бир йўла
Ошкор эт, то билсин душману ошно.

* * *

Ошиб ўтолмагач сарой деворин,
Тавба қилганидан ўғрининг не наф?
Демайсан-ку: «Эгил – мевангдан терай!»
Шохи кўкка етган дарахтга қараб.

* * *

Мулкнинг заволидан беради нишон,
Мискин халқ ҳолига қилмаслик назар.
Ўз мавқеинг ўзинг айласанг яксон,
Душманлар қилади бундан-да батар.

* * *

Ҳозир у нозирдир ҳар ерда нодон,
Ҳар нарсадан қилар тама бегумон.
Яқинлашма ёмон кишиларга ҳеч,
Қорасин юктирар мисоли қозон.

* * *

Қонхўр душманни ожиз кўриб бўлма бепарво,
Ўз ҳолига қўйсанг, у кучайиб кетар бир кун.
Игна каби тешиқдан сизиб чиққан сув хатто,
Селга айланиб, сени олиб кетиши мумкин.

* * *

Жафо ўки етса душмандан агар,
Хафа бўлма, деб дўст уктирар мудом.
Ранж чеккани учун шўрлик ошиқни
Ўзига ёр этса зора дилором.



ФАРДЛАР

*Эргаш Очилов
таржимаси*

Балолар домида қолсанг, Худо номини тутгайсан,
Агар ҳал бўлса мушқулинг, яна Ҳакни унутгайсан.

* * *

Шундай дейишар экан бир қавми араб:
Насли тугасин, агар туғилса беадаб!

* * *

Эй бўри, кучингга бўлма мафтун,
Юз¹ бергусидир додингни бир кун.

* * *

Худони эсла доим соғу бою шод юрганда,
Дилу жондан Худо дейсан, ахир, бахт юз ўғирганда.

* * *

Ким кучлию қудратлию ҳам паҳлавон?
Ўз нафсини енголган одам паҳлавон!

* * *

Инсофга кириб, ким хайр учун боғлар бел:
Топсин уни(нг) хайридан мадад мухтож эл.

* * *

Бойлик ва амал – нокас учун оламда,
Ов чоғида ит яхши, ахир, одамдан.

* * *

Кетмас давлатни берса тоат ила хуш,
Наф қилса мусофир молу давлат ила хуш.

¹ Юз – овда фойдаланиладиган йўлбарсдан кичикроқ йиртқич хайвон.

* * *

Воиз нетар, эл қилмаса пандини кабул?
Пайғомни этишса рад, гуноҳқорми расул?

* * *

Йўл юрсанг агар, йўлдан иборат олам,
Чоҳ кўргуси ҳар кадамда кўрқок одам.

* * *

Олам эли ёр бўлишини истаса таъб,
Муомала қил барчани(нг) феълига қараб.

* * *

Дарёга тушиб, агар чўқар бўлса киши,
Оёғу кўлига зўр бериш бўлгай иши.

* * *

Бир-бирни аянг, кўнгилга берманг озор,
Яхши гина-қудратдан аҳиллик минг бор.

* * *

Тинчингни бузувчи ҳақиқатдан бегумон,
Кўнглингга ёқувчи ёлғон яхши, ишон!

* * *

Кимнинг кўзига кўринса халқ хор,
Қолмайди улуғлик унда пойдор.

* * *

Мурувват колмаса, айниса очун¹,
Чумоли ризкига кўз тикар лочин.

¹ Очун – дунё.

* * *

Жўмард еса бегонаю хеш¹ ташвишини,
Номард эса ўйлайди фақат ўз ишини.

* * *

Бу тоифа кунни айш ила тунга улар,
Фарқ этмаса оч тун ила кунни, не билар?

* * *

Қудрат ила ўлчама одам мардини,
Ким зулм тигини ушатса, бил мард уни.

* * *

Бир кимсани(нг) кўнглини олиш максасида,
Ўзга кишини ранжитиш бемаъни жуда.

* * *

Кўр: бўри агар эчкию қўйларни урар,
Шер бир куни муттахамни(нг) корнини ёрар.

* * *

Такрорлади бир сўзни улуғлар беадад:
Бу халқ азал бор эди, бўлгай то абад!

* * *

Дарвеш тўнига куёш пинҳон бўлса,
Ҳайрат жойимас, булут ҳукмрон бўлса.

* * *

Ишонма зоҳирига, ботини балки ёмон бўлгай,
Заҳар баъзан ширин ҳалвонинг ичинда ниҳон бўлгай.

¹ Х е ш – кариндош-уруг.

* * *

Ит бўлса кичиклигида мурдор,
Улғайса, шу феъл бўлар намудор¹.

* * *

Душман ўлганига бўлма мамнун,
Ҳеч ким бу жаҳонга бўлмас устун.

* * *

Гар бўлса ўтинлар бари уд, тош эса дур,
Ўймайди кўзи очнинг кўзи барибир.

* * *

Нокасга насиба берма, кучга тўлади,
Бўри тиши тез бўлса, кон кўп тўкади.

* * *

Қайдан билади уйқучи масту хуммор,
Ўтказганини бемор тунни бедор?

* * *

Шукр эт, уйдасан, аҳли аёлинг қошда,
Бечора мусофирнинг аҳволи бошқа.

* * *

Ёритмас агар лутфи чироғи йўлини,
Топмас киши ўз жаҳди билан манзилини.

* * *

Ҳар ким етук олим, комил инсон эса бок:
Кафши унинг эски-ю, тўни қирқямоқ.

¹ Намудор – намоби.

* * *

Уч тоифа дунёда чиқаргай донглар:
Пайгамбару мискину улуғ инсонлар.

* * *

Толе нури кўзларингни этсин равшан,
Дўст кўрса қувонсин, куйиб ўлсин душман!

* * *

Яхшилиқ яхши – қил қўлингдан келса,
Маълумдир ажри ким ёмонлик қилса.

* * *


Нафс ором олар хоҳ қасру хоҳ ғорда, рости,
Жой танламас уйқу: тахтда ё девор ости.

* * *

Сен мазҳабини кимнинг агар дўст тутасан,
Ё шартига кўнасан ва ё тарқ этасан.

* * *

Бечора, факирларга қилинг лутфу карам,
Бечорадир Аллоҳ олдида барча одам.



ҲИКМАТЛАР

*Сайфи Саройи
таржимаси*

Фитна юзли рост сўздан бўл йирок,
Маслаҳатли ёлғон андан яхширок.

* * *

Оқил ул сўзни ўринда сўзлагай
Ҳам жавобини муносиб кўзлагай.

* * *

Ким муҳолиф бўлса султон сўзина,
Келтурур ул кўб балолар ўзина.

* * *

Эй неча бекни, маликни¹ ўйла ебтур бу жаҳон –
Ким, алардан ер юзинда қолмади зарра нишон.
Хайр қил, эй неъматни кўп хожа, сен андин бурун –
Ким, юруб дегай мунодий²: «Қолмади хожа фалон!»

* * *

Сигар бир хужраға ўн икки меҳмон,
Бир иқлима сиғишмас икки султон.

* * *

Ҳасуд³ ранжиги йўқтур ўлумдан ўзга даво.

* * *

Тутуб мискин кишининг панжасини,
Айирмоқ куч билан айни хатодур.
Экиб зулм урлукин⁴, хайр истаганлар
Жаҳаннам ўтина ўзин ёкодур.

¹ М а л и к – султон, подшоҳ, ҳукмдор.

² М у н о д и й – хабарчи, жарчи.

³ Ҳ а с у д – ҳасадчи.

⁴ У р л у к – уруг.

Қутулмага тиласанг хавф элиндан,
Раият¹ холина яхши бокодур.

* * *

Кўрунг ул ғайрати йўқ одамийни,
Хато ният қилиб, ботил иш этти:
Кўюб ўғлин-қизин меҳнат² ичинда,
Туруб ўз роҳатин кўрмакка кетти.

* * *

Нечаким, фаҳми йўқ мискин эшакнинг,
Кўтурмак бирла юкни қиймати бор.
Эшак ул одамийдан яхшироқким,
Қилур доим кишининг кўнглин озор.

* * *

Бир кишидан доимо кўриб сахо,
Умр боринча юкун³ чексанг раво.

* * *

Бу замона зоҳидин кўр: Каъбаға ортин бериб,
Юз халойикка тутуб, дойим килур ботил намоз.
Зоҳид улдурким, таваккулнинг⁴ мақоминда туруб,
Туну кун килғай ибодат, дам-бадам узру ниёз⁵.

¹ Раият – халқ, фукаро.

² Меҳнат – машаққат, қийинчилик; мусибат, бало; ғам, дард.

³ Юк – бу ерда: миннат, оғирлик маъносига.

⁴ Таваккул (таваккал) – тариқат мақоми. Комил эътикод ва тўла ишонч билан ўзини Яратганнинг ихтиёрига топшириб, дунё, тирикчилик ва нафс ташвишидан бутунлай фориғ бўлиш.

⁵ Ниёз – эҳтиёж, муҳтожлик; илтижо; аташ, назр қилиш.

* * *

Қилиб тавба қутулмоққа бўлур Тангри азобиндан,
Ва лекин бу халойиқнинг тилиндан қуртулуб¹ бўлмас.

* * *

Эшик боғлаб ўтурма ул сабабдан,
Кўрунмасун деб бу мендаги айб.
Эшикни боғлаб ўлтурмок не ҳожат,
Бу холингни билур ул олим ул-ғайб².

* * *

Тилар бўлсанг насиб олмоқ саодат кимёсиндан³,
Қаноат гўшасин тутқил, кечиб дунё сафосиндан.

* * *

Ҳожат тилама ҳасис эрдан,
Буғдой тамаъ этма шўра ердан.

* * *

Жаҳон севган кишининг кўзларини
Қаноат тўлдурур ё ўлса туброқ!

* * *

Ажалсиз одамий ўлмас, дейиб сен
Йилонни қуйрукиндан тутма зинҳор.

* * *

Кўзун боғлар дароҳим⁴ оқил эрнинг,
Тамаъ солур учар қушни тузоққа.

¹ Қуртулуб – қутулиб.

² Олимул-ғайб – Аллоҳ кўзда тутилмоқда.

³ Кимё – бу ерда: нодир, ноёб, кимматбаҳо нарса.

⁴ Дароҳим – тангалар.

* * *

Мағрур бўлуб сен ўз-ўзунгга қолма,
Душманни жароҳат эттинг, эмин бўлма.

* * *

Айтти: «Оқар денгизни тийса бўлур ва лекин
Ҳар муддаий¹ тилини тийса бўлурми? Бўлмас...»

* * *

Ориф билан ўлтурмоқ жоҳилга эрур зиндон,
Жоҳил била ўлтурмоқ орифга жаҳаннамдур.

* * *

Кўнгулни боғлама бир ерга зинҳор,
Яна мушкулдур андан олмоқ, эй ёр.

* * *

Кузатур ўзга айбин – сен ани кўр,
Магар ўз айбина дойим кўзи кўр.

* * *

Жаҳон хонининг² алвон неъматиндан
Беш-олти лукма едим, айттилар: бас.

* * *

Бир кишининг тишин чекиб жарроҳ,
Чикарур бўлса, бил недур холи.
Кел, қиёс эт, не бўлғай ул соат
Тотли жон чиқса, қолса тан холи.

* * *

Вафо истамагил булбулдан, эй ёр –
Ки, ҳар бир гул уза юз турли сайрор.

¹ М у д д а и й – даъвогар; ракиб.

² Х о н – 1) дастурхон; 2) ризк, таом.

* * *

Ўзунгдан эйгу бирлан ўлтуруб-тур,
Ёмон эр бирла қилма умр зоеъ.

* * *

Қари бўлдунг – йигитликдан алинг¹ юв,
Биларсанким, яна қайтмас оқар сув.
Йигитликни йигитларга кўюб кет,
Бу кун тонгда ужун кўб эйгулук² эт.

* * *

Бошимиз устунда бу халқи жаҳон
Сайр этгайлар ер узра кўб замон.
Алдин-алга келди бизга мамлакат,
Айла ҳам кеткай келиб алдан равон.

* * *

Етганинча кучунг кўнгул ёбқил –
Ким, халойиқ сенга дуо қилғай.
Тушкан эр ҳожатин раво қилсанг,
Ҳақ сенинг ҳожатинг раво қилғай.

* * *

Кичиликда адаб ўтранмаган эр,
Улу³ бўлса, бил, андин хайр келмас.
Эгулур ёш ағоч нечук тиласанг,
Қури эгри ағоч ўтсуз тузалмас.

* * *

Ота меҳриндан устод жаври яхши!

¹ Ал (эл) – қўл.

² Эйгулук – эгулик, яхшилик.

³ Улу – улуг, катта.

* * *

Сахийларнинг алинда бир дирам¹ йўқ,
Ганийларда² дароҳим чўк³, карам йўқ.

* * *

Харж этиб умрин, йиғиб олгун-кумуш, улким емас,
Орттурадур молу мулкин – ҳеч ўлғайман демас.
Дарду хасрат бирла ўлса, устуна килма намоз,
Ул кишиким, охиратнинг қайғусин ҳаргиз⁴ емас.

* * *

Ичириб элга қошуқ бирла шўрба,
Чўмуч сопи билан кўзин чиқарма.

* * *

Ёмонга эйгулук қилсанг, сунуб⁵ қўл,
Алингдан давлатинг олмоқ тилар ул.

* * *

Алинг юв ул мунофиқ дўстданким,
Юрур душманларинг бирлан бўлуб ёр.

* * *

Одабий кўнглин йиқар сўз сўзлама,
Сулҳ эясиндан⁶ хусумат кўзлама.

* * *

Аё, келган жаҳонга, эйгулук эт,
Ёмон ишни ёмонларга қўюб кет.

¹ Д и р а м (д и р х а м) – кумуш танга.

² Г а н и й – 1) бой-бадавлат; 2) эҳтиёжсиз.

³ Ч ў к – кўп.

⁴ Х а р г и з – асло, ҳеч қачон.

⁵ С у н м о қ – узатмоқ, чўзмоқ, кўймоқ.

⁶ Э я (э в) – уй, хона.

* * *

Ўн киши бир суфрада¹ емак ер, дағи² ортар,
Икки ит бир мурдор учун бир-бирин йиртар.

* * *

Қачон сендан биликли³ эр очиб оғзин сўза келса,
Неча яхши билур бўлсанг, сўзина эътироз этма.

* * *

Кишининг фазлу миқдори бўлур маълум бир кунда
Ва лекин нафси хубсини⁴ боқиб йиллар билиб бўлмас.

* * *

Не турурсан боқиб, аё йўлдош,
Тош узадур йилон, алигда тош.

* * *

Ҳасуд эр қандаким аҳли ҳунар бўлса, ани кўзлар,
Қатинда дам ура билмас, йўқинда ғийбатин сўзлар.

* * *

Жохиллар аро олим ўлтурса, анга ўхшар:
Бир шамъи мунаввар кўзсузлар аросинда!

* * *

Эй неча кунлар керакким, ғўра бўлса тотли ош,
Эй неча йиллар керакким, лаъл бўлса асл тош.
Сен ани бир сўз била синдурмағил, эй ёри чувст⁵–
Ким, пиёла синса, мушкулдур яна килмоқ дуруст.

¹ Суфра – дастурхон.

² Дағи (доғи) – яна, тағин.

³ Билик – билим, ақл.

⁴ Хубс – ёмон, нопок, ифлос.

⁵ Чувст – бу ерда, муносиб, мувофик.

* * *

Кўзунг оч уйкудан, эй одам ўғли,
Сенки кимдан кесиб, кимга тузубсан,
Хато сўзни эшитиб душманингдан,
Керакли дўст аҳдини бузубсан.

* * *

Елар дунёнинг ортинча ҳарис эр,
Ўлумин англамай олтун ғамин ер.

* * *

Ҳасуд эрга бало келсун демаким,
Анинг узра ҳасад оғир балодур.
Не лозим сен анга душман бўлурсан,
Ўчунгни чун ҳасад андан олодур.

* * *

Не қадарким беклар оши тотли бўлса, эй қўноқ,
Ўрли¹ йўқсулға² қуру(қ) ўтмаги³ андан яхшироқ.

* * *

Мунофиқ суҳбатингда неъматинг ер,
Чикиб душманларингга ғийбатинг дер.

* * *

Эйгу оти қолса эрнинг яхшироқ,
Сўнгра қолғинча тўли олтун равоқ.

* * *

Узун бўйли аҳмақдан қисқа бўйли оқил яхшироқ.

¹ Ўр – юқорилик, баландлик.

² Йўқсул – қашшоқ, камбағал, муҳтож.

³ Ўтмаг – нон.

* * *

Рустамга¹ отаси Зол² бир кун
Айтти: кел, эшит ўгут, куни сен,
Ғофил юрубон ўсал³ бўлма,
Душманни кўруб ҳақиру мискин.

* * *

Зулм қилса малик раиятга,
Ложарам⁴ мамлакат хароб бўлур.
Лутф душманга кўргузур бўлсанг,
Дўстлук шартин ул тамом қилур.

* * *

Ким зулм элин узатса, султон бўлурми – бўлмас,
Кўйларга қуврат⁵ харгиз чўпон бўлурми – бўлмас!

* * *

Ул маликким, доим элга ва улусқа⁶ куч қилур,
Оқибат мулкин алиндан бир кавий⁷ душман олур.
Кел, раият бирла сулҳ эт, хасмдан⁸ фориг юри,
Чун раиятдур билурсан шоҳи одил лашкари.

* * *

Эй давлат ичинда йўк тенги, моли чўк,
Қайғунг йўк эса, меним дағи қайғум йўк.

¹ Рустам – Қайқубоднинг жасур лашкарбошиси, Золнинг ўғли. «Шоҳнома» асари қаҳрамони.

² Зол – Рустамнинг отаси. «Шоҳнома» дostonлари қаҳрамони.

³ Ўсал – ёмон.

⁴ Ложарам – албатта, шубҳасиз.

⁵ Қуврат – бўри.

⁶ Улус – эл, халқ, омма.

⁷ Қавий – кучли, қудратли.

⁸ Хасм – душман, рақиб.

* * *

Сахий элинда билурсан карор тутмас мол,
Нечукки тутмас олиб сув кафи уза ғирбол¹.

* * *

Аяр бўлса черикдан² мол султон,
Нечук бош ўйнасунлар тарк этиб жон.

* * *

Ҳумой ул иш билан топти шарафким,
Сўнгах еб, жонвор инжитмиши йўк.

* * *

Эмас дўстунг неъматда ҳар ким
Муҳаббат лофини урса ёнингда.
Ҳақиқат дўстунг ёрингдур улким,
Қўлунг тутса аёқдан тушганингда.

* * *

Ҳақ таоло кима ғазаб қилса,
Халқ ичинда бўлур залилу³ хакир,
Гар саодат яна алин тутса,
Бўлур ул мўътабар амири кабир⁴.

* * *

Насихат тутмаган ғофил ким эрса⁵,
Тушар доим машаққатнинг қинина.
Билурсан захмина чун тоқатинг йўк,
Қўлунгни сукмағил ақраб⁶ иннина.

¹ Ғирбол – ғалвир.

² Черик – қўшин, аскар, лашкар.

³ Залил – хор, тубан, паст.

⁴ Кабир – қатта, буюк, улуг.

⁵ Ким эрса – кимдир, бирор кимса.

⁶ Ақраб – чаён.

* * *

Собик ул-инъом кулдин не хато кўрди, ажаб –
Ким, ани кўздан солиб, қайғу ҳисоринда¹ тутар.
Ҳақ таолога мусалламдур² кўруб кулдан хато,
Кесмайин ҳар кундаги ризкин кароринда турар.

* * *

Улуғлук тиласанг сахий бўл, сахий.

* * *

Эл етарда эйгулук кил, эй фалон,
Ким отинг қолғай жаҳонда жовидон³.
Қорун⁴ ўлди, қолди қирк эв тўли ганж⁵,
Ўлмади адли билан Нўширавон⁶.

* * *

Жаҳон кўрган киши кўб ёлғон айтур.

* * *

Билурсанким, жаҳоннинг мажлисинда,
Тутар элга қадахни рост соқий.
Севунмак йўқ уриб душман ўлусин,
Келисар чун биза ул давр аёки⁷.

¹ Ҳисор – девор, қалъа, кўрғон, истехжом.

² Мусаллам – тобе бўлган, таслим бўлган.

³ Жовидон (жовид) – доимий, абадий, мангу.

⁴ Қорун – Мусо алайҳиссалом даврида яшаган, ҳад-ҳисобсиз бойлигини хайрли ишларга сарфламай, хасисликда ном чиқарган шахс. У Шарқ адабиётида зикнатик ва хасислик тимсоли ҳисобланади.

⁵ Ганж – бойлик, хазина.

⁶ Нўширавон (Анушервон) – сосонийлар сулоласидан бўлган Эрон шоҳи. Одиллик билан ном чиқарган ва Шарқ адабиётида адолат рамзи бўлиб келади.

⁷ Аёк – қадах, жом, қоса.

* * *

Қилурлар тавба осийлар¹ надомат еб хато ишдан,
Ибодатдан қилур ориф кишилар доим истиғфор².

* * *

Тиласанг зуҳду такво нафс эвин йик!

* * *

Бир аблах ўртада қилди ёмонлик,
Неча оқиллара тегди зиёни.

* * *

Қачон фаҳм этмаса ўзни эшиткан,
Сўз айткан эрнинг анда ёзуки йўқ.

* * *

Муғанний³ мусиқий оғоз⁴ қилди,
Отаси тарбутинда йиғлагантек.
Эшитканлар анга айтур: етар, бас –
Али билан кулоқларин тутуб бек.

* * *

Аё мутриб, бу мажлисда унинг тинглар киши йўқтур,
Сени бир ерда икки кез ким эрса кўрмиши йўқтур,
Унунгдан уркубон учти ёрилмиш том уза қушлар,
Жахонда кўб муғаннийлар ва лекин бу иши йўқтур.

¹ О с и й – гуноҳкор, итоатсиз, исён қилувчи. У куфр ёки ширкка кетмаган бўлса, ҳар қанча катта-кичик гуноҳларига қарамай, мўмин-муслмон саналади ва чин дилдан тавба қилиб, уларни қайта тақрорламаса, гуноҳлари кечирилади.

² И с т и г ф о р – афв сўраш, тавба қилиш.

³ М у г а н н и й – чолғувчи, созанда.

⁴ О г о з – бошланиш, ибтидо.

* * *

Агар ўйнаб киши бир ҳарф этса¹,
Олур андан билик аҳли насихат.

* * *

Тиласанг маърифат нурин кўрарга,
Ичинг холи керак бўлса емактан.
Қачон бўлғай мунаввар ботинингким,
Емакдан бурнунга тегру тўлусан.

* * *

Гаҳ юмулур, гаҳ очилур боғу бўстон гуллари,
Гаҳ бўлур урён², гаҳ киялар гул сифот.
Гаҳ келиб қайғу, кетар бўлса фараҳ³, бўлма малул⁴,
Ким коронғулук ичинда топилур оби ҳаёт.

* * *

Олимларга ул қадар неъмат бергилким, дағи тиламасун-
лар. Зоҳидларга ҳеч нима бермагилким, зоҳид қолсунлар.

* * *

Бу дунё таркин урғон зоҳид эрнинг
Қатинда бўлса олтун тоғ боқмас.
Жаҳонға ихтиёр урган ким эрса,
Ўзини олтун учун ўтқа ёқмас.

¹ Ҳ а р ф э т м о қ – гапирмоқ, сўзламоқ.

² У р ё н – яланғоч.

³ Ф а р а ҳ – шодлик, хурсандчилик.

⁴ М а л у л – ғамгин, хафа, ранжиган, озор чеккан.

* * *

Элга дунё таркин ўргаткан фақиҳ¹,
Акчалар ҳосил қилиб, олтун йиғар,
Айтур ўзгага, дағи тутмас ўзи,
Ложарам уйуған анга йўлдан озар.

* * *

Олимлар дин давлати, ислом иззатидурур дағи имон ах-
лин қаронғулукдан чиқариб, ойдинликка кетуруб, тамуғ²
ўтиндан халос қилиб, жаннатда Ҳақ дийдорини мушоҳада
қилмаға сабаб бўлур.

* * *

Жафоларға таҳаммул³ қил, тиласанг,
Юзунг Тангри қатинда оқ бўлғай.
Букун туброк бўл, андан бурунрок –
Ким, эрта гул танинг тупрок бўлғай.

* * *

Хукамо⁴ айтур: «Ул қариндошким, нафс асири турур, ул
кишига не қариндош бўлур, не яқин».

* * *

Кўнгул берма, кўнгул бермас кишига,
Ошиққан эр билан йўлдош бўлма.

* * *

Ёмон одат табиатта ўтурса,
Ул андан кетмаюр то ўлмойинча.

¹ Фақиҳ – фикҳ илмлари, яъни шариат қонунлари билан шугулланувчи киши.

² Тамуғ – дўзах, жаҳаннам.

³ Таҳаммул – сабр, бардош, чидам.

⁴ Хукамо – ҳақимлар, донишмандлар; табиблар.

* * *

Кўрксуз келинга кўркли тўн кийдириш ярашмас.

* * *

Бир султон фуқаро тоифасина ҳақорат кўзи билан на-
зар қилди. Онларнинг бири фаросат билди дағи айтти: «Эй
султон, сен дунёда биздан лашкар билан ортуксан, аммо
тириликда биз сендан яхшироқбиз».

* * *

Муназзах¹ жумладан ул ҳайи боқий²,
Юрур амри билан бу давр аёки.
Чун андан ўзга фонийдур билурсан,
Бурунғиларнинг ортинча юурсан.
Бу манзилга адамдан³ ҳар ки⁴ етти,
Кафандан ўзгасин қўйди-ю кетти.

* * *

Факири содик улдур, эй азиз эр,
Ёмон иш келмагай ҳаргиз қўлундан.
Инар бўлса қаёдан бир оғир тош,
Керакким кетмагай ориф йўлундан.

* * *

Аё, таши риё бирлан безанмиш,
Ичинда заррача йўқ майли такво.
Алингда бор эса кўргуз валоят⁵,
Йўқ эса не керак бу лофу даъво.

¹ М у н а з з а ҳ – пок, покиза.

² Ҳ а й й и б о қ и й – абадий барҳаёт, яъни Худо.

³ А д а м – йўқлик.

⁴ К и – ким.

⁵ В а л о я т – валийлик, каромат.

* * *

Келиб Баҳром¹ гўринда ёзиб кетмиш муни котиб,
Карам эли якин билким, қавий бозудан² ортуқдур.
Кечибдур Ҳотами Тойи³ ва лекин то абад оти
Халойиқнинг тилиндадур, карам бирлан бўлуб машхур.

* * *

Эй қаноат, мени бойитқилким,
Сендан уллу жаҳонда неъмат йўк.
Сабр эди ихтиёри Лукмон⁴ бил,
Кимда бу сабр йўк, ҳикмат йўк.

* * *

Илтифот этмас кўруб, оч ўлтуруб собир⁵ фақир,
Неъматни кўб хожаларнинг болина ва боғина.
Ориф эрга бил жаҳаннамнинг азоби бирла тенг,
Кирмаги кўнгши⁶ аёғи бирла жаннат боғина.

* * *

Оз есун ҳар емакни вақтинда,
Дойимо сихҳат издаган кимса.

* * *

Ҳар кима бўлса табиат оз емак,
Оллина келса машаққат сабр этар.

¹ Баҳром – қадимги Эроннинг сосонийлар сулоласига мансуб подшоҳ.

² Бозу – билак.

³ Ҳотами Той (Тай) – арабларнинг хайру саховати билан машхур бўлган қабила бошлиғи. Нажд вилоятининг Тай қабиласидан бўлгани учун Ҳотами Тай номи билан шуҳрат қозонган.

⁴ Лукмон – Куръони каримда зикри келган машхур ҳаким ва донишманд. У минг йил умр кўрган бўлиб, Аллоҳ таоло унга ҳикматни – нарса ва воқеаларнинг моҳиятига етиш ва тўғри хулоса чиқариш илмини ато этган.

⁵ Собир – сабрли, бардошли.

⁶ Кўнгши – қўшни.

* * *

Меъда чун тўлди-ю, ҳосил бўлди ранж,
Фойда қилмас анга кўп молу ганж.

* * *

Емас ит сарқитин келиб арслон,
Фор ичинда очин ўлар бўлса.
Ориф эр нафсина уюб кетмас,
Не қадар нафс анга жафо қилса,
Ул дегулдур¹ фақир ким иттек
Текма² нокас эшикина келса.
Порсо³ билмагил сен ул эрни,
Олтун окча дуо қилиб олса.

* * *

Келур муфсид⁴ кишидан кўб ёмон иш,
Алинда бир неча динор⁵ бўлса,
Не ишлар қилгай эрди одамийга,
Қаринчанинг⁶ қаноти бор бўлса.
Саодат кўрмаган топса вазорат⁷,
Уруб эр ултуруб ўйнор бўлса.
Кетар боши анинг бир кун бу йўлда,
Неча кўб молу мулк асрор бўлса,
Юмар кўз бу жаҳоннинг зийнатиндан
Кима сабру каноат ёр бўлса.

¹ Дегул – эмас.

² Текма – ҳар қайси, ҳар бир.

³ Порсо – такволор.

⁴ Муфсид – ярамас, бузуки.

⁵ Динор – олтин таяга.

⁶ Қаринча – қалдирғоч.

⁷ Вазорат – вазирлик.

* * *

Дуо вақти тазарруънинг алини
Кўтариб, Тангридан раҳмат тиларсан.
Карам вақтин тутарсан қўлтуғунгда,
Бу эҳсон бирлами жаннат тиларсан?

* * *

Қачон жон олғучи душман эришса,
Ажал боғлар югурганнинг аёғин.

* * *

Ҳар бир эр иш учундир, ҳар бир иш эр учун.

* * *

Дойимо турли савоб узра бўлур оқил иши.

* * *

Ҳунар зоеъ бўлур кўргузмаса эр,
Ҳунар кўргузган эр шаҳду шакар ер.

* * *

Эй ўзин Рустам сифатли паҳлавон кўрган фато¹,
Куч билан бўлмас саодатнинг этакин тутмағо.
Минг ҳунар бўлса бир эрда бўлмаса гар давлати,
Чун саодат йўқтур – эрдам² фойда қилмас анга.

¹ Ф а т о – ёш, барно.

² Э р д а м – фазилят, кудрат.

* * *

Икки оқил аро уруш бўлмас,
Оқил аблах сўкунчина қолмас.
Жавр қилса нечаким аблах анга,
Кўнглун олур анинг бу лутф била.
Узмас икки биликли бир қилни,
Сакламас аҳмақ одамий тилни,
Икки жоҳил қачон уруш бошлар,
Юз бузарлар уруб, ёриб бошлар.

* * *

Эрдамин кўрган кишига фойданг
Тегмаса, бори зиёнинг тегмасун.

* * *

Ҳар ким не кўнгул тиласа, кўркли улдур,
Ишкина ҳамиша жой ичинда йўлдур.

* * *

Чўнг¹ севди хожа жондан қулни бек,
Хожаси қул бўлди, қули бўлди бек.

* * *

Душманин ўлтурур баҳодур эр,
Дўстин ул ҳабиб² қатл қилур.

* * *

Қачон кўнглунгда қилса ишқ маскан,
Алифдан «бе»ю «те»ни³ билмагайсан.

¹ Чўнг – қатта, улкан, зўр.

² Ҳ а б и б – дўст, ҳамдам, севикли.

³ «А л и ф» «б е» «т е» – араб алифбосининг илк ҳарфлари: а, б, т.

* * *

Чунки бердинг кўнгул ул ой юзга,
Кил таҳаммул неча жафо қилса.
Лутф этиб издаса мурувват анинг,
Қаҳр этиб ҳукм анинг сурур бўлса.

* * *

Не қайғу севмаса гулни зағизғон,
Туман¹ булбул қилур ишқинда афғон.
Кунаш² васлин тиламас бўлса ватвот³,
Кунашнинг нурина андан не нуқсон?

* * *

Сўлди қизил гул янгоғинг⁴, эй санам,
Шеваларинг⁵ равнақи бўлди адам.
Хукминг эшитур эди султони Чин,
Эмди бу кун сўзунг эшитмас чибин,
Жавр неча ошиқинга қилғасан,
Жону кўнгулни не билан олғасан.
Кечти жамолинг гулининг навбати,
Қилма тасаввур дағи ул давлати.
Борғил ангаким, сенга жоним дегай,
Ноз анга қилғилки, сени издағай.

* * *

Гулларни қатинда қўймайин бир соат,
Ул ким уюмас эди, жаҳондан кетти.
Даврони замон юзи гулини тўқубон,
Туброқи уза анинг тиканлар битти.

¹ Т у м а н – ўн минг.

² К у н а ш – қуёш.

³ В а т в о т – қуршапалак.

⁴ Я н г о қ – ёноқ, юз.

⁵ Ш е в а – бу ерда: ноз, ишва.

* * *

Бўлмаса захми тикан, жаннат эди гул суҳбати.

* * *

Соғ эр билмас жароҳат оғрисин,
Дардни чеккан киши билур яқин.

* * *

Бўлмаса ҳолинг бизингдек, эй азиз,
Бил, ҳикоятдур котингда холимиз.

* * *

Нисбат этма дардим ўзга дардина,
Туз тўкар ёрим жароҳат устина.

* * *

Юз кўюб дўст юзуна ётқил,
Душман ул яхшиким куя турса.

* * *

Бир ишни ким ўфка билан ишлагай,
Қилиб, хайф, сўнгра алин тишлагай.

* * *

Ким ўч олмоқдан эса афв хушрок.

* * *

Менга тўймас кўзум хижлат кетурди.

* * *

Исо¹ эшакин Ҳижоз² элтиб
Кетурса яна ҳамон эшақтур.

¹ И с о – насоний динининг пайгамбари Исо алайҳиссалом.

² Ҳ и ж о з – Арабистон ярим оролидаги Макка ва Мадина жойлашган ҳудуд.

* * *

Муаллим бўлмаса ҳайбатли, эй ёр,
Сақолиндан тутуб ўғлонлар ўйнор.

* * *

Ганимат тут бу шодий фурсатинким,
Буқун тонгла¹ учун оқил емас ғам.

* * *

Эй ўзин кўрган ўзгадан устод,
Не эди аввалинг, кил охир ёд.
Илк бир қатра сув эди исминг,
Бўлди қирқ кунда сурати жисминг.
Эмди бўлдунг бу кун баҳодур эр,
Паҳлавони жаҳон сенга эл дер,
Ҳарки нафсин енгар баҳодур ул,
Паҳлавон бўлсанг, анинг беки бўл!
Бўлмаса қирқ яшарда ақлу адаб,
Дегул инсон десанг ани, не ажаб.
Эрлик ул иш дегул кўнгул ёққай,
Ё киши айбини кўруб чиққай.
Эр керак кўнгли кинадан холи,
Ўзи алчоқу ҳиммати олий.

* * *

Ризқи паришон одамий кўнгли паришон дам-бадам.

* * *

Кўрар мискин сувсамиш уйқусинда,
Тамомат ер юзин тутмиш оқар сув.

¹ Т о н г л а – 1) тонгда, эрталаб; 2) эртага, киёмат куни.

* * *

Кишига қилма шикоят жаҳондан, эй дарвеш,
Туруб юруб қиладур шукри неъмат¹,
Алингда чунким, аё хожа, молу неъмат кўб,
Едур, бағишла, тиласанг саодати укбо².

* * *

Дунё матоиндан тилар бўлсанг таматтуъ³ олмаға.
Кўргуз халойиққа сахо чун Ҳақ сенга қилди карам.

* * *

Ул кишиким душманлар билан сулҳ қилур, дўстлари ан-
дан озор бўлур.

* * *

Душманни ожиз кўруб раҳм этмагилким, қачон қодир
бўлса, сенга раҳм этмас.

* * *

Душман ўгутун қабул қилмоқ хатодурур ва лекин эшитмак
раво, ҳатто анинг хилофин ишлағайсан, ул айни савоб бўлур.

* * *

Икки киши мулкнинг дағи диннинг душмани турур:
бири улким, султон бўлуб, адл қилмаса; бири дағи улким,
зоҳид бўлуб, илми бўлмаса.

* * *

Хулқи ёмон ким эрса қочса бало алиндан
Қуртулмағай нечаким, ул хулқ анинг биладур.

¹ Мавло – содиб, яъни Худо.

² Укбо – охират.

³ Таматтуъ – баҳра олиш, фойдаланиш.

* * *

Яхудий бир мусулмон эр билан сўзга келиб бир кун
 Хилоф узра чекиштилار нечаким бор эди имкон.
 Мусулмон онт ичиб Тангри каломининг уза айтти:
 «Яхудийман, бу қавлимнинг¹ ичинда бор эса нуқсон».
 Яхудий эр дағи онтлар ичиб Таврот² уза айтти:
 «Мусулмонман, агар бўлса, сўзумда, заррача ёлғон».
 Агар бу ақл дунёдан чикиб кетса, яқин билким,
 Тасаввур этмагай ҳаргиз ўзин бир одамий нодон.

* * *

Ғанидур улки, қаноат ичинда сабри чўқ,
 Жаҳонда сабру қаноат бикин³ маишат йўқ.
 Ҳарис еса жаҳонни ҳануз очу фақир,
 Ҳамиша аҳли қаноат бир ўтмаги била тўқ.

* * *

Ҳар ким ўзиндан олим билан мубоҳаса⁴ қилса, ҳатто бил-
 магайларким олимдурур ва лекин жоҳиллиги маълум бўлур.

* * *

Бош урушмагил урушчи паҳлавон кўчқор била,
 Чун билурсанким, урушсанг ул сенинг бошинг ёрар.

¹ Қ а в л – бу ерда: сўз, гап.

² Т а в р о т – яхудий динининг муқаддас китоби.

³ Б и к и н – ўхшаш, каби.

⁴ М у б о ҳ а с а – баҳс, мунозара.

* * *

Хуш этти¹ муни ул адиби зариф:
Маликка бўлурми каландар² ҳариф³.
Ўз али билан ўз кўлун синдурур
Қавий бирла панжа тутушқан заиф.

* * *

Синдирур бўлса уруб олтун қадахни катта тош,
Синмас олтун қиммати, ортмас баҳоси тошнинг.

* * *

Эй узун кўрган неча бир дегасан –
Ким, фалон аллома муфти ўғлиман.
Бор эса бу қавлунга келтур далил,
Гул тикандан келди, Озардан⁴ Халил⁵.

* * *

Ақл нафс алинда уйла гирифтор бўлуб турур, нечукким,
бир ожиз кучли хотун алинда гирифтор бўлса.

* * *

Динни дунёга сотқанлар эшак турурлар.

* * *

Шайтон мухлислар билан чиқиша билмас, султон муф-
лислар⁶ билан.

¹ Этти – айтди.

² Қ а л а н д а р – 1) илоҳий ишқ йулида важд ҳолатига етган дарвеш; 2) вужуд ва қалбини поклаб, ўзини фано ҳолатига етказишга интилган солиқ; 3) каландария тарикати аъзоси.

³ Х а р и ф – 1) дўст, шерик; 2) душман, рақиб.

⁴ О з а р – пайғамбар Иброҳим алайҳиссаломнинг отаси.

⁵ Х а л и л – дўст, ёр, севиқли. Иброҳим алайҳиссаломнинг лақаби.

⁶ М у ф л и с – камбағал, фақир, бечора, синган.

* * *

Икки нима муҳоли ақлдурур: бири улким, ризқи мак-
сумдан¹ ортуқ емак, иккинчи улким, ажали маълумдан бу-
рун ўлмак.

* * *

Бўлмиши йўқ қазо тағайюр² ҳеч,
Куфр этмак билан киши туну кун.
Ел вакили фариштаға не ғам,
Бир қарининг чароғи сўнган учун.

* * *

Бир кишини минг арслон ўлтурмас,
Келмайинча анга қазойи ажал.

* * *

Толёсиз сайёд³ тенгизда балиқ тута билмас, дағи ажал-
сиз балиқ қури ерда ўлмас.

* * *

Ҳасуд Ҳақ таоло неъматиндан бахиллиқ қилур.

* * *

Иродатсиз⁴ мурид⁵ муфлис ошиққа ўхшар; амалсиз олим
емишсиз яғочқа; илмсиз зоҳид эшиксиз эвга; маърифатсиз
сайёҳ қанотсиз қушқа.

¹ М а к с у м – 1) тақсимланган, ажратилган; 2) тақдир қисмат.

² Т а ғ а й ю р – ўзгариш.

³ С а й ё д – овчи.

⁴ И р о д а т – сидқ, ихлос, эътиқод.

⁵ М у р и д – толиб, талабгор, бирор шайх ёки пирга қўл бериб, унга эргашувчи.
Тасаввуфда моддий боғлиқликлар ва ўз хоҳиш-иродасидан воз кечиб, Ҳаққа инти-
лаётган киши.

* * *

Ҳикоят мустамеъларга¹ кўра айт,
Агар бўлса, аларнинг сўзга майли.
Ўтурса оқил эр Мажнун қотинда,
Керакмас сўзи, илло, зикри Лайли.

* * *

Сухбат этма ёмоне киши бирлан,
Не кадар пок эсанг, мунажжас² этар.
Кунаш анча буюклиги бирлан
Бир аяча³ булут кўрунмас этар.

* * *

Хатоға нисбат этмас ким эшитса,
Сўзи дойим анингким, рост бўлғай.
Ҳар эр ёлғон билан машхур бўлса,
Ким они рост деб иқрор қилғай.

* * *

Бири давлат билан мағруру ғофил,
Бири меҳнат билан ранжуру⁴ соил⁵.
Бу ҳолатда қачон бўлғайсен, эй қул,
Кечиб ўз ишларингдин Ҳаққа машғул.

* * *

Ор кўрма билмаганин сўрмаға,
Сўрмайинча илм ўрганмас киши.
Илм ўқуб ҳар ким амал қилди эса,
Жаннат ичинда тафарруждур⁶ иши.

¹ М у с т а м е ъ – эшитувчи, тингловчи.

² М у н а ж ж а с – ифлос, нопок.

³ А я ч а – бу ерда: парча, бўлак.

⁴ Р а н ж у р – дардманд, эзилган.

⁵ С о и л – тиланчи, гадоё.

⁶ Т а ф а р р у ж – қараш, томоша қилиш.

* * *

Эй нечаларни кўрубтур бу жаҳон,
Эй нечалардан дағи ортиб қолур.
Сен алардан олмасанг ибрат букун,
Тонг била сендан булар ибрат олур.

* * *

Куч билан топмади ким эрса жоҳ,
Бермайин холиқи¹ замону замин.

* * *

Эй булбули гулшани маоний²,
Сўзунг эшитиб, кўнгул бўлур шод.
Ё нахл³ бикин сахий керак эр,
Ё сарв сифат ҳамиша озод.

* * *

Мунда дойим эйгулик эткан киши,
Жаннат ичинда тамошодур иши.

* * *

Комил эр айб истамас, кўзлар ҳунар⁴.

¹ Х о л и қ – Яратувчи, Худо.

² М а о н н и й – маънолар.

³ Н а х л – ниҳол, кўчат, дарахт.

⁴ Ҳ у н а р – бу ерда: фазилят, истеъдод, маҳорат.

ОГАҲИЙ ТАРЖИМАСИ

Бўлса ҳар кимса жонидин маъюс,
Кўли қувват топар, тили узолур.

* * *

Ҳар киши қаҳру ғазабин ютуб, халқнинг гуноҳин ўтуб, эҳсон қилса, Ҳақ таоло они дўст тутар ва жамъи гуноҳин ўтар.

* * *

Нўширвоннинг оти тирик қолди адл ила,
Бўлди агарчи ўзи ўлуб, хок¹ аро ниҳон.
Бас, хайр эт, эй фалон, тутуб умрингни муғтанам²
Ондин бурунки, халқ дегой қолмади фалон.

* * *

Зоти ҳар кимнинг ямондур, яхши ҳаргиз бўлмағай,

* * *

Нуҳ³ ўғли бўлуб ямонлар ила,
Еди насли нубуввати⁴ барҳам.
Яхшилар изиға игоргон⁵ учун
Бўлди асхоби Каҳф⁶ ити одам.

¹ Х о к – тупроқ.

² М у г т а н а м – ганимат.

³ Н у ҳ – Нуҳ алайҳисалом. Ўғли Ҳом отасига беадаблик қилгани учун Аллоҳ таоло унинг наслини пайгамбарликдан маҳрум қилган.

⁴ Н у б у в в а т – пайгамбарлик.

⁵ И г о р г о н – юрган, эргашган.

⁶ А с х о б и К а ҳ ф – Ғор аъзолари. Исо алайҳиссалом замонидан кейин Рум давлатларидан бирида Дакёнус номли золим подшоҳ чиқиб, одамларни бутларга сиғинишга мажбур қилар, ўз амрига бўйсунмаганларни ўлдирар экан. Бир неча йигит: «Аллоҳдан ўзгага бўйсунгандан кўра бу юртни тарк этган афзал», деб тун қоронғида шаҳардан чиқиб кетишади. Йўлда уларга бир чўпоннинг ити ҳам ҳамроҳ бўлади. Ҳаммалари тонгга яқин бир тоққа етиб, катта ғорга кириб яширинадилар. Уларни қувиб келган шох аскарлари ғорга киришга кўрққач, Дакёнус йигитларнинг очлик ва ташна-

* * *

Ҳосидлар ҳеч нима била рози ва хушнуд бўлмаслар.

* * *

Мададкор истасанг вақти мусибат,
Саломат вақтида қилғил саховат.

* * *

Подшоҳеки, зулм этар бунёд,
Қилғай ўз мулки, давлатин барбод.

* * *

Гар санга жавру зулм эса марғуб¹,
Ўлганингдур тириклигингдин хўб.

* * *

Ҳаром ангадур неъматин подшоҳ,
Ки сўз вақтини қилмас эрса нигоҳ.
Сўз айтур чоғин билмасанг, бўл хамуш,
Ки бу иш эрур айбингга пардапўш².
Била олмасанг гар муни урма дам,
Добон бемаҳал қилма қадрингни кам.

* * *

Ул хайлки, бир гўшага юз урдилар,
Фориғ элу ит тишидин ўлтурдилар.
Йиртиб коғозу қаламни синдурдилар
Ҳам ўзларини, ҳам элни тиндурдилар.

ликдан ўлиб кетишлари учун ғор оғзини беркитиб ташлашни буюради. Лекин Аллоҳ ўзига садоқатли бандаларни ҳалок бўлишидан сақлаб қолади – уларни уч юз йиллик узок уйқуга чўмдиради. Садоқати туфайли ит ҳам асхоби Каҳф сафидан жой олган.

¹ М а р ғ у б – ёқимли, сеvimли, маъкул.

² П а р д а п ў ш – парда ёпувчи, сир яширувчи.

* * *

Гоҳо бўлурким, подшоҳлар надими¹ бўлгон киши зар олур,
гоҳо бош берур, подшоҳлар гоҳо салом берган кишидин ран-
жида бўлур ва гоҳо дашном қилгон кишига хилъат² берурлар.

* * *

Ҳакни билган кимса айлар ростлиғ,
Ростға йўқ камлику ҳам костлиғ.

* * *

Гар эшак хору бетамиз ўлди,
Юк кўтармак била азиз ўлди.

* * *

Кўрсалар гар бир ямонни бахтиёр,
Окил эл таслим этарлар ихтиёр.

* * *

Дўстга андоқ қувват бермагилким, бир вақт сенга душ-
манлик қилса, муқобил³ бўла олмағайсан.

* * *

Улуғ андоқ кишини қилма гумон –
Ки, улуғлар отин чиқарди ямон.

* * *

Кимда такво либосини кўрсанг,
Порсо бил они ва яхши киши.
Кўнглида на борин чу⁴ билмассен,
Муҳтасибнинг⁵ уй ичига йўқ иши.

¹ Н а д и м – 1) хизматкор, маҳрам; 2) яқин дўст, ҳамсубҳат.

² Х и л ъ а т – уст кийим, сарпо.

³ М у қ о б и л – қарши, зил.

⁴ Ч у (Ч у н) – 1) чунки, агар; 2) ўхшаш, монанд.

⁵ М у ҳ т а с и б – шарият аҳкомларининг бажарилишини назорат қиладиган амалдор.

* * *

Ўзгалар айбини улким сенга еттургусидур,
Билки, айбингни сенинг доғи оларга етурур.

* * *

Чун котиглик ичра колсанг, берма ожизликға тан,
Душманинг пўстини юлғил, дўстингни пўстинин.

* * *

Бир обидни¹ бир подшоҳ талаб қилди. Обид ўзиға дедиким, бир дору еб, ўзимни заиф ва ожиз қилиб борай, токим подшоҳнинг эътиқоди менинг ҳақимда зиёда бўлғай. Айтурларким, еган доруси заҳри қотил эрди, билмайин еб, ўлуклар қаториға кирди.

* * *

Айтурларким, бир обид бир кечада ўн ботмон² таом ерди ва тонг отғунча Қуръонни хатм қилур эрди. Они бир сохиби дил эшитиб, деди: «Агар ярим нонни еб тонг отғунча уйкуласа эрди, ул миқдор таом еб, Қуръон ўқуғандин лойиқроқ ва яхшироқдур.

* * *

Дўстни кўрмакка бормоқ айб эмас,
Лек безор ўлғудек кўб бормоғил.
Қил муҳаббатни фузун³ кам-кам бориб,
Беҳуда ортуксан, ранж ахтармағил.

¹ О б и д – тоат-ибодат қилувчи, такводор.

² Б о т м о н – турли даврларда ва турли мамлакатларда турлича (20 кг дан то 172 кг гача) қўлланиб келинган оғирлик ўлчови.

³ Ф у з у н (а ф з у н) – кўп, зиёда, ортик.

* * *

Эйки қилдинг ўзингни банди аёл,
Эмди осудаликни қилма хаёл.

* * *

Даҳр аро гар пир¹ бўлсун, гар мурид,
Софдил бўлсун, нечукким Боязид.
Чунки дунё сори майл этти аён,
Сўнг халос ўлмоқ анго қилма гумон.

* * *

Рағбатинг бирла эшит олим сўзин,
Гар мувофиқ қилмас ул сўзга ўзин.
Муддаийларнинг бу сўзин билма чун,
Ким дегайлар зохирида қаҳру кин.
Ҳар кишиким, ўзи уйқуда ётур,
Уйқуда ётғонни найлаб уйғотур.
Мард улдурким, амал қилғой онга,
Панд агар ёзилса бир девор аро.
Зоҳид ўзни зўр бирла қутқарар,
Неча гумраҳларни олим бошқарур.

* * *

Гар гадо саркарда бўлса лашкари исломга,
Илтижоси биймидин² кофир кочар то Чингача.

* * *

Шижоат бирла зўру мардликни ҳеч лоф урма,
Ки то нафс олдида ожиз бўлуб, хотиндек ўлтурғунг.
Агар мард эрсанг этгил талхком³ оғзини сен ширин,
Эмасдур мардлик улким, биров оғзига тош ургунг.

¹ П и р – тарикат йўлида муридга раҳбарлик қиладиган устоз.

² Б и й м – қўрқув, хавф, ваҳима.

³ Т а л х к о м – аччиқ насибали, аламзада, кайгули.

* * *

Бир ҳакимдин сўрдиларким: «Саховат яхшироқму ва ё шижоат?» Ҳаким деди: «Саховат бўлса, шижоатга ҳожат йўқдур».

* * *

Кимки нон ер чекиб ўзи меҳнат,
Чекмағай Ҳотам илкидин¹ миннат.

* * *

Кўб молдин оз жамол яхшироқдур.

* * *

Ким юзига очар савол эшикин,
Ўлгуча ул ниёзманд² бўлур.
Ҳирсени ташла, подшоҳлиғ қил,
Бетамаъ эл боши баланд бўлур.

* * *

Кишиким бор эса яхши қилиғлик,
Қотиғлик бийминдин чекмас қотиғлик.
Тараб³ қил, ончаким бор эрса матлуб⁴,
Емак тонгла ғамин бугун эмас хўб.

* * *

Унинг онингдек этар халқга хороши⁵ дил –
Ки, теша онча йўна олмоғуси тошдин гил.

¹ Илик (илиг) – қўл.

² Ниёзманд – ҳожатманд, муҳтож.

³ Тараб – шодлик, қувонч.

⁴ Матлуб – ёқимли, севимли.

⁵ Хорош – бу ерда: дард, алам, азоб.

* * *

Бўлмағай дўст дўстдин безор,
Кўрса гар юз жафо ва минг озор.

* * *

Шаппар¹ ўлса куёшдин безор,
Синмоғуси куёшга бозор.

* * *

Сизнинг бори вақтингиз ўтубдур,
Бизнинг доғи ўтимиз ўчубдур.
Гар қилсангиз эмди неча тадбир,
Бир заррача қилмағуси таъсир.

* * *

Нечук ишқ ичра бўлғай ул киши шод –
Ки, котигликда ёрин айламас ёд.

* * *

Югуриб ета олмай қолгондин, оҳиста юруб боргонлик
яхшидур.

* * *

От не ерга шитоб ила борса,
Юруб оҳиста тева доғи борур.

* * *

Ҳеч сайқал сафо бера олмас
Ҳар темургаки бадгухар² бўлғай.
Етти дарёда итни гар юсонг,
Нажас аввалгидин батар бўлғай.

¹ Шаппар (шаппарак) – кўршапалак.

² Бадгухар – зоти паст, ярамас, ёмон.

* * *

Кўрмаса ёшликда кимса адаб,
Топмағуси нажот бўлса улғу.
Бўлғуси ҳўл яғоч илик била рост,
Бўлмағай ўтга солмай ўлса қуруғ.

* * *

Кўб итобу хитоб айламағил,
Бўлса гар хизматингда бир банда –
Ки, қиёматда бас қотиг ишдур,
Банда озоду хожа шарманда.

* * *

Биров чекиб неча ранж айлағуси ҳосили ганж,
Яна биров келиб ўлғай эга анга беранж.

* * *

... Ато қил ва миннат қилма, бас онинг фойдаси сенга
етишғай.

* * *

Илм аро гар воҳиди¹ давронсан,
Амалинг бўлмас эрса нодонсан.

* * *

уч нимарса уч нимарсасиз пойдор қолмағусидурур: мол
тижоратсиз, илм баҳссиз ва мулк-мамлакат сиёсатсиз.

* * *

Ҳар кишинингким тирикликда нонин емасалар, ўлгани-
дин сўнгра отин тутмағайлар.

¹ В о ҳ и д – яғона, танҳо.

* * *

Ёмонлар ҳолига раҳм этмак – яхшиларга ситам этмакдур, золимлар гуноҳин афв этмак – мазлумларга жаврни раво кўрмакдурур.

* * *

Сўз айтур кишининг сўзин то яна бир киши айб қилмагунча сўзи ислоҳ топмагусидур ва халқга мақбул бўлмагусидур.

* * *

Сўзинга ғарра¹ бўлма ширин деб,
Анга нодонлар айласа таҳсин.

* * *

Барча кишига ўз айби ҳунар ва камол, ўз фарзанди соҳибжамол кўрунгусидур.

* * *

...Аклдин холи агар бўлса жаҳон,
Ҳеч ким нодон қилмас гумон.

* * *

Нодонга хомушлиғдин яхши нима йўқдур, агар муни билса эрди, нодон бўлмас эрди.

* * *

Муруватсиз киши хотундур ва тамаълик зоҳид кароқчидур.

* * *

Ёлғон сўз айтмоқ қилич зарбига ўхшар, агарчи яраси бутса ҳам, нишони қолур.

¹ Ғарра – мағрурланиш.

* * *

Ростға ростлиғ улуғ зийнатдур.

* * *

Эйки, султон олдида сўзинг топибдур эътибор,
Яхши сўз айтурни пеша¹ кил ўзингта зинҳор.

* * *

Мен онингдек кимса эрмасманки, ёвдин қочгомен,
Мардман андоқки, кўргунгдур танимни қон аро.
Ким урушға чиқғуси – кечмак керақдур жонидин,
Қониға қолғай черикнинг, гар қочар майдон аро.

* * *

Бўри фарзанди бўри бўлғусидур,
Нечаким одам ичра улғайсун.

* * *

Қилмадинг суратим ҳақир кўруб,
Манда мундоқ улуғ хунарни гумон.
Ориқ от иш кунида буткорур иш,
Бўлмас ул иш семуз ўкуздин² аён.

* * *

Яхши қилични кимса темурдин нечук ясар,
Нокас бўлурму тарбияту лутф бирла кас³.
Ёмғур агарчи шаҳр ила сахроға тенг ёғар,
Гулшанда лола, шўрада бутгуси хору хас.

¹ П е ш а – касб, хунар, одат; иш, амал.

² Ў к у з – ҳўкиз.

³ К а с – киши.

* * *

Ямонға яхшилиғ қилмоқ биайних¹
Эрур яхшиға қилмоқлиғ ямонлиғ.

* * *

Кимсага гар дўст бўлса меҳрибон,
Душмани кўб бўлса, ондин не зиён.

* * *

Сипоҳ² ҳолидин қилғил огоҳлиғ –
Ки, шаҳ лашкар ила қилур шоҳлиғ.

* * *

Подшоҳеки, зулм этар бунёд,
Қилғай ўз мулку давлатин барбод.

* * *

Бир-бирга улус эрур аъзо,
Зоги бирдур бориға, эй доно.
Етса ҳар аъзоға агар озор,
Қолмағай ўзга узвларга қарор.
Ўзгалар дардидин эсанг беғам,
Лойиқ эрмас сени демак одам.

* * *

Эй амир, ўлмағил фақирозор,
Токай ўлғуси гарм³ бу бозор.
Гар санга жавру зулм эса марғуб,
Ўлганингдур тириклигингдин хўб⁴.

¹ Би ай ни х – худди, айнан.

² С и п о ҳ – аскар, қўшин, лашкар.

³ Г а р м – иссиқ, қайноқ; қизғин, жўшқин.

⁴ Х ў б – яхши, дуруст, маъқул; афзал; чиройли, гўзал.

* * *

Йўқтур жаҳон ичра манга асло бу дамдин яхши дам,
Ким неку¹ баднинг² фикридин кўнглумда йўқ бир
зарра ғам.

* * *

Аблаҳеким, ёқғой ул исроф ила кундуз чароғ,
Тездурким, қолмағой окшом чароғи ичра ёғ.

* * *

Мумкин эрмаски, ташна қолғон эл
Шўр сувнинг лабиға келгайлар.
Бўлса ҳар ерда чашмаи ширин,
Халк онга ҳужум қилгайлар.

* * *

Сипаҳдин агар зар тутулса дариг³,
Сипаҳ доғи чекмас адув⁴ сори тиг.

* * *

Олса зар хизмат учун аҳли сипаҳ бергай бош,
Зар гар олмас эса, кетгай олиб ҳар сори бош.

* * *

Неча йил бу байт фикрида эдим —
Ким, ўқур эрди они бир филбон:
Мўрни⁵ кўрсанг оёқинг остида,
Фил оёқида ўзинг қилгил гумон.

¹ Н е к — яхши, хайрли, эзгу.

² Б а д — ёмон, ярамас.

³ Д а р и ғ — аяш, қизганиш; афсус, надомат.

⁴ А д у в — душман, ёв, рақиб.

⁵ М ў р — чумоли.

* * *

Биров икки кунгина шоҳ хизматига келур,
Учинчи кун шоҳ анга лутф ила нигоҳ килур.
Кишики, қилса ибодат Худоға сидқ била,
Нетонг¹, юзига агар мақсад эшики очилур.

* * *

Ҳазар қил оҳидин дарвешларнинг,
Ёнар бир учкунидин жумла олам.

* * *

Вафо йўқ эрдиму оламда ҳаргиз
Ва ёхуд қилмади аҳли замона.
Ки ҳар ким отмоқ ўқ ўрганди мендин,
Мани ул оқибат қилди нишона.

* * *

Жаҳонда гар умиду роҳату ранж ўлмаса эрди,
Фалак бошидин ўтгай эрди фақр аҳли оёқи ҳам.
Вазирлар кўркса эрди Худодин, ўйлаким, шаҳдин,
Бўлур эрди малак, балким малакнинг яхшироғи ҳам.

* * *

Бу неъматким, қўлунгда ер тутубдур,
Яқин билким, неча қўлдин ўтубдур.

* * *

Гар адув ўлса, анго бўлмасмен асло шодмон –
Ким, ўзим доғи жаҳонда қолмағумдур жовидон.

¹ Нетонг – ажаб эмас.

* * *

Кўполса эрди донолик била нон,
Топа олмас эди бир лукма нодон.
Етар нодонга андоқ ризқ ҳар дам –
Ки, донолар анго ҳайрон бўлур ҳам.

* * *

Ўзунгдин ўзгага кўз солмоғунг ҳеч –
Ки, то олдингда ўзлук пардаси бор.
Худобин кўз¹ санго гар берса Тангри,
Ўзунгни кўргунг элдин ожизу зор.

* * *

Сен агар яхши бўлуб, олам сени деса ямон,
Яхшидур бўлсанг ямону эл сени яхши дегой.

* * *

Бўлмаса дунё – бўлурмиз дардманд,
Бўлса – меҳриға бўлурмиз пойбанд².
Бу жаҳондин, кўр, ямонроқ йўқ бало,
Бўлса-ю-бўлмаса тортамиз ано³.

* * *

Кимки зоҳиддур, анга ҳожат эмас дунёю зар,
Зоҳид эрмас ҳар кишиким, қилса дунёга назар.

* * *

Элға дунёдин берурлар биймлар,
Ўзлари доим йиғарлар сиймлар.
Чун амал қилмас эса олим агар
Ўз сўзиға, айлағай кимга асар?

¹ Худобин кўз – Худони кўрувчи кўз.

² Пойбанд – оёғи боғланган, бандга тушган.

³ Ано – бу ерда: машаққат, қийинчилик, ранж, азоб.

Олим улдурким, асар қилғай сўзи,
Демағай ул сўзниким, қилмас ўзи.
Қайси олимким, баданпарвар бўлур,
Ўзи гумрахдур, нечук рахбар бўлур.

* * *

Эйки, кўнглунгда йўқдурур такво,
Бермагил сувратингга ҳам оро.
Токи остингда бўрё¹ бордур,
Балки кўнглинг аро риё бордур.

* * *

Сабр йўқ ҳар кишида ҳикмат йўқ.

* * *

Қилурман кўхна хирқамга каноат
Вале чекмон кишидин бори² миннат.

* * *

Билким, тирик юрмакдурур лукма емакликдин мурод,
Сан жаҳлу³ гафлатдин мунинг аксиға қилдинг эътиқод.

* * *

Кишиға кам емак бўлса табиат,
Қотиғлик келса, бўлғай анга осон.
Ва гар худ⁴ кўб ебон танпарвар ўлса,
Туза олмой⁵ қотиғликға, берур жон.

¹ Б ў р ё – бўйра.

² Б о р – бу ерда: юк, оғирлик маъносида.

³ Ж а ҳ л – жаҳолат, нодонлик.

⁴ Х у д – ўзича; факат.

⁵ Т у з а о л м о й – чиқолмай.

* * *

Ема кўп, ўйлаким, бўғзингга етгай,
Егил оз, ўйлаким, жон роҳат этгай.
Қоринни ул сифат тўйдурма ҳар тун –
Ки, келтургай мусибат топмоғон кун.

* * *

Ноним афзун бўлди, аммо обрўйим бўлди кам,
Бенаволиғ¹ яхши кўргандин тамаънинг зиллатин².

* * *

Бори инсону ҳайвону жамики жонварларнинг
Камоли бенаволиғдин фалакка чиқти афғони.

* * *

Сенингдек шохнинг қадридин асло ҳеч бўлмас кам
Менингдек хор деҳқон уйига бўлмоқ била меҳмон.
Вале деҳқон кулоҳи³ гўшаси афлокдин⁴ ўтгай,
Бошига соя солса лутф айлаб сен киби султон.

* * *

Келди дононинг вужуди, ўйлаким, покиза зар,
Борса ҳар ерға, билурлар халқ қадру қийматин.
Шаҳрдин чиқмас улуғзода агар нодон эса,
Не учунким, ўзга ерда тутмағайлар иззатин.

* * *

Бўлмаса зар, зўр ила дарёдин ўтмак бўлмагай,
Бир кишининг зари яхши ўн кишининг зўридан.

¹ Бенаволик – бечоралик, ғариблик.

² Зиллат – хорлик, тубанлик, пастлик.

³ Кулоҳ – бош кийим.

⁴ Афлок – фалаклар, осмонлар.

* * *

Ғурбат аҳли¹ қадрини билмас киши,
Токи ғурбат бирла тушмайдур иши.

* * *

Эмин ўлтурмадим йилондин ҳеч,
Токи билдим, онга недур хислат.
Ичида бор адовати захри,
Гар мулойим эрур онга сурат.

* * *

Чу сўз нечаким софу ширин эрур,
Сазовори таъзиму таҳсин эрур.
Мукаррар² они айламак хўб эмас,
Ки ҳалвони бир егил-у, айла бас.

* * *

Ақллиғ киши ҳеч демас калом,
Каломин биров қилмагунча тамом.

* * *

На сўз эшитса, они демакмидур оқил иши –
Ки, шоҳ сиррини деб, бошини берурму киши?

* * *

Қочормен, ўйла, ноқис дўстдинким,
Менга айбим ҳунар кўргузғусидур.
Борурман, ўйла, душманнинг қошиға –
Ки, деб айбиму ҳолим тузғусидур.

¹ Ғурбат аҳли – ғариблар, мусофирлар.

² Мукаррар – тақрор.

* * *

Кимгаким подшоҳ мурид ўлса,
Кўрунур пок агар палид ўлса.
Кимгаким подшоҳ назар қилмас,
Кўзиға ҳеч бир киши илмас.

* * *

Йигит ҳар неча хўбу хушнаmodур
Ва лекин йўқдурур ҳаргиз вафоси.
Вафо уммид этиб бўлмас йигитдин –
Ки, кўбдур бошида турлук ҳавоси.

* * *

Неча йил ўтгуси – урмассан
Ўз отанг гўри туфроғи сори юз.
Сан отанг ҳаққида на иш қилсанг,
Тутғил ўғлунгдин они сан доғи кўз.

* * *

Гадодин зоҳир ўлса минг бузук сўз,
Улус мингдин бирини билмағайлар.
Агар шоҳ айтса бир базла¹ ногаҳ,
Ёярдин даҳр аро тортилмағайлар.

* * *

Сийму зар чикғусидур тошдин,
Барча тошдин чикмағуси сийму зар.
Чун қуёш ер юзиға партав² солур,
Барча ерда лола бўлмас жилвагар.

¹ Б а з л а – аския, латифа, ўткир сўз.

² П а р т а в – нур, ёғду, шуъла.

* * *

Оҳким, топғай эди кўнглум фараҳ,
Сабзани¹ қилсам тамошо ҳар баҳор.
Эмди туфроқим сори қилсанг назар,
Кўргасен устимда турлук сабзазор².

* * *

Роҳату неъмат ила кимсаки умр ўтқарди,
Ҳеч шак йўқдурур – ўлмак онга душвор келур.

* * *

То ростлиғин билмас эсанг сўзнинг агар хўб,
Айтурға ҳамул³ сўзни оғиз очмағил асло.

* * *

Илмдин ҳар кишики олмади ком⁴,
Бир матоъ олмай этди зарни тамом.

* * *

Гоҳ қаҳр этмак керақдур, гоҳ лутф,
Гоҳ меҳр этмак керақдур, гоҳ итоб.

* * *

Мискин ҳарис олам аро тинмайин юрар:
Ул ризқнинг изидин, ажал онинг изидин.

* * *

Оч қўшнунгнинг уйига борибон ўт тилама –
Ки, уйи тунглукидин чикғони дуди дилдур.

¹ С а б з а – майса, кўкат, яшиллик.

² С а б з а з о р – майсазор, ўтлоқ.

³ Ҳ а м у л – ўша.

⁴ К о м – мурод, мақсад.

* * *

Кимки роҳатда ўтқарур ҳолин,
На билур очларнинг аҳволин.
Очлар ҳолин ул киши билғай –
Бошига очлик ғами келғай.

* * *

Фазлинг ар¹ йўк эса, они билгил –
Ки, сўз айтурға очма ҳаргиз тил.
Одамини тил этгуси расво,
Очма оғзингни, бўлма бепарво.

* * *

Бировким, эрур одати рост сўз,
Хатосин доғи чин этарлар гумон
Ва агар ёлғон айтурда чиқса оти,
Билур чин сўзин ёлғон аҳли жаҳон.

* * *

Ҳар ғамеким, охири бўлғуси хуррамликға зам²,
Яхшидур ул шодлиғдинким, сўнгтида бор ғам.

¹ А р – агар.

² З а м – қўшиш, жамлаш.

СИДҚИЙ ХОНДАЙЛИҚИЙ ТАРЖИМАСИ¹

Карамнинг мадҳи баёнида
Дило, хар киши ёзса хони карам,
Бўлур номдори жаҳони карам.
Карам номдори жаҳон айлагай,
Карам комгори² замон айлагай.
Карам мояи шодмони бўлур,
Карам ҳосили зиндагони³ бўлур.
Карам ортида дунёда кор йўқ
Ва мундин иссиқ ҳеч бозор йўқ.
Карамдин бори эл дилин тоза тут,
Жаҳонни саҳодин⁴ пуровоза⁵ тут.
Бағишлашда бўл доимо мустақим⁶ –
Ки, жонни яратқувчи бордур карим.

Саховатнинг сифати баёнида

Саховат қилур некбахт⁷ ихтиёр –
Ки, кимса саҳодин бўлур бахтиёр.
Қилиб лутфу эҳсон, жаҳонгир бўл!
Саховатнинг иқлимида мир⁸ бўл!
Саховатдур аҳли басират⁹ иши,

¹ «Раҳимо» таржимаи «Каримо» номи билан Саъдий ижодидан ўтирилган бу назмий намуналар шоирнинг «Бўстон», «Гулистон» ва бошқа асарларидаги ҳикматларининг мутаржим томонидан бир ерга жамланиб, қайта ишланган ижодий эркин таржимасидир. Чунки Саъдийнинг бу номдаги асари йўқ (Қаранг: С и д қ и й Х о н д а й л и қ и й. Танланган асарлар (Нашрга тайёрловчилар Б. Қосимов, Р. Жавҳарова). – Тошкент, 1998, 238–248-бетлар).

² К о м г о р – насибали, иқболли; улуг, сарафроз.

³ З и н д а г о н и – ҳаёт, умр, тириклик.

⁴ С а х о – саховат, саҳийлик, мурувват, жўмардлик.

⁵ П у р о в о з а – овозадор, машҳур.

⁶ М у с т а қ и м – тўғри; пок, ҳалол.

⁷ Н е к б а х т – бахтли.

⁸ М и р – амир сўзининг қисқартирилган шакли.

⁹ А ҳ л и б а с и р а т – оқиллар, узоқни кўрувчилар.

Саховат бўлур яхшининг варзиши¹.
 Саховат эмиш айбга кимё²,
 Саховат бори дардларга даво.
 Чу қодир эсанг, айлағайсан сахо –
 Ки, етгай улуғлук саходин санго.

Бахилнинг мазаммати³ баёнида

Бахил молиға қилма бир илтифот,
 Бахил молининг отин айтмоқ уёт.
 Бахил арчи⁴ моли билан бўлса бой,
 Чекар хорлик, ўйла пулсиз гадой.
 Карам аҳли молин егай ҳосилин,
 Бахиллар егай олтунининг ғамин.

Тавозеънинг сифати баёнида

Тавозеъ гар этсанг, дило, ихтиёр,
 Бўлур халқи дунё сенга дўстдор⁵.
 Тавозеъ кишини қилур сарбаланд⁶,
 Тавозеъ улуғлардин ўлғой писанд.
 Тавозеъ кишини эса одати,
 Улуғ бўлгучи ортибон давлати.
 Кишиким, они давлати бор эрур,
 Тавозеъ андин топиш яхшидур.
 Тавозеъ сени айлағай аржуманд⁷,
 Улуғлар қошида ўлурсан писанд.
 Халойиқдин этма тавозеъ дариф,
 Тавозеъдин эт бўйнунг андоқки тиф.
 Тавозеъ улуғлардин ўлғай гўзал,
 Гадо гар тавозеъ этар, ул ўсал.

¹ В а р з и ш – одат, кўникма.

² К и м ё – бу ерда: айбни ёпувчи маъносида.

³ М а з а м м а т – ёмонлик, тубанлик.

⁴ А р ч и – гарчи, агарчи.

⁵ Д ў с т д о р – дўст тутувчи, меҳрибон.

⁶ С а р б а л а н д – боши баланд, юксак, донгдор.

⁷ А р ж у м а н д – азиз, мухтарам, машхур, шарафли.

Такаббурнинг мазаммати баёнида

Такаббурдин албатта қил ўзни пок –
Ки, бир кўлидин ўлурсан халок.
Такаббур улуғдин ўлур нописанд¹,
Қилур кам муни ким эса ҳушманд².
Такаббур бўлур одати жоҳилон³,
Улуғлардин ўлмас такаббур аён.
Такаббур Азозилни⁴ хор айлади –
Ки, лаънат чоҳиға дучор айлади.
Кишини такаббур эса хислати,
Тўла бўлғуси бошида фикрати⁵.
Такаббур ямонларни(нг) бўлғай иши,
Такаббур бўлур зоти нокас киши.
Чу билдинг, такаббур нега айлағунг?
Хато айлағунг ва хато айлағунг!

Илмнинг фазилати баёнида

Топар илмдин одам ўғли камол...
Бўлур оқил одам талабгори илм –
Ки, доим қизик келди бозори илм.
Кишиға азалда эса бахт ёр,
Қилур ул кимса ўқуш ихтиёр.
Югур илм этокиға, маҳкам қўл ур –
Ки, илминг муродингға қотиштирур.
Ўқуш айламоқ доим оқил иши –
Ки, беилм бўлмоқ бу – жоҳил иши.

¹ Нописанд – номаъқул, экимсиз, ёмон.

² Ҳушманд – оқил, зийрак.

³ Жоҳилон – жоҳиллар.

⁴ Азозил – шайтон, иблис.

⁵ Фикрат – билим, идрок, хаёл; ўйлаш, фикрлаш.

Жоҳиллар суҳбатида қочмоқ баёнида

Дило, гар эсанг оқилу хушёр,
 Жаҳолат элиға даме бўлма ёр.
 Қочишликда нодондин ўл тирдек¹,
 Қовушмасда бўл шакару ширдек².
 Санго аждаҳо бўлса гар ёри гор³,
 Ямон ёрдин яхшидур сад ҳазор⁴.
 Агар душмани жонинг оқил эрур,
 Гўзал дўстдинким, жоҳил эрур.
 Жаҳонда чу жоҳил киши хор йўк –
 Ки, жоҳил каби бир ямон кор йўк.
 Ямондин ямон ишдин ўзга келмас,
 Гўзал сўзни андин киши англамас.
 Саранжоми⁵ жоҳил жаҳаннам бўлур,
 Ким жоҳил, гўзал оқибат кам бўлур.
 Сари⁶ дора жоҳил осилғони хўб –
 Ки, жоҳил элин хор бўлғони хўб.
 Ямондин ҳазар қилғил, эй тоза дил,
 Икки дунёда бўлгунг андин хижил.

Адолатнинг сифати баёнида

Адолат нишонидур ороми мулк –
 Ки, ҳосил бўлур адлдин коми мулк.
 Жаҳонға адолатча меъмор йўк,
 Бийикрок⁷ адолат каби кор йўк.
 Санго яхши мундин не ҳосил бўлур –
 Ки, номинг шаҳаншоҳи одил бўлур.

¹ Т и р – ўк, камон ўқи.

² Ш и р – сут.

³ Ё р и г о р – гор дўсти. Муҳаммад алайҳиссалом Макка ичидаги горга беркин-ганларида Абу Бакр розияллоҳу анҳу у зотнинг ёнларида бўлган.

⁴ С а д ҳ а з о р – юз минг.

⁵ С а р а н ж о м – бу ерда: ишнинг охири, оқибат.

⁶ С а р – бош.

⁷ Б и й и к – улуг, баланд, юксак.

Саодатдин истар эсанг гар нишон,
Жафо эшигин боғла элга, аён.
Раият дилин сақлагил барқарор,
Ситамдидаларнинг¹ муродин чиқор.

Зулмнинг мазаммати баёнида

Хароб ўлғуси зулм бирла жаҳон,
Чу бўстонки, кўрғай хазондин зиён.
Жафо сори майл этма ҳеч дар ҳол –
Ки, мулкингни хуршиди² топмас завол.
Киши ёкса зулм оташин бегумон,
Чиқарғувси олам элидин фиғон.
Ситамдида гар чекса бир ўтлуғ оҳ,
Суву лой ҳам бўлғай андин табоҳ³.
Қила кўрмагил нотавонларға зўр,
Ўзинг ўйла, охир эрур тор гўр.
Ситамдидаға кўрма зулминг раво,
Сани ўртар эл ўтлуғ охи било.
Эл озорини қилма, эй тийрарой⁴ –
Ки, ногаҳ етар санга қаҳри Худой.
Ситам бирла бечорани қилма танг –
Ки, золим тамуғқа кетар бедаранг⁵.

Қаноатнинг сифати баёнида

Дило, гар қаноатқа ҳамроҳсен,
Фароғат жаҳони аро шоҳсен.
Қатигликдин, эй камбағал, қилма дод –
Ки, мол оқил олидадур, ўйла бод.
Фақирликдин оқил нечук қилғай ор,

¹ С и т а м д и д а – ситам кўрган, азоб чеккан.

² Х у р ш и д – қуёш, офтоб.

³ Т а б о ҳ – хароб, вайрон.

⁴ Т и й р а р о й – ёвуз ниятли.

⁵ Д а р а н г – тўхтовсиз, дарҳол.

Паямбаргадур фақрдин ифтихор.
 Ғанийнинг эса оқча оройиши
 Вале яхши фақр аҳли осойиши.
 Чу йўқсан ғаний, қилмағил изтироб,
 Шаҳ олмас хирож, ўлса бир ер хароб.
 Қаноат ҳама вақт аро хўб эрур,
 Қаноат қилур кимки, маҳбуб¹ эрур.
 Қаноатни нуридин эт дилни соф,
 Агар некбахт² эрсанг, эй беҳилоф.

Ҳирсинг мазаммати баёнида

Бўлан хирс домиға, эй мубтало,
 Бу ҳирсинг эрур бошқа битган бало.
 Адо қилма умрингни йиғмоққа мол –
 Ки, ҳамнарх гуҳарға бўлмас сафол.

Шайтоннинг мазаммати баёнида

Дило, кимки маҳкуми шайтон эрур,
 Туну кун гуноҳ ичра сарсон эрур.
 Кишиғаки, шайтон эса пешво,
 Қачон ёнғусидур³ Худо йўлиғо?
 Дило, қилма қасди гунаҳ зинҳор –
 Ки, Ҳақ қошида бўлмағунг шармсор.
 Гуноҳдин агар ёнмас эрса дилинг,
 Бўлур асфаласофилин⁴ манзилинг.
 Тириклик уйин қилмағайсен хароб
 Ямон феъл селобидан, эй шабоб!⁵
 Сан ўлсанг агар фисқдин бир сори,
 Бў(л)массан биҳишт гулшанидин нори.

¹ Маҳбуб – дўст, севгили.

² Некбахт – бахтли, бахтиёр.

³ Ёнмоқ – қайтмоқ.

⁴ Асфаласофилин – дўзахнинг энг туби, жаҳаннам.

⁵ Шабоб – ёшлик, йигитлик.

Вафонинг сифати баёнида

Дило, бўл вафо узра собиткадам –
Ки, бесикка¹ ҳеч ерда юрмас дирам.
Вафо йўлидин бурмасанг гар инон²,
Адув кўнглида дўст бўлғунг чунон.
Ўгирма вафо кўйидин рўйи³ дил –
Ки, ёр олида бўлмагайсен хижил.
Вафо йўлидин ташқари кўйма по⁴ –
Ки, аҳбобдин⁵ арзимайдур жафо.

Шукрининг фазилати баёнида

Худо шукрини гар қиёматгачо
Мингидин бирин қайда қилғунг адо.
Вале шукрин айтмоқ авлодурур⁶ –
Ки, Ҳақ шукри миллатга зевар⁷ эрур.
Чу банд этмасанг шукри Ҳақдин забон,
Келур илкиннга давлати жовидон.

Сабрнинг фасли баёнида

Очар сабр мақсуди жон эшигин –
Ки, очилмас ул сабрдин ўзгадин.

Ростлиқнинг сифати баёнида

Дило, ростлиқ айласанг ихтиёр,
Бўлур давлатинг ҳамдаму бахт ёр.
Бошин чулғамас ростдин хушманд –
Ки, ном ўлғуси ростлиқдин баланд.

¹ С и к к а – пул зарб қилиш.

² И н о н – жилов, тизгин, ихтиёр.

³ Р ў й – юз.

⁴ П о (й) – оёқ.

⁵ А х б о б – дўстлар.

⁶ А в л о – яхши, афзал.

⁷ З е в а р – зийнат, безак.

МУЛЛО МУРОДХЎЖА ТАРЖИМАСИ

Дўстларни ранжитмак жаҳолатдур.

* * *

Сахий ваъда айлаганигда вафо этар.

* * *

Кимки топар яхши от – давлати боқий топар.

* * *

Нима сўзларман деб тафаккур айламак аҳсандур¹, бу но-
маъкул сўзни нечун сўзладим деб надомат этмакдин.

* * *

Сўз айтмоқға фикр этмасанг урма дам,
Кейинроқ десанг яхши, айтсанг на ғам.
Тафаккур қил, андин чиқорғил нафас,
Сўзинг «бас» дейишдин қил аввалда бас.

* * *

Мумкин эмасдурки, ҳунарликлар ўлсалар ва ҳунарсиз-
лар аларнинг мақомини олсалар.

* * *

Умрим ўлди тамом жаҳл ила,
Ман ҳазар қилмадим, сиз қилингиз.

* * *

Киши ямонлик этиб, яхшилик умид этса –
Ки, фикри хом ила ботил хаёлни қиладур.

¹ А ҳ с а н – 1) энг яхши, аъло; 2) мақтов, офарин.

* * *

Баҳодир тўйса, қаттиғ ҳамла қилғай,
Тутар оч қолса қочмоқнинг йўлини.

* * *

Кўп одам оч ётар ғурбатта, ҳеч ким билмади кимдур,
Кўп одам ўлмага етти, киши демас ғарибимдур.

* * *

Бўл оғох, мубтало, ҳаргиз ема ғам,
Худонинг неча пинхон лутфи бор ҳам.

* * *

Истасанг душман ила сулҳки, ҳар вақт сани
Орқада айб қилур, олдида сан таҳсин қил.
Сўз оғиздин кечар, охир бу жафокор сўзин,
Оччиғин истамасанг, оғзини сан ширин қил.

* * *

Худо жоҳилға ризқ андоғ юборгай –
Ки, илм аҳли анга ҳайратда қолғай.

* * *

Вокеъ ўлмиш жаҳонда кўп, эй ёр,
Жаҳл аҳли азизу оқил хор.

* * *

Олдида дўстдур ёввош қўйдек,
Орқада бўри янглиғ одамхўр.

* * *

На билсун улуским, тўн ичра на бор,
Билур нома сирини кимки ёзар.

* * *

Ўзидин бошқани кибр аҳли кўрмас,
Тутар олдида ўзлук пардасини.
Анга бахш этсалар Ҳақни кўрар кўз,
Ўзидин хоррок кўрмас кишини.

* * *

Эйки, фазлимни санарсан бас, санга озордин,
Бу ташимдур, йўқ шууринг дилдаги асрордин¹.

* * *

Муҳтасиб гар ичса май маъзур тутарди маст ишин.

* * *

Қорин ел зиндонидур, эй хирадманд²,
Ани банд этмағай асло ҳунарманд.
Агар қорнингда ел тўлганса қўйғил,
Нечун, қоринда ел юқдурки, мушкил.

* * *

бил улки, тушса тегирмон тоши агар тоғдин,
Эмасдур ориф, агар тош йўлидин ўлтурса.

* * *

Кифоя бизга йиртиқ тўн, қурук нон,
Халойик миннатидин будур осон.

* * *

Йўқлукда ўлмоқ яхшидур бир кишининг олдида арзи
эхтиёж айламоқдин.

¹ Асрор – сирлар.

² Хирадманд – ақлли, доно, донишманд.

* * *

Ҳикмат аҳли ҳамиша сўзламагай,
Ё емакни доимо кўзламагай.

* * *

Емаклик соғ ўлуб Аллоҳ демаклик,
Эмас мақсад тирикликдин емаклик.

* * *

Киши гар қилса камхўрликка одат,
Ёмон кун тушса бошига қутулғай.
Агар кенгликда қўп танпарвар ўлса,
Қатик кун бошига келганда ўлғай.

* * *

Зарифлар айтибдурлар: «Тўқлик бирла ўлмоқ яхшидур
очлик бирла яшамокдин.

* * *

Ема чикқунча оғзингдин еганинг,
Егил андоғ, чиқиб кетмасин жонинг.
Таом аҳлидин олғай нафс ором
Ва лекин ҳаддан ошғони касалдур.
Агар зўрлаб есанг, шаккар зарарлик,
Қуруқ нон вақтида қанду асалдир.

* * *

Қорин тўк бўлсаву бўлса юрак дам,
Кўзунгга тор ўлур атрофи олам.

* * *

Ёмондур тамаъ, хорлик келтургон,
Қозонинг қайнатиб, қадринг йитурғон.

* * *

Еса нон ҳар киши ўзи ишидин,
Ҳеч миннат эшитмағай кишидин.

* * *

Пишакнинг бўлса гар эрди қаноти,
Жаҳонда қолмағай чумчуқни оти.
Киши олдиға бормас эрди, бўлса
Хўкуздек шохлик эшакнинг зоти.

* * *

Гадойи нотавон топса эди зўр,
Қилур бошқа гадолар кўзини кўр.

* * *

Отанинг асали кўпдур, лекин ўғил иссиқ мижоз.

* * *

Насибасиз балиқчи Бағдод ариғида балиқ тутолмас ва
ажалсиз балиқ ҳам қуруқликда ўлмас.

* * *

Фазлу ҳунар иккисидур мушку уд,
Ис берадур сурсаву килдурса дуд¹.

* * *

Яхши юз хаста кўнгилларнинг марҳамидур ва боғлиқ
эшиқларни очқувчидур.

* * *

Ҳар киши гарчи беажал ўлмас,
Ким қилур ўзни ўтға урмоқни.

¹ Д у д – тутун, чанг, губор.

* * *

Пулунг йўқдур, бировга қилмагил зўр,
Агар бўлса пулинг, зўрлик на ҳожат?

* * *

Силаб-сийпаб, агар бўлсанг ширин тил,
Етакларға кифоя филға бир қил.

* * *

Гоҳ бўлғайким, ҳикмат аҳлидин
Чикмағай бир дурустрок тадбир.
Гоҳ бўлғайким беакл гўдак
Ёнглишиб ургуси нишонға тир.

* * *

Душманға ул яхшидурки, яхшилиқни кўрмағай.

* * *

Демасанг сенга йўқ кишининг иши,
Далилинг кетур, лек десанг сўзе.

* * *

Орзуда бўлмоқ яхшидур, малул бўлмоқдин.

* * *

Кўнгулни машаққатға қўймоқ қулайроқдурки, кўзни на-
зардин колдирмоқдин.

* * *

Кўз боғла агар кимсага дил бермас эсанг.

* * *

Махбубнинг урмоғи майиздек шириндур.

* * *

На ҳар сўзда баҳс қилмоқ раво,
Буюклик хатосини тутмоқ хато.

* * *

Киши бўлса беобрў муттаҳам,
Киши обрўсидин анга не ғам.

* * *

Мансаб шаҳарнинг эшигидин ташқари кетмас.

* * *

Подшоҳларнинг қўлларидин ва тилларидин ҳар нимар-
саики содир бўлса, албатта тилларда сўзланур. Авомнинг
сўз ва феълиға ул қадарки эътибор йўқдур.

* * *

Мумсикнинг кумуши тупроқдин ул вақтда чиқарки, ўзи
тупроққа киргач.

* * *

Чўлларнинг куми лаъл бўлса, гадоларнинг кўзи тўйғай.

* * *

На ердаки шароб бор, кейнидин кулфати бордур.

* * *

Кўрмасмусен бўстондаки, яхши бўйлик тол дарахти бор-
дур ва куруқ яғоч бордур. Анингдек бойларнинг гуруҳида
шокирлар¹ ва куфрони неъмат айлаганлар бордур. Дарвеш-
ларнинг ҳалқасида ҳам сабр этганлар ва этмаганлар бордур.

¹ Ш о к и р – шуқр қилувчи.

* * *

Фақирларнинг мақбули ул кишидирки, бойларнинг енгини тутмас.

* * *

Мамлакат оқил кишилардан зийнат олур ва дин аҳли тақводин камол топар. Подшоҳлар оқилларнинг насиҳати-га муҳтожроқдурлар, оқилларнинг подшоҳларга яқин бўлмоққа эҳтиёжларидин.

* * *

Модомики, иш ақча билан ҳосил бўлур, жонни ҳалокат-га ташламоқ лойиқ эмас.

* * *

Икки киши мамлакат ва диннинг душманидурлар: бири ҳилмсиз¹ подшоҳ ва яна бири илмсиз зоҳид.

* * *

Ғазаб ўти аввал ўз эгасига тушар. Сўнгра аланга душманга етар ё етмас.

* * *

Ёмон хулқлик киши бир душман кўлига гирифтордурки, ҳар қаергаки борса, анинг укубати панжасидин халос тополмас.

* * *

Ҳар кимки ёмонлар бирла ўлтурур эса, яхшилик кўрмас.

¹ Ҳ и л м — юмшоқлик, мулойимлик.

* * *

Агар жамиъи кечалар Лайлатул-кадр¹ бўлса эрди, Лайлатул-кадр кадрсиз бўлур эди.

* * *

Иш – кўнгилдадур, вужудда эмасдур.

* * *

Ҳар кимки насиҳат тингламас эса, маломат эшитмоқ савдосини тутар.

* * *

Агар очлиқ балоси бўлмаса эрди, ҳеч бир қуш тузоққа тушмас эрди, балки овчи тузоқ қўймас эрди.

* * *

Ҳақимлар кеч-кеч ерлар ва обидлар бир оз тўйгунга қадар ерлар ва зоҳидлар ўлмагудек даражада ерлар ва йигитлар табақда бир нимарса қолмагунча ерлар ва қарилар терлагунга қадар ерлар. Аммо қаландарлар шул қадар ерларки, меъдада нафас оладургон ер ва дастурхонда кишининг ризқи қолмағай.

* * *

Бир сахий кишики еса ва бўлакға эҳсон айласа, яхшидур бир обиддинки, рўза тутса ва мол жамъ айласа.

* * *

Ҳар кимки халқнинг мақбули бўлмоқ учун лаззати дунёвийни тарк айламишдур, лаззати ҳалолдин лаззати ҳаромға тушмишдур.

¹ Л а й л а т у л - к а д р – Кадр кечаси. Рамазон ойининг 26-дан 27-га ўтар кечаси. Қуръони карим шу кечада нозил этила бошлаган. Шунинг учун бу кечада қилинган ибодат минг ойдаги ибодатдан афзал ҳисобланади.

* * *

Ҳазрат Юсуф алайҳиссалом Мисрнинг қаҳат йилида
гўйгунга қадар емас эрди, токим очларни унутмагай¹.

* * *

Узумнинг лаззатини бева хотун билур, узум эгаси бил-
мас.

* * *

Азалда тақдир бўлмағон нимарса қўлга етушмас. Ва
ул нимарсаики, тақдир бўлинмишдур, ҳар қаердаки бўлса
етишур.

* * *

Фосиқ бой олтин билан сувалғон кесак кабидур.

* * *

Ҳасадчи киши Худонинг давлатидин бахилдур ва гуноҳ-
сиз одамнинг душманидур.

* * *

Талабсиз шогирд ақчасиз ошиқ кабидур. Ва сайёҳи бе-
маърифат қаноатсиз куш кабидур ва амалсиз олим мевасиз
дарахт кабидур ва илмсиз зоҳид эшиксиз уй кабидур.

* * *

Бир кишиға айдилар: «Амалсиз олим нимаға ўхшар?»
Ул айди: «Болсиз ариға ўхшар.

* * *

Ҳўкиздеқ семиз бўлмоқ этсанг шиор,
Эшакдеқ кишиларни жаврин кўтор.

¹ Бу ерда Мисрда етти йилга чўзилган қаҳатчилик кўзда тутилмоқда.

* * *

Худонинг иродаси бировни тахту салтанатдин туширар
ва бировни балиқнинг қорнида саломат саклар¹.

* * *

Дона олдиға бормас асло қуш,
Бошқа қушни чу кўрса бўлгон банд.
Панд ол бошқалар мусибатидин,
Олмасун бошқа токи сендин панд.

* * *

Бир дарвеш муножотда дер эрди: «Ё Раб, ёмонларға мар-
ҳамат айлагилки, яхшиларға ўзинг марҳамат айламишсан,
зероки аларни бахтли яратмишсан».

* * *

Доимо аҳли илм зийнати дунёдин маҳрумдирлар.

* * *

Подшоҳларға насихат айламоқ бир кишиға мусал-
ламдурки, анда бош қайғуси ва ақча умиди бўлмаса.

* * *

Бир ҳакимға савол айладиларки: «Қанча номдор дарахт-
ки, Аллоҳ таоло халқ айламишдур баланд ва мевалик, ҳеч
бириға озод номини бермайдурлар, илло, мевасиз сарвға
берибдурлар, мунда ҳикмат надур?»

Айди: «Дарахтларнинг ҳар бирининг махсус ҳосили ва
вақти маълуми бордурки, гоҳо ул ҳосил вужуди билан тоза-
дур ва гоҳо анинг йўқлиғи билан сўлгандур. Сарвнинг мун-
дин ҳеч бир нимарсаси йўқдур ва жамиъи вақтда тозадур.
Бу ҳол озодаларнинг сифатидур».

¹ Бу ерда қирк кун балиқ қорнида қолган Юнус алайҳиссаломга ишора қилин-
моқда.

ГАФУР ҒУЛОМ ТАРЖИМАСИ

Вафосиз дунёга дил берма зинҳор,
Ҳеч кимга дўст бўлмас чархи кажрафтор¹.
Ўлади шубҳасиз яхши ҳам ёмон,
Бахтлидир яхши ном қолдирган инсон.

* * *

Тириксан, гўрингга гуллар экиб қол,
Кейин кўзгалмоққа қолмагай мажол.
Даврон офтобу умр худди қор,
Тириксан, мағрурлик қилмагин зинҳор.

* * *

Пулинг йўқ, бозорда нима қиласан?
Кўрқаман, саллангдан ажраб келасан...

* * *

Кимки ўз ҳосилин хом еб тугатар,
Куз куни хирмондан машоқлар терар.

* * *

Бу кун сўзламоққа сенда имкон бор,
Ҳар қанча яхши сўз топсанг, айтиб қол.
Эртага ажалнинг элчиси келгач,
Тилинг қимирлашга топмагай мажол.

* * *

Агарчи билимдонлар ҳузурида жим туриш —
Одобдир. Аммо, пайти келганида сўзлаб қол.
Икки ҳол ақлсизлик: гап келганда гапирмай,
Зарур чоғда жим турмай, бўлиб кетиш сўзамол.

¹ Кажрафтор – эгри, тескари юрувчи; мажор, хийлагар. Чархи кажрафтор – тескари айланувчи фалак.

* * *

Дунёни хўб кўрган, сўз устаси чол
Сўзлашдан илгари аниқлар аҳвол.
Оғзингга келганин валаклай берма,
Кейинроқ сўзларсан, бундан ғам ема.

* * *

Ўйлаб кўр, оғзингдан чиқаркан нафас,
Токи демасинлар: «Қил гапингни бас!»
Тил билан ҳайвондан ажралур инсон,
Бемаъни гапирган ҳайвондан ёмон.

* * *

Ночор қолган киши зўр берар тилга,
Мағлуб бўлган мушук ташланур итга.

* * *

Бу жаҳон ҳеч кимга қолмас, биродар,
Дилингни Тангрига топширсанг етар.
Таянч деб билмагил бу дунё молин,
Кўпларни ўстириб, берди заволин.
Жон берар экансан, фарқи йўқ сира:
Тахтда ўласанми, ё тупроқ узра.

* * *

Жаҳондан Ҳумо қуш йитиб кетса ҳам,
Бойқуш соясини истамас одам.

* * *

Ярим нони бўлган очикқўл киши
Ярмини гадойлар есин, деб ўлар.
Бир иқлим эгаллаб тўймас подшоҳ,
Яна бир иқлимни олмоқчи бўлар.

* * *

Кўчат эндигина томир қўйган он,
Бир одам суғуриб олиши осон.
Вакт ўтиб, илдизин отганида-чи,
Қўпора олмайди бўронлар кучи!

* * *

Булутдан чин ҳаёт ёмғири ёғса,
Тол дарахт шоҳида мева пишмайди.
Уринма ёмонни яхши қилишга,
Бўйрабоп қамишдан шакар чиқмайди.

* * *

Бир куни Зол деди ўғли Рустамга:
«Душманни ўйлама кучсиз ва камтар.
Бир талай сув келиб кичик булоқдан,
Юкли туяни ҳам оқизиб кетар».

* * *

Қаро бахт кишилар бахтиёрларнинг
Ҳамиша заволин орзу қилади.
Шаппарак кундузи кўра олмайди,
Хўш, бунда қуёшнинг айби нимади?
Мингларча шаппарак кўр бўлса-бўлсин,
Қуёш порлай берсин кўкда абадий.

* * *

Ўз халқига жавру зулм раво кўрган подшоҳнинг
Ўз дўстлари ёв бўлур қийин дам келган куни,
Фуқарога шафқат қилсанг, душмандан омондасан,
Адолатли шаҳаншоҳнинг халқи бу – ўз қўшини.

* * *

Ҳар битга гапнинг ҳам вақти этади,
Беҳуда гапирсанг, кадринг кетади.

* * *

Гарчи юз йил ўтпараст¹ ўтга хизмат этади,
Ўзи ёққан оловга тушса, куйиб кетади.

* * *

Худонинг ризоси – тўғрилиқ иши,
Адашмас туз² йўлдан кетгувчи киши.

* * *

Ёмон кунга қолганинда тутма дилингни ҳазин³,
Худо берар марҳамат кўп, лекин кўздан яширин.

* * *

Замонага ўпка қилма, юзингни тириштирма,
Чидам аччиқ келади-ю, меваси ғоят ширин.

* * *

Дарёдан дур йиғасан сикқанича кучоққа,
Ё тўлқинлар ўлаксангни улоқтирар қирғоққа.
Кўрмадингни, бирор киши улуғ мартаба топса,
Хушомадга келадилар таъзим билан қошига.
Тойилса-ю, иши чаппа кетар бўлса, қарайсиз,
Ҳеч тап тортмай оёқ қўйиб, чикадилар бошига.

* * *

Амиру вазиру подшоҳларнинг
Ёнига бесабаб бормаслик керак.

¹ Ўтпараст – оташпараст, мажусий.

² Туз – тўғри, рост.

³ Ҳазин – гамгин, хафа, кайғули.

* * *

Қутида турганда бурқимайди уд,
Сен олов устига уни ташлагил.
Улуғлик ниятинг бўлса, сахий бўл,
Уруғ сочилмаса, унмайди ҳосил.

* * *

Фуқаронинг боғчасидан султон узса бир олма,
Навқарлари кўпоради дарахтларнинг илдизин.
Зўрлик билан бешта тухум ола қолса подшоҳ,
Аскарлари сихга тортур товуқлардан беш юзин.

* * *

Султоннинг ризосин топа олмайсан,
Токи фуқаронинг кўнглин топмасанг.
Худо бандасига яхшилик қилгил,
Худо гуноҳимни кечирсин, десанг.

* * *

Ҳар кимнинг мансаби, қуввати бордир,
Халқ молин емакка қудрати бордир.
Каттакон сўнгалар ҳалқумдан ўтар,
Лекин пастга тушиб, қоринни йиртар.
Халққа зулм этса ҳар бир ситамкор,
Унга қарғиш – лаънат қолур пойдор.

* * *

Оқил киши алам ўтса, ўз халқидан ўпкаламас,
На азият, на роҳатга ҳалойиқ сабаб эмас.
Бирни бирга дўсту душман қилмак Худонинг иши
Ва Худонинг измидадир ҳамма дилнинг ёзмиши.
Агарчи ўқ отилганда камондан отилади,
Бирор ўқчи отганини ақллилар билади.

* * *

Нима бало, илонмисан, кўрганингни чақасан,
Бойкушмисан, қайси ерга кўнсанг, уни йикасан?

* * *

Чўлнинг шамолидек ўтажак даврон,
Ўтар аччиқ-чучук, яхшию ёмон.
Золим бизга ситам қилдим, деб ўйлар,
Чидадик, гунохи ўзида ҳамон.

* * *

Султоннинг раъйига қарши сўз айтмак,
Ўз юрак конингга қўл ювмак демак.
Кундузни подшо кеча деб билса,
«Хай-хай, ана Хулкар!»¹ – демаклик керак.

* * *

Дўстларнинг кўнглини қўлга олай деб,
Отамерос боғни сотилса яхши.
Яхшилар қозонин қайнатиш учун
Бисоту буюмлар ёқилса яхши.
Ёмон ниятга ҳам сен яхшилик қил –
Ит оғзин нон билан тийилса яхши.

* * *

Кўлда элаб, хамир қилмак сўнмаган оҳактошни,
Осон ишдир амирларга эгишдан азиз бошни.

* * *

Қимматли умримиз кўп исроф бўлди,
Ёзу киш нима еб, не кияман деб.
Сен, қорин қурғур ҳам битта нонга кўн,
Икки букилишни бизга кўрма эп.

¹ Х у л к а р – Сурайё юлдузи: олти юлдузнинг бир жойда жам бўлишидан иборат.

* * *

Бахтли ва давлатли бўлмас билимдон,
Бунинг барчасига сабаб осмон.
Жаҳонда учрайди такрор ва такрор:
Аҳмоқлар ҳурматда, ақллилар хор.
Кимёгар¹ қийналиб ўлиб кетади,
Аблаҳга хазина насиб этади.

* * *

Сиртимни мақтай бериб, мени уялтирмагил,
Ичимда қанча нуқсон, уни ўзим биламан.

* * *

Элатдан биттаси аҳмоқлик қилса,
Қишлоқнинг обрўсин кулдай тўзғитар.
Ушбу мақолни ҳам эшитгандирсан:
«Ярамас бир бузоқ пода булғатар».

* * *

Дилни оғритарлик бир қўпол киши,
Билимдон даврада ножўя иши,
Каттақон қудукда лиммо-лим гулоб²,
Битта ўлакса ит қилгандай хароб.

* * *

Қийин кунга қолган чоғда руҳинг бўлмасин тушқун,
Душманларнинг терисидан дўстингга бичгил пўстин.

* * *

Бир киши касал узра тун бўйи йиғлади зор,
Тонгда йиғлаган ўлди, соғайиб турди бемор.

¹ К и м ё г а р – ўтмишда оддий маъданларни олтин-қумушга айлантириш йўллари
ни излаган киши.

² Г у л о б – гул суви, атиргул япроқларидан олинадиган хушбўй ичимлик.

* * *

Ўғрининг омади келиб турган чоғ,
Карвоннинг додига соларми қулоқ?

* * *

Занглаган темирни минг ишқов бериб,
Кўзгудай сайқаллаб, боқиб бўлмайти.
Қора кўнгилларга ўғит фойдасиз,
Тошга темир миҳни қоқиб бўлмайти.

* * *

Шод кунларинг ғамгинларнинг кўнглин топ,
Дил оғритган балоларга қолади.
Бўла туриб тиланчига бермасанг,
Бирор золим сендан юлқиб олади.

* * *

Бирор эсли кишига ҳатто ҳазил сўз айтсанг,
У шундан ҳам ўзига чиқаради хулоса.
Аммо аҳмоқ кишига юзлаб хикмат ўргатсанг,
Барчаси унинг учун туюлар ҳазил нарса.

* * *

Ўзинг яхши бўлсанг юриш-туришда,
Сендан айб тополмас ҳар бир ярамас.
Танбурнинг ўз сози жойида бўлса,
Созанда қулоғин бураб ўтирмас.

* * *

Билдингми, тонг чоғида нима дер менга булбул:
«Нечук одам саналгай севгидан беҳабар дил?
Араб шеърин эшитган туя завқидан ўйнар,
Сенда завқдан асар йўқ, хайвон экансан буткул».

* * *

Агар сен истасанг бойлик ва давлат,
Энг катта бойликка тенгдир қаноат.
Этагинг тўлдирса бир бой зар билан,
Сен унга қарама шод назар билан.
Катта кишилардан эшитдим ҳар гал:
Дарвешлар чидами бойликдан афзал.

* * *

Мўлу кўл, каттакон амалга мингач,
Дўстини танимас кўзин босиб ёғ.
Ошнолар ёнига ҳасрат-ла борур
Амалдан ҳайдалиб, ожиз қолган чоғ.

* * *

Дўстни-ку йўқламок зарра айб эмас,
Аммо «Бас!» дегунча боравермагил.
Бошқалар тергашин ёқтирмас бўлсанг,
Ўзингни аввало ўзинг тергагил.

* * *

Яхши эркак уйидаги ёмон хотин мисоли
Бу дунёда эркак учун жаҳаннамнинг тимсоли.
Ёмон хотин суҳбатидан қочиб, кидир паноҳи,
Жаҳаннамнинг оловидан ўзинг сақла, илоҳи!

* * *

Бола-чақа кайғусида банд бўлган киши
Жуда кийин тинч турмушни хаёл қилиши.
Фарзандлар кайғуси: кийими, нони
Эсингдан чиқарар сайри самони.
Кундузи кўнглимда қиламан қарор,
Бу кеча Тангрини топай деб бир бор.
Қачонки хуфтоннинг вақти келади –
Рўзғорим ташвиши кела туради.

* * *

Майли, ким бўлмасин: пирми, муридми,
Ёки зўр шоирдир, етук шуҳратга,
Бу тубан дунёга келиши билан
Оёғи асалга илашган пашша.

* * *

Хонақоҳдан мадрасага келди юракли киши
Ва тариқат аҳли¹ билан улфатчиликни бузди.
Мен сўрадим: «Олим билан художўйнинг фарқин айт,
Нима учун олимларга тортимингни кўргуздинг?»
Деди: «Обид тўфон қўпса, шолчасин ахтаради,
Олим эса сув ғарқ қилган кишини қутқазади».

* * *

Катта дарё бир тош билан лойқаланиб колмайди,
Ранжиш билган билимдонни жилдираган ариқ де.

* * *

Қариндошинг бўла қолса диёнатсиз, беадаб,
Сен ҳам ундан қариндошлик ипин узсанг, яхши гап.

* * *

Деворга ёзилган бўлса ҳам ўғит,
Унга амал қилгай эси бор одам.

* * *

Эшитдим, бир сипоҳ кундан бир куни
Бўри чангалидан қутқарди қўйни.
Оқшом қўй бўғзига пичоқ ишқади,
Шунда қўй ялиниб, унга йиғлади:
«Аввали бўридан қутқарган сенсан,
Билсам, ўша бўри ўзинг экансан!»

¹ Тариқат аҳли – сўфийлар.

* * *

Ҳар дамда умрдан нафас ўтади,
Бир киё боққунча йитиб кетади!

* * *

Йўловчининг тонгги ширин уйқуси
Манзилга етишга тўсик бўлғуси.

* * *

Бирор бурчакда тилсиз, гунгу лол ўтиргувчи одам
Тилин тиймоқни билмовчи кишидан афзалу кўркам.

* * *

Бирор киши билан қилур бўлсанг жанг,
Боплаб туширгинки, ҳоли бўлсин танг.

* * *

Кимки эзгу ном билан абадий давлат топар,
Ўлса ҳам яхшилик-ла эсга олингай оти.
Фазилат эгалари мақтасин-мақтамасин,
Гўзал қизга керакмас пардозчининг хизмати.

* * *

Кимики мақтаниб, деса «манман»
Унга ҳужум айлар атрофдан душман.

* * *

Сўзлашдан илгари ўйлаб ол бир бор,
Аввал тамал босиб, сўнгра қўй девор.

* * *

Хўроз уришаркан, жуда паҳлавон,
Бургут чангалида ғоятда нимжон.
Сичқон қаршисида мушук арслону,
Арслон қаршисида мисоли сичқон.

* * *

Шоҳларга ўз гапин ўтказган киши
Лозимдир яхши гап топиб айтиши.

* * *

Тур¹ тоғи кўп тоғдан тубан, аслида,
Хурмати юксакдур Тангри наздида.

* * *

Булокни тўсса бўлар бел билан,
Тўлса кечиб бўлмас хатто фил билан.

* * *

Яхшилардан ибрат олмас таги ярамас инсон,
Юм-юмалоқ гумбаз усти ёнғоқ турмагансимон.

* * *

Одамлар нечоғлик қилса тарбият:
Бўрининг боласи – бўри окибат.

* * *

Кескир ханжар бўлмас ёмон темирдан,
Одам қилиб бўлмас ким эса нокас.
Гўзал табиатли ёмғир минг ёғсин:
Боғдан лола унар, шўрхоқ ердан хас.

* * *

Шўра тупроқ ердан гул униб чиқмас,
Дон сочмоқ – овора бўлмоқ демақдир.
Яхшига ёмонлик қилмоқ мисоли
Ёмонга яхшилик қилмоқ демақдир.

¹ Тур – Мусо вайхиссалом Аллоҳ таоло билан роз айтишган тоғнинг номи.

* * *

Ҳеч кишининг ич ҳиссига озор бериш қасдим йўқ,
Нима қилди, ҳасадчининг ичини ўт ўртаса.
Ҳасад деган қийналишдан ўлиб қутулганинг хўб,
Машаққатдан қутқаради ўлим деган зўр нарса.

* * *

Қочар силамасанг ҳалқали қулинг,
Лутф қилар бўлсанг, ёт ҳам бўлар қул.

* * *

Эй тўқ киши, сенинг учун арпа нони ёқимсиз,
Сенга хунук кўринганлар менга хуршидталъатдир¹.
Жаннатдаги ҳурлар учун аъроф бўлса жаҳаннам,
Дўзахдаги кишиларга аъроф² ўрни жаннатдир.
Фарқи шуки, биттасининг кучоғида гўзал ёр,
Биттасининг икки кўзи ёр йўлида интизор.

* * *

Сендан кўрққанлардан кўрқкил, эй доно,
Агар юзтасини жангда енгсанг ҳам.
Мушукни кўргил-а, енгилиб қолса,
Йўлбарснинг кўзига чанг солур шул дам.
Илон нечун чўпон товонин чақар? –
«Бошим янчилмасин» дебон чекар ғам.

* * *

Бой ҳам, камбағал ҳам Худога қулдур
Ва лекин бойлари яна йўқсулдур.

¹ Хуршидталъат – куёш юзли, гўзал.

² Аъроф – жаннат билан дўзах ўртасидаги балантлиқ жой – девор тўсик, ара-сот. Қиёмат кунин жаннатга ҳам, дўзахга ҳам тушмай ўртада қолган одамлар аърофда турадилар.

* * *

Биров йиқилганда суямаганнинг
Қўлтигин тутмаслар йиқилса ҳатто.

* * *

Халққа озор берганингдан ўлганинг яхшидир.

* * *

Бир золимнинг кун ўртада ухлаб ётганин кўрдим,
Бу фитнанинг уйғоғидан уйқуси яхши, дедим.
Бировнинг ким бедорликдан ухлагани хўб бўлса,
Шу ярамас тирикликдан ўлганини маъқул билдим.

* * *

Очкўз кишиларга эшигинг очма,
Очдингни, ҳайдама, қаҳрингни сочма.

* * *

Манов беҳамият кишига қара,
Унга қандай қилиб бахт кулиб боқсин.
Ўзининг тинчлигин кўзлайди, холос,
Майли, бола-чақа қийналиб қолсин.

* * *

Ҳеч ким дарвешларнинг эшигин қокмас,
«Еринг ва боғингга тўла, деб, ўлпон».

* * *

Дарёнинг ичида фойдалар-ку кўп,
Тинчликни истасанг, қирғоқ ўзи хўб.

* * *

Тош отар киши-ла ўйнашган ўзинг,
Нодонлик қилдинг бошинг ёрилди.
Душманинг томонга ўк отаман деб,
Ўзинг нишон бўлиб қолмагил энди.

* * *

Бир киши умр бўйи сенга карам этибди,
Бир галгина гуноҳини сен кечирсанг нетибди!

* * *

Сен-ку зулмингни бизга қиласан,
Шундай қилолмайсан қодир Худога.
Ерда-ку зулмингни элга қиласан,
Уларнинг қарғиши ўрлар самога.

* * *

Дилни яралама, охидан чўчи,
Бу яра бирор кун сиртга тепади.
Бирорта кўнгилга бермагил озор,
Жаҳонни ўрташга бир оҳ етади.

* * *

Узун-узун йиллар, узок умрлар
Халқлар бошимиздан босиб ўтади.
Қўллардан қўлларга ўтган шунча мулк,
Биздан навбатдаги қўлга ўтади.

* * *

Гарчи неъмат билан давлат уники,
Лекин дарвешларга шоҳдир посбон.
Қўйлар чўпон учун хизмат қилмайди,
Балки қўйлар учун керакдир чўпон.

* * *

Биттани тўқу тинч кўрасан бу кун,
Биттаси уриниб, бўлмиш дил яра.
Неча кун сабр этиб, ўзга мағрурнинг
Миясин тупроқлар еганини қара.

* * *

Тақдирнинг зўр ҳукми ижро бўларкан,
Шоҳу гадолигин фарқи йўқ зарра.
Бирорта кабрни очиб қарасанг,
Бой, фақир сўнгагин билмайсан сира.

* * *

Бировни ранжитма қўлингдан келса,
Чунки йўл устида тикан – нишлар кўп.
Дарвеш кишиларнинг ҳожатин чиқар,
Ҳали ўз олдингда қилар ишлар кўп.

* * *

Ақллилар улуғламас шундайлар зотин,
Улуғларнинг ёмонлик-ла ёдласа отин.
Тахту бахт, фармонлар, тақик ва зўрлик,
Барчаси бекорчи: ўтиб кетади.
Сийласанг ўтганлар азиз номини,
Сенинг номингга ҳам ҳурмат етади.

* * *

Эшитдимки, Тангри ёзган тўғри йўлдан юрганлар,
Душман дилин ҳам хафа қилмас экан ҳеч қачон.
Сенга қачон шу ўқтамлик муяссар бўлар экан?
Дўстинг билан келишмайсан, уришасан ҳар замон.

* * *

Эски кийимда ҳам орифдир аён,
Чунки унинг юзи доим халқ томон.
Гап кийим-бошдамас, иш бўлсин кўркам,
Тож кийиб, елкангга байроқ қўйсанг ҳам.
Ёлғиз кийим эмас, дунё ва шаҳват,
Барчасин тарк этган орифдир фақат.
Мард олсин қуролни, кўрсатсин кучин,
Хунаса кўрқоққа қурол нимамай-чун?

* * *

Каъбага етмайсан, деб кўрқаман, эй аъроби¹,
Сен кетаётган бу йўл Туркистонга боради.

* * *

Бор ҳунарин кўз-кўз қилиб, қўлларида ардоқлаб,
Айбларини элу юртдан қўлтигига яширган,
Ҳой, кеккайма, бирор оғир кунга қолсанг, қани, айт,
Шу қалбаки, ўтмас пулга нима олмоқ бўласан?

* * *

Сиртдан қарасангиз, яхши кишиман,
Ички ёмонликдан бошимдир қуйи.
Товусни гўзал деб дунё мақтайди,
Оёғидан уялар у умр бўйи.

* * *

Биргалай арғумоқ йўлларда қолди,
Манзилга оқсаган эшак етолди.
Ярали йигитлар соғайиб кетди,
Не-не соғломларни қора ер ютди.

¹ Аъроби – саҳройи араб, бадавий.

* * *

Хушовоз хонанданинг қўшиғи истироҳат,
Сен қандай хонандасан, жим турсанг жонга роҳат.

* * *

У куйлай бошлади, чалиб аргунун¹,
Мен дедим мезбонга: «Худо ҳаққи-чун,
Қулоққа симоб² қуй, шуни эшитмай,
Ёки эшикни оч, нарироқ кетай».

* * *

Гўзал оғиз, ширин бўғиз ва лабдан чиққан овоз,
Куй айтса ҳам, айтмаса ҳам дил эркалар, жуда соз,
Аммо нўноқ қўшиқчининг кекирдагин безолмас
Кўп ажойиб мақомлар ҳам: «Ушшоқ», «Хуросон»,
«Ҳижоз».

* * *

Боғда тонг ели эсса, мажнунтол тебранади,
Чакиртош тебранмайди, қотиб қолган абадий.

* * *

Диққат билан боқолсанг, барча нарса зикр этар,
Буни тинглай олади ким маънидин бохабар.
Гулга ёлғиз булбулмас куйловчи кўнгил билан,
Гул ҳам уни улуғлар тикансимон тил билан.

* * *

Гуллар баъзан очилади, баъзан бўлади хазон,
Дарахтлар ҳам гоҳ яланғоч, гоҳ кияр яшил чопон.

¹ А р г у н у н (а р г а н у н) – мусиқа асбоби.

² С и м о б – кумушранг кимёвий элемент.

* * *

Ётлар билан биргалашиб кезгандан кўра гулшан,
Дўстлар ичра майли эди бўлса оёқда кишан.

* * *

Гўзал чирой, тоза юзли хотинга
Упа-элик, зебу зийнат керакмас.
Эркин-озод, етук ақл дарвешлар
Нон қидириб кўча-кўйни изғимас.

* * *

Оч кишига қоқ нон ўзи қийма гўштдан кам эмас.

* * *

Тарки дунё қилмокни халққа ўргатар,
Ўзи-чи, йиғади кумуш, ғалла, зар.

* * *

Ҳар олим айтганин ўзи қилмаса,
Не ажаб, халқ унинг сўзин илмаса?!

* * *

Олим ўша киши – ёмонлик қилмас,
Ўз сўзин аксини қилғучи эмас.

* * *

Танпарварлик, тўкин ҳаёт пайдан бўлган олим,
Йўлбошчилик қила олмас, ўз-ўзидан бўлар гум¹.

¹ Г у м – йуқолиш.

* * *

Олим айтганига жон қулоғин тут маҳкам,
 Ўз сўзи ишига тенг бўлмаган чоғида ҳам.
 Мактанчок кишиларнинг гаплари эрур бекор,
 Ухлаган ухлаганни уйғотганми бирор дам?

* * *

Бир гуноҳкор учратдингми, шафқат қил, айбин яшир,
 Гуноҳидан жиркансанг ҳам, кўриб-кўрмай ўта бер.
 Гуноҳкордан юз ўгириб кета берма, хой йигит,
 Унга айбин кечирганлар кўзи билан қарагил.
 Мен-ку, ушбу қилиқ билан бир номардлик қилибман,
 Сенки, менга жавонмардлик¹ қилмоқликка ярагил.

Ҳ и к о я т

Бағдоддан бир эртак тинглангиз энди:
 Байроғу Дарпарда сўз талашарди.
 Жанговар юришдан чанг босган Байроқ
 Пардага дўк билан айтар: «Менга бок,
 Иккимиз бир хожа даргоҳидамиз,
 Сену мен султоннинг боргоҳидамиз;
 Мен бир дам юмушдан бўшаганим йўқ,
 Эрта-кеч сафарда, билмайман ҳордиқ.
 Сен эса билмайсан кўрғон нимади,
 Чангу шамол нима, ёбон² нимади.
 Мен илдам, ғайратим чўнгдир албатта,
 Хўш, сенинг иззатинг нима-чун катта?
 Доим тўлин ойдек юзлар билан сен,
 Сочи райхон дилбар қизлар билан сен.
 Мен эса, отбоқар қўлида сарсон,
 Сафардан бўшамай доим саргардон».
 Парда дер: «Бошимни тутаман қуйи,

¹ Жавонмардлик – олижаноблик, ҳимматлилик, мардлик.

² Ёбон – дала, дашт.

Сенинг мағрур бошинг осмон бўйи.
Ҳар ким кеккайганча гарданин чўзса,
Ажабмас, ўз-ўзи бўйинини узса».

* * *

Муштим зўр, деб лоф уриб, эркакман, деб кеккайма,
Сен каби хеббимларга на эркак, на хотинлик.
Бировларнинг оғзига мушт туширган мард эмас,
Қўлдан келса, ўзгалар оғзин қилгил тотимлик.

* * *

Худодан қайтган мингта уруғдан
Битта ёт ошнога берсанг арзир тан.

* * *

Бадбашара хотинга кўзи кўр эр яхшидир.

* * *

Қулон тутар Баҳром Гўрнинг¹ кудрати эмас унча,
Бир чигиртка оёғини судраган кумурскача.

¹ Баҳром Гўр – гўр, яъни қулон овига ўч бўлгани учун шундай ном олган қадимги Эроннинг сосонийлар сулоласига мансуб шох (ҳукмронлик йиллари – 421-438).

РУСТАМ КОМИЛОВ ТАРЖИМАСИ

Дўстни ранжитган нодон.

* * *

Қасамни бузиш осондир.

* * *

Гулнинг бақоси ва гулистоннинг вафоси йўқ.

* * *

«Ҳар нимарсаки, бевафодир – муҳаббат қўйишга нора-водур!» – деб жуда тўғри айтганлар.

* * *

Ҳинд файласуфларидан бир гуруҳи бир жойга йиғилиб, Бузургмеҳрнинг фазилатларидан баҳс этадилар, охирида унинг шошилмай, салмоқланиб гапириб, тингловчиларни маҳтал килиб қўйишидан бўлак нуқсонини топа олмайдилар. Бузургмеҳр бу гапни эшитиб, шундай жавоб беради: «Нима десам экан?» деб ўйлаш, «Нега шундай деб қўйдим?» деб пушаймон бўлишдан яхшироқдир».

* * *

Гавҳар бозорида мунчоқнинг нархи бир арпа донача ҳам бўлмайди.

* * *

Луқмони ҳакимдан: «Ҳикматни кимдан ўргангансан?» деб сўрадилар. Луқмони ҳаким шундай жавоб берди: «Кўрлардан – улар оёқлари остини яхшилаб текширмай туриб кадам босмайдилар».

* * *

Арабларда: «Бир жойга киришдан аввал у ердан чиқиш тадбирини кўр!» деган гап бор.

* * *

Киши жондан умид узгани замон, кўнглида борини этади баён.

* * *

Ҳар ниманинг ҳам баланд бўлган билан қомати, баланд бўлавермас аммо қиймати.

* * *

Оловни ўчириб, учқунини қолдирмоқ, илонни ўлдириб, боласини асрамоқ донишмандлар иши эмас.

* * *

Ҳасадчиларни рози ва мамнун қилиш учун неъмату давлатдан маҳрум бўлишинг керак.

* * *

Халқнинг бирлиги ва садоқати шохликнинг негизи.

* * *

Халойикни атрофига тўпламоқ учун подшоҳ лутфу қарамли ва сояи давлатида осойишта яшамоқлари учун адолатли бўлиши керак.

* * *

Мусибатга гирифтор бўлмаган одам тинчлик-саломатликнинг қадрига етмайди.

* * *

Заиф фуқарога шафқат этсанг, кучли душмандан заҳмат кўрмайсан.

* * *

Подшоҳнинг қаҳру ғазабидан ҳазар қилмоқ лозим, зероки, аксар вақт улар муҳим давлат ишлари билан машғул бўлганлигидан авом халқ оломонини ёқтирмайдилар.

* * *

Аввалда лутфу карам билан кишини умидлантириб, кейин эса ноумид қилиб, кўнглини вайрон этмак ҳиммат аҳли шаънига муносиб иш эмас.

* * *

Лашкарга маош тўлашга бахиллик қилган подшоҳ учун лашкари ҳеч маҳал жонбозлик қилмаган.

* * *

Подшоҳларнинг кайфиятида бўлиб турадиган ўзгаришлардан ҳазар қилмоқ керак. Зероки, подшоҳлар гоҳо оддий саломдан озор топадилар, гоҳо эса, ўзларини ҳақорат этган одамларга сарупо ҳадя қиладилар.

* * *

Подшоҳга хизмат қилишнинг икки жиҳати бор: бири – нон топиш умиди, иккинчиси – жондан жудо бўлиш кўркуви. Нон умидида жонни хавф-хатарга солмоқ аҳли донишга муносиб эмасдир.

* * *

Хиёнаткорларнинггина ҳисоб чоғида кўли қалтирайди.

* * *

Донишмандлар бундай деганлар: «Тўрт одам тўрт одамдан ўлгудай кўрқади: қароқчи – султондан, ўғри – посбондан, қаллоб – чақимчидан ва фоҳиша – миршабдан. Ўзига тўғри одамнинг ҳеч нимадан хавотири бўлмайди.

* * *

Сен фозил, покиза, ҳалол ва садоқатли бўлсанг-да, лекин ҳасадчилар пистирмаларда ва душманлар эса орқаворатда пойлаб турадилар. Улар сенинг яхши сифатларингни подшоҳ ҳузурида нуқсон килиб кўрсатмоқ учун қулай фурсат кўзлайдилар. Башарти улар ниятларига ета олсалар, сен подшоҳ олдида бадном бўласан, подшоҳ сенга ғазаб қилади. Шундай ҳол юз бергудай бўлса, подшоҳ олдида сени ёқлаб гапиришга ким журъат эта олади? Ана шу сабабдан мен озга қаноат этиб, мансабдор бўлиш фикридан қайтишингни маслаҳат кўраман.

* * *

Подшоҳ саройида хизмат қилмоқ денгиз сафари сингаридир: ҳам нафи бор, ҳам хавфи бор – ё давлатга етасан, ё денгизга ботасан.

* * *

Кўплаб ҳодисалар олдинда-ю, душманлар эса ортдадилар.

* * *

Нўширавон деди: «Аввалда оламда зулм оз эди, кейинчалик ҳар бир келган одам бир оз-бир оз қўшди, натижада зулм ҳозирги даражага етиб келди.

* * *

Ҳар кимики, бирор махлуқнинг кўнглини овламоқ учун Аллоҳи таолони ранжитса, Аллоҳи таоло дарҳол ўша махлуқни бояги дилозорга қарши кўзғатиб, қулини кўкка совуриб юборади.

* * *

Дейдиларки, хайвонот оламининг энг улуғи – шердир, энг пасти – эшакдир. Одамхўр шердан кўра юккаш эшак яхшироқ эканини ҳамма бир оғиздан тасдиқ этади.

* * *

Дарвеш айтади: «Подшоҳга дегилким, неъмат илтифотидан умидвор одамдан иззат ва ҳурмат кутсин. Яна шуни ҳам айтиб кўйгилки, фуқаролар подшоҳларга итоат этмоқ учун эмас, балки подшоҳлар фуқароларга хизмат этиш учун яшайдилар».

* * *

Ҳар кимса яхшилик қилса ҳам, ёмонлик қилса ҳам ўзига қилади.

* * *

Олтин камар тақиб, подшоҳ хизматида тургандан кўра, ўз нонингни еб, тинч ўтирганинг яхши!

* * *

Садоқатли кишиларнинг самимияти кишининг олдида ҳам, ортида ҳам бир хилда бўлади: улар олдинда сенга жон фидо қилишга тайёр эканларини эълон этиб, орқангдан ғийбат қилиб юрмайдилар.

* * *

Факирлар суҳбатидан юз ўгириб, уларга яхшилик қилишдан бўйин товламоқ саховат ахлларига муносиб эмас.

* * *

Подшоҳ хизматида бўлган одамни амалдан бўшагандан кейин кўриш керак.

* * *

Бир соҳибдилга дедилар: «Офтоб ғоятда гўзал бўлганига қарамай, ҳеч кимса уни севгани ва ошиқи шайдоси бўлганини эшитмадик». Соҳибдил жавоб берди: «Бунинг сабаби шуки, у ҳар куни кўринади, лекин қишда кўздан пинҳон бўлгани учун ҳамма уни яхши кўради».

* * *

Донишмандлар: «Гўзаллар зулфи ақл оёғига кишану зийрак қушларга тузоқдир», дейдилар.

* * *

Барча олимларни қоралаш, айбсиз олим ахтараман, дея илм ўрганишдан бебаҳра қолмоқ оқилларга муносиб иш эмасдир.

* * *

Ўзи билан ўзи овора бўлган биродар – биродар ҳам, қариндош ҳам эмасдир, деганлар

* * *

Бир мағрибий гадоё Ҳалабдаги баззозлик растасида дерди: «Эй давлатмандлар! Башарти сизларда инсофу, менда каноат бўлганда эди, оламда тиланчилик деган гап қолмасди».

* * *

Эҳсон сўраб бировга хор бўлгандан кўра, мухтожлик, очликда ўлган яхши.

* * *

Сафарнинг фойдаси кўпдир: баҳри дилинг очилади, фойда топасан, ажойиботларни кўрасан, ғаройиботларни эшитасан, шаҳарларни томоша киласан, дўстлар билан суҳ-

батда бўласан, билим орттирасан, мол-мулку давлатингни кўпайтирасан, дўстларингни яқиндан таниб, тақдирни имтиҳон қиласан.

* * *

Ҳукамолар: «Кишининг ризки-рўзи азалдан тайин этиб қўйилган бўлса ҳам, аммо уни қозонмоқ учун одам бақадри ҳол саъй-ҳаракатда бўлмоғи шартдир. Гарчи фалокат тақдирда ёзилган бўлса ҳам, лекин унинг келар эшигини бекитмоқ чорасини ахтармоқ зарур», деганлар.

* * *

Ҳукамолар: «Кимнинг кўнглига озор берган бўлсанг, ундан кейин юз мартаба уни хурсанд қилганинда ҳам аввалги қилган ёмонлигининг интиқомидан эмин бўлма, чунки ўк жароҳати битади-ю, лекин кўнгил яраси битмайди», деганлар.

* * *

Ҳар нима бўлганида ҳам, меҳнат қилмасдан зар-зевар топмайсан, ҳаётингни хатар остига қўймагунча душман устидан зафар топмайсан, уруғ сочмасанг, ҳосил ўрмайсан.

* * *

Гапиришдан ўзимнинг тийишимнинг сабаби шуки, кўпинча гапнинг яхши ва ёмон томонлари бўлади, душманларнинг кўзи эса, ёмондан бошқа нарсага тушмайди.

* * *

Бир доно йигит илм-фанда ягона бўлиб, табиатан кўп гапиришни ёқтирмагани учун олимлар даврасида чурқ этиб оғиз очмас эди.

Бир кун отаси унга деди: «Ўғлим, сен ҳам билганларингдан гапирсанг-чи!» Ўғил жавобда деди: «Билмаганларимдан савол қилишса, уялиб қоламан, деб кўрқаман!»

* * *

Жолинус¹ ҳаким бир жоҳил одам бир донишманднинг ёқасидан бўғиб турганини кўрди. У деди: «Агар бу одам донишманд бўлганида эди, унинг иши жоҳил билан шу даражага етмаган бўларди!»

* * *

Саҳбони Воилни фасоҳатда тенги йўқ деб ҳисоблар эдилар, чунки у бир мажлисда бир йил давомида сўзласа ҳам, бир ишлатган сўзини такрорламасди. Бир фикрни иккинчи марта айтишга мажбур бўлган тақдирда ҳам, бошқа иборалар билан ифода этарди.

* * *

Эшитдимки, донишмандлардан бири дер экан: «Биров гапини тугатмасидан бурун гапга аралашадиган кишидан кўра ортиқроқ ўз нодонлигини ошкор қиладиган одам бўлмайди».

* * *

Кўнгилга марғуб бўлган кўзга ҳам маҳбуб бўлади.

* * *

Олим жоҳилдан қандай нафратланса, жоҳил олимдан ҳам юз чандон ортиқроқ нафрат қилади.

* * *

Юнон файласуфлари: «Бадан қанчалик соғлом бўлса ҳам, лекин соғломликларнинг доимий эканига ишониб бўлмайди, касал нақадар оғир бўлмасин, бу албатта ҳалокат нишонаси бўлавермайди», деганлар.

¹ Ж о л и н у с – қадимги Рим ҳақими ва табиатшуноси Гален (тахминан – 129-201).

* * *

Кексалар ақлу одоб билан ҳаёт кечирадилар, йигитлар эса ёшликда хос тентаклик билан яшайдилар.

* * *

Ёш хотиннинг ёнида қари киши ётганидан, биқинига ўқ ботгани яхши.

* * *

Донишмандлар демишлар: «Юриб дам олмоқ – югуриб силласи куриб йиқилгандан яхшироқдир!»

* * *

Бир қари кишидан: «Нега уйланмайсан?» деб сўрадилар. «Кампирлар суҳбатидан ҳузур қила олмайман», деб жавоб берди чол. Унга дедилар: «Давлатинг бор, ёш хотинга уйлан!» Чол жавоб берди: «Мен чол бўла туриб кампирни ёқтирмаганимдан кейин, ёш хотин мен кексани қандай яхши кўрсин?»

* * *

Бир донишманд фарзандларига шундай панду насихат қиларди: «Азиз ўғлонларим, хунар ўрганинглар, зероки, молу дунёга эътимод йўқ ва олтин-кумуш сафарда хатарлидир. Қароқчи ўғирлаб кетади ёки эгаси еб-ичиб тамомлайди. Аммо хунар қайнар булоқ, туганмас давлатдир, агар хунарманд молидан маҳрум бўлса, қайғуси йўқдир, чунки хунарнинг ўзи давлатдир. Хунарманд қаерга борса, кадрланади ва уйнинг тўридан жой олади. Хунарсиз одам эса, ҳамиша машаққат чекади, тиланчилик қилади».

* * *

Эртаги ғам-ташвиш қайғуси учун бутунги кайф-сафони барбод бериш донишмандлар раъйига хилофдир.

* * *

Кўли очик одам овозаси авом халқ тилида дoston бўлади.

* * *

Кўрдимки, бир бадавий (сахройи араб) ўғлига шундай дерди: «Эй ўғлим, киёмат куни сендан: «Отанг ким?» деб эмас, «Қандай хунаринг бор?» деб сўрайдилар».

* * *

Донишмандларнинг ёзишларига караганда, чаён барча жониворлардан бошқача туғилган экан, онасининг ичакчовокларини еб, қорнини тешиб чиқаркан-у, сахрога қараб қочаркан. Инидаги пўстлар она чаённинг қолдиқлари экан.

* * *

Чаёндан сўрадилар: «Нима учун қишда инингдан чиқмайсан?» Чаён жавоб берди: «Ёзда чиқиб нима обрў кўрдимки, яна қишда чиқсам!»

* * *

Ёш болалигимда бир катта ёшли одамдан балоғатга етиш нишонасини сўрадим. У шундай жавоб берди: «Китобларда уч белгиси бор деб ёзадилар: биринчиси – ўн беш ёшга қириш, иккинчиси – эҳтилом бўлиш, учинчиси эса, олдида тук пайдо бўлмоқ. Аммо ҳақиқатда фақат биргина белгиси бор, у ҳам бўлса: ўз нафси қайдида хизмат қилгандан кўра кўпроқ Худо йўлида хизмат қилишдир. Кимда-ким шу сифатдан бебаҳра экан, уни балоғатга етган, деб бўлмайди».

* * *

Бир бойваччани кўрдим – отасининг қабри устида ўтириб, бир камбағалнинг ўғли билан мунозара қилиб, дерди: «Отанинг қабри тошдан, ёзувлари заррин, устига мрамар тош қўйилган ва фируза билан қошин қилинган. Сенинг

отангинг қабрига сира ўхшашлик жойи борми? Отангинг қабрига бир неча дона ғишт қўйиб, бир-икки ҳовуч тупроқ ташланган, холос». Камбағалнинг ўғли унинг бу сўзларини эшитиб, деди: «Сенинг отанг бу оғир тошлар остида кимирлагунча, менинг дадам жаннатга етиб борган бўлади».

* * *

Ҳар бир душманга эҳсон қилсанг, у сенга дўст бўлади, илло, нафс деган нарсага қанча илтифот қилсанг, адоватини шунча ошираверади».

* * *

Бир оқилдан сўрадиларки: «Ким бахтиёру ким бахтсиз?» Оқил деди: «Бахтиёр – еб-ичади, экади, бахтсиз – йиғиб-йиғиб ўлиб кетади».

* * *

Икки тоифа одам беҳуда ишлаб, беҳуда ҳаракат қилган бўлади: бири мол-мулк йиғиб, фойдаланмаган ва иккинчиси эса, илм олиб, унга амал қилмаган одам.

* * *

Илмига амал қилмаган олим машъала кўтарган кўрга ўхшайди!

* * *

Уч нарса уч нарсасиз собит ва пойдор бўлмайди: «Мол – савдосиз, илм – баҳссиз ва давлат – сиёсатсиз».

* * *

Ёмонларга шафқат қилиш – яхшиларга зулмдир, золимлар зулмини афв этиш – фақир-фуқарони эзишдир.

* * *

Подшоҳларнинг дўстлиги ва боланинг хушовозлигига ишониб бўлмайди. Чунки подшоҳнинг дўстлиги бир шубҳада, боланинг хушовози эса бир кечада ўзгаради.

* * *

Ҳар бир сиригни дўстингга айтаверма. Ажаб эмаски, бир вақт келиб сенга душман бўлиб қолар, душманингга ҳар қандай ёмонликни раво кўраверма, ажабмас бир кун сен билан дўстлашса. Яширмоқчи бўлган сиригни энг яқин дўстингга ҳам айтма, чунки ҳар бир дўстингнинг дўсти ва дўстининг ҳам дўсти бордир.

* * *

Заиф душман итоат изҳор этса, буни зўр душманга айланиб олиш мақсадида қилади. «Дўстларнинг дўстлигига эътимод йўқ», дейдилар, бас, шундай экан, душманинг хушомад қилишининг қандай эътибори бор?! Заиф душманни назар-писанд қилмаган киши озроқ оловни бепарволик билан ташлаб кетган одамга ўхшайди.

* * *

Икки душман орасида шундай сўзлагинки, башарти, улар дўстлашиб кетган тақдирларида шарманда бўлиб қолмагайсан.

* * *

Ҳар кимки душманлари билан ярашса, дўстларига ранж-аламни раво кўрган бўлади.

* * *

Бир ишни бошлашга киришар экансан, озорсизроқ тарафини танла.

* * *

Кимки ёвуз одамни ўлдирса, халқни унинг балосидан, уни эса Худонинг жазосидан халос этган бўлади.

* * *

Хаддан зиёда ғазаб ваҳимага солади ва ўринсиз қилинган меҳрибонлик иззатингга нуқсон етказди. Кишилар юз ўгириб кетадиган даражада қаттиққўл ҳам, оёкости қилиб юборадиган даражада мулойим ҳам бўлма!

* * *

Бадфеъл одам шундай бир душман қўлига гирифторки, каерга бормасин, унинг чангалидан халос бўла олмайди.

* * *

Душман сафи пароканда бўлса, хотиржам бўл, улар бирлашса, ўз сафингда паришонлик юз беришидан эҳтиёт бўл!

* * *

Барча хийлалари барбод бўлган душман ўзини дўст қилиб кўрсатишга уринади, дўст бўлиб олгач, шундай ишлар қиладики, буни ҳеч қандай душман ҳам қилолмайди.

* * *

Илоннинг бошини душман қўли билан янчишга ҳаракат қил, шунда икки нафдан бирига эга бўласан. Агар душман ғолиб чиқса, илонни ўлдирган бўласан, башарти, илон ғолиб чиқса, душманингдан қутуласан!

* * *

Бировнинг кўнглини ранжитадиган хабарни эшитган бўлсанг, сукут қил, токи бошқа одам айтсин!

* * *

Худбинга насиҳат қиладиган одамнинг ўзи насиҳатга муҳтождир.

* * *

Душманнинг хийласига алданма ва маддоҳнинг мактовини бир пулга олма, чунки бири макр тузоғини қўйган ва иккинчиси тамаъ этагини очган бўлади.

* * *

Сўйилган ҳайвоннинг почасидан пуфласа шишганидай, аҳмоққа ҳам мактов хуш ёқиб, семиради.

* * *

Сўзлаётган киши сўзидаги нуқсонни бошқа бир киши кўрсатмагунча, сўзи хатодан холи бўлмайди.

* * *

Ўн одам бир дастурхон устида таом ейди, лекин икки ит бир ўлимса устида чиқиша олмайди. Очқўз одам бутун жаҳон молига ҳам тўймайди, қаноатли одам эса бир нон билан ҳам тўқдир. Донишмандлар демишлар: «Мол-мулк тўплаб бой бўлгандан кўра, қаноатда бой бўлган яхшидир».

* * *

Кимки кудратли бўлган даврида яхшилик қилмаса, бошига иш тушганда машаққат кўради.

* * *

Ҳар иш сабр билан қилинади, шошилган одам пушаймон бўлади.

* * *

Ҳар кимики, мени билимдон экан, деб ўйласинлар деган мақсадда ўзидан донороқ одам билан баҳслашса, ўз нодонлигини намойиш қилган бўлади.

* * *

Ёмон билан юрган яхшилик кўрмайди.

* * *

Илм олиб, амал қилмаган одам – ерни шудгорлаб, уруғ сочмаган деҳқонга ўхшайди.

* * *

Сурати гўзал бўлган одамнинг ахлоқи ҳам гўзал бўлавермайди. Иш суратда эмас, кўнгилдадир.

* * *

Арслон билан панжалашмоқ ва қилични мушт билан рад этишга уринмоқ – оқилларнинг иши эмас.

* * *

Зўр одам билан олишган заиф киши – ўз ҳалокати йўлида душманга кўмаклашган бўлади.

* * *

Саёқ итларнинг овчи итларни кўришга кўзи бўлмагани сингари, ҳунарсизлар ҳам истеъдодли одамларни ёмон кўрадилар. Саёқ итлар овчи итларни кўрганларида ақиллаб, ғавғо кўтарадилару, лекин олдига боришга юраклари дов бермайди, шунга ўхшаш, разил одамлар ҳам яхшилик қилишда бирор киши билан беллаша олмаганларидан кейин, ғийбат, бўхтон қилишга киришадилар.

* * *

Жоҳил билан баҳслашган олим иззат умид қилмай қўя қолсин. Башарти, жоҳил баҳслашувда олимдан устун чиқса, ажабланарлик ери йўқдир, чунки ҳамиша тош гавҳарни синдиради.

* * *

Дононинг аҳмоқлар даврасида сукут этишга мажбур бўлиши ажабланарли эмасдир, чунки ҳамиша ноғора овози танбур овозини эшиттирмай қўяди ва сассик саримсоқ ҳиди анбар исини босиб кетади.

* * *

Гавҳар лойга тушса ҳам аввалгидек қимматбаҳо, чанг осмонга кўтарилганида ҳам кадрсиздир.

* * *

Аттор мақтаган нарса мушк эмас, балки хуш бўй тарқатадиган нарса – мушқдир. Доно – атторнинг дўконига ўхшайди. Сукут қилиб, ўз билимини намойиш этади, жоҳил эса ноғора кабидир, гумбурлайди-ю, лекин ичи бўшдир.

* * *

Оз-оз йиғилиб кўп бўлур, тома-тома кўл бўлур, яъни заиф одамлар майда тошларни йиғиб сақлайдилар ва фурсат келди дегунча золимнинг бошини мажақлайдилар.

* * *

Олим авомнинг саҳву хатоси ёнидан мулойимлик билан ўтиб кетмаслиги лозим, чунки бу ҳар икки тараф учун зарарлидир: олимнинг иззатига путур этади, авомнинг жаҳолати чуқурлашиб кетади.

* * *

Шайтонга мансуб бўлган гуноҳ ким томонидан содир бўлса-да, номақбулдир! Чунки илм шайтонга қарши бир қуролдир ва қурол соҳиби бўлган одам душманга асир тушса, шармандалик янада бешбаттар ортган бўлади.

* * *

Қаҳатчилик йилида қийналиб қолган фақирнинг ярасига малҳам ва кўлига бир оз пул бера оладиган бўлсанггина ундан «Ҳолинг қалай?» деб сўрагин.

* * *

Ибодат қилувчи авом йўл юрган пиёдага ва сусткаш олим эса йўлда уйкуга кетган отликқа ўхшайди.

* * *

Афв сўровчи гуноҳкор ғурурланиб кетган тақводордан яхшироқдир.

* * *

Султон инъом қилган либос иззатли бўлса-да, лекин ўзингнинг нимдош кийиминг ундан кўра иззатлироқдир. Улуғларнинг дастурхони лазиз бўлса-да, лекин кишининг ўз тўрвасидаги нони ундан кўра лазизроқдир.

* * *

Имом Ғаззолийдан: «Илмда бундай юксак даражага қандай етишдинг?» деб сўрадилар. У: «Билмаган нарсамни сўраб ўрганишдан уялмадим», деди.

* * *

Ҳар кимки ёмонлар билан ошначилик қилса, агар уларнинг ёмонликлари унга таъсир этмаса-да, ёмонлар сингари шубҳа остида қолади, намоз ўқигани вайронага кирса, ичкилик ичишда айбдор қилинади.

* * *

Туянинг ювошлиги ҳаммага маълум ва машҳурдир. У шу қадар ювошки, агар бир бола тизгинидан тутиб юз фарсанг йўл юрса ҳам, итоатдан чикмайди. Лекин таҳликали дарага рўпара келиб, бола нодонлик билан ўша томонга юрмоқчи бўлса, унинг кўлидан тизгинини шартта юлқиб олади-ю, ортик унга итоат этмай қўяди, чунки каттикқўллик қилиш лозим бўлган маҳалда, кўнгилчанлик қилиш дуруст эмасдир. Шундай бир мақол бор: «Илтифот билан душман дўст бўлмайди, балки тамаси янада ортади».

* * *

Кимки ўз билимдонлигини кўрсатмоқ учун бошқа одамнинг сўзини кесса, ўзининг ўта нодон эканини намойиш қилган бўлади.

* * *

Либосим остида бир ярам бор эди. Ҳар куни устозим: «Яранг қалай» деб сўрар, лекин ҳеч маҳал: «Яранг қаерда?» демасди. Шунда устозим атайлаб шундай савол беришдан ўзини олиб қочаётганини англадим, чунки одоб қоидада киши вужудидаги ҳамма аъзонинг номини ҳам тилга оли-навермайди. Донишмандлар дейдилар: «Мулоҳаза қилмай савол берган одам таҳқирли жавоб олади».

* * *

Ёлғон гапирмоқ ҳам ханжар зарби кабидир: жароҳат тuzалса-да, изи қолади. Юсуфнинг акалари ёлғончиликда шуҳрат топганларидан кейин уларнинг рост сўзларига ҳам ишонч қолмади¹.

¹ Бу ерда Юсуф алайҳиссалом ва унга душманлик қилган ўғай акалари кўзда тутилмоқда.

* * *

Коинотнинг энг буюги зоҳиран инсон ва мавжудотлар орасида энг хор ва пасти итдир. Лекин барча донишмандлар бир оғиздан: «Қадр билмас одамдан вафодор ит яхшидир», дейдилар.

* * *

Бахтиёр кишилар ўз эзгу ишлари ибрат тариқасида насллар оғзида зикр этилганига қадар ўзларидан аввал ўтганларнинг яхши ишларидан ибрат оладилар. Ўғрилар эса то қўллари кесмагунларича ўғирлик қилишдан қўл тортмайдилар.

* * *

Оқибати вой бўладиган шоҳ бўлишдан келажаги порлоқ гадо бўлган яхши.

* * *

Осмондан ерга неъмат ёғади, ердан осмонга ғубор кўтарилади. Идишда нима бўлса, шу сизиб чиқади.

* * *

Олтинни кондан қазиб олинади-ю, лекин бахилдан жони билан қўшиб олинади.

* * *

Ўзидан заифларга шафқат қилмаган одам ўзидан кучлининг зулмига дучор бўлади!

* * *

Оламда биринчи марта бармоғига узук такқан одам Жамшиддир¹. Ундан сўрадилар: «Нега ҳамма зебу зийнати чап қўлга бердинг, ваҳоланки, фазилат ўнг тарафдадир». Жамшид жавоб берди: «Ўнг қўлнинг ўнг қўл эканининг ўзи буюк зийнатдир».

* * *

Подшоҳ – золимлар зулмини даф этиш учундир, миршаб каллакесарлар учун, кози эса ўғриларнинг кенгашчиси дир. Шунинг учун ҳақ ишга ризо бўлган икки даъвогар қозининг ҳузурига бормайди.

* * *

Ҳамманинг тиши нордон нарса ейишдан қамашади, аммо қозиларнинг тишлари ширин нарса ейишдан қамашади.

* * *

Икки тоифа одам бу дунёдан ҳасрат билан ўтади: бири – йиғиб-йиғиб емаган, иккинчиси – илм олиб, илмига амал қилмаган!

¹ Ж а м ш и д – қадимги Эроннинг пешдоидийлар сулоласига мансуб подшоҳ.

ЧУСТИЙ ТАҶЖИМАСИ

Эшит, эй хунарманд – доно киши,
Эмас айб излаш хунарманд иши.

* * *

Садокатни хизматда кўрсат мудом.

* * *

Жаҳондан кетар пайтда Нўширавон
Бу сўзларни Хурмузга этмиш баён:

«Ҳамиша ғариблар дилин овлагил,
Сен ўз роҳатинг кўзлаган бўлмагил.

Агар роҳатингни қиларсан ҳавас,
Қўл остингдагилар сира тинчимас.

Ақликка маъқул эмас ҳеч қачон
Еса қўйни бўри, ётиб қўйчивон.

Чикор ҳожатин ҳамма муҳтожни,
Шулар қўйди шоҳ бошига тожни.

Дарахт бўлса шоҳ, халқ илдиз эрур,
Бил, ўғлим, томир-ла дарахт улгаюр.

Элинг қалбин оғритма, берма зарар,
Қурур илдизинг ранжиса эл агар.

Агар истасанг яхши йўл, пок бўл,
Умид ила хавф йўлидир пок йўл.

Агар бўлса ҳар кимда тадбиру дид,
Бўлур унда албатта хавфу умид.

Бу феъл иккисин шоҳда топсанг агар,
Паноҳида мумкин яшаш бехатар.

Зарар бермагай элга, қилмас зиён,
Зулмда келур юртга офат дебон.

Агар бўлмаса бу икки хислати,
У юрт ичра йўқ кимсанинг роҳати

Кетиш чораси бўлмагач, сабр қил,
Агар ташвишинг бўлмаса турмагил.

У юртда тополмайсан ободлик,
Агар элда йўқ шоҳидан шодлик.

Тушида кўрар юрт ободлигин,
Хароб айлагач юрту элнинг дилин.

Ёмонлик, хароблик зулмдан келур,
Улуғлар бунинг маънисин хўб билур.

Ситам бирла катл этмоқ элни зиён,
Шулар мамлакатда мадор, соябон.

Кўмак айла деҳқонга фойданг учун,
Агар мардикор тўйса, иш соз у кун.

Эмас мардлик – берсанг унга зарар,
Сенга яхшилик қилган эрса агар.

* * *

Эшитдимки Шерўяга ушбу хил,
Ўлим вақти Хисрав деди: «Яхши бил.

Нечук ишни қилмоққа этсанг ният,
Мудом эл ишин яхшилашга қарат.

Адолатли тадбирдан қочмагил,
Элинг сендан, ўғлим, узолмайди дил.

Ситамгардан эллар ҳамиша қочар,
Ёмонликларин элга яққол очар.

Ўзин тиклаёлмайди, вайрон бўлур,
Агар элга ҳар ким ёмонлик килур.

Агар бўлса ўткир тиғинг қанчалик,
Эмас тул хотиннинг дилин оҳидек.

Кўпинча чироқ ёкса бир тул хотин,
Кўрарсан ўт олгай шаҳарни бутун.

Жаҳон роҳатида ким унга етар,
Агар адлу инсоф-ла шоҳлик этар.

Жаҳондан ўтаркан етиб навбати,
Уни эл дегайлар худо раҳмати.

Ёмон ҳам ўтар, яхши ҳам, яхши бил,
Сени яхши ном бирла ёд этсин эл.

Сенга дўст бўлолмас агар қон ялаб,
Хазинангни тўлдирса элни талаб.

Агар бўлса бошлиқдан элга зарар,
Худога улар дастидан дод этар.

У пасткаш амалдордан элга азоб,
Йиғиш мақсади молу мулк беҳисоб.

Ёмонлик қилувчи ситамгар ўтар,
Уни доимо халқ лаънат этар.

Сила яхши бошини – бермас зиён,
Ёмонга тараҳхум – ўзингга ёмон.

Сира сийламай, кир ситамгар изин,
Унинг тоза юлмоқ керак илдизин.

Зулм этгувчиларга берма омон,
Шилиб пўстини, айлагил бенишон.

Сен аввал кес ул бўрилар бошларин,
Улар ёрмай эл қўйларин ҳаммасин.

Қадам қўймас ул жойга ҳушёрлар,
Ёмон деб эшитса у жойни агар.

Мусофирни ҳурматла, яхши қараб,
Диёрида сўзлар сени яхшилаб.

Улуғлар мусофирни севса агар,
Улуғ номларига бу олам тўлар.

Агар қайси ерда ғариб хўрланур,
У хил мамлакат тезда вайрон бўлур.

Ғариб дўсти бўл ҳамда сайёҳсевар,
Ташир яхши номингни сайёҳлар.

Мусофир-ла меҳмонга сен ёр бўл,
Бирок бўлмасин макри, хушёр бўл.

Таниш бўлмагандан ҳазар яхшидур –
Ки, дўстлик никобида ёв ҳам бўлур.

Ошир қадрини ким бўлса қадрдон,
Фириб бермагай қадрдон ҳеч қачон.

Узоқ хизмат этса, ошир қимматин,
Унутма ҳамиша узоқ хизматин.

Қарилик етиб қолса ишда агар,
Мурувват қилиб, ҳолига сол назар,

Эшитдимки, Шопурга Хисрав ситам –
Қилиб эрмишу сабр қилмиш у ҳам

Тушиб нотавонликка ҳоли нуқул,
Деди бу ҳикоятни Хисравга ул:

Адолатли шоҳ! Қолмасам гарчи ман,
Жаҳонда қолурсан фазилат билан.

Йигитликни сарф айладим сен учун,
Қариликда ҳолимни қилма забун.

Ғариб бошида бўлса фитна қатор,
Уни кийнама, балки ҳайдаб юбор.

Сен унга азоб бермасанг ҳам бўлур,
Ёмон феъли унга жазосин берур.

Хазиначи қилса хиёнат агар,
Буюргил назоратчига текширар.
Агар тил бириктирсалар ҳар икков,
Баробар бўшат иккисин беаёв.

Ҳар иккини бир жойда қўймоқ хато,
Бирикмок била бошлагай юз бало.

Билиб қўй улар қўлни-қўлга берур,
Бирин айбини биттаси беркитур.

Гар ўғри биридан-бири хавф этар,
Мудом ўртада тинч карвон ўтар.

Дадиллик қилур ёв, бўшашсанг агар,
Ғазаб одатинг бўлса, сендан безар...

Қололмас жаҳон ичра мангу киши,
Фақат қолгуси яхши ному иши.

Тирик улки, ундан кейин қолса жой,
Ҳовуз, кўлу кўприк-ла, карвонсарой.

Агар қолмаса ҳар кишидан нишон,
Умид меваси йўқ дарахт бегумон.

Агар қолмаса сўнгида яхши иш,
Сира арзимас унга раҳмат дейиш.

Десангким, жаҳонда отим ўчмасин,
Унутма улуғларни яхши отин.

* * *

Ўтарсен ҳам, ўтмишга солгил назар,
Ўтиб кетганидек неча шоҳлар.

Ўтиб кетдилар – қолди у эски соз,
Шу хил базму айшу шу хил ғамза, ноз.

Биридан қолиб тоабад яхши ном,
Ёмонлик-ла ўтди бири, вассалом.

* * *

Ғаразғўй сўзига қулоқ солмагил,
Агар сўзласа кўп, чуқур ўйлагил.

Биринчи гуноҳ, балки билмай бўлур,
Кечиргил, омон бергил этса узр.

Гуноҳкор паноҳ тортиб узр этса, бас,
Биринчисида ўлдириш шарт эмас.

Агар қилмаса насиҳат-ўғит,
Жазоси учун уни зиндонда тут.

Бу бирлан тузалмас эса қир изин,
У безот дарахтнинг қурит илдин.

Бошин кесмай, аввал ўзин банд қил,
Кесик бош жасадга уланмайди, бил.

Гуноҳкордан келса жаҳлинг агар,
Жазолашда сабр эт – бу яхши ҳунар.

Бадахшонни лаълин ушатмоқ осон,
Ушалгач, бутун бўлмагай ҳеч қачон.

* * *

Солур ғам юкин дилга кўп вақтлар
Фириб кўрсатиб нотаниш ҳийлагар.

* * *

Камондан нишонга ўқ отмай туриб,
Жуда яхши мўлжалга олгил кўриб.

* * *

Узоқ вақт ўтмай билишлик қийин,
Киши ақлини-ю, унинг кимлигин.

* * *

Кичик бир хато кўрса душман агар,
Чакиб шоҳга, қаттиқ ғазаблантирар.

* * *

Бир учқун билан мумкин ўтлар ёқиш,
Сўнг эски дарахтларни ҳам ёндириш.

* * *

Гуноҳсиз киши сўзга ботир бўлур.

* * *

...қанча ишлатса ҳам ўз сўзин,
Сира оқлаёлмас гуноҳкор ўзин.

* * *

Тан олмоқ ҳақиқатни лойиқ.

* * *

Кўрарсан-биларсанки, ҳар камбағал
Боқар бойга ҳасрат билан ҳар маҳал.

* * *

Шошиб ҳар кишики қилич ушлагай,
Пушаймон била ўз қўлин тишлагай.

* * *

Ғаразлик киши сўзини сўз дема,
Ишониб унга, сўнгра афсус ема.

* * *

Билимдону қудратли шох ҳеч нафас
Ғанимларнинг иғвосидан ғам емас.

* * *

Жаҳолатлининг сабри йўқ, фикри хом,
Шаҳаншоҳлик тожи унга харом.

* * *

Ақлли киши сабр этар ҳар нафас,
Жаҳолатга енгилган оқил эмас.

* * *

Демасман: мудом айла жанг ихтиёр,
Ғазаб келса, ақлингни тут барқарор.

* * *

Эрур лашкаринг кўп, ўзинг пахлавон,
Хужум қилма душмангаю тўкма қон.

Ғаним қўрғон ичра кириб беркинур,
Гуноҳсиз элу юрт вайрон бўлур.

* * *

Азиз номи қолган етук яхшилар
Киши молига бермадилар зарар.

* * *

Агар оч қолиб берса ҳам мард жон,
Етимлар ҳақин емагай ҳеч қачон.

* * *

Дарахтдир элу ўстириб сақлагил,
У бергай сенга мевалар хилма-хил.

Юлиб олмагил илдизу мевасин,
Бу ишдан пушаймон бўлурсан кейин.

Чумолидан олса товук донини,
Мурувватдан эрмас – олур жонини.

Ул одам кўрар роҳат ўз бахтидан,
Кўл остидагин эзмаса зулм илан.

Элинг нотавонликка тушгандаёк,
Улар охидан кўркқанинг яхшироқ.

Ширин сўз билан қўлга киргай диёр,
Уруш қилма, қон тўкма, эй бахтиёр.

Қасам мардлик ҳаққи, буткул жаҳон,
Сира арзимас томса ер узра қон.

* * *

Қолур тахти хавф остида дам-бадам,
Агар шоҳ йилқичидан билса кам.

* * *

Йўловчини йўлда қачон ит копар,
Қутуртирмаса итни дехқон агар.

* * *

Сўзингда тама бўлса бемаънидир,
Тамадан кечиб, қанча билсанг гапир.

* * *

Бир остонадан сен ҳам уммидвор,
Эшигингга келганни сен этма хор.

Агар истамассан дилинг ранжишин,
Дили ранжиганларнинг овла дилин.

* * *

Сен эҳсон дарахтин кўкартсанг агар,
Терарсан унинг шохидан мевалар.

* * *

Кичикларни қақшатма, эй подшо,
Жаҳон ўзгариб тургуси доимо.

* * *

Чумоли агар бирлашиб иш килур,
Унинг зарбидан шер ҳам енгилур.

* * *

Кишиларни сен айлама поймол,
Оёғости бўлгунг, етишса завол.

* * *

Ғарибларни шод айла, кулдир чунон,
Ёмонлар тишини ушатсин шу он.

* * *

Насихат берур фойда укқанга, бил.

* * *

Уятдир бу иш эр йигитлар учун,
Забунларнинг илгида бўлмоқ забун.

* * *

Дема тахту тож ҳар ўриндан баланд,
Ғариблик мақоми, бил, ундан баланд.

Егай камбағал кунда бир нон ғамин,
Бирок, шоҳ егай мулку даврон ғамин.

* * *

Ғаму шодликким, бошингга етар,
Ўлим чоғида иккиси ҳам кетар.

* * *

Шаҳаншоҳлигу мулку давлат бало,
Гадо шоҳ эрур, исми бўлмиш гадо.

* * *

Ёмонлик қилиб, яхшилик кутмагил,
Тиканзор узум бермагай, яхши бил.

Дилимга сира келмагай бу гумон,
Экиб арпа, бугдой ўрарсан дебон.

Агар бўлса аччиқданак ҳар ниҳол,
Ширин бўлмоғи тарбият-ла маҳол.

Ҳеч унмайди толгул гули хурмода,
Не эксанг, олурсан шуни дунёда.

* * *

Бикиб ётма гафлатда, олиймақом,
Улуғларни кўзига уйқу ҳаром.

Мудом эл ғамин еки, ожиз улар,
Замон ҳодисотидан айла ҳазар.

Ўгит беғараз бўлса-ю, бериё,
Бўлур аччик, аммо маразга¹ даво.

* * *

Ситам айласанг, бўлма уммидвор,
Тўлур яхши номим билан деб диёр.

* * *

Дил оғригувчи ишни сен қилмагил.

* * *

Ситамгар ўзи маҳв ўлиб ҳам кетар,
Бирок лаънат унга ҳамиша етар.

* * *

Эмас мактаган – дўст, алдамчидир,
Маломатчилар сенга ёрдамчидир.

Ширин бўлса ҳам қанд, касалга зарар,
Даво бўлгай аччик, тахир дорилар.

Ширин сўзли улфатларингдан кўра
Хунук юзли танбеҳ берувчи сара.

На ҳожат бу яхши насиҳат, агар –
Сен оқил эсанг, бир ишорат етар.

¹ М а р а з – касаллик, беморлик.

* * *

Ҳақ сўз ибодат эрур.

* * *

Бўлиб хору кўрсам жафою ситам,
Агар оқибат яхши бўлса, не ғам.

* * *

Хушомадчининг макридан қил ҳазар,
Бўлур сел, йиғилса агар томчилар.

Қошинг керма мағрурланиб, урма дам,
Енгиб дўст, агар ёв енгилса ҳам.

Агар дўстдан душманинг кўп эрур,
Ачингай ҳама дўст, ёв шодланур.

* * *

Урушни бурун бошлаган чоғда ёв,
Гуноҳкор ўзи, қир уни беаёв.

Қиларкан адоват, уруш беибо,
Адоватчига меҳрибонлик хато.

* * *

Муроса қиларкан агар ишни ҳал,
Ғазаб қилма, ўлдирма, бўлма дағал.

Агар ёлвориб келса ёв ҳар қачон,
Дилингдан олиб ташла кекни шу он.

Омон бер, деса, бер омонлик шу чоғ,
Бирок макридан эҳтиёт яхшироқ.

Бўйин товлама кекса тадбиридан,
Қариларда бор тажриба, фикру фан.

* * *

Хужум қилса эллик киши тунда гар,
Қоронғида беш юз кишини қирар.

* * *

Қочиб кетса ёв, бир ўзинг қувмагил.

* * *

Агар паҳлавон кўрсатур журъатин,
Оширмоқ керак кадру ҳам қийматин.

Қилур жон фидо шоҳига ҳар маҳал
Келиб қолса ҳар қанча жангу жадал.

Ҳамиша баҳодирларинг шод қил,
Факат жанг вақтида деб билмагил.

Омонликда аскарни қил шодмон,
Уруш бўлса, ишга ярар бегумон.

Элинг сақлагайсан-ку аскар билан,
Бу аскарни тут шафқату зар билан.

Топар душманин энгибон шоҳ зафар,
Унинг лашкари тўқу хурсанд агар.

Агар бўлмаса интизому вафо,
Урушда қачон айлагай жон фидо.

Сипоҳийки, ўз хунбаҳосин¹ сгай,
Эмас мард, агар жангда иш бермагай.

¹ Х у н б а ҳ о – бу ерда: бирор нарсанинг қийматини туламоқ.

Берилмас экан зар қўшинга агар,
Қилич ушламай, жангни ташлаб кетар.

Уруш чоғида мардлик этмас аён,
Агар бўлса бечора-ю нотавон.

* * *

Қариларни раъйича иш тут мудом.

* * *

Қари макридан қил ибо доимо.

* * *

Сира бахтли ёшлар ғурур этмагай,
Қарилар сўзидан узоқ кетмагай.

* * *

Ўғил эркаликда ўсаркан агар,
Уруш келса бошига, қўрқар, писар¹.

Урушмоқ, қилич урмоқ, ов овламоқ,
Баҳодир қилиб ўстирур яхшироқ.

Ўйигит ўсса ҳаммому ишратаро,
Уруш чоғида кўрқадир мутлако.

* * *

Агар икки турли киши от минар,
Икковини бир ёш бола ағдарар:

Қочар биттаси ёвни кўрган замон,
Ёв ўлдирмаган бўлса, ўлдир шу он.

¹ Писар – ўғил.

Бири занчалиш¹, беюрак, бедахан²,
Хунаса тузукдир бу хил жангчидан.

Урушга агар жангчи орка берур,
Ўзин ҳам, жасурларни ҳам ўлдирур.

* * *

Икки кимсани сақла, шоҳи жаҳон!
Бир оқилу ул бири паҳлавон.

Топар катта шоҳларни енгиб зафар,
Бу иккини ўстирса ҳар шоҳ агар.

Киши гар туюлмас килич ё қалам,
Ўлиб кетганида еманг унга ғам.

Эмас мардлик – ёв босар чоғида
Қилиб базм ётсанг нишот³ боғида.

Ўйин-кулгига банд эса шоҳлар,
Бу ишрат-ла давлат қўлидан кетар.

* * *

Кўпинча ёвинг кундузи дўстлашар,
Баногоҳ⁴ тун чоғи босиб келар.

* * *

Агар сенга душман ўжарлик қилур,
Фириб тиғи-ла бошин олсанг бўлур.

¹ Занчалиш – хотинчалиш.

² Бедахан – бу ерда: лафзсиз.

³ Нишот – шодлик, хурсандчилик.

⁴ Баногоҳ – тўсатдан, кўкқисдан, кутилмаганда.

* * *

Агар икки ёв ичра тушса нифок,
Яша дўст билан хурраму иттифок.

* * *

Дилин яширин овласанг, мардлар
Оёғинг уза балки бошин кўяр.

* * *

Дилин овласанг ўн кишини агар,
Бўлур юз ҳужумдан кўра мўътабар.

* * *

Агар ёв қариндоши дўстлик қилур,
Унинг макридан эҳтиётдир зарур.

Ўч олмокчи сендан, дилида алам,
Қариндошининг меҳри-ла дам-бадам.

* * *

Агар ҳар киши дўстни душман билур,
У ўз ёвидан оқибат енгилур.

* * *

Ўзин бошлиғин қадрини билмаган,
Сени ҳам омон қўймагай макридан.

Инонма, қасам бирла аҳд этса ҳам,
Назоратчи қўй, яширин дам-бадам.

Узоқ ташла арконни – у янгидир,
Бўшатма, қочар – топмагайсан, ахир.

* * *

Бир иқлимни гар ёвдан олсанг келиб,
Яшат халқин ундан фаровон қилиб.

Уруш бошласа ёв агар қайтадан,
Уриб янчар эл бирлашиб сен билан.

Шаҳар халқига жабр этарсан агар,
Ёвингга эшик ёпма, бекор кетар.

Шаҳар халқи ҳам сенга бўлгач ғаним,
Дема ташқарида эрур душманам.

* * *

Ёмон ёв учун жангда тадбир қил,
Яшир ниятингни, яраш айлагил.

* * *

Сирингни билиб қолса сендан бўлак,
У фикру у йўлдан кечишлик керак.

* * *

Агар хоҳламассан дилинг оғришин,
Дили оғриганларнинг соз эт ишин.

* * *

Кучинг душманингдан агар кам эрур,
Ғариблар дуосини олмоқ зарур.

Нечунким улар оҳидир мўътабар,
Баҳодирларингдан кўра иш берар.

* * *

Эриш маънига, бўлса аклинг агар,
Нечунким қолиб маъни, сурат кетар.

* * *

Ўлик тинч ётар гўрида муттасил,
Агар тинч ётиб ухласа ундан эл.

* * *

Ўзинг соч хазинангни элга шу чоғ,
Калити кўлингдан тушар эртаёк.

* * *

Менинг тирноғимдан бўлак ҳеч қачон
Ким орқамни кашлар, бўлиб меҳрибон?

* * *

Уйингдан ғариб кетмасин бенасиб,
Мабодо бўларсан ўзинг ҳам ғариб.

* * *

Ғурурланма хайр айласанг бир нима,
Бўлақлар гадо, мен улуғман дема.

* * *

Зару нозу неъмат эмас пойдор.

Масал

Қизига деди яхши деҳқон аёл,
Тўкинликда очликни қилгил хаёл.

Идишларни сув бирла тўлғаз тамом,
Ариқдан оқиб турмагай сув мудом.

Бутун давлатинг дўст учун сочмагил,
Зарар бергувчи ёвдан андиша қил.

Куруқ кўл килолмайди мушкилни ҳал,
Узун кўл ўяр дев кўзин ҳар маҳал.

Бору йўқни сарф этганингдан кейин,
Топилмас керак вақтида бир тийин.

Гадолар-ку тўймайди хайринг билан,
Ўзинг оч қолурсанми деб қўрқаман.

* * *

Баланд эрди бир марднинг ҳиммати
Ва лекин етишмас эди давлати.

Нечун давлати борда йўқ ҳиммати,
Нечун ҳиммати борда йўқ давлати?!

Даромаддан эҳсони кўпроқ эди,
Шунинг-чун унинг чўнтаги қоқ эди.

* * *

Учиб кетса қуш, қайта келмайди у.

* * *

Тирикдил ўлик ётса тупроқда ҳам,
Ўликдил тирикдан кўра мухтарам.

Агар яхши ўлса, дили ўлмагай,
Ёмон ўлса ҳам ҳеч зарар бўлмагай.

* * *

Узокни кўрувчи киши мутлақо,
Ҳаётида кек сақламас дил аро.

Кўрар ул киши хирмонидан зарар,
Бошоқчини қаҳр ила қувлар агар.

Агар ўлса бир золими нобакор,
Шу чоғда эзилган бўлур бахтиёр.

Ғариблар дилин эзмагил жабр этиб,
Мабодо бўлурсан ўзинг ҳам ғариб.

* * *

Киши шер каби бўлса ҳам паҳлавон,
Агар тулкилик қилса, итдан ёмон.

* * *

Ҳалол топгилу ёру дўст-ла егил,
Бировларни ҳеч саркитин кутмагил.

* * *

Ҳалол ишла мардларча айшингни сур,
Ўзи ишламай еса, номард эрур.

* * *

Ақлли кишида бўлур химмати,
Хасисларда йўқ ақлию фикрати.

* * *

Топар мардлар эҳсон билан кўп зафар.

* * *

Каромат, сахийлик-ла мардлик эрур,
Қурук сўз ичи бўш нағора бўлур.

* * *

Қасос вақтида меҳр қандай гўзал.

* * *

Биров ерга сочгай уруғ, бил шуни,
Берар унга ҳосиллар очлик кунни.

* * *

Дедик яхшидир хайру лутфу карам
Ва лекин қилаверма ҳар кимга ҳам.

Ситамгарни қил молу жондан жудо,
Ёмон қуш қанотини юл беибо.

Зарарли тиканни юл, эй бахтиёр,
Дарахт эки, бўлсин ширин мевадор.

Улуғ тут шу одамниким ҳар қачон,
У бўлсин кичикларга хўб меҳрибон.

Ситамгарга шафқат қилурсан агар,
Шу ҳам эл учун зулму бергай зарар.

Жаҳон куйдирувчи, куйиб кетса, бок,
Жаҳон куйганидан кўра яхшироқ.

Агар ўғрига кимки шафқат этар,
Ўзи ўғри бўлгай, ўзи йўлтўсар.

Ситам қилгувчиларни елга совур,
Ситамгарга қилмоқ ситам адл эрур.

* * *

Севикли эса эр, чидаб чек азоб.

* * *

Ақлдан сен ишқ олдида очма тил.

* * *

Гар ошиқ эсанг дарддан қочмагил.

* * *

Яқин борма тўлқинли дарёга ҳеч,
Борарсан агар, жондан албатта кеч.

* * *

Булутдан томиб томчи сув ногаҳон,
Хижил бўлди дарёни кўрган замон.

Деди дарё бор жойда кимман ўзим,
У бор жойда ўзликни илмас кўзим.

Ўзин камситиб, бўлди камтар фақат,
Шунинг-чун садаф айлади тарбият.

Оширди чунон қийматини замон,
Унинг номини марварид дер жаҳон.

* * *

Улуғлар макомин олурман дема
Кучинг бўлмаса шерча, шерман дема.

* * *

Қўлингдан келур вақтда ёв бошин эз,
Дилинг равшан эт, ўтмайин ушбу кез.

* * *

Аччиқдир аччиқ сўзлининг боли ҳам.

* * *

Ғурури баланд шоҳларга қара:
Қилур базму ишрат дам олмай сира.

Улар гар бихишт ичра бўлгай экан,
Кўтармайман асло бошим гўрдан.

Бихишт бизники, тонгла бизнинг макон,
Шунинг-чун бугун ғамдамиз беомон.

* * *

Улуғ бўлгуси шоҳга ёкқан киши.

* * *

Ироданг йўқ эрса, саодат қани?
Қилур хизматинг ёвга ғолиб сани.

Ичинг бўлса қандилча сувга тўлуғ,
Бера олмагайсан чироғдек ёруғ.

* * *

Билурсан ўзингни жуда серақл,
Тўлиқ хумга не ҳам сиғар, яхши бил!

Ғурур бирла тўлган бошинг бўш кетар,
Ғурурдан бўшат, сўнгра маъни сиғар.

Юкотсанг ғурурингни Саъдий сифат,
Йиғилгай дилингга билим-маърифат.

* * *

Келур дард кучайганда ночор фиғон.

* * *

Ажал қуршовида туришлик ёмон.

* * *

Мадад бермагач толеинг юлдузи,
Не қилгайди зўру яроғнинг ўзи.

* * *

На фойда берур мардлар ғайрати,
Кўмак бермаса толеи, давлати.

* * *

Ёғочдан оёқ қилма зангвоз сифат,
Сени новча дерлар гўдаклар фақат.

* * *

Мисинг гарчи тиллога ўхшаш эрур,
Сотарсан харидор агар бўлса кўр.

* * *

Чаканг устига берма олтин сувин,
Унинг кадри доно учун бир тийин.

* * *

Тегирмон тошидан гиёҳ унмагай.

* * *

Ақлли кишилар ҳунар орттирар,
Қоринга қул эрса, ҳунарсиз қолар.

* * *

Қорин тўлса, ҳикматдан ул бўш қолар.

* * *

Ўзимнинг аччик сиркам олдида мен
Ширин демагум ҳолвагар ҳолвасин.

* * *

Бир оқил бўлиб эрди безгак касал,
Биров деди олгил фалондан асал.

Деди бир хасис миннатидан ахир,
Ўлим аччиғи мен учун яхшидир.

* * *

Дилинг истагин излама ҳаммасин,
Семирса танинг жон бўлур озғин.

* * *

Кишини бузук нафс этар хору зор,
Гар оқил эсанг, сен уни айла хор.

Не е деса нафсинг, есанг ҳаммасин,
Умр ўтказиш сенга бўлгай кийин.

Қорин тандирин қиздириш дам-бадам,
Берур топмаган кун азобу кам.

* * *

Чигиртка бошидан-оёғи қорин,
Қоринсиз чумоли ташир путларин.

* * *

Агар билмасанг, сўзлама унча кўп,
Яланг жой агар бўлмаса, тепма тўп.

Илож бўлса дам урма, қўйма қадам,
Сен андозадан ташқари, ёки кам.

* * *

Курук қолғусен тортинишлик билан.

* * *

Қаноатчи олдида тенг тошу зар.

* * *

Гўдакларча дил пок тутсанг агар,
Бўлур тенг кўз олдингда тупроғу зар.

* * *

Гадодан гадорок эрур шоҳлар.

* * *

Гадонинг ўзи шоҳу номи гадо.

* * *

Дили ғамли шоҳдан жаҳонда ахир,
Дилида ғами йўк гадо яхшидир.

* * *

Узумни беравермагай тоқлар,
Гоҳи мева бергай, гоҳи барг тўқар.

* * *

Агар қолса зиндон аро поклар,
Булутдан чиқувчи қуёшдек чиқар.

Ҳасадчи бориб қолса зиндон сари,
Ўчар сувга тушган олов сингари.

* * *

Дилинг куймасин ноумидлик билан,
Ёруғ кун туғилгай қаро кечадан.

* * *

Тушунган кишиларга бир ҳарф бас.

* * *

Дилинг сиррин айтма, кишидан яшир,
У албатта ҳар кимга айтар, ахир.

Хазиначига топшир олтинларинг
Ва лекин яшир дил уйида сиринг.

Агар айтмасанг, сўз сенга мубтало,
Гар айтсанг, у бўлгай бошингга бало.

* * *

Билиб сўзла, гар билмасанг очма лаб.

* * *

Ўзингга ботар сўзни сен сўзлама,
Экиб буғдой, арпа ўриш кўзлама.

Ҳақорат қилиб, олмагайсан дуо,
На эксанг, ўрарсан шуни доимо.

* * *

Ўзинг ҳурматинг сақла оқил эсанг,
Сиринг берма гарчанд жоҳил эсанг.

Очиб қўйма дил сиррини шошилиб,
Керак чоғда айтарсан ўзинг билиб.

* * *

Гапирмайди ҳайвон, гапиргай башар,
Шалок сўзли инсон ҳўкиздан батар.

Кишиликка лойиқ гапирмоқ керак
Ва ё чорвадек тек ўтирмоқ керак.

* * *

Ёмон сўзга солма қулоқ ҳеч қачон,
Кўзинг юм, яланғочни кўрган ҳамон.

* * *

Ўзи бирла бўлмоқдир оқил иши.

* * *

Дема ҳамманинг фикри ҳам тозадир.

* * *

Қаро ҳарфлар остида бир маъни бор,
Булут ичра ойу никоб ичра ёр.

* * *

На тил бор эди-ю, на гўдак эдинг,
Она қорнида келди ризкинг – эдинг.

Кесилгач сенинг киндикинг, эй ширин,
Кўлинг тутди маҳкам она кўкрагин.

Ўшал икки кўкракки сенга ёқар,
Сени қондиришга булокдек оқар.

Қучоғи ёқимли биҳишт онанинг,
Сут оққан ариқ унда кўкси анинг.

Дарахтдир унинг жонқуяр қомаги,
Бола – мевадир, умрининг лаззати.

Дема дилда бўлмайди кўкрактомир,
Қора оқ сутига – юрак қонидир.

* * *

Йўлида чуқур бўлса, кўр билмагай.

* * *

Шукур айлагилким, кўзингдир очик,
Шукур этмасанг, икки кўзинг юмук.

* * *

Агар тош билан ёвни янчолмасанг,
Болам, лоақал дўст билан қилма жанг.

* * *

Шукр қил, ҳамиша бу неъматга сан,
Бўлиб қолма маҳрум ғуруринг билан.

Биров банди бўлса сира қулмагил,
Ўзинг хам мабодо асир бўлмагил.

* * *

Вафо кўзламоқ кўзи тошдан хато.

* * *

Агар сенга жоҳил адоват қилур,
Унга таслим бўлмоқ мувофик келур.

* * *

Йўқотгай йўлин тақлид этган киши,
Билиб юрган одамнинг ўнгдир иши.

* * *

Керак ҳақни ботилдан этмоқ ниҳон.

* * *

Забардаст киши ёвга бўлса асир,
Ўзин сақламас эрса, дема далер¹.

* * *

Тегирмон тоши сув билан айланар.

* * *

Уялгай очилганда сир ҳамма ҳам.

* * *

Қамишзораро ўт кўярсан агар,
Жуда эҳтиёт бўл – чиқар шерлар.

* * *

Ғаним бўлса сендан кўра устароқ,
Ўқ отма унга, ё отиб қоч йироқ.

* * *

Сен ўлдирма афъий² илон боласин,
Гар ўлдирсанг ул уйда бўлма кейин.

Арилар инин кўзғасанг, қоч шу он,
Якинроқда турма у бергай зиён.

* * *

Девор остини қовласанг, қоч йироқ!

* * *

Қуёш сарғаяркан ботар шу замон.

¹ Далер – қурқмас, ботир, жасур.

² Афъий – захарли қатта илон.

* * *

Оёқ бирла юрмоқ йигитлар иши,
Асога суянгувчи кекса киши.

* * *

Қарига уят ёшлик этса ҳавас.

* * *

Йигитлик қариликда келмас сира,
Оқиб кетса сув, қайта келмас сира.

Шошилган эсанг ҳам йигитликда сан,
Қариликда иш қил эсу ҳуш билан.

* * *

Қаро шомим оқликқа қўйгач қадам,
Қоча бошлади шодлигим дам-бадам.

* * *

Ғурур бирла сайру томоша қилиб,
Босиб қанчалар қабрин ўтдик елиб.

Кейин келгувчи наслимиз ҳам шу хил
Ўтарлар босиб қабримиз муттасил.

* * *

Кучинг бору майдон агар бўлса кенг,
Бу майдонда мардларча кўрсат кучинг.

* * *

Ўзолмас эсанг ҳам югур пойгада,
Умид узма, чоп гарчи сен орқада.

* * *

Киши йўлда ётса, кетиб ҳамсафар,
Бу тургунча қолмас улардан асар.

* * *

Сени нафсинг ул сургучи отсимон,
Олиб боргуси тез суриб гўр томон.

Узангидан олса оёгинг ажал,
Жиловини тортиш маҳол ул маҳал.

Ҳикоят

Отам даври ёдимдадир доимо,
Уни ёрлакаб, раҳмат этсин Худо.

Олиб берди ул, ёш эдим, мен учун
Бир олтин узук, лавҳу дафтар у кун.

Биров битта хурмо бериб ногаҳон,
Узукни олиб қўйди мендан шу он.

Бола билмагайким узук на эрур,
Бериб битта қанд ҳар киши ҳам олур.

Гўдакларча сен ҳам умр кийматин,
Билолмай олишдинг, деса канд ширин.

* * *

Разиллар билан бўлмагил ҳамтовоқ,
Йўқ эрса тўкилгиси обрў бирок.

* * *

Киши кўрса халқ коми ичра заҳар,
Томоғидан ўтмайди шарбат-шакар.

* * *

Ярашмайди зийнатланиш шоҳ учун,
Агар бўлса эл холи очу забун.

Ўзидан бурун ҳар ким эл роҳатин
Агар кўзласа, унга минг офарин!

Кишилар ғамини еган мардлар,
Бўлиб қайгули, роҳатидан кечар.

Агар ётса шоҳ тахтида боҳузур,
Ишонмаки, эл ухлаб, ором олур.

Агар ухламас шоҳ бутун тун аро,
Эл ухлайди ором олиб доимо.

* * *

Қолур мансабу тахту мулку чаман,
Олиб кетмади гўрга ҳеч қайси тан.

* * *

Ибодат ўзи халққа хизмат қилиш,
На тасбеҳда, на жойнамозда бу иш.

* * *

Дили поку хушхулку огоҳ бўл.

* * *

Садоқат, иродат билан боғла бел,
Ёмон лофу кофдан мудом сақла тил.

Улуғлар диликим, мусаффо эди,
Шу хислат уларда мухайё эди.

Сира ўлмасам, деб ким айта олур,
У кимдирки, дунёда ўлмай қолур.

Агар ҳар кишидан қолур мулку мол,
Ўзидан кейин бўлғуси поймол.

Агар ҳар киши элга эҳсон этар,
Элидан мудом унга раҳмат этар.

Улуғ бўлса-ю, қолмаса яхши ном,
Нишонсиз ўлиб кетди у, вассалом!

* * *

Ғарибларга берма азобу алам,
Сени маҳв этар топса пайтин у ҳам.

* * *

Зулм бирла йиққунча олтин, ахир,
Хазинангнинг бўш қолгани яхшидир.

* * *

Чида зўр зулмига, эй нотавон,
Бўлай десанг ундан кўра паҳлавон.

Ғанимларни ҳиммат-ла енгмоқ зарур —
Ки, ҳиммат қўли барчадан зўр эрур.

* * *

Заҳар қор этар қайда тарёк¹ йўқ.

* * *

Ақли киши хоҳламас ҳеч қачон
Элин ҳам ўзин жисмига бир зиён.

¹ Т а р ё к - захарни даф этадиган дори.

* * *

Мажолсиз касал ёнида бўлса гар,
Киши соппа-соғ бўлса ҳам ғам босар.

* * *

Агар банду зиндонда дўсти ётар,
Киши қайда гулзор сайрин этар.

* * *

Бахилдан бўлак ким ўзин тўйғазар,
Кишилар ёмон ҳолда, очдир агар?

Кўрарким, ғариблар ютар қон мудом,
Шу инсофми, бойлар еса гар таом?

* * *

Касал боққан одамни сен дема соғ,
У ҳам қайғу бирлан касалдир шу чоғ.

* * *

Борур гарчи манзилга дўстлар етиб,
Ўтолмас кейин қолғувчиларни деб.

* * *

Ситам айласанг, шоҳлигингдир тамом,
Гадолик қилурсан кейин, вассалом!

Ширин уйқу шоҳларга бўлгай хато,
Агар этса кучсизга кучлик жафо.

Бекордан-бекорга элинг эзмагил,
Эрур шоҳ чўпону қўй оддий эл.

Гар ундан жафо кўрса эл ҳар қачон,
Ўзи бўридир, дод унинг дастидан!

Ёмон нияти бирла кетди ёмон,
Ўзин халқига зулм этиб беомон.

Эшитмай, десанг, охир эл қарғишин,
Мудом яхшилик айла, ол олқишин.

* * *

Ёмон жинсидан қолмади яхши ном,
Ёмонлар ёмонлик-ла бўлғай тамом.

* * *

Кетиб қолса агар қўлдан тахту тож,
Ёқангдан олур кўп яланғочу оч.

* * *

Қулоғингни тут, гафлатингни қочур,
Эшитгил – ўликлар насихат килур:

Ёмонликка юрмайди яхши киши,
Ўтар яхшилик бирла доим иши.

Ёмон йўлга борар ёмон ҳар қачон,
Кўпинча ўлур йўлда мисли чаён.

Биров фойдасин кўзламайди агар,
Қаро тош билан тенг эрур ул башар.

Хато сўзладим ман, аё яхши ёр,
Қаро тошу темирда ҳам фойда бор.

Ул одам уят бирла ўлса тузук,
Гар ундан қаро тош бўлса тузук.

На ҳар кимса йиртқичдан аъло бўлур,
Ёмон кимсадан йиртқич афзал эрур.

Ақлли кишини чин инсон дегил,
Агар қонхўр эрканми, ҳайвон дегил.

Гар инсон эса, ухласа доимо,
Не фарки бўлур ваҳшийдан эл аро?

Агар яхшилик тухмини экмади,
Мурод хирманидан унга тегмади.

Эшитган эмасман шу ёшга кириб:
«Ёмоннинг жазоси бўлур яхши!» – деб.

* * *

Деди кимса ўз ўғлига бир замон
(Унутма сен оқил сўзин ҳеч қачон):

«Бил, ўғлим, гўдакларга қилма ситам,
Ўзингдан улуғ жабр этар сенга ҳам.

Сен, эй беақл бўри, ҳеч билмадинг,
Мени шер ёрар, деб хаёл қилмадинг.

Эдим ёшлигимда ажаб зўравон,
Кичикларни ранжитган эрдим чунон.

Едим бир забардаст муштин чунон,
Кичикка мушт урмасман шундан буён».

* * *

Ажам мулкида бир қаландарсимон
Дер эркан: «Аё шоҳ, Нўширавон!

Отанга вафо қилганида бу бахт,
Қачон сенга теккай эди тожу тахт?

Сен олтинни Қорунча йиғсанг – битар,
Қолур хайринг-у, ўзгасин ер ютар».

* * *

Замон наҳсу номардга давлат берур,
Ғарибларга қайғу-машаққат берур.

* * *

Туғилса тузукдир хотиндан илон,
Туғилгунча деви лаиндек ёмон.

* * *

Ит аъло эрур мардумозордан¹,
Кишиларни қийновчи маккордан.

* * *

Бутунликча душманга ўтмай яроғ,
Қўлингда уни сингани яхшироқ.

* * *

Қалам бошига келса ўткир пичок,
Тили бўлгай ўткир, яна яхшироқ.

* * *

Эшит душманингдан хатонгни бутун,
Кўрингай гўзал ҳар ишинг дўст учун.

* * *

Йўлинг устида чоҳ қазилса агар,
Қилур дўст ундан сени бохабар.

Йўл озганга, десанг, йўлинг тўғридур,
Бу унга жафою ситам, зулм эрур.

¹ Мардумозор – одамларга озор берувчи, золим.

Хатонгни демаслар юзинга агар,
Жаҳолат-ла айбингни дерсан хунар.

* * *

Шу хил бўлки, олам десин офарин,
Ёмон демасин ўлганингдан кейин.

Ёмонлик билан умр ўтказмагил,
Сенга токи ёғдирмасин лаънат эл.

* * *

Гар иш ақлу тадбир билан ҳам бўлур,
Яраш ёв билан жангдан афзал эрур.

Енгиш ёвни зўр бирла бўлса қийин,
Керак зар-ла ёпмоқ уруш эшигин.

Агар хавф эса сенга ёв зарбидан,
Тилин боғлагил лутфу эҳсон билан.

Зарар ўрнида ёвга соч сийму зар,
Ёв ўтқир тишин лутф ўтмас этар.

Бўлур чалса тадбир ноғорасини,
Қилур хийла зўрларни чорасини.

Чунон айлагил душманинг ҳурматин,
Кейин пўстини шил, топиб фурсатин.

... Хужум этма душман зўр эрса агар,
Қиличнинг дамин ушлама, қўл кесар!

Зафар бўлса гар сен томонингда ҳам,
Эмас одамият кичикка ситам.

* * *

Агарчи эсанг қанчалик паҳлавон,
Урушдан яраш яхшидир ҳар қачон.

Кучинг етмаса гар муроа билан,
Раводир кўтарсанг қилич унда сан.

Бўйин товлама, ёв яраш истагач,
Жилов тортма, душман кураш истагач.

* * *

Темир қалъани ағдарур саъй этиб,
Қари фикру ёшлар қилич ишлатиб.

* * *

Агар ёвдан ортиқ эсанг қанча ҳам,
Тунаб қолма ёв юртида ҳеч дам.

* * *

Жаҳонгашта эр марду оқил бўлур,
Кўп иссиқ-совуқларни кўрган эрур.

* * *

Гар обод бўлсин, десанг, юрту эл,
Улуғ ишни ҳар кимга топширмагил...

Кичикларга топширмагил катта иш,
Эзолмайди сандонни мушт ёки тиш...

Десангким, хароб бўлмасин бу жаҳон,
Синовсизга топширма иш ҳеч қачон.

Чопар овчи ит шерга пайти билан,
Уруш кўрмаган шер қочар тулкидан.

* * *

Туриш беғам икки заиф ёв аро
Эмас мардлик, ушбу ишдир хато.

Агар тил бириктирсалар ҳар иков,
Бўлурлар жасоратли бир катта ёв.

Бирин макру найранг-ла овора қил,
Бирин янчибон, майли, юз пора қил...

Ёвинг душмани бирла дўстлик зарур,
Ушанда жаҳон унга зиндон бўлур.

Ғажир бўрилар бир-бирини агар,
Шу фурсат аро қўйлар ором олар.

* * *

Қилич қўлда-ю, жангда бўлганда ҳам,
Унутма яраш йўлини ҳеч дам.

Билимли, ҳунарманд, баҳодир эли,
Қилур зоҳиран жанг, ярашда дили.

* * *

Ширинсўз ғаразгўйдан этгил ҳазар,
Бўлур, эҳтимол, ул асалда заҳар.

* * *

Агар банди ичмоқчи бўлганда қон,
Ситамгарнинг қонин сўрар беомон.

* * *

Кишиларга билдирмагил ниятинг,
Кўпинча бўлур гаптошар улфатинг.

* * *

Жаҳонни мусаххар¹ қилурман десанг,
Халойикка шафқат қил-у, қилма жанг.

Агар лутфу шафқат-ла иш бўлса ҳал,
Ёмонлик керак бўлмагай ҳеч маҳал.

* * *

Тирикликда ғам е, сен ўлган куноқ,
Ўғил-қизда мерос бўлур иштиёқ.

Бугун бойлигинг элга бергил – есин,
Сеники эмас ўлганингдан кейин.

* * *

Тиланмаслигинг шукрин эт доимо,
Қурук қўйма эшикка келса гадо.

* * *

Етимлар бошига мудом соя сол,
Арит гарду чангин, тикан кирса ол.

Етим турса олдингда маъюсдил,
Ўз ўғлингни ҳатто ўпиб суймагил.

* * *

Қил эҳсон ёмон бирла яхшига ҳам,
Ҳам эҳсон бўлур, ҳам бўлур дафъи ғам.

* * *

Эзилган кишилар дилин шод қил,
Ўшанда дилинг шод бўлур муттасил...

¹ М у с а х х а р – таслим, тобе, қарам бўлиш.

Босиб, эзма ожизни, эй паҳлавон,
Ўзинг ҳам бўлурсан бироқ нотавон.

Ёмон ҳолга тушганни шод эт дилин,
Унутма, ёмон кун келиб қолмасин.

Қара: шам парвонага ўт қўйиб,
Ўзи ҳам эл олдида битди қуйиб.

Биров балки сендан кўра нотавон,
Биров балки сендан кўра паҳлавон.

Керак, эй ўғил, ваҳший овига зўр,
Кўнгил овламоқликка эҳсон зарур.

Қилиб яхшилик, боғла ёв бўйнидан,
Кесилмас бу занжир сира тиг билан.

Ёмонга ёмонлик қилур дўсти ҳам,
Экиб арпа, ким қилди бугдой ғарам.

Солурсан агар дўстга ранжу алам,
У келмайди, боқмайди рангингга ҳам.

Агар ёвга ким шафқатин кўрсатар,
У ҳам охири балки дўсти бўлар.

* * *

Ёмонларга ҳам меҳрибон бўл мудом,
Тузинг оклагай итга берсанг таом.

* * *

Уятдир адоват қилиш бегуноҳ.

* * *

Табиий эрур хулку касбий эмас.

* * *

Ёмонликка осон ёмонлик қилиш,
Ёмонлик учун яхшилик – оғир иш.

Ҳикоят

Биров сарф этишга ботинмас эди,
Пули кўпу ҳеч кўзи қиймас эди.

Емас эрди оч юрса ҳам туну кун,
На бергай эди хайру эҳсон учун.

Ўзи зар асири кеча-кундузи,
Кишан солган олтинга ҳам шул ўзи.

Билиб олди ўз ўғли пойлаб секин,
У нокас кўп олтинларин кўмганин.

Эшитдим: зар ўрнига тош беркитиб,
Совурмиш бутун зарни барбод этиб.

Сахий мардда у зар тура олмади,
Сал ўтмай кўлида сира қолмади.

Ўзини бўғарди ота дод этиб,
Ўғил базм этарди дилин шод этиб.

Ота ухламай, тунда йиғлар эди,
Ўғил эргалаб қулди, унга деди:

«Ота, зарни йиғманг-у, енг, дейдилар,
Зару тошни кўмганда тенг, дейдилар.

Қазиб конлар, олтин олурлар нечун?
Маишат учун, хайру эҳсон учун!

Хасис илгида бўлса олтин агар,
Ҳали ҳам у тош бағри ичра ётар.

Ўғил-қиз билан емасанг зар туриб,
Сира нолима қарғача оҳ уриб.

Бахил бойда ҳар қанча ҳам бўлса зар,
Илондек бу ганж узра босиб ётар.

Илондек зар устида титрар бахил,
Шунинг-чун турар олтини қанча йил.

Ажал тоши-ла янчадирлар уни,
Зарин тақсим этгайлар ўлган куни.

Чумолига ўхшаб, ташиб е бу кун,
Сени гўрда қуртлар емасдан бурун».

* * *

Ақл қанча зўр бўлса-ю номдор,
Уни ишқ зўри қилур тор-мор.

* * *

Бўлак яхши ном истама – шул етар:
Сени яхши одам деса, эл агар.

* * *

Ақли улуғлар жаҳонда сира,
Ғарибларга кулмас қилиб масҳара.

Кўпинча улуғлар тушиб қолдилар,
Ғариблар улар ўрнини олдилар.

* * *

Агар мард эсанг, ҳеч мақтанмагил,
Зафар топмади мақтаниб кимса, бил.

* * *

Пиёз пўст эрур – бошқа ҳеч нарса йўқ,
У ўйлар ўзин пистадек мағзи тўқ.

* * *

Не фарқи бўлур сувга – бўлса зилол:
Агар кўза олтинми ёки сафол?

* * *

Кўкат киймати ошмагай ҳеч дам,
Агар лолалар ичра ўстанда ҳам.

* * *

Киши пул билан бўлмагай мухтарам,
Эшакдир эшак гар ипак кийса ҳам.

* * *

Ширин сўзли шилгай ғаним пўстини,
Дағал сўзли душман қилур дўстини.

Юзин кимки сандон каби айламас,
Боши болгадан ҳеч зарба емас.

Зафар топса бўлгай ширин сўз билан,
Азобда юрар ким дағалсўз экан.

Ширин сўзни ўрган мудом Саъдийдан,
Дағал сўзли одам ўтар ғам билан.

* * *

Ўзингга ёмонликни кўрма раво,
Дағал сўзли бадбахт бўлур доимо.

Агар йўқ экан сенда молу пулинг,
Бу Саъдийча ҳам йўқми ширин тилинг?

* * *

Улуғлар жафосини кўрмай киши,
Кичиклар азоб чекса ҳам йўқ иши.

* * *

Чунон яхшилик бирла қўйгил кадам,
Ёмонлашга сўз топмасин муттаҳам.

Оғир ботса душман сўзи, англа, бил,
Не айбингни айтса, шуни қилмагил.

Шу одам бўлур менга чин дўсту ёр —
Ки, айбим юзимга деса ошкор.

Эл олдида бўлгунг азиз, мўътабар,
Ўзингни десанг ҳаммадан кам агар.

* * *

Зафарнинг калити сенда йўқ экан,
Очилмайди бахт эшиги зўр билан.

* * *

Дема ҳар садаф қорнидан дур чиқар
Ва ё ўқ нишонга тегар ҳар сафар.

* * *

Ўзига қараб иш қилур мардлар,
Уялмас киши лоф урмас агар.

* * *

Қарокчи эрур яхшироқ, эй жиян,
Ўзини пок кўрсатган ифлосдан.

Риё сиртига бермагил эътибор,
Бу сув остида балчиғу лойқа бор.

* * *

Кўрингай кийим авраси ҳар қачон,
Шунинг-чун у яхши-ю, астар ёмон.

* * *

Керак бўлса сенга агар яхши ном,
Ясатма ташинг, дилни пок эт мудом.

* * *

Есам арпа нонини меҳнат билан,
Шириндир бировларнинг оқ нонидан.

* * *

Қорин бандаси ухламас тун бўйи,
Биров жаз-жузида қулоғи, ўйи.

* * *

Бол излаб, егунча ари наштарин,
Қаноат билан шинни есанг ширин.

* * *

Етук дуршунослар садаф сингари
Очарлар оғиз келса сўз гавҳари.

Сўзи бирла овора сергап бари
Насихат эшитмайди кар сингари.

Агар сўзласанг бетиним, зўр бериб,
Қолурсан биров сўзидан бенасиб.

Дуруст-нодуруст сўзга сабр айлаган –
Эрур яхши ҳозиржавоб лақмадан.

Сўз инсон камолотидир, яхши бил,
Билиб сўзлагил, ҳурматинг тўкмагил.

Якин бўлма сергап кишилар билан,
Ақл ишлатиб, озу соз сўзла сан.

* * *

Юз ўқ отдинг-у, ҳаммаси ҳам хато,
Бир ўқ бирла ур – бўлса ақлинг расо.

Киши йўқда ҳам демас ул сўзни мард,
Агар фош бўлганда келтирса дард.

Биров ғийбатин қилмагил зинҳор,
Девордан нари ҳам эшитгувчи бор.

Дилинг – шаҳру, сир – банди бу шаҳраро,
Шаҳарни очик кўрмасин мутлақо.

Тилидан ёнар шам мажлис аро,
Шунинг-чун тилин йиғди акли расо.

* * *

Ўзин ҳурматин сақлар одам ўзи.

* * *

Мабодо сиринг бўлса фош эл аро,
Ўпиш қайта мумкин эмас мутлако.

* * *

Алангаки, бошдан-оёқ тил эрур,
Бир оз сув билан ўчирилса бўлур.

* * *

Хунарманд киши мен хунарманд демас,
Уни таъриф айлар хунар ҳар нафас.

* * *

Агар сенда мушк йўқ, жим ўлтир, ахир,
Агар бўлса, ҳиднинг ўзи айтадир.

* * *

Ўзини тутар яхши доно киши,
Бировнинг иши бирла бўлмас иши.

Ҳикоят

«Ҳазилми?» дедим, кимса сўзлар эди,
Ўғирликни ғийбатдан аъло, деди.

Дедим унга: «Эй фикри хом, беакл,
Ишонмайди бу қиссага ақлу дил.

Ўғирликда не фазл кўрган эдинг,
Ўғирликни ғийбатдан афзал дединг?»

Деди: «Чунки ўғри жасорат килур,
У мардлик кучи-ла қорин тўйғазур.

Не орттирди ғийбатчи ғийбат қилиб?
Фақат қолди ўзи хижолат бўлиб».

Ҳикоят

Вазифа ер эрдим Низомиядан,
Ўтарди куним дарсу такрор билан.

Мударрисга бир кун аёни дедим:
«Ҳасад қилди менга фалони, дедим.

Қачонким, сўзим маъни додин берур,
Негадир, унинг қорни тарс ёрилур».

Мударрис сўзимни эшитган эди,
Келиб аччиғи, анча афсус еди.

Дедиким: «Сенингча ҳасад-ку хунук,
Дегил, сенга ким айтди – ғийбат тузук?»

* * *

Кишиларни ҳар кимки, деркан ёмон,
Сени ҳам у яхши демас ҳеч қачон.

Ёмонлайди ҳар жойда орқангдан у,
Бировларни ҳам у ёмонларди-ку!

* * *

Демишларки, уч шахсга ғийбат раво,
Ошиб кетса тўртинчисига – хато.

Бири подшоҳу жафокор эрур,
Эл ундан ҳамма вақт безор эрур.

Унинг зулмин айтмоқ ҳалол дам-бадам,
Билиб, эҳтиёт бўлгуси халқ ҳам.

Иккинчи ҳаёсиз – яширма уни,
Ўзин пардасин йиртади ҳар куни.

Ҳовузга тушишдан уни тўсмагил,
Кудукка йиқилгай, ахир, яхши бил.

Учинчи – тарозуда алдоқчилар,
Ёмон феълидан қанча билсанг – гапир.

Ҳикоят

Эшитдимки, бир ўғри чўлдан келиб,
Сейистонга¹ кирди саёҳат қилиб.

Ўзига керакли емак-ичмакин,
Сотиб олди баққолдан у қанчасин.

Тарозудан баққол ўғирлаб эди,
Солиб шовқин, ул ўғри шундай деди:

«Агар тунда йўлни тўсар ўғрилар,
Сейистонлик кундуз куни йўл тўсар.

Ёмон феъл учун тунда ҳам қўрқаман,
Бу кундуз куни қўрқмагай кимсадан».

* * *

Кишиларки, душман сўзин келтирур,
Улар душманингдан ёмонрок эрур.

Киши элтса дўстига душман сўзин,
Қилибдир у душманга чин дўст ўзин.

Туриб юзма-юз сўз деёлмайди ёв,
Мени сўз билан қўрқитолмайди ёв.

¹ Сейистон – Эрондаги вилоят.

Ёв айтолмаган сўзни менга аён,
Дегайсан, шунинг-чун сен ундан ёмон.

Чақимчи яна эски кек қўзғатар,
Ювошган қўнгилни ғазаблантирар.

Сен унга яқинлашма мумкин қадар –
Ки, ўлган илон бошини қўзғатар.

У зиндон аро гар кишанда ётир,
Чақиб юрганидан шу ҳам яхшидир.

Уруш – икки тан ўртасида олов,
Чақимчи ўтин ташигувчи мохов.

* * *

Эрур ҳаммадан ҳам чақимчи ёмон,
Унингдек разил кўрмадим ҳеч қачон.

Бузук фикру нодонлиги бирлан ул,
Бузар икки дўст ўртасини нуқул.

Булар дўстлашурлар бўлиб жону дил,
Уятга қолур ўртада ул разил.

Икки тан аро кимки ўтлар ёкар,
Ақлдан эмас бу, ўзи ҳам ёнар.

Бу Саъдийча хилватда ким завқ олур,
Тилин икки оламдан ул тортадур.

* * *

Хотин бўлса гар поку акли расо,
Эрин шоҳ этар гарчи бўлса гадо.

Кўнгилга мувофиқ эса ёр агар,
Зафар созини чалки, топдинг зафар.

Агар ғамгусор эрса ёр тун бўйи,
У ғамни дема ғам, есанг кун бўйи.

Агар бўлса ёринг иноку гўзал.
Муродингга етдинг – муродинг ўшал.

У бўлса ширинсўзли-ю покдил,
Уни ё хунук, ё гўзал демагил.

Дили пок хотин агарчи хунук,
Ёмон хулқли хушнамодан тузук.

Эри сирка берса, у ҳалво дегай,
На ҳалво ебон эрга аччиғлагай.

Дил оромидир яхши бўлса хотин,
Ёмон бўлса, ундан Худо сақласин!

Эса тўти бир зоғ билан ҳамқафас,
Қафасдан қочиш истагай ҳар нафас.

Бошингни олиб кетгил оворавор
Ва ё бўйнинг эг унга бечоравор.

Ковуш тор эса, киймаган яхшидир,
Уруш бўлса уй, турмаган яхшидир.

Ёмон хотини бўлса уйда агар,
Ҳайитдек бўлур ул кишига сафар.

Ул уй ичра ёп шодлик эшигин,
Уруш бирла шовкин чикарса хотин.

Хотин бўлса нодону ҳам кирюрак,
Хотинмас, бошингга балодан дарак.

Хотиннинг ёмони оғир бир азоб,
Хотин яхшиси ёру олижаноб.

* * *

Узиб гулни, бўлган эсанг шодмон,
Тикан дардини тортасан бегумон.

Есанг бир дарахт мевасин муттасил,
Тикан санчилиб қолса, дод демагил!

Кўча севгиси уйни барбод этар,
Уйингни хотин меҳри обод этар.

* * *

Жахондан кечиб, ғорда жой топса ҳам,
Бутун эл юзига эшик ёпса ҳам,

Қутулмас киши айб изловчидан,
Тузукми, бузукми – ёшинган билан.

Бўлур куч билан тўсса дарё йўлин,
Тўсиш мумкин эрмас чақимчи тилин.

Ва ё тулкилик, хоҳ шерлик билан
Қутулмайсан асло улар дастидан.

Агар кирса хилват аро ҳар киши,
Унинг бўлмаса кимса бирлан иши,

Маломат қилурларки, айлаб риё,
Қочар халқдан дев каби доимо.

Агар бўлса хушсуҳбату покдил,
Демаслар бу покиза ёки асил.

Қийин кунга қолса бирор камбағал,
Дегайлар бу бадбахт эрур ҳар маҳал.

Куйиб йиғласа бир ғарибу гадо,
Дегайлар бу қашшоқ, бу бахти қаро.

Келиб қолса бир бой ва ё подшоҳ,
Дегайлар буни бизга берди Худо.

Бу манманлигу кибр тоқай бўлур,
Бу шодликни орқасидан ғам келур.

Бирор камбағалга келаркан агар,
Шараф, омаду бахту толе, зафар,

Адоват-ла тиш қайрашурлар ҳадеб –
Ки, дунё боқар пасту номардга деб.

Ишинг ўнг келиброқ юришса агар,
Ҳарис ёки дунёпараст дейдилар.

Қўл урмас эсанг ишга ҳиммат қилиб,
Текинхўр дейишгай маломат қилиб.

Бу эзма, дегайлар, гапирсанг сени,
Бу – сурат, дегайлар, жим эрсанг сани.

Демаслар чидамлини бу мард экан,
Дегайлар бошин эгди қўрқув билан.

Агар бўлса бошида мардоналик,
Қочарлар дебон бу девоналик.

Агар кам еса, таън этиб дейдилар:
«Бўлақлар унинг молини ейдилар».

Агар ул топиб еса яхши таом,
Қорин бандаси бўлди, дерлар мудом.

Қилиб балки ортиқча зийнатдан ор,
Кийиб юрса оддий либос молдор,

Ўзидан аяр пулни, бадбахт дебон,
Қилурлар унга тилни ханжарсимон.

Уйини агар ранг-баранг нақш этар,
Танига агар тоза шоҳи кияр,

Ғаразгўйлари таън этиб ҳар куни,
Ясангай хотинларча, дерлар уни.

Сафар қилмаса гар дили пок эр,
Сафар қилгувчи они номард дер.

Дегайким, хотин олдидан чикмагай,
Ўзин ақлини то ҳануз йиғмагай.

Жаҳонгаштанинг ҳам шилиб терисин,
Дегайлар у сарсону бадбахт, лаин.

Унинг бўлса бахтдан насиби агар,
У бўлмас эди дарбадар, дейдилар.

Хотинсиз йигитни ғажиб бир талай,
Дегайлар: гуноҳига ер титрагай.

Хотин олса, дерларки, нафси учун
Эшакдек ботиб қолди лойга бу кун.

Ғажирлар кўримсизни ҳам ҳар нафас,
Гўзалларни қандай улар чайнамас.

Агар чиқса жаҳлинг бирор он сени,
Дегайлар бу жоҳил, паришон сени.

Биров бирла қилсанг муроса агар,
Бунинг ғайрати асли йўқ, дейдилар.

Дегайлар сахийга насиҳат қилиб:
«Пулинг қолмагай, сарф қилгил билиб».

Қаноат била юрса, қўйса қадам,
Маломатга қолгай у бечора ҳам.

Дегайлар у нокас отадек ўлар,
Кетар қайғу тортиб, бу дунё қолар.

Кишидан киши ҳеч қутулмас экан,
Асир ўз иложин топар сабрдан.

Ҳикоят

Бир оқил, ҳунарманд йигит бор эди,
Жуда нотику марду хушёр эди.

Художўю покизадил, хушқилиқ,
Қаро мўйлаби ҳуснихатдан силлик.

Луғатдон, билимдону илми етук,
Деёлмасди «ш» ҳарфин аммо тузук.

Бир оқил кишига дедим бир куни:
«Тиши йўқми олдин қаторда уни?»

Менинг бу сўзимдан қизарди шу он,
Деди: «Бу каби сўзни айтмоқ ёмон.

Кўзингни юмиб бир талай фазлидан,
Кўриб биргина айбини айтасан».

* * *

Киши яхши кун кадрили билмагай,
Ёмон кун агар бошига келмагай.

Совуқ йилда қишлаш ғарибга оғир,
Бадавлат киши қайда сезгай, ахир.

Агар йўлда чакқонсан-у довьюрак,
Шукр қил, юролмасга бергил кўмак.

Қариларга ёшлар кўмак айласин,
Ғарибларни давлатлилар қўлласин.

Сув кадрили сен кемачидан кўра,
Қурук чўлдаги ташналардан сўра.

Киши дард чекиб то касал бўлмагай,
Тани соғлик кадрили билмагай.

Қоронғи кеча кўп узайган билан,
На билсин уйида қотиб ухлаган.

Иситма азобида ўтқарса тун,
Шу одам билурким, тун эрмиш узун.

* * *

Емас чўлда қолган ғамин карвон,
Ўзи манзилида курибдир қозон.

* * *

Шошилмангиз, илдам йигитлар, қаранг,
Қаторда қарилар келурлар аранг.

Тагингда сенинг тулпоринг бор – учар,
Яёв ҳоли не кечди – сен беҳабар.

Уларким, ётар тахтада боҳузур,
Қачон қорни очларнинг ҳолин билур?

Ҳикоят

Бир одамнинг миршаб қўлин боғлади,
Бу ҳолат дилин тун бўйи доғлади.

Етишди қулоғига мунгли садо:
Қилур кимса йўқликда нола-наво.

Қўли боғлиқ ўғри эшитгач буни,
Деди: «Нола тоқай? Бор, ол уйқуни!»

Худога шукр қилгил, эй камбағал,
Қўлинг боғламабдир-ку миршаб – дағал!

Фигон этма бечоралиқдан сира,
Ўзингдан ҳам ожиз киши бор – қара!»

* * *

Ёмон кетидан тушмагил аввало,
Тушибсанми, маҳв эт уни мутлақо.

* * *

Тили бўлса эди ўликда агар,
Дер эрди қилиб доду фарёдлар:

Умр ўтди бизларда ғафлат билан,
Қўлингдан бу фурсатни бой берма сан!

* * *

Минг афсуски, шундай ажойиб ҳаёт,
Яшиндек ўтиб кетди тез, бесабот.

* * *

Пиёла синиб, унга тушса қадок,
Унинг нархи тушгай ўшал ондаёқ.

* * *

Умидинг агар эрса хирмон қилиш,
Экинни қил ўз вақтида парвариш.

* * *

Бу боғ сарви қанча баланд бўлса ҳам,
Бошини ажал ели қилгувси ҳам.

Топар воя ўттиз йил ичра ниҳол,
Емиргуси бир зумда қаттиқ шамол.

Жигарни кабоб этди бу икки байт,
Рубобчи ўқирди эсимда у пайт:

«Минг афсуски, бизсиз келур кўп баҳор,
Очилгай қулиб, яшнагай лолазор.

Келур фасллар, қанча йиллар, эсиз,
У вақтларда биз ғишту тупроқмиз...»

Ҳикоят

Топиб олди бир тилло ғишт бир киши,
Ҳамиша художўйлик эрди иши.

Тўсиб ақлини, қилди тилло гаранг,
Бу савдо билан қалбини босди занг.

Бутун тун бўйи ўйича дер эди,
Туганмас умр бўйича дер эди:

«Ялинмоқ, тиланмоқ билан қоматим
Бировга эгилмас, кетиб ҳурматим.

Солай ости мармар ажойиб бино,
Тўсин, васса, шамшоду уд, ҳоказо.

Солай бир гўзал ҳужра дўстларга хос,
Очай боғдан эшик, ёзай соз палос.

Зерикдим бу йиртиқ-ямоқ дастидан,
Ўчоқ тафтида ёнди-ку жону тан.

Пиширсин таомларни ошпаз келиб,
Қилай парвариш жонни роҳат қилиб.

Жуда қийнади жонни қаттиқ наमत,
Ўтай парку, шоҳида энди фақат».

Кетиб ақли, бўлди ўзи телбағоб,
Бошин мағзи ҳирс панжасида хароб.

Чиқиб кетди сахрога мағрурланиб,
На турди, на ўлтирди у айланиб.

Биров гўр ўйиб, лой қиларди шу кун,
Бу гўр лойидан ғишт қуймоқ учун.

Чуқур ўйга ботди ўшал дамда чол,
Деди нафсига: «Кўргил-у, ибрат ол.

У ғиштга дилинг бердинг, эй беҳабар,
Сени лой қилиб, бир куни ғишт куяр.

Тама оғзи очиқ эрур доимо,
Юмилмайди бир луқмадан мутлақо.

Кеч, эй химмати паст, бу ғишт меҳридан,
Тўсолгунгми дарёни бир ғишт билан?

Пулу мол йиғишни килурсан хаёл,
Этиб умр сармоясин поймол.

Ғурур чанги ақлинг кўзини тўсар,
Кибр ўти умр хирмонига тушар.

Ғурур сурмасидан пок этгил кўзинг,
Ўтиб гўраро сурма бўлгунг ўзинг».

* * *

Биров маргидан бўлмагил шодмон,
Сени ҳам тирик қўймагай бу жаҳон.

Бу бош охири бўлгусидир фано,
Дегайсан кўзи йўқ эди мутлақо.

Чопардим баланд тепани бир замон,
Қулоғимга етди бу оҳу фиғон:

ШОИСЛОМ ШОМУҲАМЕДОВ ТАРЖИМАСИ

Дур бор жойда бўлур ҳам оддий садаф,
Боғда баланд сарвлар ичра ўт-алаф.

* * *

Тўн ўзи хоҳ кимхоб, хоҳ шоҳи бўлур,
Астар ости оддий пахтага тўлур.

* * *

Яхши ҳам, ёмон ҳам қолмайди мудом,
Яхшиси олиб кет бундан яхши ном.

* * *

Жаҳонни кўп кўрган донишманд киши,
Сафарда мўл юриб чиникмоқ иши.

* * *

Бирликда ўтмаса маълум бир муддат,
Кимса ичин билиб бўлмайди албат.

* * *

Нима ҳам деярди менинг душманим,
Яхшиликни қачон кўрибди ғаним.

* * *

Билмадим кўргандим қай бир китобда,
Айтай эсга келиб қолди шу топда.

Бировнинг тушига кирибди шайтон,
Қомати тик эмиш нақ сарви равон.

Юзлари гўзалмиш бамисоли хур,
Юзидан куёшдек таралармиш нур.

* * *

Ким абад яшамоқ умидин қилур?
Абад яшаганни қани ким билур?

Ким бойлик, сийму зар қолдириб кетди,
Ўлгач, ворислари тагига етди.

Ким йиғиб қолдирар олтин, бойлик, мол,
Кўз юмгач, тез кунда бўладир поймол.

Кимки кишиларга айлади эҳсон,
Ҳар нафас ёғилур раҳмат фаровон.

Яхши ном қолмаса улуғдан, ишон,
Ўлгач йўқолур у беному нишон.

* * *

Ғафлат пахтасидан бўшалса қулоқ,
Мурдадан ҳам ўгит тингларсан шу чоғ.

Яхши киши юрмас ёмонлик сари,
Яхши хулқли ўтмас яхшидан нари.

Яхшиликка етиб боролмас ёмон,
Кўпинча етолмас уйига чаён.

Бошқалар нафини ўйламас одам,
Оддий тошдан хордир, оддий тошдан кам.

Хато сўзладим, эй хуш одатли ёр,
Одамга темир, мис, тошнинг нафи бор.

Ундайин одамга ўлим ва уят,
Тошча ҳам бўлмаса унда фазилат.

* * *

Кўлингдан келганча меҳнат қил, меҳнат,
Меҳнатдан ёғилур бошингга раҳмат.

* * *

Халққа яхшилик қил, эй бахтли одам,
Бир кун оғир кунга қолма ўзинг ҳам.

Йиқилганлар кўлин тутганлар охир,
Йиқилса ҳам бўлмас андуҳга асир.

Меҳнаткаш мискинга зулм этма зинҳор,
Балки бўлар бир кун ул ҳам ҳукмдор.

Шукуҳу давлатинг бўлур мустаҳкам,
Оддий халққа зулм этмасанг ҳечам.

* * *

Калтафаҳм солар адоват дилга.

* * *

Кўп зўравон кўрдим бу кун бемажол,
Кўп заифга охир бокмиш бахт-иқбол.

Ҳукмингдагиларга айлама зулм,
Балки бир кун ўзинг бўлурсан мазлум.

* * *

Заифга зулм этиб, зўравон бўлма,
Чумолидек бир кун нотавон бўлма.

Ожиз йиқилганлар дилини шод қил,
Ожизлик кунларни ўзинг ҳам ёд қил.

Бошда фикрин билсанг гар халққа жафо,
Қилич билан бошин тандан қил жудо.

Оддий қилич, найза, билки, жанггоҳда
Шакарқамишдан ҳам қимматдир гоҳда.

Нечук яхши масал демиш ул дехқон:
«Тепонғич отга қўй оғир юк чакқон».

Мушук асрасанг, ул қаптарни олур,
Бўри боксанг, чангал Юсуфга¹ солур.

Баъзилар бойликка арзимас сира,
Бирига мол, бирин қулоғин бура.

Қай бино асоси эмасдир маҳкам,
Баланд кўтармагил, бермагил ҳашам.

Сув бошини тўсмоқ мумкин бел билан,
Тошиб кетса, ўтиб бўлмас фил билан.

Дажла суви озлик пайти ташла дам,
Удда қилолмайсан суви тошқин дам.

Бўри қўлга тушса, тезроқ бошин уз,
Йўқса қўйларингдан умидингни уз.

Илон кўрсанг, излаб юрмагил таёқ,
Тош бўлса, бошини айлагил мажок.

Қаламдан оқизса халқ кўз ёшини,
Қаламдек тарашла унинг бошини.

¹ Бу ерда Юсуф алайҳиссаломга ишора қилинмоқда.

«Ҳушинг бирла тешангни охиста ур,
Юзу кўзу бошу кулок шундадир.

У кун шох эдим – мулким эрди жаҳон,
Қаро ерга тенгман, қара, бу замон».

Ҳикоят

Боқарди биров бўрининг боласин,
Бирок улғайиб, ёрди ўз хожасин.

Ўтиб жон бериш холагиди эди,
Ширин сўзли бир кимса шундай деди:

«Шу хил сийласанг душманингни агар,
Билиб қўйки, пайт топса, қорнинг ёрар».

Ҳикоят

Бир аблаҳ ўзи эл ҳақин ер эди,
У ҳар дамда шайтон лаин дер эди.

Кўриб йўлда, шайтон унга дедиким:
«Сенингдек разил дунёда кўрмадим.

Ахир, дилда-ку иккимиз дўстмиз,
Нега тиғ кўтардинг менга, бетамиз?!»

Ўлтириб колибди, дебди: «Во ажаб,
Фариштами дебман ҳуснингга караб.

Гар ҳуснинг шул бўлса тўлин ой мисол,
Нечун хунукликка сен бўлдинг тимсол?

Қинғир деб билурлар сенинг қоматинг,
Ҳаммом ичра чизиб хунук суратинг?»

Бу сўзни эшитиб шайтон бечора
Бир оҳ уриб, дебди дили минг пора:

«Чеҳрам тўлин ойдек, қоматим алам,
Айбим шу – душманам қўлида қалам».

* * *

Тарозудан уриб турган савдогар,
Мухтасиб олдида кўркиб қалтирар.

* * *

Сўзим тўғри бўлса, дилим бўлса пок,
Ғийбатчи сўзидан кўнгилга не бок!¹

* * *

Ишим, сўзим тўғри бўлса, не ғамим,
Нима деса-десин ғийбатчи ғаним.

* * *

Сен ўзинг салтанат тахтида ўтир,
Аммо дарвешона пок умр кечир.

¹ Б о к – 1) кўркинч, хавф, ваҳм; 2) андиша, парво.

Йиртқичдан яхшими ҳар бир киши ҳам,
Йиртқичдан баттароқ ёмон хулқ одам.

Йиртқичдек одамга ташланмоқ иши,
Демак, ҳайвондан паст ундайин киши.

* * *

Кани хушсўз табиб не дер, кулок ос:
«Аччик дори қилур дардингдан халос!»

* * *

Элга хотиржамлик келтирган одам,
Улгач тупроқ ичра ётар хотиржам.

* * *

Бойлигинг сарф айла – сеники бугун,
Ихтиёри сендан кетар эрта кун.

* * *

Ғариб бечоралар дилини шод қил,
Бечора кунларинг эслагил, ёд қил.

* * *

Етим гар йигласа, ким овулар, ким?
Агар у ранжиса, кўлин тутар ким?

Шафкат бирла арит кўзин ёшини,
Чехрасин пок айла силаб бошини.

Бошидан кетмишдир гар соябони,
Сен айла парвариш, бўл нигоҳбони.

Парвона ҳолига ачинмайин шам,
Охир куйиб адо бўлур ўзи ҳам.

Сендан ожизлар кўп атрофингда жам,
Сендан кучлилар ҳам эмасдирлар кам.

Кечир, овга чиқмоқ эсанг, эй ўғил,
Ваҳшийни ҳам эҳсон билан ром қилғил.

Ёвни арқонласанг илтифотингдан,
Бу бандни кесолмас қиличи билан.

Дўстни душман этар ҳар ёмон қилиқ,
Ёмонлик тухмидан чиқмас яхшилик.

Дўст бошига солсанг андуҳ-алам, бас,
Дийдоринг кўрмоқни қилмағай ҳавас.

Кимки душманига яхшилик этар,
Ажабмас, ғаними дўст бўлиб кетар.

* * *

Ваҳший фил ҳам бўйнин эгиб эҳсонга,
Ҳамла қилмайди-ку ожиз филбонга.

Майли, ёмонга ҳам бўлғил меҳрибон,
Сени саклағай-ку итга берсанг нон.

* * *

Ҳар ким қилганича топади шуҳрат.

* * *

Ёмонга яхшилик қилурсан нечук,
Ёмонлиги ортар қарасанг тузук.

* * *

Шоҳлик ишқ гадосин кўзида аянч,
Гадоликда сабру матонат, таянч.

* * *

Аччиқмас, дўст ёди сочиб турса нур,
Дўст кўлидан аччиқ келса ҳам шукур.

Маломатга чидар ёрдан маст кўнгил,
Маст туя зил юкни кўтарар енгил.

Ишқ асири эрк деб биладир бандин,
Ови халослик деб билар камандин¹.

* * *

Донадан кўкариб, экин топмас қут,
Агар дона ўзи бўлмаса нобуд.

Қачон худбинликдан узоқ кетарсан,
Фақат шундагина ҳаққа етарсан.

Ўзинг билан ўзинг ўрашиб қолсанг,
Ажабмас, ҳақ йўлни тополмай толсанг.

* * *

Куйчи куйи тамом бўлмайди ҳеч чоғ,
Аммо унга доим солишмас қулоқ.

* * *

Мени на олову на бу гул тортар,
Ўтга мени асли ошиқ дил тортар.

¹ К а м а н д – банд, кишан, сиртмоқ, занжир.

* * *

Нечун айб қилишар дўстга интилсам,
Мен учун шараф дўст пойида ўлсам.

* * *

Бош садоқатли ёр кўйида фидо,
Чин ошиқ қиладур ўзига жафо.

* * *

Аччиқ ёш тўкмагил дўст мазорида,
Унга мақбул ишни қилгил борида.

Ошиқ эрсанг, дилда бўлмасин кўркув,
Саъдийдек дилингдан ғараз гардин юв.

Ишк аҳли беғараз фидо қилур бош,
Чидайдир бошига ёғса тийру тош.

Дарёга бормагил, дедим-ку, охир,
Бордингми, ўзингни тўфонга топшир.

* * *

Халк ичра кўтарсанг хушхулқ деган ном,
Ундан ортиғини истама, тамом.

Ўз тенгига боқса баланддан киши,
Ҳеч ким улуғ демас, шудир ақл иши.

Гердайган кўринар кўзингга нечук,
Сен ҳам кибр этсанг ўшандай хунук.

Баланд мартабага эришган бўлсанг,
Ақлдан йироксан, пастларга кулсанг.

Кўп бўлар катталар тушиб қолгани,
Пастдагилар улар ўрнин олгани.

* * *

Ким пастроқ ўтирса сақлаб иззатин,
Баланддан қувилмас хўрлаб ҳурматин.

* * *

Дедим: «Исбот учун пухта ҳужжат, бас,
Кекирдак томирин йўғони эмас».

* * *

Калла бўш бўлса-ю, каттакон салла,
Бефойда ундайин саллаю калла.

* * *

Гар одамнинг бўлса сурати фақат,
Гапирмай ўлтирсин мисоли сурат.

* * *

Мартабанг оширгил ҳунаринг билан,
Зухалдек¹ баландда бўлмас наҳс², тубан.

* * *

Шу ақлу ҳиммат-ла демасман одам,
Ортингда юз қулинг саф-саф борса ҳам.

* * *

Бир хомтама лойдан олганда ўраб,
Эшакмунчоқ айтмиш ажиб яхши гап.

¹ З у х а л – Сатурн сайёраси.

² Н а х с – бу ерда: бахтсизлик. Ўтмиш мунажжимларининг айтишича, Зухал бахтсизлик белгиси ҳисобланади.

«Мени ҳеч ким олмас, сен олдинг якка,
Жиннидек ўрама яна ипакка!»

* * *

Дили озор топган сўзлагай дағал.

* * *

Ёмонга ёмонлик қилмоқлик осон.

* * *

Ким ўзи каттадан кўрмаса жабр,
Кичиклар ҳолига ачинмас ахир.

* * *

Узоқ кетар бўм-бўш довул овози!

* * *

Кимда ақл равшан ва ҳам дили пок,
Душман бўҳтонига парвосиз бебок¹.

На ақл одати, на билим иши,
Найрангдан панд еса, ақлли киши.

Ақлли ўз иши билан бўлса банд,
Бадният тилига осон солар банд.

* * *

Ким ўзин ҳаммадан билади камтар,
Эл олдида ўша бўлур мўътабар.

Бу хокий оламда ўшал киши пок,
Бошқалар пойида ўзин билса хок.

¹ Б е б о к – ботир, кўркмас.

* * *

Кўп ажаб – ўлса-ю хушзабон булбул,
Соясидан униб гар чикмаса гул.

* * *

Қазога чанг солур ақлсиз инсон.

* * *

Қоринга қадалса мўғул ўқи, бок,
Ортикча овқатдан ўша яхшироқ!

Ичакда бир луқма тўхталиб қолса,
Ажабмас, бутун бир ҳаёт йўқолса!

* * *

Ўз дардига даво тополмас табиб,
Ўзгаларни қандай даволар, ғариб.

* * *

Ҳар ишда бўлмоғи керак андоза,
Қилмаган ишингни қилма овоза.

* * *

Ўзин пок курсатар нобакор, бироқ –
Йўлтўсар қароқчи ундан яхшироқ.

* * *

Сочган донанг тушса тошга муттасил,
Кузда ололмайсан экиндан ҳосил.

* * *

Дили нопок бўлса, иши ярамас,
Ҳеч қандайин обрў уни юволмас.

* * *

Бир халта шамолнинг нима вазни бор.

* * *

Жаҳонга одамлик этурсан кўз-кўз,
Ичинг бўлса ипак, ташинг майли бўз.

* * *

Ҳазилмас Боязид¹ сўзи, сол кулок;
«Менга гуноҳордан мурид қўркинчрок».

* * *

Дилингда тарбият этсанг дурри пок,
Садафдек хилватда ўлтирсанг, не бок.

* * *

Қорин деб бўлмагил хижилу дилтанг,
Дилтанглиқдан кўра бўлсин қорнинг танг.

* * *

Овқат хоҳ шириндир, хоҳи бемаза,
Оч бўлсанг, иштаҳа едирар тоза.

* * *

Биргасан ёв – нафсинг ғамхона билан,
Нечун жанг этарсен бегона билан.

Нафс жиловин торта олсанг ҳаромдан,
Мардликда ўтарсан Рустаму Сомдан².

¹ Б о я з и д – машҳур тасаввуф пири, гайфурия тарикатининг асосчиси Боязид Бистомий (вафоти – 961).

² С о м – Рустами Достоннинг бобоси.

* * *

Одамлар бошига ургандан таёк,
Ўзингга гўдакдек чўп ур, бер сабоқ.

Аввало ўзингга кучинг етмаса,
Ажабмас, ҳеч кимса писанд этмаса.

* * *

Вужудинг бир шаҳар, яхши бор, ёмон,
Вазиринг ақлингдур, сен унга султон.

Розилик, тўғрилиқ – яхши фуқаро,
Йўл тўсар ўғридир ҳавас ва ҳаво...

Шахвату хирсу кин, ҳасад беомон,
Томиринг ичра қон, тананг ичра жон.

Бу душманлар агар топса тарбият,
Ҳукмингга қилмаслар асло итоат.

Ақл панжасидан огоҳ бўлган он,
Ҳавою ҳавасда қолмагай дармон.

Кўргансан тунлари ўғри, паст, палид,
Қоровул бор жойга тополмас калит.

* * *

Ёпик бўлгандайди оғзинг гунчадак,
Гулдек йиртилмасди ёқа ва кўйлак!

* * *

Сўзлари бемаъни ёлғончи, каззоб,
Лоф урар мисоли ичи бўш рубоб.

* * *

Тўнимни йиртса ҳам қилардим тоқат,
Тоқат қилолмайман бошласа ғийбат.

* * *

Ўғил ёши ўндан ошгач яхши бок,
Номаҳрамлардан у ўлтирсин йироқ.

Пахтага оташни яқин келтирма,
Уйинг куйиб кетса, йиғлаб ўлтирма.

Яхши ном қолдирмоқ истарсан агар,
Ўғлингга ақл бер, ўргатгил ҳунар.

Ақлу одобида бўлса гар нуқсон
Ўларсану сендан қолмагай инсон.

Ўғилни эркалаб ўстирмоқ хато,
Ундайлар ҳаётдан кўрар кўп жафо.

Чидам бер – тотисин турмуш кўп-озин,
Жонингдан севсанг-да, кўтарма нозин.

Ёшлиқдан одоб бер, бер илму ҳунар,
Яхшиликка ўргат, ёмондан қайтар.

Янги иш бошласа мақтов ва таҳсин,
Устоднинг дўқидан яхшидир билгин.

Қорунча хазинанг бўлса ҳам агар,
Фарзандингга ўргат албатта ҳунар.

Бойлик, давлатингга суянма зинҳор,
Бойлик бебакодир, давлат беқарор.

Сийму зар кетади, бўшар ҳамёни,
Бўшанмайди асло ҳунарманд ёни.

Билолмайсан замон не килур охир,
Ғурбат бошга тушар, килур мусофир.

Агар бўлса киши қўлда ҳунари,
Қўлин чўзмагай ҳеч кишилар сари...

Ким итоат юкин тортар беминнат,
Ўзгалар ҳам унга этар итоат.

Ким ёшликда устоз жабрини чекмас,
Ҳаётда кўп жафо чекса, ажабмас.

Ўғлингга яхши боқ, хориб-толмасин,
Ўзгалар қўлига караб колмасин.

Ким фарзанд ғамини емади ўзи,
Жовдираб қолади ўзгага кўзи.

Ёмон муаллимдан сақлагил уни,
Ўргатади ўзи не билса шуни.

* * *

Ёмон фарзанд бордан йўғи яхшироқ.

* * *

Биров илмдону бўлса тадбиркор,
Ногаҳ тойиб кетса оёғи якбор¹.

Кичик бир хатога гапирма қўпол,
Улуғлар демишлар: «Яхшилиқни ол!»

¹ Я к б о р – бир бор.

Бирга ўсади-ку тикан бирла гул,
Эй оқил, тиканмас, гулни даста қил.

Таъби айбжўйлик¹ бўлса агар бас,
Товус оёғидан бошқасин кўрмас.

Тозалик ахтаргил, эй кўзи хира,
Не кўрсатар кўзгу гар юзи хира?

Барча айбин юзга солма, эй ғаддор,
Сенинг айбингни кўрсатувчи бор.

Гуноҳкорга дарра, чўп буюргани,
Ўзини гуноҳсиз билурми қани?

Ёмонлик ёқмаса, ўзинг қилмагил,
Кейин бошқаларга қилмагил дегил.

Яхшию ёмони ўзининг моли,
Ҳар ким ўз фойдаю зиён ҳаммоли.

* * *

Бир иллоти бордир худписанд² сўзин,
Ҳасад кўр қилгандир ҳақиқат кўзин.

Ҳар кўзу қош яхши демагил, дўстим,
Писта мағзини е, ташлагил пўстин.

* * *

Боғу бўстонда гар тонг ели эсар,
Ёш кўкатлар яшнар, ниҳоллар ўсар.

¹ А й б ж ў й – бировнинг айбини кидирувчи, қора ниятли.

² Х у д п и с а н д – ўз манфаатини кўзловчи, худбин.

Ёш кўкат чоғида яшнайти бошок,
Шу елдан синади сарғайган машок,

Баҳор ели билан новдалар кулар,
Кекса дарахт куруқ барги тўкилар.

* * *

Товус патин ёйиб юрар сервикор,
Не кўрсатар пати юлинган шункор.

* * *

Ким баҳорда арпа экибди ерга,
Кузда буғдой ўрмас, ботса ҳам терга.

* * *

Уйқудан уйғонмоқ лозимдир бугун,
Ҳеч илож топилмас ўлимдан кейин.

* * *

Бошқалар ўрнига сен ўлтирдинг гар,
Сенинг ўрнингга ҳам келар бошқалар.

Кеча ўтиб кетди, эрта маълуммас,
Шунинг-чун ғанимат билгил ҳар нафас.

* * *

Душманидан бир кун кейин қолса ҳам,
Унинг ўлимида чекмангиз алам.

* * *

Биров ўлимидан шодланма андак
Сени ҳам қўймагай узоқ бу фалак!

* * *

Биров шоҳ дўстини кўп ранжитибди,
Шоҳ уни ёвига «инъом» этибди.

Душмани кўлида ётаркан асир,
Зор йиғлаб ўзига ўзи дер: «Басир,

Агар ўз дўстингга бермасанг озор,
Қилолмасди сенга бунча зулм ағёр!»

Ақлинг бўлса, дўстдан ўгирма юзинг,
Душман журъат этмас ўймоққа кўзинг.

Ранжитиб юборди кимки ўз дўстин,
Душмани пайт пойлаб, шилади пўстин.

Ким агар дўст ила бир жону бир тан,
Ғанимни қўпориб ташлар илдиздан.

* * *

Танҳо йўл юрмоқлик дунёда қийин.

* * *

Яхшилар кетидан қолмай чопарсан,
Эзгу тилагингни шунда топарсан.

* * *

Баъзи хомтамалар сочмай уруғ, дон,
Кўтармоқчи бўлар деҳқондек хирмон.

Саъдий кўчат экиб, мевасин еди,
«Ким дон сочса, хирмон кўтарар», деди.

* * *

Барча дилда васли гул орзусидан бор эҳтирос,
Ўйлама бул эҳтирос бор булбули танҳо аро.

* * *

Андуҳи фироқи тоғ каби зил,
Елдекки, насиҳат этса устоз.

* * *

Ишк келди-ю, ақл йўқолди шул он,
Шавқ келгани дам сабр еди панд.

* * *

Куш дон тама этди-ю тузоқда,
Гўшт тама этиб, бўри қўли банд.

* * *

Қоқилдимү ҳикматини билдим:
«Панд еб олур одамий, ахир, панд».

* * *

кор қилмас, ахир, сенам билурсан,
Девонага гап гапирса нодон.

* * *

Гар жабри рақиб ўтар чидарман,
Аввал тиканак берар-ку хурмо.

* * *

Саъдий аламинг ичингда тутгил,
Ёв билса этар-ку хору расво.

* * *

Гар деса ҳасадчи бор у ёкқа,
Бундан кейин бормагил сен асло.

* * *

Мол, амал бўлмаса ҳам ғам емас соҳибжамол.
Ойжамолга не даркор олтин-кумуш тақинчок.
Гўзал кийим ичида одам бўлмаганидан,
Жулдур либосда одам бўлгани кўп яхширок.

* * *

Чархдан нолимагил, феълингдан ноли.

* * *

Эшитдим дардманд бир бева кампир,
Ерга сажда қилар тилда бир шева:
«Беваларга кимки меҳр кўргазмас,
Ундайлар аёли қолсинлар бева!»

* * *

Аҳду паймон этса дўстлар, ҳеч ғаним кўрқинч эмас,
Шарти дўстлик шул эрур, паймонини бузмайди ёр.
Мингта қил гар айру-айру бўлса, қилча қуввати,
Битта арконга эшилса, узолмас Исфандиёр¹.

* * *

Самарқандлик этдим мен гумон,
Жайхунга чўкарди бир одам.
Дод солиб, зор йиғлаб бўкирар:
«Оҳ, кетди қалпоғим, оҳ саллам!»

¹ И с ф а н д и ё р – Эрон подшоҳларидан Гуштаспнинг ўғли.

* * *

Дерлар: бу дўстни қўй, феъли кўп ёмон,
Яхшиликдан устун ёмони чандон.
Худо ҳаққи, бизнинг орадан кетинг,
Дўстдан келса яхши ҳар не, ҳар қачон.

* * *

Билдингми, нечун тилга дил рози чикди,
Дил қуши ич-ичдан парвози чикди.
Мендан ажабланма, ҳовончага боқ,
Ёрдан жафо кўргач овози чикди.

* * *

Яхшилик ёрдамин яхшиларга қил,
Яхшига яхшилик яхши – буни бил.

* * *

Ниҳолин ўстирар дарахт кўп замон,
Бир зумда кўпориб ташлайди бўрон.

* * *

Давлатинг борида ишинг сол йўлга,
Ўтиб кетажакдир у қўлдан-қўлга.

* * *

Дунёда қилаверма ҳар нарсага эътибор,
Йўкликка мойил эрур ҳар неки оламда бор.

* * *

Ким дўстлар дилини тирналар экан,
Иттифок йўлига экади тикан.

* * *

Дилни агар ёлғон холи этса шод,
Ташвиш солган ростдан соз, дер одамзод.

* * *

Кўп кўринар чодир ичра қомати жононаси,
Очиб боқсанг, қариликда оналарнинг онаси.

* * *

Қуш борар ҳар жойга агар дона бор,
Донаси йўқ жойда қушга-да на бор?

* * *

Тавозе барчага хуш ёқар бир мол,
Аммо ҳар нокаса қилмай қўяқол.

* * *

Тирикка ўлик қилур насиҳат бирам,
Тингла қулоғингга хуш ёқмаса ҳам.

* * *

Тиғ билан забт этсанг гар бутун олам,
На фойда, кетурсан дилингда алам.

* * *

Умрингни бой берма чекиб надомат,
Фурсат ғанимат бил, фурсат ғанимат.

* * *

Камчилик, афзаллик бир эмас, лекин,
Одамда иккисин топмоқ ҳам мумкин.

* * *

Сўзла жавобига чидолсанг ўзинг,
Арпа экиб, буғдой кўрмагай кўзинг.

* * *

Кимда йўқтур ақлу ҳиммат, тадбир, рой,
Тўғриси, мардумдан¹ холи бу сарой.

* * *

Бир кесакдан лойқамас азим дарё,
Арикча экан-ку, зудранж² бу доно.

* * *

Кўлингдан келса, ширин қил ўзгалар оғзин ҳамон,
Оғзига мушт туширишни этмагил мардлик гумон.

* * *

Суворий жанг маҳали кўрсатаркан орқасин,
Ўзин эмас, ўлдиран ботирларнинг қанчасин.

* * *

Кимки ўз аҳлига эмас вафодор,
У на донишманд, на дўстга фидокор.

* * *

Завки жаҳондин йироқ дўстдан айру яшамок,
Ниҳон ўтда қолмишдир дуд ичра бошим бу чок.

* * *

Оқса ҳам минг турли мева, нозу неъмат шарбати,
Фойдада афзалдир ундан дўстларнинг суҳбати.

* * *

Урушни бурун бошлаган чоғда ёв,
Гуноҳкор ўзи – қир уни беаёв.

¹ Мардум – киши, инсон.

² Зудранж – дарҳол хафа бўладиган, жиззаки.

* * *

Олиҳиммат қўлида молу дунё турмас, у –
Ошиқ дилида чидам, ёки ғалвирдаги сув.

* * *

Менингсиз авжга минса ишлари бас,
Бирор сўз айтмагим унга ярашмас.

* * *

Ишонма ёмон қилса ширин мақол¹,
Асалга заҳар қотмоғи эҳтимол.

* * *

Устдан кўринганчамас ҳар нарсанинг ичи ҳам,
Баъзи ширин нарсанинг ўртасида заҳри жам.

* * *

Мардумозордан бадбахтроқ ким бор?
Мусибатда қолса, ким бўлади ёр?

* * *

Мазлум озорига мойил бўлмағил,
Халқ дили дудидан ғофил бўлмағил.

* * *

Раҳмдиллик одамда олий хулқ, аммо,
Дилозор ярасига қўймағил малҳам.

Айлама раҳм-шафқат илон хайлига,
Бу ишдан озор топура фарзанди одам.

¹ Мақол – сўз, нутқ.

* * *

Маъшуқа висоли бўларкан йирок,
Лозим дийдорига яхшилаб тўймок.

* * *

Сен пок бўлу ҳеч кимсадан кўркма, биродар,
Кир либосин тошга уриб, ювар кирчилар.

* * *

Кимнинг пок бўлса ҳисоби,
Кўркитолмас уни ҳисоб-китоби.

* * *

Шодликнинг шеваси карамдир, карам,
Ҳаётнинг меваси карамдир, карам.

* * *

Кўп ваҳима сўзлар ёлғончи газоф¹,
Танбур боши бўш-да, уради кўп лоф.

* * *

Аввал ўйлангиз, сўнгра сўйлангиз,
Девордин аввал кўйилур негиз.

* * *

Қаноатни қўлга киритолсанг, эй дил,
Ором дунёсида ўзинг сарвар бил.

* * *

Кимнинг жойи бўлмаса, бутун шаҳар жойидир,
Дарвеш қайда тўхтаса, тунда шу саройидир.

¹ Газоф – ёлгон, уйдирма, бемаъни.

* * *

Бино асосидан асли вайрондир,
Хўжанинг ташвиши нақши айвондир.

* * *

Кўринса кимнинг кўзига душман,
Ўлдирмас экан, ўзига душман!

* * *

Қамишга ўт қўйсанг, ёқиб қоч йироқ,
Тўқайга ўт кетса, ёнар ҳўл-қурғоқ.

* * *

Ҳар қудукқа гар оби ҳайвон тўлур,
Ани топмак барчага осон бўлур.

* * *

Тани тупроқда-ю, дил бўлса уйғоқ,
Тирик мурдадилдан¹ ўша яхшироқ.

* * *

Хўкизлар гуноҳ қилса ҳар қачон,
Пода сохиби тўлайди товон.

* * *

Сен чирокни кўролмасанг,
Чирок билан на кўрасан?

* * *

Табибнинг ўз юзи бўлса заъфарон,
Қизил юзга ундан излама дармон.

¹ Мурдадил – қўнгли ўлик, тушкун.

* * *

Беодобга насихат,
Шўр ерга дон эрмакдир.

* * *

Кимки бефойда умрин ўтказди,
Ҳеч нарса олмасдан олтин кетказди.

* * *

Севинма душманам олмиш деб ажал,
Бир куни сенга ҳам гал келади, гал.

* * *

Бирлашса чумоли иттифоқ бўлиб,
Арслон терисин олажак шилиб.

* * *

Минбарнинг пойида турса ҳам эшак,
Тарбия юкмайди, бўлмайди одам.
Тарбия кўрмайин улғайса киши,
Эшак бўлиб қолур юзга кирса ҳам.

* * *

Ховончага дедим: «Додинг кўп баланд,
Айт, кимдан чекасан бунчалик фарёд?»
Деди: «Не тил билан айтай, эй Саъдий,
Зарбни ўз ёримдан ейман умрбод!»

* * *

Фақат хуш кўнгилдан изла яхшилик,
Тинчлик сармоясин изла аввало.
Сусти кўлда тез қилич ярақлай олмас,
Бузук дилдан чиқмас яхши сўз асло.

* * *

Тинчлик мулки эрур мевадор дарахт,
Мевасига айланг қаноат чандон.
Фақат бир мартаба тотар мевасин
Дарахтни илдиздан қуритган нодон.

* * *

Одам эрсанг, фақат яхшилик иста,
Сени фарқ этсинлар токи ҳайвондан.
Ҳайвондан сени ақл ажратиб турсин,
Йўкса, у қудратда зўр-ку инсондан!

* * *

Беадабликда агар машхур киши,
Хайр кутма ундан ортиқ сен ҳечам.
Сув агар ошса бошингдан – барибир:
Бир қаричми, найза бўйми, минг қадам.

* * *

Дарвеш қоқиб ўтса эшигинг бир бор,
Унга эшик кўпдир, сен емагил ғам.
Сенга «сир» айтганга ишонаверма,
Сенга айтган айтар бошқаларга ҳам.

* * *

Ақлли кўрса гар нодондан жафо,
Қаҳри оловланмас, дилга солмас ғам.
Арзон тош синдирса зар косани гар,
Тош нархи ошмайди, олтин бўлмас кам.

* * *

Фойда бермас улкан аъзолар ҳечам,
Ақлсиз, ҳунарсиз бўлса гар одам.
Бизникидан катта ҳўкиз кўзлари,
Узунроқдир эшак қулоқлари ҳам.

* * *

Икки киши ўртасига ўт ташлар кези,
Бу ўртада ақлсизнинг куяди ўзи.

* * *

Доно киши вужуди мисоли зару тилло,
Ҳар қаерга борса ҳам қиммати тушмас асло.

* * *

Ҳаракат бўлмаса, бўшаб кишани,
Орзуга етолмас полвонлар тани.

* * *

Чин азму ҳаракат қилмай муттасил,
Ҳеч кимса муроди бўлмади ҳосил.

* * *

Эрта кун арпага зор бўлмай десанг,
Бу кун эк, шоядки, буғдой нон есанг.

* * *

Машаққат чекмаган топмас хазина,
Тун ортидан кундуз келар хамиша.

* * *

Бўлса бир хунаринг, агар юз айбинг,
Дўст наздида хунар ёпар юз айбинг.

* * *

Истар этсанг отангдан мерос,
Боғла отанг илмига ихлос.

* * *

Устод суҳбати жон озигидир.

* * *

Билим мезонида сўзинг ўлчаб ол,
Илмсиз гап бари шамолдир, шамол.

* * *

Ҳарчанд ўқибсан – билимдонсан,
Агар амал қилмадинг – нодонсан.

Устига китоб ортилган эшак
На олим ва на донадир бешак.

* * *

Нодон қулоғига панд худди қафасда шамол,
Оламнинг насиҳати галвирдаги сув мисол.

* * *

Қачон охирга отам умри етди,
Насиҳат сўзни менга айта кетди:

Дедиким, шахват ўтдир, айла парҳез,
Ўзингга дўзах ўтин айлама тез.

Ул ўт куйдирса, бўлғай тоқатинг тоқ,
Сабрдан сув уриб, маҳв айла ёш чоғ.

* * *

Ҳамма инсонлар ҳам одамга фарзанд,
Бири яхши, бири ёмонликка банд.

Бирисидан топмас чумоли озор,
Бирисида итдан камроқ номус-ор.

* * *

Дўст олдида бандда бўлса ҳам оёқ,
Ўзга билан гул сайридан яхшироқ.

* * *

Пиёдадан бўлмас отлик хабари,
У оҳиста борар, пиёда чопиб.

* * *

Тез тугалмайдир қадимий ошнолар суҳбати,
Сувни гар минг пора қилсанг ҳам, қўшилгай оқибат.

* * *

Тинч битар ишга ҳам қилаверса жанг,
Демак, ул одамнинг ақли босмиш занг.

* * *

Филдек зўр бўлсанг-у, шердек уришқок,
Наздимда, жангдан сулҳ минг бор афзалроқ.

* * *

Сулҳ истар кишининг кўнглин синдирма,
Сулҳ эшигин қокса, сен жанг қидирма.

* * *

Сен ўлдирмасанг ёвни жангда дадил,
Сени ўлдиран у, буни яхши бил.

* * *

Истасанг дарддан дилинг озодлигин,
Ўйла ўзгалар дилин ободлигин.

* * *

Гар иш битса лутфу яхшилик билан,
На ҳожат жанжалу ур-сур қилишдан.

* * *

Агар дур бўлсайди ҳар қатра шабнам,
Дурга тўлар эди мунчок бозор ҳам.

* * *

Мулойимлик билан юрмаса иши,
Ночор дағалликка киришар киши.

* * *

Кимки кечирмаса ўзини ўзи,
Кечирмас ўзга ҳам келганда кези.

* * *

Яхшига яхши бўл, ёмонга ёмон,
Гулларга гул бўлгин, тиконга тикон.

* * *

Ёмонликни кўрмасанг ўзингга раво,
Бировга ҳам уни қилма, биродар.
Агарда ўз онанг иззатин қилсанг,
Қил менинг онамни сўкишдан ҳазар.

* * *

Ҳар кимки сендан кўрқувда бўлса,
Ундан тинчлик кутиб, бўлмағил ғофил.
Чаён санчар экан одамга нишин,
Кўпинча кўрқувдан санчар, яхши бил.

* * *

Ҳар жойда ёмонлик ўргатар ёмон,
Хас-чўпга ёпишар ғарқ бўлган инсон.
Ёмон кишиларга ҳамроҳ бўлмагил,
Қорасин юктирар мисоли қозон.

* * *

Бемурувват, хунук арига айтгил:
Асал-ку бермайсан, нишингни санчма!

* * *

Ёмон-ла ўтирма, ёмон суҳбати –
Таъбингни кир қилур, поклик офати.

* * *

Ёмон билан ўтирган инсон
Бир яхшилик кўрмас ҳеч қачон.

* * *

Покиза бўлмаса кимнинг қилмиши,
Ҳикмат сўзи билан тузалмас иши.
Нур ёғар насихат сўзламаса ҳам,
Туриши ибратдир покиза киши.

* * *

Ёлғон бевикор қилур одамни,
Ёлғон шармисор қилур одамни.
Ёлғончидан ордир оқиллар иши,
Ёлғончини одам демас ҳеч киши.

* * *

Одам тани-жон билан шарафлидир ягона,
Зебо кийим эмасдир инсонликдан нишона.

* * *

Нодонлардек юзлаб сўзни қилма қатор,
Донолардек бир сўз дегил, лек маънодор.

* * *

Тилига ўтказолмас эрса ҳукмин,
Ўтирсин гунгу лол бурчакда мискин.

* * *

Қаноат яхшидир кеча-кундузи,
Қаноатли зотнинг ёруғ юлдузи.

* * *

Айём гардишидан¹ кўп бўлма диққат,
Сабр ўзи аччиғу меваси лаззат.

* * *

Ақлли бўлади жаҳонгашта хўп,
У совуқ-иссиқни тортиб кўрмиш кўп.

* * *

Дўкону уйингдан чиқолмай бир он,
Ҳаргиз, эй хом одам, бўлмадинг инсон.
Чиқиб энди сен ҳам кезгил жаҳонни,
Бўшаб колмасидан сендан бу жаҳон.

* * *

Бир кун ночор йиқилмоғингни билсанг,
Ўтирма кўп баланд, пастроқ ўтир сал.
Учиб отдан бўйин, бел синганидан,
Пиёда юрганинг афзал, минг афзал.

* * *

Манманлик, кибру ҳаво қилмасин бошингни банд,
Баланд бўлмак истасанг, тутмагин ўзни баланд.

* * *

Гадога бир дирам кумуш бўлса бас,
Сулаймон² Ажамнинг мулкига тўймас.

* * *

Очофат аҳлига раҳм этма зинҳор,
Очофату мечкай одам доим хор.

¹ Айём гардиши – фалакнинг айланиши, даврнинг ўтиши.

² Сулаймон – Қуръони каримда зикри келган шавкатли подшоҳ ва пайгамбар. Унинг мол-мулки ҳад-ҳисобсиз бўлган. Бундан ташқари, еру осмон, шамол, деғу пари, барча хайвонот олами унга бўйсундириб кўйилган.

* * *

Оч ичакни тўйғизар битга ноннинг овқати,
Оч кўзни тўйдиролмас бутун олам неъмат.

* * *

Ўтиргил очу бечора, яланғоч,
Вале¹ нокасга асло бўлма муҳтож.

* * *

Ваҳшат билан кўкрак керган йўлбарс ҳам
Сичқондек копқонга тушар ем излаб.

* * *

Эй ғофил, кўп ўйлаб фойдаю мол,
Умринг сармойясин айлама поймол.

* * *

Май ичишар ёнок бўлсин деб зебо,
Охири у юзни қилар қаҳрабо².

* * *

Асали арзимас ниши захрига.

* * *

Ярашган ишни қил, қўлдан келганини эмас.

* * *

Ташна одам кўзин гар босса уйку,
Тушига киради бутун олам сув.

* * *

Чопқир отлар кўпи йўлда ўлиб кетди,
Оқсоқ эшак манзилига бориб етди.

¹ Вале – ва лекин.

² Қаҳрабо – сарик рангли ёпишқоқ тош.

* * *

Гар азизлар суҳбати бирла ўтса бир нафас,
Шул нафасни бил ҳаёт ҳосили ҳам шарбати.
Кўз, кулок, тил бўлса ҳам, барча одам бўлмагай,
Қанча кўрдим деғу жин – мисли одам сурати.
Хуш чиройдан ҳам башар ҳусни ортар-ку, факат–
Одам ўлғай шул киши бўлса гўзал сийрати¹.

* * *

Молу дунё яхшидур, тан шарифу² жон азиз,
Барчасидан ҳам баланд ёри вафодор ҳурмати!

* * *

Мумсик одам кулфати – молу дунё ташвиши,

* * *

Ҳамёни соф тилла тўла бўлса ҳам,
Оч киши саҳрода қўёлмас қадам.
Биёбонда қолган оч бечорага
Кумушдан яхшидир қайнаган шалғам.

* * *

Қоврилган қуш қадри тўқлар олдида
Дастурхонда пиёз, кашнич, ўтдан кам.
Оч олдида ўтар товук ўрнига
Қурук сувда қайнаб пишган бир шалғам.

* * *

Дил на қилсин паст табиат бўлса тан,
Ҳар маҳал эсмас шамол хоҳиш билан.

¹ С и й р а т – юриш-туриш, ахлоқ, одат, табиат.

² Ш а р и ф – шарафли, азиз, кадрли.

* * *

Мухтож банда илтижода Худога қўлин очар,
Тўқлигида қўлларини қўлтиққа уриб кочар.

* * *

Олтин-кумуш бўлса, едир барчага,
Ўзинг ҳам роҳат қил, еб-ичиб қолгин.
Сендан қолажакдир бу иморатлар,
Ғиштлар бўлганда ҳам кумуш ё олтин.

* * *

Ўлган агар тирилиб келса,
Уруғлари билан бўлса жам,
Оғир эди мерос қайтармоқ
Қариндошин ўлимидан ҳам.

* * *

Е, эй бадбахт, ҳеч нима аямасдан,
Бадбахт ўлди йиққанини емасдан.

* * *

Агар иш кўрсатмаса, бекордир фазлу хунар,
Уд оловга тушмаса, уйни қилмас муаттар.

* * *

Бадавлат ғарибмас тоғу чўлда ҳам,
Қайга борса, қураб ётоғу чодир.
Ўз кулбасида ҳам ғарибу забун¹
Орзуга етмаган бечора фақир.

¹ Забун – ожиз, нотавон, бечора.

* * *

Агар косиб мусофирликка чикса,
Қийинлик бетини кўрмайди асло.
Кечин оч ухламоққа мажбур ўлгай,
Гар ўз юртида тахтдан тушса подшо.

* * *

Ризқ агар ҳар кимга келур бегумон,
Ақл дер: «Қидиргил уни сен ўзинг!»
Ҳеч киши ажалсиз ўлмайди, аммо –
Ким аждар оғзига уради ўзин?

* * *

Ақлинг кўзи ҳам тамадан боғлик,
Тамадан илингай домга қуш, балиқ.

* * *

Зулм кўрсанг, кийгил чидам этигин,
Юмшоклик ёпади уриш эшигин.

Юмшоқ муомала, ширинсўз одам
Бир қил билан тортиб кетар филни ҳам.

Юмшоқ бўлгил, юмшоқ ипакни ҳатто
Ўткир қиличлар ҳам кесолмас асло.

* * *

Ризкингдан ортиқни еб бўлмаса ҳам,
Талабда бўлмағил дангаса, беғам.

Ғаввос¹ наҳанг² оғзин ўйласа агар,
Қўлга киритолмас ҳеч дурру гавҳар.

¹ Ғ а в в о с – сувга шўнғувчи, ғаввос.

² Н а ҳ а н г – ақула, қатта балиқ.

* * *

Шер нима овлай олар токи инидан чикмай,
Чангалига не тушар ерда ётса қарчиғай?!

* * *

Илвасин¹ келтирмас овчи ҳам ҳар кун,
Бир кун йўлбарс йиртиб ташлаши мумкин.

* * *

Гоҳида равшанфикр донолардан ҳам
Чикмаслиги мумкин дурустроқ тадбир.
Гоҳида ақлсиз гўдак бир бола
Янглишиб, нишонга ўк урар мохир.

* * *

Хунардан катта айб йўқдир адоват кўзига ҳар дам,
Ўзи гул бўлса ҳам, душман кўзинда бир тикан Саъдий.

* * *

Сўз демасанг, сенда кимнинг иши бор,
Дедингми, далил айт, исботла такрор.

* * *

Ўз уйингдагини билолмай зинҳор,
Кайдан билдинг – фалак авжида не бор?

* * *

Инкор кўзи-ла қараган кишига
Юсуфнинг² юзи кўринар хунук.

¹ И л в а с и н – овланадиган парранда.

² Ю с у ф – Куръони каримда зикри келган пайгамбарлардан Юсуф алайҳиссалом. Ҳаддан тапқари чиройли бўлгани учун ҳукмдорнинг хотини унга ошику бекарор бўлиб қолади. Диний-тасавуфий адабиётларда беқиёс гўзаллик, ўта сабр қилишнинг тимсоли бўлиб келади.

Агар мухаббат-ла қараса девга,
Дев кўринар фариштадек туп-тузук.

* * *

Гар бегона келса шамнинг ёнига,
Соя қилса, ўлдир ундай одамни.
Лаби ширин, шакарханда ёр келса,
Енгинг билан шу он ўчиргил шамни.

* * *

Денгиз фойдаси яхши, тўлқин солмаса даҳшат,
Гул суҳбати хуш эди санчилмаганда тикон.

* * *

Ўзингдан яхшироқни изла, фурсатни ғанимат бил,
Ўзингдеклар билан мумкин қадар камроқ суҳбат қил.

* * *

Бу зулму қўполлик, бад феълинг билан —
Нозинг кўтараман, чунки гўзалсан.

* * *

Эр қучоғидан хотин турса ҳар субҳ¹ норизо,
Бундай уйда дам-бадам кўзғар жанжал, можаро.

* * *

Найранг билан сочинг қиласан қора,
Аммо букчайган бел рост бўлмас сира.

* * *

Ўзи буюрмоққа ўрганган киши
Қийин бошқаларга қулоқ солиши.

¹ С у б ҳ – тонг. эрталаб.

Ким агар ўсибди нозу неъматда,
Ҳоли оғир бўлар қолса кулфатда.

* * *

Агарда муаллим бўлса беозор,
Болалар синфни қилишар бозор.

* * *

Кириминг бўлмаса, чиқимни тўхтат,
Қайиқчилар куйлар шундай бир қўшиқ:
«Агар тоққа ёмғир ёғиб турмаса,
Бир йилда Дажла¹ ҳам бўлар куп-курук».

* * *

Орзуга етишган бахтиёр нечун
Қаро кун ғамида чекади алам?
Шодлик-ла еб-ичиб, яша, эй дилкаш,
Эртанги кунни деб бугун чекма ғам!

* * *

Паст нодон мастликда ўйламас асло
Не кечар аҳволи йўқлик куннда.
Баҳорда барги мўл дарахтлар ночор –
Яланғоч қолар қиш изғиринида.

* * *

Ўғлига отаси қилди васият:
«Бахтиёр болам, қуй қулоғингга панд –
Ўз элига вафо қилмаган киши
На севимли бўлур ва на донишманд».

¹ Д а ж л а – Туркия ва Ироқдаги дарё, қисман Сурия худудидан ўтади.

* * *

Агар бўлмас экан фазлу ҳунар ҳеч,
Билиб бўлмас одамми, нақши девор.
Бисот, мол қўлга киргизмоқ ҳунаrmас,
Қўлингдан келса, бир дил овла, эй ёр!

* * *

Зулм ила халқ терисин шилган ўшал ҳожига
Менинг номимдан бориб, икки оғиз сўз дегин:
«Сен ҳожи эмас, балки ҳожи эрур бу туянг,
Чунки тикан овқати, кўтарар одам юкин».

* * *

Буюрмас ақллик киши ҳеч маҳал
Тамизсиз кишига муҳимроқ бир иш.
Бўйра тўкиган ҳам тўқувчи, лекин
Қўлидан келарми ипак иш тўқиш.

* * *

Бировга сир айтиб, сақла дегандан,
Дил сирин ҳеч кимга айтмаган маъкул.
Арик тошиб кетса, боғлаб бўлмайди,
Сувни энг бошидан қайтарган маъкул.

* * *

Икки киши адоватин ўт десак агар,
Ўтин ташиб турувчидир бадбахт иғвогар.
Қайта тотув бўлишганда бу икки кўнгил,
У бўлади бахти қаро, шарманда, хижил.

* * *

Дўст-ла сўзлашсанг ҳам бўлгил эҳтиёт,
Душман қулоғига етишмасин, бок.
Девор ичра ҳар не десанг, хушёр бўл,
Девор орқасида бўлмасин кулоқ.

* * *

Кўлдан келган ҳамма чорадан кейин
Кўлга қилич олсанг, раво бўлади.

* * *

Ишонмагил маддох, сўзамолларга,
Заррача наф учун сени мадҳ этар.
Бир куни муродин ҳосил этмасанг,
Икки юздан ортиқ айб санаб кетар.

* * *

Бир аҳмоқ эшакни сўзга ўргатмоқ –
Бўлиб, сарф айларди кўп вақту кўп куч.

Бир донишманд деди: «Таънага қолма,
Эй аҳмоқ, беҳуда уринишдан кеч.

Яхшиси, сен ундан сукутни ўрган,
Ҳайвон гапиришга ўрганарми ҳеч?»

* * *

Кимки андишасиз сўзласа жавоб,
Сўзи эътиборсиз, чекар изтироб.
Ё ўйлаб сўзлагил инсон мисоли,
Ё жим туравер ҳайвон мисоли.

* * *

Зоғ билан бир бўлса булбул қафаси,
Не ажаб, ичига тушса нафаси?

* * *

Донони шарманда қилдим-ку, дея,
Гурурга берилмиш мақтанчоқ нодон.
Билмаски, ноғора овози доим
«Ҳижоз» куйин босиб кетади осон.

* * *

Донодан бир панду насихат сўрдим,
Дедики: «Нодонга қўшилма ҳечам.
Агар доно бўлсанг, аҳмоқ бўласан,
Йўкса, нодонлигинг ортар яна ҳам».

* * *

Лутф этган кишининг хокипойи бўл,
Дағаллик қилса, соч кўзига тупрок.
Дағал кишиларга юмшоқ гапирма,
Занг арчолмас эгов бўлганда юмшоқ.

* * *

Гапинг чинлигини яхши билмасдан,
Оғзинг очиб, асло сўзга урма дам.
Ёлғон сени банддан қилса ҳам халос,
Рост гапиргил, агар бандда қолсанг ҳам.

* * *

Кейин урсанг ҳамки тош билан юз бор,
Ит унутмас берган овкатинг асло.
Пастларни бир умр эркаласанг-у,
Сал қаттиқ гапирсанг, бошлар можаро.

* * *

Куш тушмас пастдаги дона устига,
Тузоқ узра кўрса ўзга бир қушни.
Бошқаларга ибрат бўлмайин десанг,
Ўзинг ибрат олиб, юритгил ишни.

* * *

Менинг феълим агар бўлса ярамас,
Сен ўз феълинг қўлдан чиқармасанг бас.

* * *

Қози беш бодиринг еса гар пора,
Юз полиз ҳукмига топади чора.

* * *

Ўз тўнингга солсанг агар юз ямоқ,
Ўзга тўнин сўрагандан яхшироқ.

* * *

Яхшилик қилган ҳеч кўрмас ёмонлик,
Ёмон ўз жонига топмас омонлик.

* * *

Мусофирга меҳр кўргузсанг агар,
Улар яхши номинг оламга ёяр.

* * *

Бегонадан бўлмоқ керак эҳтиёт,
Дўст қобиғи ичра учраб турар ёт.

* * *

Қаттиқлик, юмшоқлик иш берар боҳам¹,
Табиб ҳам ниш урар, ҳам кўяр малҳам.

* * *

Мард бўл-у, карамли, ҳам хушфеъл бўл,
Ҳақ сенга, сен эса бандага топ йўл.

* * *

Донолар сўзини ёдингга олсанг:
«Синамай иш тутган ҳоли бўлур танг».

¹ Б о ҳ а м – бирга, биргаликда.

* * *

Ўйлаб кўр ўқини бўшатмай камон,
Бўшатиб, сўнг ўйлаб, бўлма пушаймон.

* * *

Ишим, сўзим тўғри бўлса, не ғамим,
Нима деса-десин ғийбатчи ғаним.

Х и к о я т

Эшитдим – адолатли бир подшо,
Кияркан астару авра бўз қабо¹.

Бир дебди: «Шоҳим, тўнинг жуда жўн,
Хитойи шоҳидан тиктир яхши тўн!»

Дебди: «Бул кийимда танга осойиш,
Бундан ортиғидир зебу оройиш...

Менинг бошимда ҳам юз-юзлаб ҳавас,
Лекин ғазна² танҳо меники эмас.

Қўшинлар ҳақидир бойлигу гавҳар,
Шоҳ зийнати учун эмас сийму зар.

Гар аскар бўлмаса шоҳидан ризо,
Ватан чегараси қолур хавф аро.

Дехқон эшагини талаб кетса ёв,
Нечук солиқ солар султон беаёв.

Ғанимлар таласа, шоҳи олса бож,
Не икбол кўради ундай тахту тож.

¹ Қабо – эркакларнинг узун ва кенг уст кийими.

² Ғазна – хазина.

Йиқилганга зўрлик мурувват эмас,
Аъло қуш чумоли донини емас...

Кишвар¹ олиш мумкин соз хулқинг билан,
Қон тўкма жанг қилиб ўз халқинг билан.

Қасам, мардлик ҳаққи, бутун кенг жаҳон,
Сира арзимади ерга томса қон.

Эшитдим бахтиёр Жамшид подшо,
Булоқ бошга ёзмиш шундай бир маъно:

«Кўплар ҳам бу чашма бошига етди,
Сув ичди, дунёдан кўз юмиб кетди.

Қанчаси зулм ила оламни олди,
Гўрга ўзи кетди, олгани қолди».

Яхшиликка элтмас агар шаҳаншоҳ,
Ажратмаса дўстни душмандан, э воҳ!

Улуғлик шартидир, ҳокимлик нақши:
Кичикларни бир-бир билмоқлик яхши.

* * *

Тахту мулк хатарда, кучаяр ҳариф,
Шоҳ бўлса тадбирда чўпондан заиф.

¹ К и ш в а р – шаҳар, вилоят, ўлка, иқлим.

Ҳ и к о я т

Бир итга дуч келди биров саҳрода,
Ташналиқдан ётар жонсиз, афтода¹.

Дасторин² аркондек қудукка солди,
Учига қалпоғин боғлаб, сув олди.

Хизматга белини маҳкам боғлаб у,
Мажолсиз кучукка қўлдан берди сув.

Унинг бу ишидан топибон хабар,
Қозидан гуноҳин сўрар пайғамбар.

Хушёр бўл, зулмдан қилгил андиша,
Вафою карамни айлагил пеша.

Яхшилик мукофот топди итдан ҳам,
Гар одамга қилсанг, бўлмас ундан кам.

Биёбонда қудук қазолмасанг, боқ,
Қабристонга кириб, битта чирок ёк.

* * *

Бойлик, амал келиб-кетиши мумкин,
Бўлганидек бирдан пиёда фарзин.

* * *

Шердек топиб е-да, қолганин иргит,
Одамсан, тулкидек емагил саркит...

Ўзинг топиб егил дўст бирла боҳам,
Ўзгалар саркитин кўзлама бир дам.

¹ А ф т о д а – йиқилган, забун, бечора.

² Д а с т о р – салла.

Билак кучинг билан ишлабон ҳалол,
Ҳиммат тарозуси ўлчаганин ол.

Мардлик ила топгил ўз роҳатингни,
Бошқадан кўзлама фароғатингни.

Ёшликда тута бил кексалар қўлин,
«Кўлимни тут!» дебон тутмагил йўлин.

Кимдан енгил бўлар халқнинг захмати,
Ўшанга ёғилар Худо раҳмати.

Кимда химмат бўлса, унга ақл ёр,
Ҳимматсизда на ҳуш ва на ақл бор.

Яхши ишга келур яхшилик жавоб,
Яхшининг бошига ёғилар савоб.

* * *

Ўзи каби оддий инсон ишқидан
Оромин йўкотар дилу қалбу тан.

Кундуз дилга фитна солур жамоли,
Кечаси банд этар яна хаёли.

Ишқига бир қадам қўйганинг замон,
Унут бўлар ундан ўзга кенг жаҳон.

Севгинг олдида зар тополмас кадр,
Сенинг учун зару тупроқ барибир.

Ўзга ҳамдамлигин дилинг истамас,
У бор жойга сиғмас бошқа бирор кас.

Кўзларинг ичидан берасан манзил,
Кўзлар юмилганда манзилдир кўнгил.

На расво бўлишдан дилда мусибат,
На бир дам тоқатга дилингда қувват.

Жон истаса, лабдан тутарсан жонни,
Тиғига тутарсан бош – саргардонни.

Х и к о я т

Эшитдим созанда созига бир кун
Бир париваш тушиб кетганмиш ўйин.

Ошиқлар ўлтирар эди бўйни ҳам,
Ўйинчи этаги куймиш тегиб шам.

Дод солиб, ҳар ёқни бузганда жонон,
«Нима бўпти?» – демиш бир дили вайрон. –

Сенинг этагингга ўт бўлса туташ,
Менинг хонумоним¹ куйдирмиш оташ.

Ёр эсанг, ўзингни унут-чи, қани?
Биттадир ёр ила ошиқнинг тани».

* * *

Дилингда ишқ бўлса, мусика эмас,
Туя қадами ҳам уйғотар ҳавас.

* * *

Араб ноласига чўлда, қария,
Ракс тушиб кетар ҳаттоки туя.

¹ Хонумон – уй-жой.

Туяга куй шунча кор этса, демак,
Завқи йўқ киши бир эшакдур, эшак.

* * *

Кимки ўз ёвини дўст тутса агар,
Уни оқил дема, у нодон, овсар.

* * *

Подшоҳ қизини сўраган гадо,
Кўп таёк ейди-ю, кўрар кўп савдо.

* * *

Ким ошиққа деса, ишқидан сақлан,
Ошиқнинг дилига санчилур тикан.

* * *

Бирор кимни чаён чақса ногаҳон,
Қай оқил унга дер: «Тортмагил фиғон!»

* * *

Кимки насиҳатинг тинглашдан йирок,
Фойдасиздир унга насиҳат қилмоқ.

* * *

Чиқиб кетмиш кимнинг кўлидан жилов,
Кор қилмас секинроқ юр, деган ундов.

* * *

Не хуш сўзни айтмиш Синдбод – сўзамол:
«Эҳтирос оловдир, насиҳат – шамол!»

Шамолдан авж олиб, гуриллар олов,
Калтак еган йўлбарс ёвроқ бўлур, ёв.

Ҳ и к о я т

Ёдимда – уйқусиз ётардим туни,
Қулоғимга инди парвона уни.

Шамга дер: «Мен – ошиқ, куймак раводир,
Сен ёниб йиғлайсан, бу не балодир?»

«Эй менинг харидор дўсти мискиним,
Асалдан ажрадим, ёри шириним.

Мендан узоқлашгач Ширин висоли,
Фарҳоддек бошимда оташ хаёли».

Шундай деб йиғларди жигар-бағри об¹,
Қаҳрабо юзидан оқарди селоб².

Деяр: «Эй даъвогар, ишқ эрмас коринг,
На сабру тоқат бор ва на қароринг.

Кетарсен шуъламдан бир оз айланиб,
Турарман қимир этмай мен ўтда ёниб.

Ишқ ўтида сенинг қанотинг куяр,
Менинг бош-оёғим, ҳаётим куяр.

Базмни ёритган нуримга боқма,
Дилсўхта³, кўз ёшим кўргил, тутоқма».

* * *

Қамтаринлик одат ақлли эрга,
Мевали шох боши эгилур ерга.

¹ Об – сув.

² Селоб – сел суви, тўлқин; кўз ёши.

³ Дилсўхта – дили куйган, дардли. ғамгин.

* * *

Улуғлик чечан сўз, даъвода эмас,
Баландлик хаёли ҳавода эмас.

Тавозе кўтарар бошингни баланд,
Такаббур тупрокка тикар бериб панд.

Косаси оқармас – кимки димоғдор,
Баландлик истару охир бўлур хор.

Иззат-мартабалар истасанг агар,
Кишига ташлама кибрли назар.

Ҳушёр киши хаёл қилмайди, ахир,
Фурур билан киши топар, деб кадр.

* * *

Билгил, тўрга лойиқ эмас ҳар ким ҳам,
Қадрини фазлидан топар ҳар одам.

* * *

Оддий қамиш қанча ўсса – бўш ичи,
Ҳеч қачон бўлолмас шакар қамиши.

Ҳ и к о я т

Сотарди асал бир ширин сўз киши,
Кўнгилни оларди унинг ройиши¹.

Шакар қамишидек бели белбоқдор,
Молини пашшадек талар харидор.

Унинг моли захар бўлса ҳам тугал,
Талаб кетишарди мисоли асал.

¹ Р о й и ш – майл, мойиллик, раъй; ўзини тутиш, муомала.

Бир дағал кўз ташлаб эл ғавғосига,
Ҳасад билан боқиб бол савдосига,

Эртасига барвакт бозорга келди,
Асал сотмоқ бўлиб, ҳар ёққа елди.

Каттакон қовоқда бошида асал,
Бадбуруш башара, сўзлари дағал.

«Асал кетди!» – дея қилди машмаша,
Болига қўнмади ҳаттоки пашша.

Кечгача бир пуллик қилолмай савдо,
Уйга қайтар яна бузилиб авзо.

Бурчакда ўлтирар сержахл, дилтанг,
Ҳайит кун зиндоний бўлгандек тажанг.

Хотини устидан шўх сўзлаб кулар:
«Баджахл қўлида асал ҳам заҳар!»

Ёмон хулқ дўзахга судрайди осон,
Яхши хулқ биҳишту жаннатдан нишон.

Ариқда илик сув бўлса, шуни ич,
Дағал киши яхна шарбатидан кеч.

Серзарда кишининг манглайи тириш,
Ҳаромдир ундайлар нонини ейиш.

Бадхулқ қийинликка учрар аксари,
Бадхулқнинг доимо бахти тескари.

* * *

Дунё тапвишидан кеч Саъдийсифат,
Йиғилгай сенда ҳам илму маърифат.

* * *

Дағал сўз эшитиб келсанг ҳокимдан,
Тобеларни эзма қўполлик билан.

* * *

Ўртанма душманинг ёмонласа гар,
Шамолга бер сўзи ёлғон эса гар.

* * *

Менга яхшилиқни истаган инсон,
Очиқ айтар топса хулқимда нуқсон.

* * *

Табиб ўзи бўлса дардга мубтало,
Нечук қилгай ўзга дардига даво.

Ҳ и к о я т

Онасига йиғлар йўлда бўғалоқ:
«Шунча юрдик, керак бир оз дам олмоқ».

Онаси дер: «Жилов бўлсайди қўлда,
Юк билан кўрмасдинг мени бу чўлда».

* * *

Мардлинги пеш қилмоқ одат билмагил,
Мардлинги кўрсатиб, номард бўлмагил.

* * *

Қаноат қудратли қилур инсонни,
Огоҳлантириб қўй очкўз нодонни.

Дилга хотиржамлик сол, эй бесабот,
Гардон¹ тош тагида ўсмас наботот².

Ақл ёр бўлса, кўп семиртма танинг,
Танни семиртирсанг, билки, ўлганинг.

Ақлли кишилар боққани ҳунар,
Танасин боққанлар ҳунарсиз қолар.

Одамлик хислатин ким қўйса устун,
Аввал ўз нафс итин айлагай забун.

Еб-ичиб, ухламоқ ҳайвоннинг иши,
Шу тарик яшайди ақлсиз киши.

Хилватда ўлтириб бахтиёр одам,
Илмдан ҳиссасин олур дамодам.

Ким ажрата олмас зулматни нурдан,
Демак, фарк этмайди у девни хурдан.

Гар кўра олмасанг йўл устинда чоҳ,
Йиқилсанг, қусури ўзингда, э воҳ.

Ким нафас бандаси – эс-ҳушдан йироқ,
Ҳикматдан бўш қолур ул тўла қурсоқ³.

Қорин ва икки кўз – ҳеч тўймас ковак,
Бўш юргани яхши ўрама ичак.

¹ Гардон – айланадиган, айланма. Гардон тош – тегирмон тоши.

² Наботот – ўсимликлар.

³ Қурсоқ – қорин.

Биласанми, эркин ул ваҳший хайвон,
Нафси деб тузоққа тушар ногаҳон.

Йиртқичликдан мағрур қудратли йўлбарс,
Қопқонга сичқондек илинтирар нафс.

Сичқондек гар биров ош-нонин ерсан,
Қопқонига тушиб, пайконин ерсан.

* * *

Қаноатни одат қилса нафс – бало,
Унинг наздида тенг бўлур шоҳ-гадо.

Тама суриб борар шоҳ томон, зеро,
Тамадан кутулсанг, ўзинг подшо...

Кишини бузук нафс этар хору зор,
Ақлинг бўлса, нафсинг кадр этма зинҳор.

Ҳ и к о я т

Бир тамагир барвақт туриб кетарди,
Хоразмшоҳга у сажда этарди.

Шоҳни кўриб, ерга ташлар ўзини,
Қаддин букиб, ерга суртар юзини...

Бир кун ўғилчаси дебди: «Отажон,
Мушкул саволим бор – айлагил баён:

Айтмабмидинг қибла томони Ҳижоз,
Нечун бул томонга ўқурсан намоз?»

Қаноат бирладир сарафроз¹ одам,
Тамали кишининг бўйни доим хам.

Тама деб тўкмагил обрўйинг барин,
Бир арпага сотма шараф гавҳарин.

Ким тамадан кечар, бўлмас шарманда,
На бировга тобе, на нафсга банда.

Тама барча дўстдан этар мосуво²,
Сени этмай расво, ундан бўл жудо.

* * *

Нафсинг муродининг йўлидан кетсанг,
Ажабмас, ҳаётдан номурод ўтсанг.

* * *

Йўкликда очликка чидамоқ учун,
Меъёрида егин тўкинчилик кун.

* * *

Улуғлар – булутли ҳавода қуёш,
Сувга ботган чўғдир ҳасадчи бебош.

Улуғ яна балқиб чиқар булутдан,
Сувга чўккан олов ёнмас куч билан.

Зулматдан чўчимас ақлли инсон,
Зулмат ичида ҳам бор оби ҳайвон.

¹ С а р а ф р о з – баланд, юксак.

² М о с у в о – айрилиш, маҳрум бўлиш.

* * *

Хабаринг борми, бу суягинг – қафас,
Жонинг – бир қуш, унинг номидир нафас.
Бу қуш гар қафасдан чиқса бир бора,
Қайта тутишга ҳеч топилмас чора.

Ҳаёт бир нафасдир, ҳар дам ғанимат,
Ҳар бир дамга беринг оламча қиммат.

Оламга ҳукмдор эрди Искандар,
Оламни қолдириб кетди ул қайсар¹.

Умрин чўзолмади бир нафас, бир дам,
Бир дам учун бутун олам бериб ҳам.

Ҳар ким кетар экан, экканин олар,
Ундан яхши ёки ёмон ном қолар.

Биздан сўнг ҳам кўп гул очар бу бўстон,
Дўстлар ўлтиришар гул териб шодон.

* * *

Камбағалдан таомининг исин ҳам тутар йирок,
У нон еган дастурхондан қуш тополмас бир увок.

* * *

Яхши хулқ минг яхши либосдан аъло.

* * *

Қаҳр бирла қувилса ҳам уйидан
Чиройлик қайга борса ҳурмати бор.

¹ Қ а й с а р – бу ерда: подшоҳ, ҳукмдор маъносида, яъни Рум кайсари.

Кўриб Қуръонда бир товус патини,
Дедим: «Бу иззат ортиқ сенга бисёр».

Деди: «Жим бўлки, ким эрса чиройлик,
Қаён борса, тўсилмас йўли зинҳор».

* * *

Гўзал юздин хуш овоз яхшироқдир,
У нафс озуқаси, бу дилга роҳат.

* * *

Адоватли қарар кимга бу фалак,
Не истаса, шунинг аксин кўради.
Қабутар бенасиб бўлса инидин,
Қазо уни тузоқ томон суради.

* * *

Хунар аҳли агар бебахт бўлса,
Қаён борса, киши билмайди номин.

* * *

Ғанимни ранжитибсан, бўлма бепарво.

* * *

Билдимки, одати заҳар сочмоқдир,
Илондан бўлмадим бир он хотиржам.
Ўзни дўст кўрсатган душман тишласа,
Унинг тиш захрига топилмас малҳам.

* * *

Мусофирга дағаллик кўргазур тик,
Ўзи ҳеч кўрмаган бўлса ғариблик.

* * *

Пулсиз ул сипоҳи ажаб сўз демиш,
Ботмон кучдан мошдек зар яхши эмиш.

* * *

Ов қилмоқни истасанг ўз уйингдан чикмаёк,
Ўргимчак оёғидек нозик бўлар қўл-оёк.

* * *

Тиланчилик эшигин очса ҳар киши,
То умри битгунча бўлади муҳтож.
Тамасизлар боши ҳеч эгилмайди,
Ҳирсингдан кечгилу бошингга қўй тож.

* * *

Кимнинг дастурхонидан нон еяр эсанг,
Бўлмас хизматига ҳозир турмасанг.

* * *

Қулоқлар умр бўйи эшитмаса ҳам бўлғай,
На чилдирма овозин, на чангу, на танбур, най.

Кўз тияди ўзини кўрмаса боғ-бўстонлар,
Димоғ чидар искамай гулу жамбул, райхонлар.

Бўлмаса ҳам ёстиклар ичи тўла момик пар,
Тош қўйиб бош устига уйқуга тўйса бўлар.

Бўлмаса кучоғингда ёстикдош бир нозанин,
Тизсанг кучиб, уйқуда билмайсан тун ўтганин.

Аммо бу хунари йўқ, ярамас корин курғур,
Сабр нима сезмайди, чидам нима билмайдир.

* * *

Яхшилар ёнидан ўтмас ҳеч қачон,
Душмани тақмай унга бир бўҳтон.

* * *

Жаҳон равшанлигининг чашмасидир офтобу нур
Вале кўр шабпаракнинг кўзлари ундан ҳамиша кўр.

* * *

Эшитмаганмисан, этик наълига
Бир сўфий бир неча миҳ урар экан.
Бир сипоҳий келиб енгидан судраб,
«Отимни тақалаб берасан!» деган.

* * *

Сўзинг гарчи дилкаш ва ширин бўлур,
Мукофоти тасдику таҳсин бўлур.

Бир айтдингми, айтма уни ўзга дам,
Тўйиб бир едингми, етар ҳолва ҳам.

* * *

Эй оқил, сўзнинг ҳам бош-оёғи бор,
Ўзга сўзга сўзинг қистирма зинҳор.

Ақлу ҳуш эгаси тадбирли инсон
Сўз бошлар суҳбатдош жим бўлган замон.

* * *

Барча билганин демас фаросат аҳли ҳар он,
Подшоҳлар сирини деб, бошдан айрилиш осон.

* * *

Дўстлар суҳбатидан дилим сиқилди,
Ёмон феълимни ҳам яхши деюрлар.

Айбимни ҳунару камол деб англаб,
Тиканимни гулу суман билурлар.

Оҳ, қайда у, ҳаёни билмаган ёв,
Айбимни ўзимга фан¹ қилурлар.

* * *

Агар бўлса кимнинг муриди султон,
Ёмони ҳам яхши бўлур бегумон.

Кимни подшо тутса ўзидан йироқ,
Ҳатто хонадони қилади мазок.

* * *

Гуллар тўкилди, тикони қолди,
Ҳазина кетди, илони қолди.

* * *

Кўзингни найза учида кўрмоқ
Ёв дийдоридан минг бор яхшироқ.

* * *

Кўрмаслик учун бир ёвни кўзинг,
Арзир ажрасанг минг дўстдан ўзинг.

* * *

Хоҳ фарёд айла-ю, хоҳи илтижо,
Қарокчи қайтариб бермагай асло.

¹ Ф а н – бу ерда: ҳунар, фазилят.

* * *

Асал демоқ бирла оғиз чучимас,
Ари нишин синаб кўрмай бир бора.

* * *

Дедим, олай яна бир неча бор дам,
Орзуга етолмай бўғилди нафас.
Умр дастурхони устида, афсус,
Бирпас ўлтирмасдан дедиларки, бас.

* * *

Кўрибмидинг бирор кимса тишин суғурган чоғи,
Не азобда чиқар кўкка унинг оҳу фӣғони.
Кўз олдингга кетир энди нима бўлар аҳволи,
Агар азиз вужудидан чиқар эса пок жони.

* * *

Мувозанат кетиб, бузилса миждоз,
Топилмас дори-ю дармондан илож.

* * *

Ўзга билан жаннат сайридан кўра,
Сен билан азобда ёнганим маъкул.
Гўзал даҳанидан пиёзнинг иси –
Яхшидир хунуклар тутганидан гул.

* * *

Йиллар ўтиб кетди тепангдан ғир-ғир,
Отанг мазорига бордингми бир дам?
Отанг хотирига нима эзгулик
Қилдингки, ўғлингдан кутасан сен ҳам?

* * *

Эй манзилга муштоқ йўлчи, кўп шошмагил,
Чопқир отлар кўпи йўлда қолиб кетди.
Пандим эшит, сабр қилиш бўлсин ишинг,
Оқсоқ эшак манзилига бориб етди.

* * *

Қаригач ташлагил ёшлиқни тамом,
Ўйинқароқликни ёшга қил инъом.

* * *

Кексадан истама қувноқлик ҳавас,
Ёшлиқ ўтмиш оқар сув – ортга қайтмас.

Экинга етаркан ўроқ замони,
Сабзадек мавж урмас, тинар жавлони.

* * *

Йўлбарспанжа, филтан ўғлига кампир,
Не хуш сўзлар айтиб, ташлади савол:

«Эсингда бўлсайди гўдаклик чоғинг,
Бағримда ётганинг мурғак, бемажол.

Қилармидинг менга бул куни жафо,
Сен шердек йигиту, мен кекса, беҳол?»

* * *

Ибодат бирла бир кимга десанг чўзгил ёрдам кўлин,
Тутмасдилар ул замонда асти ибодатнинг йўлин.

Бир динорга эшак каби лойга ботмоқ ҳеч гап эмас,
«Алҳамду»ни сўрасангиз юз бор ўқиб бергай абас.

* * *

Қалин мато тикмак учун пўлат игна керакдир.

* * *

Қобилият бўлса аслида,
Тарбият унга қилади асар.
Қанча уринма бўлмас сайқали,
Темир аслида бўлмаса жавҳар.

* * *

Бир маҳал Шомда кўзғалди фитна,
Ҳар ким уйдан зада югуришди зир.

Қишлоқлардан келган ақлли ёшлар,
Янги подшоҳга бўлишди вазир.

Шаҳарлик калтафаҳм вазирзодалар,
Гадо бўлиб, қишлоқ кетишди охир.

* * *

Дарвеш агар юз номаъкул иш қилса,
Бирига ҳам дўстлар қилмас эътибор.
Аммо подшоҳ бирор хазил сўз деса,
Иқлимдан иқлимга ўтади такрор.

* * *

Кимни машхур этмиш сахийлик, карам,
Кулфга тушмасин динору дирам.
Яхши номи чиққан бўлса кўчага,
Одамлардан эшик ёполмас ҳечам.

* * *

Яхши кишилар сўзини сўзлагил,
Гарчи сенга солмасалар ҳам қулоқ.

Тинглагучи қанча ўжар бўлса ҳам
Бандга тушар икки қўл-икки оёқ.

Сўнгра чапак чалга-ю айтар ўзи:
«Тингламай доно сўзин холим чаток!»

* * *

Тилла-кумуш бари чиқса ҳам тошдан,
Барча тошда олтин бўлмоғи гумон.
Сухайл¹ нур сочади ҳар ёққа бирдан,
Бир ерда чарму бир ерда сахтиён².

* * *

Каъба ёпқичини ўпишар экан,
Ипак қурт туфайли бўлмади улуғ.
Бир неча кун бўлди азиз эгнида,
Шунинг билан бўлди ўзи ҳам қутлуғ.

* * *

Ҳушёр киши хотинин бўйида бўлиб,
Ярамас бир бола туғилса ҳамон –
Оқил наздида у боладан кўра –
Туғилгани яхши захарли илон.

* * *

Қатра одам суратига киради буткул,
Қирқ кун она корнида топса оромин.
Агар қирқ ёшликнинг бўлмаса ақли,
Унга бериб бўлмас инсонлик номин.

¹ С у х а й л – осмоннинг жануб томонидаги ёруғ юлдузнинг номи.

² С а х т и ё н – эчки ёки қўй терисидан пиширилган чарм.

* * *

Қалқонтешар ўқ ила қилни бўлган ҳар ким ҳам
Жангчилар ҳамласига эта олмайди чидам.

* * *

Қийин ишга кўпни кўрган одамни юбор,
Ташлай олсин кутурган шер бўйнига арқон.

Тажрибасиз ёш бўлса ҳам қудратли, филтан
Қирғин жангда кўрқувидан чиқиб кетар жон.

Жангда пишган уруш йўлин билади аниқ,
Доно киши қонунларни билгандек осон.

* * *

Юки қанчаларки оз бўлса, эшак
Юриши енгилроқ бўлади бешак.

* * *

Фақирлик юкини кўтарган одам
Ўлим эшигига боради енгил.

Неъматга фарқ бўлиб яшаган киши –
Ўлими барчадан оғир бўлур, бил.

Банддан озод бўлган асир ҳолидан
Бандга тушган амир аҳволи мушкул.

* * *

Маромида овқат еган фаришта бўлур,
Ҳайвон каби еса, тушар оғир тош мисол.
Ким истагин бажо қилсанг, амрингга тобе,
Нафс айтганин қилдингми, бўйсундирмоқ маҳол.

* * *

Ярамасга раҳм этиб, эркаласанг ногаҳон,
Мамлакатинг ичра у жиноят қилур ёмон.

* * *

Минг ошиқли маъшуқага¹ берма кўнгил,
Дилинг берсанг, таги билан узиб бергил.

* * *

Бекитиқчи сўзни айтиб бўлмайди,
Ҳар мажлисда айтиб, қайтиб бўлмайди.

* * *

Ким бошқалар орасига ташласа олов,
Ақлсиздир, фақат ўзи ёнади лов-лов.

* * *

Ёвни заиф кўрганда ғурурланма ҳеч қачон,
Ҳар данакнинг мағзи бор, ҳар либосда бир инсон.

* * *

Душманинг кўрсатган йўлига юрма,
Сўнг пушаймон бўлиб, тиззангта урма.

Сенга ўкдек тўғри йўл кўрсатган он,
Сен ундан бурилиб, юргил чап томон.

* * *

Доно киши қаттиқ бўлмайди доим,
Қадри кетар бўлса ҳамон мулойим.

Кибру димоғдорлик қилмас ихтиёр,
Аммо ўзини ҳам ҳеч айламас хор.

¹ Тасаввуф шеърлятида минг ошиқли маъшуқа дейилганда дунё кўзда тутилади.

* * *

Чўпон дер отасига: «Эй хирадманд,
Дегил таълимима пирона¹ бир панд».
Дедиким: «Хушфеъллик килма чандон,
Бўрилар бўлмасинлар тез дандон»².

* * *

Агар душман аро бўлса низо, жанг,
Бориб дўстлар билан хотиржам ўлтир.
Магар кўрдингки, ёвларнинг тили бир,
Камон торт, қалъага ғишт-тош келтир.

* * *

Маърака кун ғафлатда қолма заиф душмандан,
Шер миясин қоқадир, ким узса умид жондан.

* * *

Булбуло, кетир баҳор хабарин,
Бойқушга қўйгил ёмон сўз барин.

* * *

Мақтов нодонлардан, гумон ўзингдан –
Бўлур, ғурурланма гўзал сўзингдан.

* * *

Ҳар жойдан топасан ойна синигин, шунинг-чун беқадр,
Лаълни-чи, қўлга киритмоқ душвор, шунинг-чун азиз.

* * *

Чўлда ўз кўзларим билан кўрганман,
Йўлда қолиб кетар шошқалок одам.
Шамолдек саманлар чопиб толади,
Сарбон³ бир меъёрда ташлайди қадам.

¹ П и р о н а – кексаларга муносиб, оқилона.

² Д а н д о н – тиш.

³ С а р б о н – карвонбоши.

* * *

Камолу фазлдан бебаҳра бўлсанг,
Оғзинг оча кўрмай тилингни тийгил.
Одамнинг ўз тили қилур шарманда,
Пуч ёнғоқнинг вазни келгандек енгил.

* * *

Сўзлар эрса сендан каттароқ бир оз,
Яхшироқ билсанг-да, қилма эътироз.

* * *

Фаришта ўлтирса дев билан агар,
Ўрганар ваҳшату найранг, хиёнат.
Ёмондан яхшилик ўрганиб бўлмас,
Бўри пўстиндўзлик қилурми одат?

* * *

Одамнинг устига қараб, бир кунда
Илму даражасин билса бўлади.
Ва лекин дилидан бўлма хотиржам,
Йиллар ўтиб бир кун ошкор қилади.

* * *

Сояпарвар кучни қайдан олади,
Баҳодирлар билан уришмоқ учун.
Суст панжа олишар нодонлигидан,
Буколмас у темир панжалар кучин.

* * *

Қўли қисқа ҳасадчи қилур ғийбат, қилу кол¹,
Чунки келса рўбарў, тили бўлур гунгу лол.

¹ Қилу кол – бефойда гап-сўз.

* * *

Тирик жонин олиш осон бўлар ҳал,
Ўлик тирилмайди қайта ҳеч маҳал.

Ўқчида сабр ўлса, ақлдан нишон,
Камонга қайтмайди учган ўқ ҳеч он.

* * *

Оқилга паст киши кўргузса жафо,
Кўп алам чекмасин бўлиб дилсиёҳ.

* * *

Тошдан кичик лаъл бўлурга лозим неча йил,
Тошга уриб бир нафасда синдирма чил-чил.

* * *

Қатра қатра устига жам бўлса, у бўлғай наҳр¹,
Наҳр устига наҳр келса, бўлур денгиз, ахир.

* * *

Оз-оздан йиғилиб бўлади бисёр,
Дона-дона ғалла тўлдирур анбор.

* * *

Паст одамга муомаланг бўлса бўш,
Манманлиги ортиб, учар ақлу хуш.

* * *

Бўлса жоҳил маҳруму калта ақл,
Яхшироқдир беамал олимдан ул.

¹ Н а ҳ р – дарё.

* * *

Тойди йўлдан чунки у кўзсиз сўқир,
Бул йиқилмиш чоҳ аро кўзларда нур.

* * *

Чопкир от устида ўлтирган киши, хушёр бок,
Хас-тикан ортган эшак ботқоққа ботмишдир шу чоғ.

* * *

Кирма қашшоқ кўшнинг уйига олов-оташ учун,
Мўридан чиққан қаро дуд оҳи зоридин тутун.

* * *

Кўриб ботқоққа ботган жониворни,
Юракдан раҳм эту бошига борма.
Агар борсангу аҳволини сўрсанг,
Белинг боғлаб, думин торт, дам чикорма.

* * *

Уламо¹, эшонлар бўлса дилозор,
Хушхулқ аскар ундан яхшироқдир юз бор.

* * *

Ўзинг топиб еган сиркаю пиёз,
Оксоколнинг нону баррасидан² соз.

* * *

Табибга кўрсатмай касал томирин,
Тузалмоқ хаёли хомдир, хушёр бўл.
Билмаганинг сўра, сўраш номуси,
Билки, билимдонлик ва хурматга йўл.

¹ У л а м о – Ислом олимлари ва факихлари (хуқуқшунослари).

² Б а р р а – кўзи.

* * *

Нодон каторига кўшасан ўзинг,
Агар бўлсанг нодон улфатга ҳамдам.

* * *

Ақллик бўлса гар, жавоб беради
Фақат ундан савол сўралган замон.
Гарчи ҳақ бўлса ҳам сергапнинг сўзи,
Гапларин ёлғонга жўйишар осон.

* * *

Кимга одат бўлса рост гапиришлик,
Барча ишонади қилса ҳам хато.
Ёлғончилик билан номи чиқса-чи?
Ҳеч ким ишонмас рост гапига ҳатто.

* * *

Хасислар на емай, на ичай деяр:
«Еб-ичмақдан орзу яхши дунёда!»
Бир кун душманларин орзуси билан,
Ўлиб кетар, бойлик колар зиёда.

* * *

Куч-қувватга эга ҳар қандай билак,
Ожиз қўлин шартга узмас қиличдек.
Солмагил заифлар дилига алам,
Зўрроқнинг жабрига йўлиқма сен ҳам.

* * *

Фаридун¹ фармон этмиш хитой наққошларига,
Тикинг деб чодиримга ипак ила бир шиор:
«Хушёр эсанг, ёмонга яхшилик қил доимо,
Фақат яхши кишилар улуғвору бахтиёр!»

* * *

Яхши билсанг бериш керак нарсани,
Жаҳл қилмай бергил лутф ила хуррам.
Ким хоҳиши билан хирож бермаса,
Куч билан олишар миршаб ҳақин ҳам.

* * *

Фозил агар бўлса бахиллик иши,
Эртаю кеч таъна қилур ҳар киши.

Юз гуноҳи бўлса карам соҳибин,
Айби ёпилгайдир шу эҳсонидин.

* * *

Қози биз билан ўтирса, ўзи ҳам чалгай чапак,
Муҳтасиб ўзи май ичса, қилмагай мастни ҳалак.

* * *

Жон риштасин узарди камончайи носози,
«Отанг ўлди» дегандан хунук эди овози.

* * *

Қўшиқчилар борки, улар овозин
Гўзаллиги солар дилга ҳаяжон.
Аммо сен шундай ажиб куйчисан,
Жим бўлганинг чоғи роҳатланар жон.

¹ Ф а р и д у н (А ф р и д у н) – қадимги Эроннинг пешдодийлар сулоласига мансуб олтинчи ҳукмдор.

* * *

Ингичка бўлгунча йўғон чўзилиб,
Ингичка чидамас, узилиб ўлур.

* * *

Мен ҳеч вақт замона ишидан нолимас ва фалак гарди-
шидан юз ўгирмас эдим.

* * *

Сенга тоқу масжид бўлибдир макон,
Биров бутпараст¹ бўлса, дема ёмон.

* * *

Бир донишманддан сўрадилар:
– Ўнг қўлнинг фазилатлари ҳаммага маълум, бас, нечук
узук сўл қўлга тақилади.

– Фозил кишилар ҳамиша маҳрум кишилар эканликла-
рини билмайсан-ми? – деб жавоб берди донишманд.

* * *

Ҳар жойда ёмонлик ўргатар ёмон,
Ҳас-чўпга ёпишар фарк бўлган инсон.
Ёмон кишиларга ҳамроҳ бўлмагил,
Қорасин юқтирар мисоли қозон.

* * *

Тор этикдан яхшидир юрмоқлик оёқ яланг,
Мусофирлик аълодир уйинг тўла бўлса жанг.

¹ Бутпараст – бутга сизгинувчи.

АЛИБЕК РУСТАМОВ ТАРЖИМАСИ

Отам бор вақтда, бошимда тож бор эди. Агар вужудимга бир пашша қўнса, бир неча кишининг хоотири паришон бўлур эди. Энди эса мени душманлар асир қилсалар ҳам, дўстларимдан бирор киши ёрдам бермайди.

* * *

Билганингни сўзла, чунки ҳақиқатни гапирган яхши, чунки сен на порахўрсану, на лаганбардорсан.

* * *

«Иzzат оёғини осмонга қўй» дема! «Самимият юзини ерга қўй» дегил!

* * *

Халқ пиёласи заҳар билан тўлганлигини кўрганда, кишининг томоғидан қандай қилиб чучук сув ўтади.

* * *

Бу ўртада бахтга эга бўлган киши – халқнинг тинчлиги билан банд бўлган кишидир.

* * *

Одамийлик саховат ва илтифотдан иборат, куруқ савлатни одамийлик деб ўйлама!

* * *

Агар инсоннинг фазл ва эҳсони бўлмаса, одам билан деворга чизилган расмнинг орасида нима фарқ бор?!

* * *

Ҳар бир одамзод ҳайвондан яхши эмас, чунки йиртқич ҳайвон ёмон одамзоддан яхшироқдир.

* * *

Йиртқич ҳайвондан ақли инсонгина яхши, кишига йиртқич ҳайвондек ташланадиган махлуқ инсон эмас.

* * *

Тикан берадиган томирни юлиб ташла! Мева берадиган дарахтни парвариш қил!

* * *

Оламга ўт қўювчининг чироғи ўчгани яхши, халқ куйгандан кўра бир кишининг ўтга тушгани яхши.

* * *

Жафони касб қилиб олганларни барбод қил! Ситам қилувчиларга ситам қилиш адолат ва инсофдандир!

* * *

Агар бирор калланинг халққа озор етказаётганини кўрсанг, ўткир қилич билан бўғзини кес!

* * *

Бу илонни таёқ билан ўлдириш керак, деб ўтирма! Ўнг келди дегунча қўлингдаги тош билан бошини янч!

* * *

Пашша кўпайса, шу қадар кучлилиги ва савлатига қарамасдан, филни енгади.

* * *

Даргоҳингнинг куббаси Кайвон¹ юлдуздан ҳам юқори бўлгач, мазлумнинг ноласини қандай қилиб эшитардинг?

¹ К а й в о н – Сатурн сайёраси.

* * *

Сен шундай ухлагилки, агар бирор мазлум даврингдаги золимдан шикоятланиб йиғласа, қулоғингга эшитилиб турсин.

* * *

Қўлингда тиг бор экан, голиб бўл!

* * *

Ҳақни фақат ошкора айтиш мумкин!

* * *

Кимки агар кўркув билан тамадан узоқ бўлса, хитойдан ҳам кўркмайди, тотордан ҳам¹.

* * *

Агар шоҳ ўз раиятини муҳофаза қилса, хирож унга ҳалол бўлсин, чунки у чўпонлик ҳақидир.

Агар у халққа чўпон бўлмаса, еган-ичгани илон заҳри бўлсин, чунки у мусулмонлик учун олинган жаримадир.

* * *

Ўткир, тилгич тирноғинг бўлмаган тақдирда ёмонлар билан оз олишганинг яхши!

Кимки пўлат билаклига панжа урса, ўзининг кумуш билагига зарар етказди.

Ҳаёт (душманнинг) кўлини бойлаб бергунча қўйиб бер, ундан сўнг дўстларнинг истагига мувофиқ миясининг қатигини чиқар.

* * *

Эй нотавон, зўравонларга бардош бер, бир куни ундан кучлироқ бўласан!

¹ Бу ерда хитой деганда – қорахитойлар, тотор деганда – мўғуллар кўзда тутилмоқда.

* * *

Ҳимматинг билан золимнинг қўлини боғла, ҳимматли
билак кучли қўлдан яхшироқ!

* * *

Уруш олиб келувчи ўз жонига қасд қилади.

* * *

Эй мардлар, хотинлар кийимини киймаслик учун ғайрат
қилингиз!

* * *

Жанг вақтида хотинга ўхшаб бошини ўраб оладиган қи-
личбоз эркакдан хотинчалиш яхши!

* * *

Гарчи филдай кучинг, шердай панжанг бўлса ҳам, ме-
нингча, урушдан тинчлик яхшироқдир.

* * *

Тақдир ўзини ҳам банди қилишдан кўркмай, асирларга
зўравонлик қилади.

Асирларни қўлга туширган киши ўзи ҳам бошқаларга
асир тушиши мумкин.

* * *

Душман ожизлик қилиб, эшигингдан кириб келганда,
кўнглингдан ғазабни, бошингдан кекни чиқариб ташла.
Омон беришни сўраса, саховат қилиб кечир, лекин макри-
дан эҳтиёт бўл.

* * *

Тиғ урувчи душман ташқарида деб ўйлама! Душман ше-
риклари шаҳар ичида ҳам бўлади.

* * *

Сирингни ҳар ким олдида ўртага ташлама, мен кишига ҳамтовоқ бўлиб олган жосусларни кўп кўрганман.

* * *

Искандар шарқликлар билан уруш қилган вақтда ҳам, эшитишимча, чодирига ғарб томондан дарча очиб кўяр экан.

* * *

Халқ кўзига дўст бўлиб кўринган душманнинг тиши ўткир бўлади.

* * *

Бечоралик, очликка тан беру пасткаш олдида қўл чўзма!

* * *

Иззат билан ўлиш хор бўлиб яшашдан яхшироқдир!

* * *

Эй нафс, озга қаноат қил, шунда султон билан дарвешни бир кўрасан!

* * *

Нега ўз хоҳишинг билан шоҳ қошига борасан? Тамани бир чеккага улоқтирсанг-ку, ўзинг шоҳсан.

* * *

Агар нафспараст бўлсанг, қорнингни меш айлаб, ҳар кимнинг эшигини ўзингга қибла қилиб ол.

* * *

Оғзингдан чикиб кетар даражада кўп, ҳолдан тойиб ўлар даражада оз ема.

* * *

Қудрат учун катта-кичикнинг фарқи йўқ-ку?

* * *

Кўз кўриб, кўнгил қўлдан кетиб, чора қолмагач, на кўнгил меҳрга тўяди, на кўз дийдорга.

* * *

Агар бағрингда мувофиқ ёринг бўлса, эшигингни (кунда) беш марталаб бориб қоқ!

Агар кун бўйи ташвиш тортсанг, ғам ема, чунки кечқурун ғамхўринг ёнингда бўлади!

Кимнинг уйи обод бўлиб, ёстиқдоши унга дўст бўлса, Худонинг раҳмати ўша кишига қаратилгандир...

Кимнинг оромижони у билан яқдил бўлса, шу киши дунёда ўз мақсадига эришади.

Агар пок ва ширин сўзлик бўлса, унга яхши қараб, қўполлик қилма!

Эр берган сиркани (хотин) ҳалво егандай қилиб есин. Ҳалвони сирка ичгандай юзини буриштириб емасин...

* * *

Бир-биридан ажратганда тошдан ҳам садо чиқади.

* * *

Бировнинг олдига тиланиб боргандан кўра фақирликда қийналиб ўлган яхши.

* * *

Тез бўлган нарса узоққа чўзилмайди.

* * *

Эшитишимча, Шарқ тупроғи қирқ йилда чинни коса бўлар эмиш. Бағдодда бир кунда юзтасини ясаб ташлашади. Шунинг учун ҳам (ҳар бирининг) қиммати маълум.

* * *

Оз-оз йиғилиб мўл бўлур, томчи-томчи йиғилиб сел бўлур.

* * *

Дўст уйини супур, душман эшигини қокма!

* * *

Бечора мушукнинг қаноти бўлса эди, чумчукнинг тухумини дунёдан қуритар эди.

* * *

Ҳўкизнинг икки шохи бўлса, ёнига ҳеч кимни йўлатмас эди.

* * *

Бойлик кўнгилдадир, молда эмас, улуғворлик ақлдадир, ёшда эмас.

* * *

Одамхўр шердан юккаш эшак яхши.

* * *

Душманни кучсиз ва ожиз деб бўлмайди.

ҲАЁТ НЕЪМАТ ТАРЖИМАСИ

Чу чанқоқ дашту чўлда сувсиз ёнса,
На фойда, бўлса гар олам Фуротдир.

* * *

Гар дилинг бўлса, уни дилбарга бер,
Зое ул кишварки, гар султони йўқ.

* * *

Сўрдим ақл можаросин ишқдан,
Деди, мансаб унда бор, фармони йўқ.

* * *

Ишқ дарди соғлиқдан яхшидур.

* * *

Ишққа ақл зўри етмас, эҳтимол
Ожизликдан зўравонлик айлағай.

* * *

Не керакдур қизилюзлик, дилингда гар сиёҳинг¹ бор?

* * *

Қилма айб мискинни, ортингда йиқилса, гоҳ турар.

* * *

Қарор ҳеч бир мақомда топмағай асло ғариб кўнгли.

* * *

Ўзгадир доно йўливу ўзга ошиқ мазҳаби.

¹ С и ё ҳ – қора, қоралик.

* * *

Ишқ одамиятдир.

* * *

Беш кундан ошиқ эмас ёшлик бозори кунлари.

* * *

Не ғам ошиққа маломат қилса дўсту душмани.

* * *

Қадимий дўсту ёрларда хунар ҳам айб аросида
Тафовут бўлмагай, чун ҳар назар айни ризо бўлгай.

* * *

Ғаразгўйлар аросида агарчи минг адоватдир,
Валекин ошиқу маъшукда дўстлик то дунё бўлгай.

* * *

Гадога гар бутун оламини берсанг ҳам, гадо бўлгай.

* * *

Муҳаккиқ¹ олдида ишқ фаслида ғафлат, хато бўлгай,
Саҳардир, уйғон энди, дунё охири фано бўлгай.

* * *

Азиз дўст суҳбати даври баконинг ҳосили бўлгай
Ва дўст дийдоридан бир дам, икки олам баҳо бўлгай.

* * *

Не даъво айлагай банда, агар ҳукми Худо бўлгай.

¹ М у ҳ а қ қ и қ – таҳқиқ қилувчи, нарсанинг моҳиятини англаган, ҳақиқатини билган киши, ориф.

* * *

Ғариб ҳар бир шаҳарда бор, хама мулкда гадо бўлгай.

* * *

Ишк уммонида асло йўқ канор¹.

* * *

Машриқу² Мағрибда³ ҳеч марди Худо эрмас ғариб,
Қайгаким борса, хама мулки Худойидур унинг.

* * *

Ҳар киши бойлик, улуғлик, хожалиқдан кечса гар,
Ҳар кишига етса, бўлгай ошнойидур унинг.

* * *

Эрур ишк дарди бир дардким, иложига табиб эрмас,
Агар ишк дардманди нолиса, у ҳеч ғариб эрмас.

* * *

Таъна қилгай кимсаларким, тарки ишк айла дебон,
Ишк агар ўлдирмагай, нақд ул сухан⁴ ўлдурғуси.

* * *

Илону зар, тикону гул, гаму шодлик баҳамдирлар.

* * *

Чин ошиқлар балодан қочмагай асло.

¹ К а н о р – соҳил, кюргок.

² М а ш р и қ – шарқ, кунчиқар.

³ М а ғ р и б – гарб, кунботар.

⁴ С у х а н – сўз, гап.

* * *

Ҳадиси ишқ агар дерсан, гуноҳмас,
Гуноҳ аввал Ҳаво қилди-ю, Одам.

* * *

Ғанимат бил, агар билсангки, ҳар кун
Бўлар қолган умрдан бир куни кам.

* * *

Биной умринга дил қўйма, Саъдий –
Ки, бунёди эмас бунёди маҳкам.

* * *

Сабр ошик дардининг дармони.

* * *

Кўп сафар қилмоқ керакким, то пишитсин хомни.

* * *

Гарчи мушток аҳлининг ҳар кечаси тимқорадир,
Ноумид бўлмоқ керакмас, итла ёруғ томни.

* * *

Саъдий, дарё бўйидан не изларсан дурдонани?

Бор наҳанглар комига, истар эсанг гар комни.

* * *

Одамиятдир ҳама бечорага раҳм айламак.

* * *

Одамда бўлмас гар маъний жони,
Ҳақиқат ул дарахти бесамардир.

* * *

Хатодир ёру дўстлар қалбига озор етказмоқ,
Вале қотилки, қасд айлар, хатодан не ғами бордир?

* * *

Намунча тошюррак бўлмас киши, йўл бошида кимса
Улар ташна, бировларда вале оби зулоли бор.

* * *

Девонагаки, дейсан ҳушёру оқил бўлгин,
Қўрқарман, насихатдан яна баттар бўлгай у.

* * *

Гар асил ошиқ эурсан, жон бериб, парвона бўл.

ЭРГАШ ОЧИЛОВ ТАРЖИМАСИ

Ҳалол меҳнат билан топган бурда нон,
Ҳотам миннатини чекмас ҳеч қачон.

* * *

Қайда ишқ дарахтин меваси бисёр,
Дуру гавҳар бўлар назарингда хор.
Қайда барча бўлса ёри вафодор,
Чин ёрдир ким бўлса оғир кунда ёр.

* * *

Кўриб туриб дарвеш ютар қон,
Бой бўғзидан қандай ўтар нон.

* * *

Ўчсин умр чироғи жаҳонга ўт қўяр ким,
Бутун халқ куйганидан бир киши куйсин токим.
Кимнинг бошида халққа зулм этиш хаёли бор,
Жудо қилиш керак бу бошни бўйнидан зинҳор.

* * *

Бир вужуд узвидир фарзанди одам,
Бир гавҳардан эди яралгани дам.
Бир узвига етиб захм, бўлса бемор,
Барча узвлари бўлар беқарор.

* * *

Филдай кучинг бўлса, шер каби панжанг,
Сулҳ тузганинг яхши қилганингдан жанг.
Душман сулҳ истаса агар, тортма бош,
Душман жанг истаса, жанг қилгали шош.

* * *

Сендан кучли бўлса душманинг юз бор,
Ўзингни ўлимга бошлама зинҳор.
Кучинг етса айла душманни яксон,
Ожиз бўлсанг сулҳ туз уялмай шу он.

* * *

Ким гуноҳинг бўлмай гар килса жафо,
Сен ҳам унинг бағрин тилганинг – яхши.
Ёмонга ёмонлик раводир, аммо,
Кечириб, яхшилиқ қилганинг яхши.

* * *

Сўрагил кўргани борганинг маҳал,
Қандай ўтказмоқда дардини касал.

* * *

Донолар ўзаро юрмас талашиб,
Ҳатто нодон билан яшар ярашиб,
Нодон ваҳшат билан килса ҳам қаҳр,
Доно вазмин бўлиб, кўрсатар меҳр.

* * *

Дўст дема иш юришганида
Ким содиқлик лофини урар.
Бошга оғир кун тушганида
Чин дўст келиб кўлингдан тутар.

* * *

Тил топишса душманлар билан,
Бундай дўстдан қўл юв тамоман.

* * *

Душман билан ким бўлса ҳамкор,
Дўстларига етказар озор.

* * *

Бугун буғдой эк то имконинг бордир,
Эрта арпага ҳам бўлмайсан қодир.

* * *

Сен пок бўлу ҳеч кимдан кўркмай яша, эй инсон,
Тошга уриб поклашар агар кир бўлса чопон.

* * *

Ўзингга қилмаган ёмонликни ҳеч
Бошқа бировга ҳам қилма, биродар.
Ўз онангни севсанг, менинг онамни
Ҳақорат қилишдан айлагил ҳазар.

* * *

Ёвуз кимса кўрар фақат ёмонлик,
Бир кун забун бўлар, топмас омонлик.

* * *

Ким ёмон иш қилса, ғийбатга нишон,
Ёмонни демаслар яхши ҳеч қачон.

* * *

Бировдан яхшилиқ кўрса ҳам фақат,
Ёмонлик қилади ким бемуруват.

* * *

Биров боласига қилма ёмонлик,
Ўзингнинг боланг ҳам топмас омонлик.

* * *

Дилозор кимсадан ит яхши.

* * *

Ожизга зулм этма, бўлишинг ҳам бор
Оёғи остида чумолидай хор.

* * *

Афв этиш ҳар қанча яхши бўлса ҳам,
Кўйма ярасига золимнинг малҳам.

* * *

Ожизни қақшатма кўп, эй ситамкор,
Қачонгача қизгин қолгай бу бозор?!
Халққа жабру ситам қилгандан кўра,
Яхши эди ўлиб кетганинг минг бор!

* * *

Юкингни кўтарган эшаку хўкиз
Дилозор кимсадан афзал, шубҳасиз.

* * *

Душман эшигингга келса уриб бош,
Ярашмас афв этмай, қилсанг жанг-талош.

* * *

Эшак эшак бўлиб қолади ҳар дам,
Маккани зиёрат қилиб келса ҳам.

* * *

Кирмагани каби миҳ тошга,
Таъсир қилмас пандинг бебошга.

* * *

Ёлгон безътибор қилар одамни,
Шарманда, шармисор қилар одамни.

* * *

Гар ўт ёкса икки киши аро қай одам,
Шу ўт ичра қуйиб кетар унинг ўзи ҳам.

* * *

Тўлдирмагани каби чуқурни сира шабнам,
Тўймас дунё молига тама аҳли кўзи ҳам.

* * *

Бахиллигу дўстлик бўлмайди бирга.

* * *

Мудом қорин юкин тортар очофат,
Егулик топмаса, чекар ғам-ҳасрат.

* * *

Кўп ейишга ружу айлама зинҳор,
Қара, ит нафси деб мудом хору зор.

* * *

Оғзингдан чикқунча ема, эй одам,
Оёқдан қолгунча парҳез этма ҳам.

* * *

Агарчи таомда бор нафс лаззати,
Меъёридан ошса, кўп машаққати.

* * *

Агар чумолилар бўлса иттифоқ,
Ҳаттоки шерга ҳам солишар титроқ.

* * *

Китобни тарк этиш ақлдан жудолик,
Одамларнинг иши кўп бевафолик.

* * *

Устоз қаҳри ота меҳридан афзал.

* * *

Бўлмасин сўзинг ё ишинг ҳам,
Меъёридан ортик ёки кам.

* * *

Қилсанг доим меъёрга амал,
Дўсту душман ёқлар ҳар маҳал.

* * *

Агарчи ёмонлик ёмон бўлса ҳам,
Ундан холи эмас бирор-бир одам.

* * *

То сўзлашга бор экан имкон,
Фақат яхши сўз айт, дўсти жон.

* * *

Ғамни тоққа юкласанг агар,
Ҳатто тоғ ҳам майишиб кетар.

* * *

Охири ғам бўлган шодликдан афзал
Шодлик олиб келган қайғу ҳар маҳал.

* * *

Бечоралар ғамин енгиллат ҳар дам,
Бечора бўлмасдан бир кун ўзинг ҳам.

* * *

Ғазаб туттиради қўлга тиг осон,
Кейин афсус чекиб юради инсон.

* * *

Фаришта дев билан бўлса дўст-улфат,
Ваҳшат ўрганади, макру хиёнат.
Яхшиликдан йирок бўлар муттаҳам,
Бўри пўстиндўзлик қилмас сира ҳам.

* * *

Ҳар бир ишнинг бор ўз вақту соати,
Ҳал бўлиши қийин етмай муддати.

* * *

Оғир кунлар ўтиб, ёруғ кун етар,
Агарда одамзод сабр-бардош етар.

* * *

Сабр қилган киши топади нажот,
Сабрсиз кишига бахту давлат ёт.

* * *

Сабр қилсанг, ишлар ҳал бўлиб кетар,
Бесабр киши ўз бошига етар.

* * *

Сен сирлашма ҳамма билан ҳам,
Улар ичра жосус эмас кам.

* * *

Душман сўзин дўстга етказмас ҳеч ҳам
Кўнглида душманлик бўлмаган одам.

* * *

Майли, хазинага топшир дурингни,
Лекин эҳтиёт қил доим сирингни.

* * *

Сен ғофил туну кун излаб фойда, мол,
Умр сармоясини бўлмоқда поймол.

* * *

Сен ўлик молингга керилма кўпам,
Оқмаган сув бадбўй бўлар жуда ҳам.

* * *

Бедор дил олади ўликдан ҳам панд,
Ўлик дил тирикдан бўлмас баҳраманд.

* * *

Ўзинг қилмасанг амал, панд айлама ҳеч қачон,
Аввал ёйга жойлаб ўқ, кейин олишар нишон.

* * *

Тингла баҳона топмай қилсам қанча насихат,
Қабул қил, насихатгўй панди берар наф фақат.

* * *

Сўз айт, жавобига етсин то тоқат,
Нима эксанг, шуни ўрасан фақат.

* * *

Наҳангнинг комидан ваҳм этса агар,
Ғаввос киритолмас кўлига гавҳар.

* * *

Хурсандчилик йўқдир дунёда
Аҳил яшашдан ҳам зиёда.

* * *

Ўзаро ярашиб икки севишган,
Ёнма-ён ўтирса, на хушдир бундан!

* * *

Шиша ҳар ерда бор – шундан йўқ қадри,
Лаълга етиш кийин – шундан у азиз.

* * *

Темир зангласа, йўқ чора, ема ғам,
Кеткизиб бўлмас минг сайқал бериб ҳам.

* * *

Ёп-ёруғ кунда чироқ ёкиб ўтирган аҳмоқ,
Чироғига ёғ топмас қоронғи тун кирган чоғ.

* * *

Пойдевори харобу уйнинг,
Айвонига зеб берар хожа.

* * *

Овчи ўлжа билан қайтмас ҳар маҳал,
Гоҳ ўзини ўлжа қилади ажал.

* * *

Бўлма тухфа излаб дўстларга сарсон,
Ўзингнинг ташрифинг энг зўр армуғон.

* * *

Чашма суви озлигида боғлаш мумкин олиб бел,
Тўлиб кетса кейин кечиб ўтолмагай хатто фил.

* * *

Тузалдим деб берма табибга озор,
Яна бир кун оғриб қолишлигинг бор.

* * *

Кўқдан оби ҳаёт ёғса ҳам чунон,
Тол дарахти мева бермас ҳеч қачон.

* * *

Мен кимга отишни ўргатган бўлсам,
Кўксимни нишонга олди шу одам.

* * *

Мевали дарахтни айла парвариш,
Тиканни кўрсанг юл – келтирар ташвиш.

* * *

Ташнанинг тушига киради доим
Бутун олам бўлиб сувга лиммо-лим.

* * *

Қарғани лочинга ўхшатса ҳар ким,
Кўзида қусур бор, шабкўрдир балким.

* * *

Уйи йўқ кишига бутун шаҳар жой,
Дарвеш тунда қайга қўнса, шу сарой.

* * *

Ошиқ қушнинг овози жонбахш бўлади.

* * *

– Ҳикматни кимдан ўргандинг? – деб сўрадилар Лукмо-
ни ҳақимдан.

– Кўрлардан, – деб жавоб қилди у, – чунки улар синаб-
билмаган жойга оёқ қўймайдилар.

* * *

Чироқнинг ўзини кўрмасанг, чироқ билан нимани кўрасан?!

* * *

Томоқдан ўтиб кетар ҳатто кўпол суяк ҳам,
Лекин йиртар қорнингни киндигингга етган дам.

* * *

Айшу ишрат билан ўтса ҳаётинг,
Бир куни фалакка етади додинг.

* * *

Сен тинч яшасангу биров чекса ғам —
Бунга чидолмайди доно сира ҳам.

* * *

Номи яшар, яхши ўлса ҳам,
Уни азиз тутади олам.
У даврада мисоли чироқ,
Шам ўчса ҳам, ёруғдир ҳар ёқ.

* * *

Молу мансаб билан бўлолмас улуғ,
Кимнинг табиати бўлса паст, тубан.
Қорундек давлати бўлса ҳам унинг,
Ит итдир занжири зар бўлган билан.

* * *

Уйу дўкон аро кечса бу ҳаёт,
Эй хом, банда, сира бўлмайсан одам.
Юрт кез, олам бўйлаб айла саёҳат,
Бўшамай бир куни сендан бу олам.

* * *

Бугун ўчир ўтни, бор экан имкон,
Эрта кучайса у, ёкар жаҳонни.
Қайтармасанг, қилар кўксингни нишон,
Душман агар қўлга олса камонни.

* * *

Қаҳр қилма, битса агар мулойимлик билан иш,
Занжир нега, қочишга ҳеч уринмаса гуноҳкор.

* * *

Хунугу ёмон хулқли хотиннинг иши озор,
Гўзалу яхши хулқли хотин яқин дўсту ёр.

* * *

Ким агар сабр этмас, эмас сира ёр,
Ёр сира жанг қилиб, бермайди озор.

* * *

Яшаш ва сўзлашдир ейишдан мақсад,
Ейиш эмас мақсад яшашдан минбаъд.

* * *

Овқат хоҳи ширин, хоҳ нордон,
Хушдир есанг очиқиб ҳар он.

* * *

Миннатли шакардир мисоли захар,
Беминнат куруқ нон мисоли шакар.

* * *

Ичингни қил таомдан холи,
Кўрай десанг унда маърифат.
Бўғзинггача лик тўлса таом,
Қандай кирсин дилингга ҳикмат?!

* * *

Тингловчида агар йўқ майлу рағбат,
Нотиқнинг нутқида колмагай қувват.

* * *

Қайда илдиз отса карам дарахти,
Шохлари юксалар фалақдан ҳатто.
Миннат болтасида ташлама чопиб,
Мевасидан емоқ бўлса муддао.

* * *

Ким тақвою илму зуҳдини сотди,
Хирмон тўплади-ю, оловга отди.

* * *

Донишмандга лойиқ мансабу амал,
Гарчи у истамас буни ҳеч маҳал.

* * *

Ёмонларга раҳм этиш яхшиларга ситам қилишдир, зо-
лимларни афв этиш дарвешларга жабр қилишдир.

* * *

Бировга сир айтиб, асра дегандан,
Тилга чиқармаган маъкулдир уни.

* * *

Ҳар сўзники, айтиб бўлмайти ниҳон,
Ошкор қилиб бўлмас уни бегумон.

* * *

Хулқи ёмон киши шундай бир душманнинг қўлига ги-
рифтордирки, қаерга бормасин, унинг ранжу азобидан ха-
лос бўлолмайди.

* * *

Ёмон бало дастидан кўкка қочиб чиқса ҳам,
Тубан феъли туфайли балога дучор ҳар дам.

* * *

Ким яхшилик қилмас борида имкон,
Қийналиб қолади бўлса нотавон.

* * *

Ёмонга кўшилган яхшилик кўрмайди.

* * *

Агар ҳамма тунлар бўлсайди Қадр,
Қадр туни бўлар эди беқадр.

* * *

Эшитган эдим мен Шарқ томонларда
Қирқ йилда бир коса қилишар бино.
Мардаштда бир кунда ясашар юзта,
Баҳоси бир пулга қимматдир аммо.

* * *

Осмондан заминга агар бор нисор,
Заминдан осмонга етгани ғубор.

* * *

Агар менинг феълим бўлса нораво,
Сен ўз феълинг кўлдан чиқарма асло.

* * *

Ўзидан кучсизга етказган озор,
Ўзидан кучлига бўлар гирифтор.

* * *

Ҳар лаҳза умрдан ўтади нафас,
Охирлаб боради умринг шу хил, бас.

* * *

Эллик йил яшабсан, сен эса ғофил,
Беш кунини қайта тополмайсан, бил.

* * *

Бир иш қилиб улгурмай ҳамон,
Ажал чалса зангини ёмон.

* * *

Тонг уйқуси ширин, лекин у
Сени йўлдан қолдиради-ку.

* * *

Ким келиб дунёда иморат солди,
Ўзи кетиб, уйи бошқага қолди.

* * *

Дўст деб билма кимки беқарор,
Лойиқ эмас дўстликка маккор.

* * *

Бугун гапиришга бор экан имкон,
Гапириб қол яхши сўзинг, биродар.
Тилингни тортишга бўласан мажбур
Эрта етса ажал элчиси агар.

* * *

Оғиз очма сўзга ўйламай ҳеч ҳам,
Яхши сўз кечикиб айтилса, не ғам?

* * *

Билсанг, бу дунёга келар вақтингда
Ҳамма хандон эди, сен эса гирён¹.
Шундай яшаки, то кетар вақтингда
Ҳамма гирён бўлсин, сен эса хандон.

* * *

Ҳунарманд ва оқил кишига асли
Икки умр лозим бўлар дунёда:
Бирида тажриба ҳосил қилса-ю,
Бирида қўлласа уни зиёда.

* * *

Ҳар макондан топа олдим кон,
Ҳар хирмондан ола олдим дон.

* * *

Ранж чекмагунча ганж йўқдур ҳеч жойда,
Меҳнатдан қочмаган топади фойда.

* * *

Ким уруғ экмаса тупрокка кузда,
Пушаймонлик бўлар ҳосили ёзда.

* * *

Чумоли тер тўкар ёз бўйи,
Қишда зорикмаслик фикр-ўйи.

* * *

Даромад истасанг, ишга бел боғла.

¹ Г и р ё н – йигловчи, йиглаб турган.

* * *

Адоват кўзига фазилатдан каттарок айб йўк.

* * *

Бойлик давлатда эмас, фазилатда.

* * *

Хунар ҳамиша қайнаб турган бир чашма ва сира тугамайдиган чексиз давлатга ўхшайди. Хунарманд давлатидан айрилса ҳам ҳеч бокиси йўк, чунки хунарнинг ўзи унга доимий давлатдир ва ҳар қаерга борса, кадр топиб, тўрга ўтади, хунарсиз эса бир бурда нонга минг бир азоб билан етишиб, кийинчиликдан боши чикмай яшайди.

* * *

Ким хунар ўрганса, донолар сўзи:
Уни улуғлайди хунарнинг ўзи.

* * *

Фазлу камол билан йўл оч ўзингга,
Наслу насабни зеб килма сўзингга.
Эски дурдан жило излама мунча,
Дур қанча эскирса, сарғаяр шунча.

* * *

Даъво килма ҳаммадан устунман деб илмда,
Кибр йўлини тутган ҳаммадан паст, нодондир.

* * *

Маъно давлатин қўлга кирит борингни бериб,
Моддий бойликлар кетиб, маъно давлати қолар.

* * *

Инсон илми билан топади камол,
Бу йўлда иш бермас мансаб, бойлик, мол.

* * *

Илминг билан ризқинг бўлса фаровон,
Кунинг ўтмас эди нодондан ёмон.

* * *

Ақл билан давлат ўзаро боғлиқ,
Кимнинг ақли йўқми, давлати ҳам йўқ.

* * *

Ақл билан инсон жисми муқаррам,
Жон бўлса, бор ҳайвон вужудида ҳам.

* * *

Донолардан ёдгор бўлиб сўз қолади.

* * *

Ақлу сўздан инсон топар эътибор,
Қилма бошқаларни тўтидек такрор.

* * *

Ўз сўзингга ўзинг мағрур бўлма ҳеч,
Пуч мақтовга учма, кибр-ғурурдан кеч.

* * *

Киши сўзга оғиз очмасдан бурун,
Айбу фазилати бўлар яширин
Чангалзорда не бор йиртқичга дема,
Балки унда йўлбарс олиб ётар тин.

* * *

Оғиз ичидаги тил нима? Билсанг,
Доно хазинасин калитидир у.
Эшик ёпик бўлса, қайдан биласан:
Резавор сотарми ё дуру инжу?!

* * *

Бир бўлса ошиқлар шодон ўтар кун,
Бир бўлса, яхшироқ ёнади ўтин.

* * *

Ошиқлигу маъшуклик келди-ю, шоҳлигу бандалик ора-
дан кўтарилди.

* * *

Ахир, ишқу ошиқликни дунёга мен келтирган эмасман?!

* * *

Ишксиз бошнинг бўм-бўш ковоқдан фарқи йўқ.

* * *

Ишқ дарди билан оғриган беморнинг табибга эҳтиёжи йўқ.

* * *

Ишқ билан сабрнинг ораси минг тошдир¹.

* * *

Мазлумга зулм қилишга мойил бўлма,
Ўтли оҳидан кўрқ унинг – ғофил бўлма.

* * *

Бўрига қилсанг карам,
Кўйларга бўлар ситам.

¹ Т о ш – тахминан 6 километрга тенг узунлик ўлчови.

* * *

Одамлар уйини ким қилса вайрон,
Ўз уйи ҳам обод бўлмас ҳеч қачон.

* * *

Агар фориғ бўлсанг дўстлар ёдидан,
Фароғат муяссар бўлмайди сендан.

* * *

Дунёда ҳар нарсадан дўст сўзи яхшироқдир,
Чунки дўстнинг хабари руҳпарвар бир нафасдир.

* * *

Бу дунёда насиба нақд вақтдир,
Эй оқил, бўлмагин бундан бенасиб!

* * *

Дўст бўлмаса, ҳаётнинг завқу сафоси йўқдир.

* * *

Дўстлик ҳаққи, агар ҳатто заҳар бўлса, қўлингдан
Ерман завқу ихлос билан еган каби ҳалвони.

* * *

Истайман илдизидан қўпориб душманликни,
Дил боғига ўтқазсам фақат дўстлик ниҳолин.

* * *

Аччиқ тирикликдан ўлим афзал.

* * *

Чаён ўч олай деб ниш санчмайди-ку,
Туғма табиати тақозоси бу.

* * *

Муҳаббатдан кўркма, айласа ҳам хок,
Боқий умр топар ким бўлса ҳалок.

* * *

Ким зулм этса қилган чоғи подшолик,
Подшоликдан кейин қилар гадолик.

* * *

Сўзимни тинглагил: ҳар кимки оқил,
Адоват тухмидан кўтармас ҳосил.

* * *

Хотин бўлса яхши, саранжом, доно,
Камбағал эрини қилади подшо.

* * *

Мол умр осойиши учун, умр мол тўплаш учун эмас.

* * *

Вактинг кадрла, олам иборатдур бир дамдан,
Доно қошида ўтган бир дам афзал оламдан.

* * *

Хазинангни сочиб-совургин бугун,
Тополмайсан эрта излаб калитин.

* * *

Бу дунёга келган экансанми пок,
Уят кирмоқ тупроқ қаърига нопок.

* * *

Дўстларга бўлмасанг меҳрибон, шафик¹,
Дўстларингнинг сендан қочиши аниқ.

* * *

Қорун ўлди-ю кетди қирқ хазина мол билан,
Анушервон абадий яшар эзгу ном билан.

* * *

Ўзимиз кўмилиб айбларга, яна
Ўзгалар айбини қиламиз таъна.

* * *

Бир сўзни ўн марта қайтарар нодон,
Дононинг ҳар сўзи бир дардга дармон.

* * *

Душманларинг билан ўлтирса дўстинг,
Бир куни албатта шилади пўстинг.

* * *

Агар ҳар тукингда бўлса бир ҳунар,
Толе терс айланса, не ишга ярар?!

* * *

Агар яшай десанг тинчу хотиржам,
Бечоралар кўнглин овлагин ҳар дам.

* * *

Айбин айтмасалар кимнинг ўзига,
Кўринар фазилат бўлиб кўзига.

¹ Ш а ф и к – ғамхўр, меҳрибон.

* * *

Мазлум дили охи эговга ўхшар:
Ўзи кесмаса ҳам, тиғни тез қилар.

* * *

Ёмонларга яхшилик қилиш яхшиларга ёмонлик қилиш
билан баробар.

* * *

Кимки имкони борида яхшилик қилмаса, ночор қолга-
нида қаттиқчилик кўради.

* * *

Осон вақтда кўнгилларни овлаки, то оғир пайтда иш
берсин.

* * *

Кўлдан келса, овла бирор кўнгилни,
Фазилат саналмас синдириш дилни.

* * *

Бировни қилай деб шоду бахтиёр,
Яхшимас бошқага етказиш озор.

* * *

Дунёни эгаллаш фазилат эмас,
Кўлдан келса, овла бирор дилни, бас.

* * *

Овлаш учун дўстлар дилини,
Сочса арзир ота молини.

* * *

Доно нодондан нафрат этади, нодон донодан ваҳшат.

* * *

Оқил бўлсанг, бир ишорат кифоя.

* * *

Оқил ҳар бир сўздан панд олади-ю, уни дилига жо килади.

* * *

Доно атторнинг кутисига ўхшайди: оғиз очмаса ҳам фазилати намоён бўлиб туради. Нодон эса жангчининг ноғораси каби: овози баланду ичи бўш.

* * *

Каламуш куёш чиқишини хоҳламайди.

* * *

Қошнинг тўғрилиги эгрилигида.

* * *

Ҳар кимнинг ҳурмати ўзига боғлиқ.

* * *

Халқ ким билан бўлса, мен ҳам ўша биланман.

* * *

Осон қўлга кирган нарсанинг кадри бўлмайди.

* * *

Мен нимани билсам – ўшаман.

* * *

Гўзаллар очик юзли бўладилар.

* * *

Ўғрининг кўли чопилмагунча ўғриликдан тортилмайди.

* * *

Ўкнинг эгри кетиши ўқ отувчининг нўноқлигидандир.

* * *

Гўзал юзли пардозга муҳтож эмас.

* * *

Кечаси йўл юрмасанг, кундузи бир ерга етолмайсан.

* * *

Куйган дилнинг ғамини куйган билади.

* * *

Тахмин билан дори ичиш оқилларга ярашмайди.

* * *

Кўзга хуш ёққан дилга севимли бўлади.

* * *

Денгизга чўкканнинг тўфондан нима ғами бор?

* * *

Бепоенмас биёбон,
Сўнгги бор унинг, аён.

* * *

Кўринишинг қандай бўлса, кўзгуда ҳам шуни кўрасан.

* * *

Кўйлакнинг ўзи бўлмаса, этакни қандай тутай?

* * *

Ҳожат ушалса, ташвиш тугайди.

* * *

Давлат этагидан куч билан тутиб бўлмайди.

* * *

Ироқдан захарни даф қиладиган дорини топиб келгунларича илон чакқан киши ўлиб бўлади.

* * *

Нафспарвардан хунарманд чиқмас ва хунарсиз раҳбарликка ярамас.

* * *

Мужодалада¹ чаккон бўлганларнинг барчаси ҳам муомалада зўр бўлавермайди.

* * *

Душманнинг ўлимидан шод бўлган киши ўзининг ҳам бир куни ўлишини унутмасин.

* * *

Нишни жароҳатдан олиб ташласанг ҳам, озори дилда қолади.

* * *

Ўта дағал бўлмаки, сендан безор бўлмасинлар, жуда ювош бўлмаки, сени муте қилмасинлар.

* * *

Ер остида ётган бедор дил,
Тирик мурдадилдан афзал, бил.

¹ Мужодала – баҳс, мунозара.

* * *

Агар эгри қўйса илк ғиштни меъмор,
Фалакка етса ҳам, эгридир девор.

* * *

Тун қанчалик узун – посбон билар, бас,
Жонон кучоғида ухлаган эмас.

* * *

Мажнун билан бирга ўтирган оқил,
Лайли хусусида сўзлайди нукул.

* * *

Ҳар ёмғир томчиси агар бўлса дур,
Эшакмунчоқ каби бўлар бекадр.

* * *

Юз бермас ақлли шоҳдан бу бедод:
Халқи хароб бўлса, хазина обод!

* * *

Ҳаддан зиёд баланд ёнса шам,
Шунча кўпдир ёнғин хавфи ҳам.

* * *

Агар дарахт бир жойдан иккинчи жойга қўча олса эди,
на арра жабрини тортарди-ю, на болта жафосини.

* * *

Семиз то ориқлагунча ориқ каттиқчиликда жон таслим
қилади.

* * *

Шерни урсанг, баттар қутураар,
Шамолдан ўт фалакка етар.

* * *

Ёқимли сўз куйган кўнгилдан чиқар,
Уд куймай, атрофни тутмас хушбўй ҳид.

* * *

Шерга ўхшар сичкон тутар чоғ мушук,
Сичкон-чи, гўё шер билан этар жанг.

* * *

Нопок ҳикмат айтиб, ҳарчанд урсин дам,
Бу ишидан унга етмас манфаат.
Пок инсон бир ерда жим ўлтирса ҳам,
Унинг гўзал хулқи ўзи насиҳат.

* * *

Номини яхшилик билан эсламайдиганлар ҳақиқий ўлик-
дир.

* * *

Бу дунёда эзгу номдан бўлак нарса қолмайди, шуни ҳам
қолдиrolмаган киши чинакам бадбахтдир.

* * *

Эзгу ном қолдирса ким, боқий яшар олам аро,
Яхшилаб номингни тилга олсалар, шу – мангулик.

* * *

Ортидан яхши ном қолмаган улуг,
Яшаб ўтган бўлар беҳуда, қурук.

* * *

Кимдан бирор нарса қолмаса ёдгор,
Билингки, ҳаёти ўтибди бекор.

* * *

Десанг, номим қолсин жаҳонда пойдор,
Яхшилар номини унутма зинҳор.

* * *

Кишидан зўр қаср қолгандан кўра,
Яхши ном қолгани афзалдир, жўра!

* * *

Бу дунёда мангу қолмайди киши,
Мангу қолар яхши номи ва иши.

* * *

Мангу эмаслигин билса-ю инсон,
Ёмон ном қолдирса, ёмондан-ёмон.

* * *

Агар беобрўйлик қиларкан жоҳил,
Бировнинг обрўйи у учун бир пул.
Элик йиллик эзгу номингни дарҳол,
Бир ёмон сўз билан этади поймол.

* * *

Яхши ёмон бўлиб қолмас ҳеч қачон,
Ёмон топмас сира яхши оқибат.
Ёмон ўтган бўлса, яхши ҳам кетди,
Қолди ёмон ному яхши ном фақат.

* * *

Хайрли иш ҳамиша хайрлидир – имконинг борича ундан қўл тортма. Ёмон ишнинг оқибатини айтиб ўтирмайман – уни ўзинг ҳам яхши биласан.

* * *

Амалнинг ажридан ғофил ўтирма,
Бугдой умид қилма экканча арпа.

* * *

Насихат эшитмаган маломатга нишон бўлади.

* * *

Ўзича насихат қиладиганларнинг ўзи насихатга муҳтож.

* * *

Гар насихат бўлса ғараздан холи,
Касалликка қарши энг кучли дори.

* * *

Харажат оқиб турган сув бўлса, даромад айланиб турган тегирмондир.

* * *

Кимнинг харажати даромаддан кўп,
Ўшанинг ҳолига йиғлаш керак хўп.

* * *

Ҳаводаги лочиндан қўлдаги чумчук афзал.

* * *

Эй ризқ учун белини боғлаган, эрта туриш бахт калидир. Эрталабки уйқуга асир бўлмаки, у ризқинг йўлида тўсиқдир.

* * *

Ухлаб ётганларга тонг қушининг замзамасидан, ҳайвонларга эса инсонлик оламидан хабар йўқ.

* * *

Азиз дўстингга ҳам сир берма, ошнам,
Азиз дўсти бордир, чунки унинг ҳам.

* * *

Менга сир берди, деб бўлма кўп хуррам,
Бирга айтган айтар минг кишига ҳам.

* * *

Нокасга йўл кўрсатиш кўрга чирок тутишдир.

* * *

Ёшларга буюрма оғир ишни, бас,
Сандонни мушт билан синдириб бўлмас.

* * *

Бадбахтга насиҳат қилма – олмайди,
Тошга темир михни қоқиб бўлмайди.

* * *

Кўрса тушганини бир қуш тузоққа,
Бошқа қуш дон излаб бормас уёққа.

* * *

Аҳд қилиб кутмагандан аҳд қилмаган яхши.

* * *

Киши сабр қилишдан ҳеч қачон хижолат тортмайди.

* * *

Беҳуда сўзловчи хозиржавобдан хатою савобга сабр қилган яхши.

* * *

Янги чикқан узум турштаъм бўлади,
Икки-уч кун кутсанг, хуштаъм бўлади.

* * *

Йўлчи у эмас гоҳ хафа, гоҳ хаста борар,
Йўлчи шуки, оҳистаю пайваста борар.

* * *

Ошиқма ҳеч агар хато эшитсанг,
Токи ўзинг хато қилган бўлмагин.

* * *

Ҳар осон сўнгида мушқули бордир,
Қаерда гул бўлса, тикан ҳам ёрдир.

* * *

Қийинчилик ортида енгиллик ҳам бор.

* * *

Толе терс келди, деб ўртанма, етар,
Ҳомиладордир тун кунга, биродар.

* * *

Ўзингни кўп кийнама юрилмаган иш учун,
Билсанг, оби ҳаёт ҳам зулмат ичра яширин.

* * *

Васият шу: келса кўлингдан агар,
Вақтингни ҳеч зое қилма, биродар.

* * *

Умринг зое қилма афсус ичра ҳеч,
Фурсат азиздиру вақт – кескир қилич.

* * *

Кеча ўтди-кетди, эрта гумондир
Бугунни хуш ўтказ – ҳаёт шу ондир.

* * *

Қаноат кишини бой қилади.

* * *

Кимнингки қаноат бўлса ҳамроҳи,
Фароғат мулкининг у шаҳаншоҳи.

* * *

Ҳар қандай ҳолда ҳам қаноат яхши,
Ким қаноат қилса, инсонлар нақши.

* * *

Ҳаракат қил бугун бугдой сочишга,
Эрта кучинг етмас арпа топишга.

* * *

Оқил киши эртанинг ҳосилини бугун экади ва бугун-
нинг ишини эртага қўймайди.

* * *

Ёмонлар билан ўтирган яхшилик кўрмайди.

* * *

Нокасларга яқинлашган кишининг умри ўтга тушган
хас каби зое бўлади.

* * *

Ёмонлар билан камроқ ўтирки, кейин пушаймон бўласан.
Чунки инсон табиати ҳар қандай нарсага одатланувчидир.

* * *

Яхши кишиларга эргашиш керак – бу саодатни истаган
киши албатта топади.

* * *

Ярамас кишига бўлма ҳеч ҳамроҳ,
Ўчоққа ёндашсанг, қораси юқар.

* * *

Воқеанинг олдини у юз бермасдан аввал олиш керак.
Иш қўлдан кетгач, афсус-надоматнинг фойдаси йўқ.

* * *

Очиқ чеҳрали кишининг қўлидан заҳар ейиш бадқовоқ-
нинг қўлидан асал ейишдан афзал.

* * *

Қоши чимирилиб дастурхон ёзган кишининг нонини
ейиш ҳаромдир.

* * *

Тунд кишига ҳожатингни айтма – унинг ёмон феълидан
бир дардинг икки бўлади. Очиқ юзли кишига кўнглингни
очсанг, ёқимли чеҳрасининг ўзидан хотиржам тортасан.

* * *

Бирор ҳожатингни битирмоқчи бўлсанг, очиқ юз билан
шушу хандон бор, токи тиришган пешонанг битиб турган
ишнинг йўлини боғламасин.

* * *

Гадой табиатли кимса саратонда қўлингта оби ҳаёт тут-
қизганида ҳам, мешкобчининг жабрига арзимади.

* * *

Хуш-хурсандлик билан битар иш учун
Асаббузарлигу кайсарлик нечун?

* * *

Ғаму шодлик ҳамиша бирга.

* * *

Яхши хотин жоннинг паноҳи,
Ёмонидан асра, илоҳи!

* * *

Яхши киши уйидаги ёмон хотин
Унинг учун бу дунёнинг дўзахидир.

* * *

Овқат иштаҳа келганда ейилади-ю, сўз зарурат туғил-
ганда айтилади, бош уйқу келганда ёстиққа қўйилади-ю,
сухбат эҳтиёж бўлганда қилинади.

* * *

Агар одам бўлсанг, кам таом е, кам,
Эй қорни гумбаз, сен хуммисан, одам?!
Овқатта лик меъда ҳикматдан холи,
Танпарвар кишининг қорин заволи.

* * *

Сўз кўшмаган киши нохуш жавоб эшитиб, хафа бўлмайди.

* * *

Нима дей, деб андиша қилиш нега гапирдим, деб пу-
шаймон ейишдан афзал.

* * *

Душманлар олдида шундай гапириш керакки, борди-ю улар дўстга айланиб қолсалар, пушаймон бўлмагайсан.

* * *

Ўйлаб ол сўзингни такрор ва такрор,
Омонат бўлади таги бўш девор.

* * *

Шаҳватдан ҳазир бўлки, у куйдириб кул қиладиган оловга ўхшайди.

* * *

Бехуда сўзловчи киши муқаррар,
Тили йўқ ҳайвондан минг марта баттар.

* * *

Аввал ўйлаб, кейин сўйламоқ даркор,
Пойдевор устига қўйилар девор.

* * *

Оғиз ичидаги тил бошнинг посбонидир.

* * *

Ақлу нутқи билан инсондир инсон,
Тўти каби бўлма тақлидчи нодон.

* * *

Ким на яхшию на феъли мувофиқ,
На севимли бўлар, на ўзи ошиқ.

* * *

Кичиклардан хато, улуғлардан ато.

* * *

Ёмонлару адабсизларга яхшилик қилиш шўр ерга уруғ сочишдир.

* * *

Тарбият бир хил бўлади-ю, табиат ҳар хил.

* * *

Улуғликдан кўра кичикликда тарбиянинг таъсири кўпроқ бўлади.

* * *

Қанча хоҳла, шунча эг ҳўл новдани,
Қуригач, сазоси олов бўлади.

* * *

Қучоқдан чиқмаган ўғил жанг чоғи
Қўрқоқлар ичида бўлар қўрқоғи.

* * *

Сендан амалинг нима деб сўрайдилар, падаринг ким деб эмас.

* * *

Дейлик, отанг оқилу фозил,
Аммо бундан сенга не ҳосил?

* * *

Хўтиқдай эмас, ахир, одам боласи,
Тўйса, унутади хўтиқ онасин.

* * *

Қаридингми, унут ўтли туйғуни,
Ёшларга қўйиб бер ўйин-қулгини.

* * *

То кишини бир неча ишда синаб кўрмагунча ишонма.

* * *

Маслаҳат ва тадбирни дунё кўрган кексадан сўрайдилар.

* * *

Агар ўғил ов қилиб пишса,
Кўркмайди жанг агар етишса.

* * *

Кимки бемаслаҳат ўтқазар кўчат,
Надомат мевасин теради фақат.

* * *

Устоз суҳбатидан жонпарвар суҳбат йўқ.

* * *

Ёмон муаллимдан эҳтиётинг қил,
Ўзидай қилади бадбахту жоҳил.

* * *

Билиб туриб савол бергандан кўра,
Яхши-ёмонлигинг ўзингдан сўра.

* * *

Ҳақиқий мерос бу – отанинг илми,
Икки кунда тугар тўплаган мулки.

* * *

Бойликнинг боиси сулҳу иттифоқ,
Фақирлик келтирар жанжалу нифоқ.

* * *

Айбингни дўстларингдан сўрама – улар яширадилар.
Душманларингни пойла, қани, нима дейдилар?

* * *

Бошқалар айбини ким сенга қилса дастурхон,
Бошқаларга сени ҳам ёмонлайди бегумон.

* * *

Ёмонламас бировни яхши бўлса ким агар,
Айб изловчи ҳасадгўй кимсадан қилар ҳазар.

* * *

Майдан кизарган бу юзлар оқибат
Сарғайиб-сўлади теккандай ўлат.

* * *

Тамасиз бўйин тик бўлади.

* * *

Бировнинг молига боғлама кўнгил,
Кейин кўнгил узиш бўлади мушкул.

* * *

Қорни оч тўяди бир бурда нонга,
Кўзи оч тўймайди жумла жаҳонга.

* * *

Оч кўзни тўйдиролмас бир дунё неъмату нон,
Тўлмаганидек ғалвир дон элаб хирмон-хирмон.

* * *

Ёлғончидан оқил ор қилади, ор,
Эл ҳам кўрмас одам ўрнида зинҳор.

* * *

Ёлғон сўзлама, эй биродар, зинҳор,
Ёлғончи бўлар хору безътибор.

* * *

Ёлғон сўзлаб топгандан нажот,
Рост сўзла-ю маҳбус бўлиб ёт.

* * *

Ёлғон сўзлаш шамшир зарбига ўхшар:
Нишонаси қолар кетса ҳам захми.

* * *

Ўлган отанг билан мақтанма, фарзанд,
Ит бўлмасанг, бўлма суюкка хурсанд!

* * *

Ахмоққа мақтов ёқади.

* * *

Одам боласи учун нодонликдан баттар иллат йўқ.

* * *

Кимки ўзидан донороқ киши билан баҳс қилса, кимнинг
доно, кимнинг нодонлиги маълум бўлади.

* * *

Агар жоҳил фасоҳат ва заковат устидан ғолиб келса,
сира ажабланадиган жойи йўқ, чунки тош ҳам гавҳарни
синдиради.

* * *

Нодон учун жим ўтиришдан ортиқ фазилат йўқ – агар
буни билганида нодон бўлмас эди.

* * *

Жоҳиллар далилу исботда рақиблиридан енгилсалар,
хусумат қуролини ишга соладилар.

* * *

Нодон ваҳшат солиб, қаттиқ гапирар,
Мулойимлик билан доно дил олар.

* * *

Ер остида ётганлардан эмас, ер устида юрганлардан
кўпроқ кўркиш керак.

* * *

Аҳмоқ мушкни ҳарчанд демасин ёмон,
Парво қилма, унинг гаплари ёлғон.

* * *

Қорундек бой бўлса-да нокас,
Тубан табиати ўзгармас.

* * *

Ёстиққа арзимас нокасининг боши,
Унга ёстиқ бўлсин тоғларнинг тоши.

* * *

Чида бечоралик, очликка, аммо,
Нокаسدан бурда нон сўрама асло.

* * *

Киши бойлик билан афзалмас бешак,
Зар тўким такса ҳам, эшакдир эшак.

* * *

Севги нималигин билмас ҳеч қачон,
Оғир кунда ёрин унутган инсон.

* * *

Душман лутф-эҳсон билан дўстга айланмайди, балки тамаси ортади.

* * *

Кимки олдида душмани бўла туриб уни ўлдирмаса, ўзига ўзи душманлик қилган бўлади.

* * *

Кимки кичик душманни заиф ҳисобласа, у озгина оловни эътиборсиз қолдирган кишига ўхшайди.

* * *

Заиф душмандан эҳтиёт бўлки, у чорасиз қолганида жонингни суғуриб олади. Чунки мушук ожиз бўлса-да, шер билан олишиб қолса, жон талвасасида чангал уриб, унинг кўзини кўр қилади.

* * *

Душманингга қилсанг дардингни дoston,
«Худога шукр!» – дер у шоду хандон.

* * *

Билмайманки, ёмонликни маъқул топган кишилар унда нима яхшилик кўрибдилар?!

* * *

Душман минг бор дўстлик қилса ҳам изҳор,
Оқил уни дўст деб билмайди зинҳор.

* * *

Ўзингдан пастрларни кўрма хор, забун,
Ўзинг ҳам шу ҳолга тушишинг мумкин.

* * *

Бадахшон лаълини синдириш осон,
Лекин синган бутун бўлмас ҳеч қачон.

* * *

Мевага тўйган бўлсанг, шохни синдирма.

* * *

Ёмондан яхши сўз кутмоқлик хато.

* * *

Ёмонлик қилиб, яхшилик кутма сан,
Яхши ҳосил битмас ёмон уруғдан

* * *

Ўзинг хушламаган нарсани сира
Бошқага ҳам раво кўрмагин, жўра!

* * *

Бегона вафо қилса, қариндошдан яхши.

* * *

Ўз аҳдига вафо қилмаган одам
На донишманд бўлар, на дўст чинакам.

* * *

Бу дунёнинг торта-тортларида тегирмон тагидаги тош-
дай бўлган одам ютади.

* * *

Мусибат куни эш излаганга де:
«Имкониинг борида яхшилик қилгин!»

* * *

Мардлик қиличбозлик, қудратда эмас,
Зулмдан ўзингни торта олсанг, бас.

* * *

Кимки мард бўлса, ғаму қайғуга парво қилмас,
Кимки шер бўлса, ҳарорат ошса ҳам маст бўлмас.

* * *

Сенга лутф этганнинг хокипойи бўл.

* * *

Карам дастурхонин кенг ёзган инсон,
Карам оламининг шоҳидир, ишон!

* * *

Тавозедир, билсанг, дўстлик мояси¹,
Ундан юксалади дўстлик пояси.

* * *

Кимки одамгарчилик юзасидан тавозе кўрсатса, унга
одамгарчилик қилмаслик одамгарчиликдан эмас.

* * *

Хоксорлик деб донишманд эрга,
Мевали шох эгилар ерга.

* * *

Тўғрилиқни қилсанг ихтиёр,
Дунё халқи бўлар харидор.

¹ М о я — асос, манба, негиз.

* * *

Дунёда ростликдан яхши иш қани?!
Ростлик ниҳолининг бўлмас тикани.

* * *

Ёмон иш йўқ эгриликдан ҳам,
Яхши номинг бўлар муттаҳам.

* * *

Ҳақ йўлидан тортмасанг оёқ,
Бошинг етар фалакка у чоғ.

* * *

Сидку эътиқодга белингни боғла,
Беҳуда сўзлардан тилингни боғла.

* * *

Тўғрилиқ йўлида адашган кишини кўрмадим.

* * *

Умид, интилишдан тўхтама бир дам,
Жаҳдсиз ҳеч нарсага эришмас одам.

* * *

Бўлмаса жаҳд қатъий, саъй эса комил,
Кишининг муроди бўлмайди ҳосил.

* * *

Ҳар ишга ёр бўлса азму шижоат,
Тикан ҳам гулдаста бўлар оқибат.

* * *

Ғайрат билан киши топар эътибор,
Ғайрат билан бўлар орзу-тилак ёр.

* * *

Саъю ранж чекканлар бир ерга етди,
Сен қайга етасан, нўнок танпарвар?!

* * *

Дўстларни ранжитиш жаҳолатдир.

* * *

Содик дўстлар қариндошдан афзал.

* * *

Агар дўстлар бўлса меҳрибон,
Душман бир иш қилолмай ҳайрон.

* * *

Йиллар давомида синалган дўстни биргина хатоси учун
душманга чиқармайдилар.

* * *

Доно душман чорлар юксакка ҳар он,
Тупрокка коради дўст эса нодон.

* * *

Йўлингда чоҳ турибди деган,
Билсам, сенга хайрихоҳ экан.

* * *

Бировдан дарҳол юз ўгириш ёмон,
Яна топиларми у каби инсон?

* * *

Бўлса юз айбину биргина хислат,
Чин дўст шу хислатинг кўради фақат.

* * *

Кетма-кет минг битта озор етса ҳам,
Дўстдан ўч олишни ўйлама бир дам.

* * *

Дўст қўлидан еганда захар ҳам шакар бўлгай,
Душман қўлидан эса шакар ҳам захар бўлгай.

* * *

Айрилиқни кўрмаган билмайди дўст кадрини,
Суюғи синмаган ҳам мўмиёнинг нархини.

* * *

Жон ширину дунё хушчу мол азиз,
Барчасидан уларнинг бир дўст лазиз.

* * *

Ҳақиқий ёр кўтарар ёрининг жафосини,
Ҳар недан устун кўяр ёрининг ризосини.

* * *

Давлатга етмайди сабри йўқ одам,
То тун кетмай чиқиб келмайди кун ҳам.

* * *

Сени севмаган кишига кўнгил боғлама.

* * *

Адолат, инсофни унутма зинҳор,
Зулмингдан одамлар то бўлмасин хор.

* * *

Адлу инсоф, тўғрилиқ қолсин,
Бўлса ҳамки хазина барбод.

Оқил шоҳ йўл қўймас то бўлсин
Эл харобу хазина обод.

* * *

Халқ умидин окла борича имкон,
То дилда мағфират умиди пинҳон.
Ожизларни қўллаш нима эканин
Англайсан ўзинг ҳам ожиз қолган он.

* * *

Ибодат дегани халққа хизматдир,
Тасбеҳу жойнамоз қуруқ савлатдур.

* * *

Кимки қилса жафою ситам,
Ўз илдизин кирқар у одам.
Ўзи ўтиб кетару золим,
Қолар тавқи лаънати қойим¹.

* * *

Бойлигу қудратга маст бўлиб чунон,
Бечора панжасин айирмоқ ёмон.

* * *

Оёқ остидаги чумоли ҳоли —
Филнинг остидаги одам мисоли.

* * *

Оқил киши меҳру шафқат кўрсатиб,
Илоннинг орқасин силамас асло.
Фосик, мурувватсиз, нокас кимсанинг
Бошини тош билан мажақлаш раво.

¹ Қ о й и м — барқарор, устувор, мустаҳкам.

* * *

Кўйларнинг қорини ёрмасдан аввал,
Бўрининг бошини янчганинг афзал.

* * *

Золим конини тўқ, соч давлатини,
Ёмон қушнинг юлиш керак патини.

* * *

Золимга ҳеч қачон айлама шафқат,
Золимга зулм этиш айни адолат.

* * *

Кўлламаса дўстларинг агар,
Мақсад гули бўлмас муяссар.

* * *

Тадбир билан ҳал бўлар ҳар иш,
Сулҳ яхшидир қилгандан уруш.

* * *

Беозор кишининг оғритма дилин,
Жанг чиқарма, ким истаса сулҳ йўлин.

* * *

Сулҳ муқаррар ҳолда чиқарса уруш,
Бундай кишида йўқ зарра ақлу хуш.

* * *

Хусумат бор ерда сабр айла, зотан,
Жанг йўли боғланар ҳалимлик билан.

* * *

Дўстлар дили бўлса жанг учун ташна,
Келиштириб бўлмас уларни, ошна.

* * *

Агар кўрсанг кўрнинг олдида чоҳдир,
Индамай ўтирсанг, катта гуноҳдир.

* * *

Бўлмай десанг агар бечора,
Топ бечора дардига чора.

* * *

Ёмонларга яхшилик увол,
Бу ҳар оқил кишига маълум:
Кўйларга ёмонлик қилади,
Бўрига яхшилик қилса ким.

* * *

Қилмасин, десанг, эл ортимдан нафрат,
Яхши бўл, барчага айла мурувват.

* * *

Бечорани кўлла, кўнглини шод эт,
Қийналиб яшаган кунларинг ёд эт!

* * *

Агар бўлсин, десанг, дил дарди унут,
Дардмандлар дилининг дардини арит.

* * *

Бировнинг ғамини кўриб, шод бўлиш,
Эси бор одамга ярашмаган иш.

* * *

Халкни тўғри йўлга бошлайди доим,
Ўзи ҳам ёмон иш қилмайди олим.

* * *

Асл олтин каби одам доноси,
Қаерга борса ҳам тушмас баҳоси.

* * *

Уч тоифа бўлар дўст деган, рости:
Тил дўсти, нон дўсти, яна жон дўсти.

Нон дўстни нон бериб, эшикдан жўнат,
Тил дўстга ёлғондан мурувват кўрсат.

Жон дўстингнинг овла кўнглини ҳар он,
Керак бўлса, айла жонингни қурбон.

* * *

Чин дўст айбинг айтар ўзингга
Кўзгу каби туриб юзма-юз.
Тароқ мисол орқага ўтиб,
Минг тил билан қилмайди гап-сўз.

* * *

Биродарлик шарти, дўстлик одати
Айбимни фазилат ҳисоблаш эмас.
Балки бир ножўя қадам ташласам,
Дўстлик ҳаққи, душман тута олсанг бас!

* * *

Дўстларинг кўнглини қолдирсам сендан,
Ярашарми одам деган ном менга?
Чин дўстлик даъвоси ушбу эмасми –
Душманлар кўнглини ийдирсам сенга?

* * *

Ҳақиқий дўст шуки, айбингни юзингга айтади, сен хафа бўлиб, ундан юз ўгирсанг, бадном бўлмаслигинг учун барчасини яширади.

* * *

Биров узоқ вақтдан буён бир дўстини кўрмаган эди.
– Қаерларда юрибсан? Одамни соғинтириб юбординг-ку! – деди учрашганларида.
– Безор бўлгандан соғиниб юрган яхши, – жавоб қилди у.

* * *

Бўйин эгма, ёвинг бўлса-да Рустам,
Миннат чекма, дўстинг бўлса-да Ҳотам!

* * *

Нима кийишингнинг фарқи йўқ – ишласанг бўлди.

* * *

Мақсадга етказар фақат тўғри йўл,
Ёр бўлсин, десанг, бахт, давлат, тўғри йўл.

* * *

Оқилнинг юргани доим тўғри йўл,
Номим улуғ бўлсин, десанг, тўғри бўл.

* * *

Ростдан бошқа гапни гапирма зинҳор,
Ростнинг чапдан қанча афзаллиги бор.

* * *

Дўстликдан мақсадинг бўлса хайр-эҳсон,
Сен худбиндан чин дўст чикмас ҳеч қачон.

* * *

Камтарликдан бошинг етади тоққа,
Кибрдан тенг бўлар қора тупроққа.

* * *

Мардлик ҳамла қилиш эмас, балки ғазаб вақтида ўзини
тутиш ва инсоф чегарасидан ташқари қадам қўймасликдир.

* * *

Бировдан сўрадилар:
– Амалсиз олим нимага ўхшайди?
Жавоб қилди:
– Асалсиз арига.

* * *

Илм ўрганиб, унга амал қилмаган ерни ҳайдаб, экин эк-
маганга ўхшайди.

* * *

Икки киши беҳуда машаққат чеккан ва бефойда ҳаракат
қилган ҳисобланади: уларнинг бири мол йиғиб, ўзи фойда-
ланмаган, иккинчиси илм ўрганиб, унга амал қилмаган.

* * *

Мусибатга дучор бўлмай киши хотиржамлик қадрини
билмайди.

* * *

Беадаб фарзанд туғилганидан ўша наслнинг кесилгани афзал.

* * *

Луқмони ҳакимдан сўрадилар:

– Одобни кимдан ўргандинг?

– Одобсизлардан ўргандим, – жавоб қилди у – уларнинг қайсики қилиғи менга ёқмаган бўлса, ўшандан ўзимни сақладим.

* * *

Эски тўнинг ювиб, яна, бер пардоз,
Бировнинг тўнини кийгандан шу соз.

* * *

Сувни тўс тўғонни бузмасдан ҳали,
Кеч бўлар бошингдан ошган маҳали.

* * *

Икки киши бу дунёдан армону ҳасрат билан ўтади: бири йиққану емаган бўлса, иккинчиси билгану қилмаган.

* * *

Ҳар кимдаки сабр йўқ, ҳикмат йўқ.

* * *

Ҳар қандай сирингни ҳам дўст билан баҳам кўраверма,
бир куни душманингга айланиб қолса, нима қиласан?

* * *

Пинҳон сирингни ҳеч кимга, ҳатто содиқ дўстингга ҳам айтма, чунки содиқ дўстингнинг ҳам содиқ дўсти бўлиши мумкинлигини унутма.

* * *

Хом киши пишиши учун кўп сафар қилиш керак.

* * *

Бечора фақирга биёбон ичра
Хом кумушдан пишган шалғам кўп афзал.

* * *

Қолдирса ўзидан, мард шу, хойнаҳой,
Кўпригу ҳовузу ҳам қарвонсарой.

* * *

Ибрат ол тушса эл бошига қулфат,
То бошқалар сендан олмасин ибрат.

* * *

Олам қилса насиҳат нодон олиши маҳол,
Қафасдаги ҳавою ғалвирдаги сув мисол.

* * *

Дуо умид қилма, бераркан дашном,
Ҳар ким экканини ўрар, вассалом.

* * *

Қайда чучук сув бор, ёнида, кўргил,
Инсону хайвону қуш тутар манзил.

* * *

Мурувватсиз хунук арига дегил:
«Асалки бермайсан, нишинг санчмагил».

* * *

Хавфли – баландлатма шамингни кўпам,
То қуйиб кетмасин хонумонинг ҳам.

* * *

Хўкизлар ножўя иш қилса агар,
Товонини пода соҳиби тўлар.

* * *

Ярим йўлда қолди қанча учқур арғумок,
Эшак етишди манзилга бўлса ҳам оқсоқ.

* * *

Ҳожи сен эмас, туя, чунки чекиб риёзат,
Юк кўтарса-да, қилар у тиканга каноат.

* * *

Боқилган хўкизмас, балки ориқ от
Иш беради бўлса жанг, қирғинбарот.

* * *

Бу дунёда азал бир ҳол устувор:
Нодонлар азизу доно хору зор.

* * *

Пиёда ҳолидан отлиқ беҳабар,
У бечора юрар, бу-чи, югурар.

* * *

Гар қўл тортса ваҳший овидан қоплон,
Ризк деб домга тушар мисоли сичқон.

* * *

Кичкина чашма ҳам суви тошган дам,
Окизиб кетади туяларни ҳам.

* * *

Оби ҳаёт бўлса ҳар чоҳда агар,
Ҳамма осонгина унга эришар.

* * *

Гарчи фаросатдан бебаҳра эшак,
Азиз кўтаргани учун юк бешак.

* * *

Дардмандмиз бўлмаса агар мол-дунё,
Бўлса қули бўлиб қоламиз ҳатто.

* * *

Йўқ мушқдан сўз очиб, мақтанма зинҳор,
Бўлса хиди ўзи қилади ошкор.

* * *

Ғам ема, тишсиз ҳам еса бўлар нон,
Агар нон бўлмаса, буниси ёмон.

* * *

Ҳар ерга ризқини излаб борар қуш,
Ҳеч нима йўқ ерга қушда ҳам йўқ ҳуш.

* * *

Мухтасибнинг ўзи ҳам май ичса, мастни маъзур тутади.

* * *

Узумнинг лаззатини бева хотин билади, боғбон эмас.

* * *

Уч нарса уч нарсасиз барқарор эмас: мол тижоратсиз,
илм баҳссиз ва мулк сиёсатсиз.

* * *

Мурдорга икки ит баравар бошини тикмайди.

* * *

Мувофиқ ишни қил, қўлингдан келганини эмас.

* * *

Агар қорин ғами бўлмаганида ҳеч бир қуш овчи тузоғига тушмас, балки овчининг ўзи ҳам йиртқичларга ўлжа бўлмас эди.

* * *

– Қишда нега инингдан чикмайсан? – деб чаёндан сўраганларида:

– Ёзда чиқиб, нима ҳурмат кўрдимки, қишда чиқсам? – деб жавоб қилган экан.

* * *

Бир умр мол йиғиб, емаган баттол –
Рухига ҳаттоки тиловат увол.

* * *

Гапирмасанг сенга кимнинг иши бор,
Гапирдингми, унга далил ҳам даркор.

* * *

Қўлга олиш керак бу қушни,
Ҳаёт олмай қўлингдан кучни.

* * *

Кўпни кўрган донодан ҳатто
Тузук тадбир чикмас гоҳи дам.
Нишонга ўк тегизар гоҳо
Янглишганча нодон гўдак ҳам.

* * *

Баландга чиқишни истамас сира,
Йиқилиб тушишдан чўчиган одам.
Отдан учиб, бўйнинг сингандан кўра,
Яхши-ку юрганинг ерда хотиржам.

* * *

Агарчи айб эмас кўришиш дийдор,
Бораверма то бас дегунга қадар.
Бошқадан маломат эшитмас зинҳор,
Ўзини маломат қилса ким агар.

* * *

Мушукнинг бўлсайди қаноту пари,
Солар эди чумчуқ зотига қирон.
Эшакда бўлсами хўкиз шохлари,
Ёнига йўлолмас эди тирик жон.

* * *

Яхши топиб амал, давлат, эътибор,
Ёмоннинг топгани дашному озор.

* * *

Яхшининг шуҳрати боради ўсиб,
Ёмонлар билмайди ҳеч уни тўсиб.

* * *

Кимга бўлса кам ейиш одат,
Қаттиқликни ўтказар осон.
Ўлар етса ранжу машаққат,
Ким танпарвар бўлса бегумон.

* * *

Мулойимлик билан, ширин тил билан,
Филни олиб келса бўлар қил билан.

* * *

Сўзни ўлча ақл тарозисида,
Илмсиз сўз шамол каби беҳуда.

* * *

Доно қошида тилни тийиш маъкул бўлса ҳам,
Сўзга қўшилган яхши лозим топилгани дам.

* * *

Фазлу камол бўлмаса агар,
Тилингни юр тийиб доимо.
Пуч ёнғоқни енгиллигию
Одамни тил қилади расво.

* * *

Эҳсон қилу миннат айлама – фойдаси ўзингга қайтади.

* * *

Сен ҳар қанча бўлма илмда афзал,
Нодонсан, агарда қилмасанг амал.
Эшак ташимасин китобни ҳарчанд,
У на ориф бўлар ва на донишманд.
Дунёдан бу онгсиз ҳайвон беҳабар,
Устида ўтинми ё китоб-дафтар?

* * *

Ҳар кимнингки умри беҳуда ўтди,
У ҳеч нима олмай, олтин йўқотди.

* * *

Нопок олим машъала кўтарган кўрга ўхшайди.

* * *

Минг ошиқли маъшуқага дил берма асло,
Агар берсанг, сени қилар у хору расво.

* * *

Пул билан битадиган иш учун жонингни хатарга қўйма.

* * *

Душманни заиф қўриб, мурувват кўрсатмаки, бир куни
кучайиб кетса, сенга шафқат қилмайди.

* * *

Илоннинг бошини душман қўли билан янч – бунда икки
манфаат мавжуд: агар душман ғолиб чиқса, илондан куту-
ласан, илон кучли бўлса душмандан.

* * *

Бировнинг кўнглини оғритадиган хунук хабарни эшит-
санг ҳам тилингга чиқарма, қўй, уни бошқалар айтсин.

* * *

Оч ичакни тўлдирар бир бурда нон, шубҳасиз,
Оч кўзни тўлдиролмас бутун олам неъмат.

* * *

Дилозордан бадбахт киши йўқ зинҳор,
Бошига иш тушса, ҳеч ким бўлмас ёр.

* * *

Ким экканин хом еб битирар,
Ҳосил вақти қолдиғин терар.

* * *

Икки нарса ақлнинг қусурига далолат қилади: гапириш
керак бўлган вақтда сукут сақлаш, жим ўтириш тақозо қи-
линганди гапириш.

* * *

Жанг ва фитна кўзғайдиган ростдан яхшиликка хизмат қиладиган ёлғон яхши.

Тутамайди сира исириқ
Куйиб-ёнган дардли дилчалик.

* * *

Ҳамма ерга бир хил ёғса-да ёмғир,
Боғда лола унар, шўразорда хас.

* * *

Агарчи улуғлар ёр, ҳамнафаси,
Бўри бўлиб қолар бўри боласи.

* * *

Шўр ерда ҳеч қачон битмайди сунбул,
Уруғ сочиб, чекма беҳуда заҳмат.
Ёмонга яхшилик қилиш ҳам шу хил,
Яхшига ёмонлик қилишдир албат.

* * *

Кўршапалак агар кўрмас кундузи,
Бечора қуёшнинг гуноҳи нима?

* * *

Умид қилма, ўтган умр
Қайтиб келмайди сира.

* * *

Мол-дунё тутмас қарор сахийларнинг кўлида,
Ғалвирда турмайди сув, сабр йўк ошиқ дилида.

* * *

Оташпараст бир умр гарчи ўтга сиғинар,
Ўтнинг ичига тушса, ўзи ҳам куйиб кетар.

* * *

Хумо кушлар ичида топди шундан эътибор,
Суяк ер, бермас сира жониворларга озор.

* * *

Сабр аччиқ бўлса ҳам,
Меваси ширин ҳар дам.

* * *

Қорун ўлди – мол-мулки бўлса ҳамки зиёда,
Боқий Анушервоннинг эзгу номи дунёда.

* * *

Қолмас бу дунёда золим, ситамкор,
Қолар лекин тавқи лаънати ёдгор.

* * *

Худодан хоҳласанг лутфу марҳамат,
Қил Худо халқига хайру саховат.

* * *

Ўқ камондан чиққани билан,
Уни отган бўлади мерган.

* * *

Қўлдан-қўлга ўтиб, бизга келган мулк,
Қўлдан-қўлга ўтиб, борар бошкага.

* * *

Сахро елидек хаёти дунё ўтади,
Яхшию ёмон, хунугу зебо ўтади.
Золим қувонар элга ситам қилдим деб,
Аслида гуноҳ бўйнида, расво ўтади.

* * *

Шоҳ раъйига карши сўз айтиш
Ўз қонига қўл ювмоқ гўё.
«Тўғри, – денг у кунни деса тун, –
Порламоқда ана Сурайё».

* * *

Қувонма душманинг ўлганига, бас,
Бизнинг ҳам тириклик абадий эмас.

* * *

Азоб-уқубатда ўлар кимёгар,
Аблаҳ харобадан хазина топар.

* * *

Бошқаларнинг айбини ким қилса сенга дoston,
Сени ҳам қилар ғийбат бошқаларга бегумон.

* * *

Ҳакни кўрувчи кўз бўлсайди сенда,
Ўзингни кўрардинг ҳаммадан ожиз.

* * *

Товуснинг хуснига таҳсин ўқир эл,
Хунук оёғидан у бўлса хижил.

* * *

Туни билан хастанинг бошида йиғлаган зор
Тонгда ўлиб, оёққа турди тузалиб бемор.

* * *

Рад этма зорланиб сўраса гадо,
Йўкса золим тортиб олар куч билан.

* * *

Узру тавба кутқарар Худонинг азобидан,
Лекин халқ гап-сўзидан қутулиб бўлмас асло.

* * *

Ёмон бўлиб, яхши деб ном олгандан,
Яхши бўлиб, ёмон аталган яхши.

* * *

Агарда сен истасанг давлат,
Энг олий давлатдир қаноат.
Бой этагинг тўлдирса зарга,
Илма уни сира назарга
Бойнинг ҳимматидан ҳар маҳал
Қаноати дарвешнинг афзал.

* * *

Дўстлар билан бирга бўлиш зиндонда,
Соз кезгандан ётлар билан бўстонда.

* * *

Яхшига учраса ярамас хотин,
Жаҳаннамга айлантирар ҳаётин.

* * *

Халқни тарғиб этар таркидунёга,
Ўзлари тўймайди мулки дунёга.

* * *

Ухлаб ётган уйғотарми ухлаб ётганни?

* * *

Окар дарё бир тош билан булғаниб қолмас.

* * *

Нон эмас, бўлса офтоб бахил дастурхонида,
Ёруғлик кўрмас эди киёматгача дунё.

* * *

Очиқ юзли кўлидан еганинг яхши заҳар,
Бадқовоқнинг кўлидан егандан кўра шакар.

* * *

Чумолига қанот битмаса яхши.

* * *

Дунёга ўч киши кўзини фақат
Ё тупрок тўлдирар, ёки қаноат.

* * *

Агар билсанг бир зебо хилқат¹ –
Ўрнин босмас минг нафис хилъат.

* * *

Бир дунё молдан озгина жамол афзал.

* * *

Гўзал юз хаста диллар дардига дармону, берк эшиклар-
ни очувчи калитдир.

¹ Х и л қ а т – яратилиш, пайдо бўлиш.

* * *

Сочингнинг ҳар толаси агар ақлга кондир,
Ақл бермайди фойда, агар бахтинг ёмондир.

* * *

Куч билан тутиб бўлмас давлат этагин асло,
Кўр кўзга ўсма қўйиш бўлганидай нораво.

* * *

Доно киши вужуди асл олтин мисоли,
Ҳар қаерга бормасин, қиммати тушмас асло.
Аслзода нодоннинг сафарга йўқдир холи,
Уйдан ташқари чиқса, ит ҳам танимас ҳатто.

* * *

Ажали етмасдан киши ўлмас деб,
Аждарҳо комига тикма бошингни.

* * *

Ҳарислик кўр қилар оқил кўзини,
Қуш тама деб урар домга ўзини.

* * *

Душманни қўзғасанг, хотиржамлик ёт.

* * *

Тариқдай зар афзал беқиёс кучдан.

* * *

Адоват кўзига йўқдир фазилатдан улуғроқ айб,
Агар гул бўлса-да Саъдий, ганимларга тикандайдир.

* * *

Сўз ҳар қанча бўлмасин гўзал,
Ва таърифга лойиқ ҳар маҳал.
Бир бор айтсанг бас, қилма такрор,
Ҳолвани ҳам есанг бас бир бор.

* * *

Қошига бор, кимки сенга талабгор,
Нозингни кўтарар бўлса харидор.

* * *

Кимдану нимадан дил узиш мушкул,
Яхшиси дилингни бермаган маъкул.

* * *

Ҳоҳ тазарру айла, хоҳи дод-фиғон,
Ўғри қайтармайди молинг ҳеч қачон.

* * *

Ҳар бир сўз учун баҳс қилмоқ нораво,
Улуғлардан хато изламоқ хато.

* * *

Тўкиб биров обрўсин одам,
Ўзи обрў топмайди ҳеч ҳам.

* * *

Ҳамма ўз айбини ортмоқлаб яшар,
Ҳеч кимни таънага қўмма, биродар.

* * *

Эшитма ишқдан сўз очса фирибгар,
У бошга иш тушса, ёрин унутар.

* * *

Агар бўлса кўнглинг олган дилором,
Бошқа нарса сени ҳеч қилмасин ром.

* * *

Ёшлар гарчи соғлом, гўзал, беғубор,
Аҳду вафо ичра аммо бекарор.
Вафодорлик кутма булбуллардан ҳеч,
Гулдан-гулга кўниб юрар эрта-кеч.

* * *

Хотинки, эридан норизо бўлгайдир,
Иши жангу жанжал доимо бўлгайдир.

* * *

Ҳар қанча қилмасин жафо нозанин,
Ошиқ кўтаради севгани учун.

* * *

Йиллар ўтди – отанг қабрини
Айладингми зиёрат бир бор?
Унутма, не қилсанг отангга,
Ўғлингдан шу бўлади такрор.

* * *

Ёшликка хос қувонч бўлмас қарида,
Бир оқиб кетган сув қайтмас ариққа.
Худди ёш майсадек тебранмас ҳеч ҳам,
Экинлар ҳам ўроққа келгани дам.

* * *

Кўли қалтираган гавҳарни тешолмайди.

* * *

Қобил бўлса агарда гавҳар,
Унга қилар тарбият асар.
Ёмон бўлса аслида темир,
Минг бир сайқал қилмайди таъсир.
Итни ювсанг етти дарёда,
Ифлослиги бўлар зиёда,
Исо эшаги Ҳаж қилса ҳам,
Эшакликча қолади ҳар дам.

* * *

Ким ёш чоғи ўрганмас адаб,
Улғайгач йўқ фойдаси ҳеч ҳам.
Хўллигида эгилар новда,
Ўтин бўлар қуригани дам.

* * *

Агарда муаллим бўлса беозор,
Болалар дарсини қилишар бозор.

* * *

Топишингга қараб айла сарф,
Халк ичида бор шундай кўшик:
«Тоғларга қор ёғиб турмаса,
Қолар эди дарё куп-курук».

* * *

Бахту толе соҳиблари ҳеч қачон
Қора кунни ўйлаб, чекмайдилар ғам.
Бор, хурсандчилик қил, эй ёри жонон,
Эртанинг ғамини ўйлама ҳеч ҳам.

* * *

Тошдан ҳосил бўлса ҳамки сийму зар,
Ҳар бир тошда бўлмас сийму зар лекин.

* * *

Ўғлига васият айлади ота:
«Болам, кулоғингга жо бўлсин бу панд.
Кимки ўз аҳлига қилмаса вафо,
У сира бўлмайди дўсту давлатманд».

* * *

«Ҳомиладор аёл туғиш пайтида
Тукқанидан кўра ярамас фарзанд,
Илон туғса эди яхши минг марта!» –
Деб ўйлар ким бўлса аҳли донишманд.

* * *

Фазилатмас бўлиш дунёга эга,
Бирор дилни овла сен ундан кўра.

* * *

Ким ақлу адабсиз қирққа кириб ҳам,
Сени уни ҳеч қачон санама одам.

* * *

Саховат аҳлида йўқдир пулу мол,
Бойлар муруватни қилмайди хаёл.

* * *

Ёз бўйи йиғади чумоли дон-дун,
То кишда яшай деб хотиржам, тўкин.

* * *

Йиртқичга гўшт бўлса бас, Солих¹ туясими ё
Дажжол² эшаги гўшти – сўраб ўтирмас асло.

* * *

Биров ранжу азоб билан бир неъматга етади,
Биров келиб осонгина уни олиб кетади.

* * *

Агар айланса дурга ёмғирнинг ҳар қатраси,
Эшакмунчоқдек дурга тўлар бозор растаси.

* * *

Қур дўст билан оҳиста суҳбат,
Ёвуз душман эшитмасин то.
Эҳтиёт бўл девордан беҳад,
Деворда ҳам кулоқ бор ҳатто.

* * *

Қолмагач бирор-бир мураса йўли,
Мумкиндир шамширға узатсанг қўлинг.

* * *

Афв этиш агарчи яхшидир ҳар дам,
Золим ярасига қўйма ҳеч малҳам.
Ким ёвуз илонга айласа шафқат,
Одамлар бошига солади кулфат.

* * *

Душманнинг насиҳатини қабул қилиш хато, лекин эши-
тиш раво, чунки унга қарши иш қилиш яхшидир.

¹ С о л и х – Самуд қавмини ҳидоятга бошлаш учун юборилган пайғамбар.

² Д а ж ж о л – Ислом динига кўра, киёмат олдидан пайдо бўладиган ва диндор-ларни Аллоҳ кўрсатган тўғри йўлдан оздирадиган бир кўзли одамсимон махлук.

* * *

Ўк каби тўғри йўл кўрсатса ҳам ёв,
Ундан қайту киргил чап йўлга дарров.

* * *

Йигит чолдан сўради: «Эй донишманд,
Кўрган-билганингдан бер менга бир панд».
Деди: «Яхшилиқни қил меъёрида,
То бўри кучайиб кетмасин жуда».

* * *

Қаҳру ғазаб алангаси аввало жаҳлга минганнинг ўзига
уради, кейин унинг тили душманга ё етади, ё йўқ.

* * *

Жангда заиф душмандан эмин бўлма сира ҳам,
Шернинг додини берар жондан умид узган дам.

* * *

Қайсарга насихат қилганнинг ўзи насихатга мухтож.

* * *

Аҳмокқа мактов ёқади.

* * *

Душман хийласига учмаю маддох мактовидан ҳаволан-
ма, униси макр тузоғини қурган, буниси тама эшигини оч-
ган бўлади.

* * *

Шаҳват бир оташдир – қил ундан парҳез,
Айлама ўзингга дўзах ўтин тез.
Бу ўтда куйишга тоқатинг етмас,
Сабр суви билан ўчир уни, бас.

* * *

Қаноатли киши бир бурда нонга тўяди, очкўз эса бутун дунё неъматини еса ҳам ҳамиша оч юради.

* * *

Ҳайвон гапиришни ўрганмас асло,
Сен ундан сукутни ўргансанг аъло.

* * *

Ўйламасдан жавоб қилса ким,
Сўзларида хато кўп доим.
Ё инсондек гапир гўзал, хуш,
Ё ҳайвондек ўтиргил хомуш.

* * *

Сурати гўзалнинг сийрати ҳам гўзал бўлавермайди.

* * *

Бир кун суҳбат қуриб, билса бўлади
Кишини не ерга етказмиш илм.
Лекин ичида не ёмонликлар бор,
Баъзида йиллаб ҳам бўлмайди маълум.

* * *

Шерга чанг солишу қиличга мушт тушириш ақлли кишининг иши эмас.

* * *

Ожиз кучлига ташланса, ўзини ўлдириши учун душманга ёрдам қилган бўлади.

* * *

Кўлингда тош бўлса, тош узра илон,
Ўлдирмасанг бўлар ўзингга ёмон.

* * *

Тирикни ўлдириш қийинмас, аммо,
Тирилтириб бўлмас ўликни асло.
Камондан учган ўқ қайтмайди ортга,
Бесабрлик бўлар бошингга бало.

* * *

Агар қарға билан бўлса ҳамқафас,
Ажаб йўқ, булбулдан чикмаса нафас.

* * *

Гавҳар агар ботқоққа тушса ҳам нафислигича қолади,
ғубор агар фалакка юксалса ҳам қадри ошмайди.

* * *

Истеъдод тарбиясиз қолса хайфу лаёқатсизга тарбия
хайф.

* * *

Мушк атторнинг таърифига мухтож эмас.

* * *

Жохиллар ичида ўтирган доно,
Фозиллар келтирар шундайин масал:
Ё Куръон кофирлар саройи аро,
Ё кўрлар ичига тушган бир гўзал.

* * *

Қанча йиллар керак оддий тош
Айлангунча жавоҳирга то.
Бир лаҳзада уни, эй бебош,
Сен синдириб ташлама асло.

* * *

Тома-тома кўл бўлур ҳар он,
Дона-дона юксалар хирмон.

* * *

Гуноҳ ким томонидан содир этилмасин, маъқул эмас ва илм аҳли унга қўл урса, икки карра ёмондир, чунки илм шайтонга қарши кураш учун қуролдир, бинобарин, қуроли бўла туриб асир тушиш ўта шармандалиқдир.

* * *

Агар йўлдан озса ақли йўқ нодон,
Таквосиз донодан афзалдир минг бор.
Чунки унинг кўзи кўрдир бегумон,
Кўзи очик бўлиб, бу бўлди абгор.

* * *

Душман сўзи билан дўстингдан кечдинг,
Кимдан айрилдинг кимга етишдинг?!

* * *

Тиригида емаганлар таомини,
Ўлганида эсламаслар ҳеч номини.

* * *

Мисрдаги қаҳатчилик йилларида очларга ҳам қолсин деб, Юсуф алайҳиссалом ҳеч қачон тўйиб овқат эмас эди.

* * *

Ким неъмату роҳат ичра хуш яшар,
У очнинг ҳолини қаердан билар?
Ҳаётда қаттиқлик кўрмаган бир бор,
Мискинлар ҳолидан қайда хабардор?

* * *

Нафс бандаси ризк ахтариб дунё бўйлаб чарх урар,
Оркасидан тузоқ қўйиб, ажал елиб-югурар.

* * *

Ақл икки нарсани – белгиланган ризқдан ортиғини ейиш
ва муддати етмай ўлишни англашдан ожиз.

* * *

Чекиб минг нолаю оҳ, оғиздан хоҳ шикоят,
Хоҳи чиксин куфр сўз, ўзгармас сира тақдир.
Шамол хазинасига вакил қилинган малак
Бева чироғи ўчса, парво килмайди, ахир.

* * *

Хоҳи елиб-югур, хоҳи ўтир хотиржам,
Етказади Худо ўзи ризкинг ҳар маҳал.
Шер оғзига тушсанг ҳамки, сира ема ғам,
Сенга зарар етказолмас келмаса ажал.

* * *

Балиқчи насибаси бўлмаган балиқни дарёдан туюлмайд
ва балиқ ажали келмай курукликда жон таслим қилмайди.

* * *

Ҳасадгўй бировга Худонинг ўзи берган неъматдан ку-
йиб, уни душман ҳисоблайди.

* * *

Ҳасадгўйга сира тилама бало,
Балога у бадбахт ўзи мубтало.
Душманлик қилишнинг йўқ ҳеч ҳожати,
Душмани у билан бирга доимо.

* * *

Гўзал хулкли, ширин сўзли бир сардор,
Дилозор фақиҳдан афзалдир минг бор.

* * *

Муруватсиз эркак хотинга ўхшайди, тамагир такводор
қароқчига.

* * *

Агара дўст тутинсанг филбонлар билан,
Филлар сиғадиган уй ҳам қур улкан.

* * *

Имом Ғаззолийдан:

– Илмда бу қадар юксак мартабаларга қандай эришдингиз? – деб сўраганларида:

– Мен ўзим билмаган нарсаларни бошқалардан сўрашдан ҳеч қачон ор қилмаганман, – деб жавоб берган экан.

* * *

Ўзинг топиб еган сирқаю гиёҳ,
Бойнинг кабобидан афзалдир ҳар гоҳ.

* * *

Лукмон карадики, Довуд қўлида
Қудрат билан темир бўлмоқдадир мум.
«Нима ясайсан?» – деб сўрмади, чунки
Бўлган эди нима ясаши маълум.

* * *

Кўриб донони, ундан истасам панд,
Деди: «Бўлма яқин нодонга, фарзанд.
Эшакка айланар ким бўлса фозил,
Нодон эса бўлар аҳмоғу жоҳил».

* * *

Ҳар қанча лутфу марҳамат кўрсатма, душман дўстга ай-
ланмайди, билъакс тамаси янада зиёда бўлади, дейдилар.

* * *

Ким сенга айласа лутф, бўл оёгин тупроғи,
Кўзин тупроққа тўлдир ёмонлик қилган чоғи.
Лутфу карам билан сўз қотма сира бадфеълга,
Минг эговла, темирдан кетмагай ҳеч занг доғи.

* * *

Оғзини ҳеч сўзга очмайди доно,
Ўзидан бир нарса сўрмагунча то.

* * *

Кимга бўлса ҳақгўйлик одат,
Хатосин ҳам ростга йўйишар.
Кимки машҳур ёлғончиликда,
Рост сўзин ҳам ёлғон дейишар.

* * *

Ёлғон қилич зарбига ўхшайди: жароҳати битса ҳам, чан-
диғи қолади.

* * *

Туз ҳақини унутган одамдан туз ҳақини сақлаган ит
яхши.

* * *

Бир бурда нон берсанг, унутмайди ит,
Сўнг минг тош отсанг ҳам қолмас орқангдан.
Бир умр яхшилиқ қилсанг нокасга,
Арзимас нарсага тутар ёқангдан.

* * *

– Барча фазилат рост қўлда бўла туриб, нега узукни чап
қўлга тақадилар? – деб бир донишманддан сўраганларида:
– Фазилат аҳли ҳамиша хору зорлигини билмайсанми?
– деб жавоб қилган экан.

* * *

Инсонни яратиб, ризқ берган Худо
Ё фазилат, ё бахт этади ато.

* * *

Бир дарвеш Худога муножот қилиб айтар эдики:
– Эй пок Парвардигор! Ёмонларга раҳмат қил, чунки
яхшиларга раҳмат қилгансан – уларни яхши қилиб ярат-
гансан!

* * *

Бир жуфт бодринг берсанг қозига шу зум
Ўн қовун полизин сенга этар ҳукм.

* * *

Ўтади барчаси – яхшию ёмон,
Бахтлидир яхшилиқ қилолган инсон.

* * *

Ҳаёт куёшида эрир умр – қор,
Эй банда, сен қачон тортасан хушёр?

* * *

Гўзал юз пардозга муҳтож эмас.

* * *

Аввал ўйлаб, кейин сўзла ҳар нафас,
Бас демасларидан сўзингни қил бас.

* * *

Мушук сичқон тутиш чоғи шер гўё,
Сичқондир шер билан курашган асно.

* * *

Жисмимиздан қолмас бир кун ном-нишон,
Ёдгор бўлиб қолар сўзимиз фақат.

* * *

Жонидан умидини узган дилидагини кўркмай айтади,
дейдилар.

* * *

Бу дунё ҳеч кимга қолмас, биродар,
Фақат Яратганни севсанг ярашар.
Молу дунё кирмас жонингга ора,
Қанчалар маҳв бўлди тополмай чора.
Тахтда берасанми ё заминда жон,
Фарқи йўқ ажалинг келса бегумон.

* * *

Умринг ғанимат бил, айла хайр-эҳсон
Халқ айтмай: «Топширди фалончи ҳам жон».

* * *

Яхши ўлиб, ўрнини ёмон эгалласа, бундан ёмони йўқ.

* * *

Дунёдан йўқолиб кетса ҳам Ҳумо,
Бойкушдан ҳеч киши изламас паноҳ.

* * *

Тушса Ҳақ дўстининг қўлига бир нон,
Ярмини дарвешга этади эҳсон.
Бошқа бир иқлимга тикар кўзини
Бир иқлимни қўлга киритган султон.

* * *

Дўст меҳрибон бўлса, душман ҳеч нарса қилолмайди.

* * *

Кимнинг қўйнида ёру кимнинг кўзи йўлда зор —
Ўртасида бу икки одамнинг катта фарқ бор.

* * *

Мақсадимиз эди панду насихат,
Айтдигу Худога қилдик ҳавола.

МУНДАРИЖА

Ҳаёт муаллими	3
Ғазаллар	25
Таржеъбанд.....	69
Рубойилар	75
«Соҳибия»дан.....	113
Фардлар.....	119
Ҳикматлар.....	125
Огаҳий таржимаси	154
Сидкий Хондайлиқий таржимаси.....	174
Мулло Муродхўжа таржимаси.....	181
Ғафур Ғулом таржимаси.....	192
Рустам Комилов таржимаси.....	213
Чустий таржимаси	233
Шонслом Шомухамедов таржимаси.....	299
Алибек Рустамов таржимаси	376
Ҳаёт Неъмат таржимаси	383
Эргаш Очилов таржимаси.....	388

САЪДИЙ ШЕРОЗИЙ

Маърифат ёғдуси

Туркман ва форс тилларидан
Эргаш ОЧИЛОВ таржимаси

«HILOL-NASHR» нашриёти
Тошкент — 2015

Мухаррир: *Аҳмад Муҳаммад*
Баддий муҳаррир: *Абдулбосит Қамбаров*
Техник муҳаррир: *Мансур Қаюмов*
Саҳифаловчи: *Ҳабибуллоҳ Шукруллоҳ*
Муқова дизайнери: *Равшан Маликов*
Мусахҳих: *Ёрқинжон Ҳайдаров*

Нашр лицензияси № АІ 235, 11.02.2013 йил.

Босишга рухсат этилди 07.11.2014 Бичими 60x90 ¹/₁₆.
Times New Roman гарнитураси. Офсет босма. Босма табағи 27.
Шартли босма табағи 27.44. Адади 1000 нусха.
Буюртма № 17. Баҳоси келишилган нархда.

«Hilol-Nashr» нашриёт-матбааси
100185, Тошкент шаҳри, Сўгалли ота, 5
Тел. (99871) 2175999, факс (99871) 2175478
<http://hilolnashr.uz> e-mail: info@hilolnashr.uz



Мумтоз адабиёт
дурдоналари

Султон Шероид

Маърифат
ёздуси

